



Хусанбой КАРИМОВ

ЧУҚҚИДАН ОҚҚАН
КЎЗ ЁШЛАР...



Ҳусанбой Каримов
Ўзбекистон Журналистлар ижодий
уюшмаси аъзоси

Ҳусанбой КАРИМОВ

ЧЎҚҚИДАН
ОҚҚАН
КЎЗ ЁШЛАР

Детектив қисса

«ФАРҒОНА» нашриёти,
2008 йил

КАРИМОВ Хусанбой.
ЧЎҚҚИДАН ОҚҚАН КЎЗ ЁШЛАР. Детектив қисса.
«ФАРФОНА» нашриёти, 2008 й. -284 б.

© «ФАРФОНА» нашриёти, 2008

КИРИШ СЎЗИ

Жиноятнинг узун йўлига кирган одам учун бу қўҳна ҳаётнинг нони тошдан ҳам, темирдан ҳам қаттиқ. Боиси, эртами-кечми жиноятга жазо муқаррар, ёмон одам албатта ўз жазосини олади. Шу сабабли бу тоифага мансуб бўлган инсонлар ёлғон бахтиёрликлари орқали бир муддат ўзларини-ўзлари алдаб юрадилар, холос.

Қўлингиздаги мазкур китобда орамиздаги одамлар – баъзи нотайин қисмат эгаларининг армон ва алам билан йўғрилган кечмишлари қаламга олинган. Зеро, бундай надоматли тақдир кишиларининг пушаймонларидан тегишли хулоса чиқариш хайридир. Уларнинг хатоларидан кераклича ибрат топиш, ундайларнинг зулм ва залолат ботқоғига тушиб қолмасликнинг ҳадисини олишга ўргатиш асарнинг туб моҳиятига, маъзига сингдирилган. Чунки, ёмонлик ва ёвузлик билан инсон боласи ҳеч қачон чинакам бахтга эриша олмаган, аксинча, эзгулик ва яхшилик йўли абадийдир!

Детектив қиссада тасвирланган воқеалар сиз билан бизнинг ён-атрофимизда бўлиб ўтган, шунинг учун китобда учрайдиган қаҳрамонлар тимсолида ўзимизни, ўзимизни бўлмаса, атрофимиздаги инсонларни кўрамиз. Яхшисидан ибрат олиш, ёмонининг афсус-надоматидан хулоса чиқариш ихтиёри эса ўзимизда. Бу ўринда ёзувчи ўз ихтиёридаги жамики далил ва ҳужжатларни маржондек бир ипга тиза олганки, натижада кўпчилигимизда учрайдиган лоқайдлик ва тепса-тебранмаслик иллатларининг хунук оқибатлари бир олимнинг бошидан ўтказган оғир синовлари орқали дадил, рўй-рост очиб ташланган. Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар – прокуратура ҳамда миллий хавфсизлик хизмати ходимларининг ўта хатарли вазиятлардаги жасоратлари бор бўйича кўрсатилган.

ҲАЁТ СИНОВЛАРИДА ЧАРХЛАНГАН МАҲОРАТ

Таниқли ижодкор Ҳусанбой Каримовнинг кўп йиллик ижодий изланишлар самараси сифатида дунёга келган навбатдаги китоби – «Чўққидан оққан кўзёшлар» детектив қиссаси олмос қалам соҳибининг ижоди айнан гуллаб-яшинаётганидан гувоҳлик бераётир. Босиси, таниқли ижодкорнинг бадиий дунёқараши ва адабий тажрибалари йиллар давомида чархланди, маромига етди десак, асло муболага бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу образларда биз шундоққина ёнимизда умргузаронлик қилаётган инсонларни, балки таниш-билишларни кўра-миз. Бу тимсолларда ҳаётнинг абадий ҳақиқатлари мужассам, улар бизни гоҳ йиғлатса, гоҳ чуқур мушоҳадага чорлайди. Адолат, ҳақиқат, жасорат, садоқат туйғуларига хиёнат қилмасликка ундайди. Беш кунлик дунёда инсон ўз умрини тўлақонли, мардонавор яшаши керак деган қўхна ақидани қалбимизга сингдирмоқчи бўлади. Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, ёзувчи ушбу асарни орқали кўзлаган ниятига эришган. Чунки, юракдан ёзилган асарнинг юракларга етиб боришига шубҳа йўқ.

Аслида ёзувчининг бу даражага етиши, ёзганда ҳам дадиллик билан, мардонавор қалам тебратиши ўз-ўзидан бўлмаган. Сабаби, узоқ йиллар мобайнида Ҳусанбой Каримов турли мазуларда ёзилган ўта долзарб юзлаб фелетонлари, танқидий мақолалари, публицистик чиқишлари орқали жамиятимиз учун катта иллат бўлган муаммоларга қарши аёвсиз курашиб келган. Шунинг учун ҳам ҳаммиша сергак ва куюнчак, энг муҳими

дадил ва ўқтам ижодкорни собиқ иттифоқ ёзувчилар уюшмаси томонидан таъсис этилган «Дон Кихот» (Испан халқининг миллий қаҳрамони, адолат ва ҳақиқат учун толмас курашчи бўлган, -муалл) мукофоти билан тақдирланиши беэъиз эмас эди. Шу муносабат билан 1988 йилнинг январ ойида Москвада нашр этиладиган марказий нашрлардан бирининг ўрта сонида Ҳусанбой Каримовнинг ижодий фаолиятига бағишланган «Фарғоналик Дон Кихот» деб номланган мақола чоп этилганди. Иттифоқдош республикаларнинг ижодкорларига ўғай кўз билан қаралган, анча-мунча ютуқлари осонликча эътироф этилавермаган ўша даврларда бундай ютуқнинг очиқчасига тан олинishi ҳазилакам гап эмасди, албатта.

Шу маънода айтганда, бу сафар ҳам ёзувчининг янги асарини шу кунгача ўқувчилар қўлига бориб етган китоблари – «Министрнинг омонати», «Изтироб титроқлари» воқеий-ҳужжасатли қиссалари каби ўта қизиқиш ва ҳайрат ила ўқиб чиқишига кафолат бор. Сабаби ўз услубига содиқ қолган ҳолда Ҳусанбой Каримов бу гал ҳам детектив қиссага мавзу бўлган бирда қайғули, ўқиганда одамни изтиробга соладиган воқеаларни ҳаётнинг ўзидан олган. Шу боис ҳам, асардаги ҳар бир ҳикоя ва тақдир эгаси ўқувчини бошидан охиригача қаттиқ ҳаяжонга солади.

Барчамизга маълумки, бугунги кунда бутун дунёда энг етук олимлар давоси топилмаётган ўнлаб хасталик ва касалликларга даво топиши илинжида астойдил излашилар олиб бормоқдалар.

Албатта, бу жараёнда дунёни ҳайратга сола оладиган дараржада боқий меросга эга бўлган ўзбек олимлари ҳам четда турганлари йўқ. Бутун ижодий фаолияти давомида ўзига хос жасорати билан ўқувчилар, миллионлаб китобхонлар олқишига сазовар бўлиб келаётган

ижодкорнинг дунё аҳамиятига эга бўлган айнан ушбу мавзуда қалам тебратиши ўзига хос янгилик, ибрат мактаби бўлган.

Ҳусанбой Каримовнинг ютуғи шундаки, у глобал муаммонинг ечими топилгудек бўлса, албатта, гараз ниётли кимсалар, ҳамма нарсани пул орқали ҳал қилиши мумкин деган, тасаввурда юрган каслар бу ишга аралашишлари мумкинлиги, шу орқали мўмайгина даромад олишга интилишлари табиий бир ҳол эканлигини асарда моҳирлик билан тасвирлай олган. Қолаверса, бетакрор образлар, воқеалар ривожси, ўз навбатида бадиий бўёқлар ва гўзал табиат манзаралари орқали ўқувчини айтмоқчи бўлган фикрига ишонтира олган. Воқеаларнинг жанр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда кутилмаганда кескин, ўқувчи кутмаган ва тасаввур қила олмаган томонга бурилиб кетиши асарнинг ўқимшилилигини янада ошириб юборган.

Асардаги қаҳрамонлардан бири – жисноий тўда раҳбари Мирпўлат, унинг шотирлари ҳамда собиқ зобит, ўзининг юксак масъулиятли вазифасига хиёнат қилгани учун миллий хавфсизлик хизматидан ҳайдалган Соҳиб Назаровларнинг бир гуруҳ бўлиб, жисноий тўда тузиб, профессор Эргаш Ҳайдаровичнинг илмий ишидан катта даромад олиши мақсадидаги қабих ишларига пировард натижада ҳуқуқ-тартибот идораларининг фидойи ходимлари томонидан барҳам берилиши ўқувчини тўла хотиржам қилади. Шу орқали муаллиф жисноятга жазо муқаррар эканлигини яна бир қарра барчамизга эслатиб қўймоқчи бўлади. Аммо бундай эзгу мақсадга эришиши ўз-ўзидан бўлмайди. Шунинг учун ҳам асардаги Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Отабек Мўсаев (баъзи сабабларга кўра, қаҳрамонларнинг исм-шарифлари ўзгартирилган), вилоят прокурори, генерал-майор Набижсон Юнусовлар ҳам

да уларнинг ҳамкасбларининг бу борадаги фаолиятлари нақадар оғир, шу билан бирга нақадар шарафли экани қиссада жуда ишонарли тарзда, содда ва самимий усуллар воситасида тасвирланган.

Хулоса ўрнида айтганда, детектив қисса ўзининг оригиналлиги, ўзига хос тасвирий ечими ва хулосалари билан алоҳида аҳамият касб этади. Ўз ўрнида бу воқеий-ҳужжатли асар ўқувчидан жиддий мушоҳада, мулоҳаза ва мунозарани талаб этади. Бу асарда жозибador табиат манзаралари маҳорат билан чизилганки, у беихтиёр киши руҳиятини кўтаради, кайфиятни чозлайди.

Демак, таниқли адиб Ҳусанбой Каримовнинг қўлингиздаги ушбу асари ҳам бугуннинг ҳаёти, воқеаларига асосланган. Унинг қаҳрамонлари эса замондошларимиз – сизу биз билан елкама-елка яшаб келаётган, лекин ҳаёт тарзи, турмуш уринишлари турфа бўлган инсонлардир. Шу боис ҳам унда илгари сурилган фикр-мулоҳазалар, ўқувчини бирда ўйлатадиган, бирда йиғлатадиган воқеалар бизга бегона эмас.

Мароқли мутолаа учун сизга олдиндан юксак илҳом тилаган ҳолда кўп йиллик серқирра фаолияти давомида ҳақиқат ва адолатнинг толмас курашчиси бўлган севимли ёзувчимиз Ҳусанбой Каримовнинг янги китоби кўп минг сонли мухлислари учун қутлуғ бўлсин деймиз!

Ҳабибулло ЖЎРАЕВ,
филология фанлари доктори.

ЧҰҚҚИДАН ОҚҚАН КҰЗ ЁШЛАР

Жавзо охирламоқда – ёзнинг дастлабки иссиқ кунлари бошланган. Профессор Эргаш Ҳайдарович малака ошириш курсининг охирги кунини та-момлаб, шаҳар айланишга чиқиб кетди. Шаҳар тароватли баҳор қўйнида ўз малоҳатини кўз-кўз этаётган гўзалдек, ажиб бир қиёфада жилоланади. Шаҳарликлар ҳам табиат ўзгаришларига монанд равишда кўринишда намоён бўлади – шаҳар енглик либослардан воз кечган. Тушдан кейин бир чеккаси осмонўпар бинога келиб туташган хиёбонда бўш ўриндиқ излаб юраркан, профессорнинг хаёллари олис болалик йилларида эди. Ўшанда ҳамма нарса бошқача бўлган экан – бугунги манзаралар одамнинг юрагини эзади. Бир-бирининг пинжигга кириб, ўз муҳаббатларини барчанинг кўз ўнгида изҳор этишдан уялмайдиган «ошиқ-маъшук»ларнинг ўзларини тутишлари, қарашлари ғайритабиийдек туюлади. Ниҳоят кичкина йўлакнинг ёнбошига бежирим қилиб ўрна-тилган ўриндиқдан икки ёш истамайгина кўзга-лишди. Шошилмаса шу жойдан ҳам қуруқ қоли-шини тасаввур этар экан, профессор бир қараш-да кулгили алфозда югуриб бориб ўзини ўрин-диққа ташлади. Бундан ўн беш йилча бурун таш-кил этилган хиёбондаги манзарали дарахларнинг

кўндаланг халқалар билан ўралган нозик шохлари гўё бир чизиқда саф тортган аскарлардай, майда барглари эса худди биров атайлаб ювиб, пардоз бериб қўйгандай яшнаб, ям-яшил тусда товланади. Бултурги хазон фаслида ўйнаб-ўйнаб тўкилиб, қўнғир рангга кирган қалин япроқлар майин гиламини ёриб, баҳор майсалари кўкариб чиқмоқда. «Қизик, – дея ўйга толади профессор жажжи майсаларни обдон кўздан кечираётиб, – ҳар баҳорда шундай ҳолат такрорланаверади. Бу майсалар гўё биз инсонларга умрнинг баҳори ва хазонрезги фаслидан дарс бераётгандек...»

Осмонда офтоб гоҳ ифорили нурларини сочади, гоҳ булутлар «подаси» сузиб ўтади. Бутун хиёбонни ёлғизоёқ йўллар кесиб ташлаган. Оқ тумшуқли, жимитдай қалдирғочлар, худди бирор нарсадан қуруқ қолгандай, йўлаклар устидан ер бағирлаб учиб ўтиб, ўзларини шоша-пиша шох-шаббалар орасига уришади. Нафис, анвойи капалаклар эндигина ниш ураётган майсалар узра рақсга тушади. Профессор қалин ўсган дарахтларга орқасини ўгириб, анчагача ўй-хаёллар оғушида ўтирди. Аслида у ҳозир ҳеч нарса ҳақида ўйламас, бутун вужуди билан баҳор тароватининг ҳар бир қалбда андуҳ уйғотадиган, ажиб соғинч, энтикиш ҳиссини уйғотадиган туйғулари дунёсига фарқ бўлган эди...

Кутилмаганда яқинлашиб келаётган қадам шарпалари профессорни чўчитиб юборгандай бўлди. Афтидан икки киши шошмай, аста-секин унга томон яқинлашиб келаётганга ўхшайди. Шу пайт майин шабодада аёл кишининг кўйлаги енгил хилпирагандай бўлди...

Аmmo қўққисдан ўзларига ҳайрат билан тикилиб турган худди институтдаги устозлари сингари зиёлинамо инсонни кўриб, иккалалари ҳам бир муддат турган жойларида қотиб қолишди. Эргаш Ҳайдарович ҳам шу қадар ҳаяжонда қолган эдики, улардан ўткир нигоҳини олиб қочишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Кўринишидан талабалар бўлса керак, сочларининг остигача терлаб кетган йигит билан қиз бир-бирларига ғалати қараб қўйишди. Шу туришларида улар ўзларини гўёки овчининг саватига илинган кабутарлардай типирчилашарди, агар синчиклаб қулоқ солинса икки ёшнинг юрак уришларини бемалол эшитиш мумкин бўларди. Бу ғайритабиий қарашлардаги истеҳзо кимга – ноқулай аҳволга тушиб қолганлари учун ўзларига ёки қаршиларида улардан кўз узмай, киприк қоқмай ўтирган одамга қаратилганми, ҳозир бу ҳақда билиб бўлмасди...

Шу тариқа иккала ёш бурилиб, аста-аста, шошилмай узоқлашиб кетаверишди. Эргаш Ҳайдарович эса ошиқ-маъшукларнинг ортларидан ҳайрат тўла кўзлари билан кузатиб қолаверди. Негадир кутилмаганда профессор суюкли рафиқаси Дилоромни эслади. «Дилором ҳали ёш. Балки унинг кўнгли ҳам ана шунақанги бай сайлларини қўмсар. Менинг эса парвойимга келмайди. Заҳиди ва аччиқ дорилар иси анқиб турадиган лабароторияда улкан орзу-бахт тимосли яширингандай, кимдир мени шу жойга сеҳрлаб қўйгандай... Бу билан Дилоромга жабр қилаётган эканман-да, эссиз, кўра-била туриб, унга раҳмим кел-

майди. У бечорада нима айб? Ўйнаб-кулгиси, бу ҳаёт завқидан тўлиқ баҳраманд бўлгиси келар, ҳартугул. Менинг поёни йўқ бу илмий ишим Дилоромни заррача қизиқтирармикан... Ёки бирон-бир андиша сабаб, мени ташлаб кетишга кўзи қиймайдими?!» Профессор адоғи йўқ хаёллар гирдобига шўнғир экан, оғир хўрсиниб қўйди. У аста ўрнидан туриб хиёбонни тарк этаркан, гўёки оёқларига оғир ботмон тошлар бойлангандай оғир-оғир одимлар, айна шу тобда қандай йўл тутишни билмай қийналарди. Аммо уйини ва қадрдон лабароториясини жуда соғинган. Яна бир тунни шаҳарда ёлғиз ўтказишга асло хуши йўқ, қандай бўлмасин бугун поездга чиқиши ва гўзал водий сари қушдай учиши лозим.

Орадан бирор соат ўтгач, профессор темир йўл вокзалида – гавжум талотўп ичра ўз манзили томон ошиқмоқда эди. Паравозларнинг хорғин пишқириғи, бақир-чақир, югур-югурлардан чарчаган профессор аранг ўз вагонига чиқиб олгач, енгил тин олди. Вагоннинг мўъжаз ойнасидан яна бир бор вокзалнинг бесаранжом манзарасига кўз югуртирар экан, профессор қўлидаги чиптаси бўйича ўз купеси томон илдам юриб кетди. Вагоннинг торгина йўлагида ҳам шовқин-сурон товушлари профессорни тинч қўймас, унинг назарида ҳамма жойни турли-туман одамлар босиб кетган, гўё бу одамлар борадиган манзилини унутиб қўйгандай мақсадсиз тентирар, бир-бирига азият етказар, бу ерда ўзаро ҳурмат, мулозаматга асло ўрин қолмаганди.

– Салом, ўртоқлар, – деди профессор ўзига хос

киброна оҳангда ва айни пайтда зиёлиларга ярашадиган сиполик билан. – Мен профессор Эргаш Ҳайдарович бўламан!

Ўнг томонда ўтирган ёши ўтиброқ қолган бир йўловчи унга индамай қўлини узатди. Профессорнинг иккинчи ҳамроҳи ҳам шу тақлид жавоб қилди... Кутилмаган бу «такаллуф»дан ўзини йўқотиб қўяёзган профессорнинг кайфияти тушиб кетди. Бир зумда ҳамроҳларига норози қиёфада бир-бир кўз югуртириб чиқди. Унинг ёнбошида ўтирган башанг кийиниб олган хоним эса ўзини бироз орқага ташлаб, елкасини учирганича юзини тескари буриб олди. Бу билан: «ҳе, олифта, профессор бўлсанг бизга нима?» дегандай норози оҳангда ташқарини кузатарди.

Ҳамон ўзига кела олмаётган Эргаш Ҳайдарович ғалати ҳамроҳларига қараб-қараб қўяр, мавзуга гап тополмай тез-тез қўли билан оғзини беркитиб, томоғини қириб қўйиш орқали вақт ўтказар, гўёки шу эрмаги ўзига ёқар, шу билан андармон бўларди. Янги ҳамроҳлар ёнма-ён ўтиришар, кўзлари бир нуқтага қадалган, жиддий чеҳраларига қараганда, улар одамови йўловчилар эдилар. Профессор бир нарсага ҳайрон бўларди: Наҳотки, ёнма-ён ўтирган аёл ва эркак эр-хотин бўлса? Агар иккаларининг ҳам ўта тундликларини айтмаганда, ҳар жиҳатдан бир-бирлари учун бутунлай бошқа-бошқа олам. Аёлни кўркам қилиб турган нарса тиниқ чеҳраси, нафис қомаги, назокатли кўзлари экан...

Унинг ёнидаги ҳамроҳи сочлари жингалак, қушбурун, лаблари дўрдоқ, хуллас, беўхшов бир

йигит эди. Уйқусираган нигоҳи, маъносиз қиёфаси серзарда одамлигини кўрсатиб турибди. Ёши ўтиброқ қолган учинчи йўловчи ҳам қўли билан бир нарсаларни юмалоқлаб ўтирар, вақти-вақти билан ер остидан ҳамроҳларига кўз қирини ташлаб қўярди. Унинг ҳам қолган шериклари қатори ўзини бошқа оламга тушиб қолаётгандек ортиқча сезаётгани, бу давра унга ҳам ёқмагани кўри-ниб турарди.

Профессор юкларини жойлаштиргач, купе деразаси ёнига ўтириб, хаёлга чўмди. «Тоza ғалати ҳамроҳлар экан-ку, бу совуққонлик, ортиқча манманликнинг нима кераги бор? Бу бошқалардан устун бўлишга ҳаракатми, ҳаётдан задаликми ёки мағрурликми? Чиройли, аммо ҳиссиз аёл! Бундай тоифадаги аёллар кўргазма залларига илиб қўйилган моҳир рассомнинг қойилмақом портретига ўхшайди. Кўрганда кўзларингни қувнатади, лекин синчиклаб разм солсанг, дилингда уйғона бошлаган меҳр бир лаҳзада тумандай тарқаб кетади. Чунки унда қалб ҳарорати йўқ, юракнинг дупир-дупири эшитилмайди. Қўғирчоқ театридаги жонсиз қўғирчоқнинг ўзгинаси...»

Янги танишлар ҳали уч-тўрт офиз гаплашиб улгуришмаган ҳам эдики, устма-уст берилган гу-доклардан сўнг поезд офир қўзғолди. Йўл-йўлакай элас-элас кўзга ташланаётган дераза ойнала-рида хира нур милтираётган, томлари икки то-монга очилган китобни эслатадиган уйлар кўзга ташлана бошлади. Сал ўтмай темир филдираклар илонизи темир йўлдан бир маромда тарақлаб ке-тиб борарди. Кутилмаганда поезд чайқалиб, ҳали

у – ҳали бу томонга силкинади. Борлиқда тун ўз ҳукмронлигини ўрнатиши арафасида эди: кўчаларда деярли одамлар учрамас, тобора хиралашиб бораётган ёғдулар олислашиб борарди...

Пишқириб бораётган поезд бир муддат юрганидан кейин кутилмаганда кўз илғамас далалар ястаниб ётган, ой нурлари соя солиб турган ниққоронғу манзилларга кириб қолди. Ой аллақачон уфқдан жой олиб, юм-юмалоқ бўлиб, алвон рангда товланади. Ниққоронғу манзилларда онда-сонда пастаккина уйлар кўзга ташланади. Ана бир муддат ойни тўсиб қолган пастак ва кўримсиз уйнинг олд деразасидан ёруғ тушиб турибди – чироқлар ўчирилмаган. Аллақаяқдан иккита ит югуриб чиқиб, поезднинг ортидан хура бошлайди. Ташқаридан кузатган одамнинг назарида улар ҳар кунлик одатларини такрорламоқда эди. Боиси бу йўлдан тинимисиз поездлар қатнайди – машриқдан мағрибга, мағрибдан машриққа... Ҳатто шу кучукчалар ҳам шунга одатланишган. Аммо бу улар учун севимли машғулоти ё шунчаки эрмакми, дабдурусдан буни англаб етиш қийин. Қизиқ, бу ерда ҳамма нарсга кўзингга файзсиз, қашшоқ кўринади. Бу ерлар худди яхши амал олмаган дарахт кўчатидай сира гуркираб кетмайдигандек таассурот қолдиради.

Бу пайтга келиб, қиттак-қиттак таъсирида анчайин сархуш бўлиб олган ҳамроҳларнинг суҳба-ти анча жонланиб қолганди. Гўзал хонимнинг уйқусираган кўзларини катта-катта очиб, уни диққат билан тинглаб келаётганини сезган профессор, тобора қизишиб борарди. У кўзларини

чақнатиб, ҳаяжонли, бўғиқ овоз билан ўз илмий кашфиётлари ҳақида гапира бошлади. У тез-тез ўнг қўлининг ёни билан ўртага ўрнатилган кичкина столга уриб қўяр, чап қўлининг кўрсаткич бармоғини эса ҳавога нуқтарди. Унинг бундай қизишиб кетишига нима сабаб бўлди – ҳозир буни айтиш қийин. Кейинги пайтда севимли Дилоромига бироз бепарво бўлиб қолганиданми, ё бўлма-са, илмий ишларининг натижаси ва самараси борасида ўзи ва бошқалардан ҳафсаласи пир бўлганиданми, ё юрагини эзаётган турли шубҳаларни тарқатиш, ё янги танишларининг олдида ўзини кўрсатиш мақсадидами...

Аслида кейинги пайтда кўнглини кемираётган мавҳум бир ғашлик профессорга ҳеч тинчлик бермаётганди. Бу аёвсиз туйғу уни қийноққа солгани сари у қаттиқ ва кескин гапиришга ҳаракат қиларди. У ҳозир ҳам шерикларининг қистови билан озгина спиртли ичимлик ичган эди, холос. Лекин ўзини қаттиқ маст бўлиб қолгандай ҳис этар, боши айланиб, юраги санчарди. Ниҳоят ярим кечаси, суҳбатлари тугаб, ҳамроҳлари ўринларига ётгач, Эргаш Ҳайдарович мажолсиз ҳолда ўрнига ётишдан олдин бир нуқтага тикилганича, анчагача хаёл суриб қолди.

«Нега бундай деб ўйлаяпман? Нима, мен энди Дилоромни севдиришга қодир эмасманми? Дилором, билиб қўй, ҳозирча ўзимни илмий ишларимга андармон бўлиб юрган бўлсам ҳам, вақти келиб, нималарга қодир эканлигимни кўрсатиб қўяман...»

Айни дамда асабларини тинчлантира олма-

ётган профессор аста-секин уст кийимларини ечди ва ўзини совуқ, намхуш ўринга ташлади. Шу тариқа у янги танишган уч нафар ҳамроҳлари билан ёнма-ён ёнбошлаб, гўёки шалағи чиқиб кетган эски темир йўл изидан қадрдон гўшаси томонга елиб кетмоқда эди. Ҳар қанча уринмасин кўзи уйқуга илинмас, тизгинсиз хаёллар уни турли томонларга олиб кетмоқда. Хаёлларки, бир лаҳзада қушдай парвоз қилдириб учиради, бир лаҳзада қандайдир ваҳимали қора шарпалар ичра кезасан, бир лаҳзада жонинг бўғзингда тургандай туюлади. Аламдан дод деб қичқиргинг келади, бироқ ҳар қанча уринма барчаси бекор – жажжи капалакниқичалик овозинг чиқмайди...

Анчагача хаста бемордай тўлғона-тўлғона қийналаётган профессор ўзида куч топиб аста пастга қарашга жазм этди. Не кўз билан кўрсинки, пастда билинар-билинмас туртиб чиққан кўкраклари узра енгил ёпинчиқ ташлаган бир соҳибжамол бежирим кўзларини юмиб олганича ширин уйқуда эди... Кичкина туйнукдан тушаётган хира нур парчалари ой билан ҳусн талашиб, ойдай тўлишиб ётган жувоннинг бир қарашда маъсума, бир қарашда ғамгин чеҳрасида майин жилваланади. Шубҳасиз, уйқудаги гўзал шу кўринишида ҳар қандай ошиқни ўзига маҳлиё этмай қўймасди... Профессор бирдан бутун вужуди енгил титраётганини сизди, худди бу ҳолатини кимдир кўриб ёки сезиб қолишидан кўрққандай, истамайгина кўзларини бошқа томонга бурди, яхши қуритилмаган ёпинчиғини бошига тортди. Анчагача хаёлида гўзал аёлнинг суратини чизиб ётди. Хаёлидаги су-

ратга ҳамоҳанг тарзда тилида шоирнинг ушбу сатрлари такрор-такрор айланарди: Менинг кўнглим курсин, кўзларингга суст кетмай, Гавҳар!

* * *

Остонада ёз. Аммо эрталабки ҳаво этни жунжиктиради. Тонг ҳавосидан мириқиб-мириқиб нафас оларкан, профессорнинг уйқусизликдан нақ ёриламандеган боши бироз оғриқни унутгандай бўлди. Қандай ёқимсиз ҳолатда танишган бўлсалар, ҳамроҳлар худди шу тарзда хайр-хуш қилишди. Айниқса, аёлни яқинроқ билиб олишни хоҳлаган профессорнинг барча умидлари пучга чиқди. Манзилга етиб келгач, барчалари бир-бирларига ёлғон мулозамат қилишган бўлди, қўл сиқиб хайрлашишди. Лекин нигоҳлар ўзаро тўқнаш келганда, меҳрдан бирон-бир нишона ҳам кўринмасди. Ҳеч бўлмаса, аёлни исмини билиб олиш мақсадида унга юзланган профессор унинг кутилмаган совуқ муомаласидан қотиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам бу гўзал бутун бор-бўйи билан жумбоқ эди. Шу каби ёқимсиз ўй-хаёллар гирдобида темир йўл вокзалидан чиқиб келаркан, шляпасини бостириб, дипломатини кўтариб олган профессор вокзалнинг кунда-шундалари – ўн нафардан ортиқ киракашлар қуршовида қолди. Уларнинг бири қўйиб иккинчиси, учинчиси профессорни қўлидан тортарди:

– Қаёққа борасиз, домла?

– Машинам ўн саккиз яшар нозаниндек, бир зумда керакли жойга етказиб қўяман...

– Баҳосини келишайлик, ўзим олиб бориб қўяман – бизники энг арзон баҳо...

403057

Профессор хорғин қиёфада синиқ жилмаяр экан, аста уларнинг қуршовидан чиқди.

– Раҳмат. Уйим яқин укалар...

Бирдан ҳайдовчиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, қандай тез пайдо бўлишган бўлса, шунчалик чаққонлик билан профессордан узоқлашишди. Уларга яна бир бор илтифотли жилмайиб, Эргаш Ҳайдарович кичкина йўлак бўйлаб ўз ҳовлисига ошиқди. Эрталабки ҳаво барибир, беғубор бўлади. Ҳадемай бу йўллар одамлар билан тўлиб-тошиши, тутунларнинг аччиқ, димоқни эзувчи ҳавоси билан тўлишини хаёлидан ўтказган профессор ўпкасини тоза ҳавога тўлдириб олмоқчи бўлгандай, чуқур-чуқур нафас оларди. Эл жонсарақ оёққа турмоқда эди – ана фаррош хотин, қирқ йиллик ишидан зерикиб кетганлиги шундоққина юз-кўзидан аён. Эринибгина энгашади, атрофни кузагишга-да, ҳафсаласи йўқ. Афтидан ҳали мактабда ўқийдиган қизалоғини ширин уйқудан уйғотиб олиб чиққан бўлса керак, у уйқусираган кўзларини ишқалаганича, онасидан орқасидан эргашади. Она шўрликка ҳам қийин. Ҳарна мадат бўлади, деб ўйлайди. Кўзи қиймаса ҳам ширингина қизалоғини уйқусидан уйғотади, ёнига шерикликка олади. Тирикчилик, рўзғор титилган тўрва, деганлари ҳақ гап. Ҳар қанча уринма, бу тўрва ҳалтани тўлғазиш жуда мушкул. Шулар ҳақида ўйлаб бораркан, профессор шаҳар биқинидаги кўримсиз қишлоқда ўтган болалик йилларини эслади. Онасидан эрта айрилди, ҳамқишлоқларининг тўй-тўйчиғида ошпазлик қилиб кун кўрадиган Ҳайдар ота бошқа уйланмади. Қолган

умрини ёлғиз дилбанди Эргашга бағишлади. Керак бўлса, супир-сидир, кир-чирни ҳам ўзи эплади. Узун қиш оқшомларида ота-бола сандал атрофида суҳбатлашиб тўймасди. Деворда осифлиқ турган суратга боқиб, бирлари суюкли ёри, бирлари бу дунёдаги энг меҳрибон оналарини эслаб, йиғлаб олишарди. Ёлғиз ўғил мактабдан аёло баҳо олиб келган кунлари Ҳайдар ота яна йиғлашга тушарди. Ўғлини бағрига босганича энтикиб-энтикиб йиғларди. Ўқигин, олим бўлгин, менга ўхшаб қозон-ўчоқ бошида қорага ботиб юрмагин, деб пешонасини силарди. Вақти келиб етуклик гувоҳномасини олгач, Эргашвой анчадан буён дилига тугиб юрган ниятини дадасига айтди.

– Доришунос бўламан, яхши дориларни ўйлаб топиб, онамга ўхшаган касалларни даволайман...

Бу дунёга келиб кун кўрмаган, ғам-андудан елкаси букчайган Ҳайдар ота ўғлининг нуқул аёло баҳолар билан тўлдирилган гувоҳномасини юз-кўзларига босиб йиғларкан, ўғлини узундан-узоқ дуо қилди. Шу куни ҳам ота-бола роса йиғлаб-сиқташди. Кейин Ҳайдар ота йиғиб юрган пулларини белига тугиб, ўғлини бозорга олиб тушди, бир сидра янги кийим-кечак олиб берди. Ўғлининг белига хотинидан ёдгорлик белбоғига пул тугиб, шаҳарга жўнатди. Анчайин тиришқоқ бола бўлиб ўсган Эргашали институтда ҳам аёло баҳоларга ўқиди. Устозларининг маслаҳати билан шаҳарда қолиб, илмий ишга шўнғиди. Дада-си ва қариндош-уруғларнинг қистови билан ришталар узилиб кетмасин дея, узоқ бир уруғларининг мактабни эндигина тамомлаган қизига уй-

ланди. Афсус, келин Ҳайдар ота учун ёлчитиб хизмат қилмади, ўғлидан узоқлашиб қолаётганига ич-ичидан зил кетса ҳам, ота келинини ҳам ўғлининг ёнида бўлиши учун шаҳарга жўнатди. Кексайиб қолган Эргаш отани қўни-қўшни ёлғизлатиб қўймади, аммо ўзи билан ўзи бўлиб қолаётган Эргашали тобора суянган тоғи, ишонган боғи, кўзининг оқу қораси бўлган отасидан узоқлашиб борарди. Нима қилсин, илм йўли шундай машаққатли бўлади, деб ўзини овутди. Шу тариқа хотинининг суратига термула-термула, шаҳарга кўз тика-тика Эргаш отанинг юраги адо бўлди. Отасининг маъракаларида ўтирган кимсан энди, фан кандидати Эргаш Ҳайдарович бу ерларда ўзини мутлақо бегона ҳис этарди. Шундай қилиб болалигининг бирда шодумон, бирда қайғули кунлари ўтган бу ҳовли – қизларнинг киприкларидек узун-узун сув ўтлари узра солланиб оқадиган зилол сувли ариқ, нонбеҳилар сувга тегиб турадиган жаннатий эшик Ҳайдар отанинг васияти билан маҳалла масжиди учун бериладиган бўлди. Чунки Ҳайдар ота энди олим ўғлининг қишлоққа қайтиб келиб, кўримсиз, деворлари нурай-нурай деб ётган бу хонадонни обод қилишига кўзи етмасди. Шу боис аччиқ бўлса-да, очиқ йўлни танлади: ота-боболаридан мерос бўлиб келаётган ҳовлини маҳалла аҳли учун илинди. Ҳарқалай беш вақт намозларида уни номига қуръон тиловат қилиб қўйишларидан умидвор бўлди.

Аста-секин Эргаш Ҳайдаровичнинг обрў-мартабаси ошиб борди, мактабни тамомлагунга

қадар деярли қишлоқдан ташқарига чиқмаган унинг рафиқаси ҳам аста-секин сатанг хонимлар даврасига мослаша бошлади, бундай давраларнинг ҳадисини олди. Бу оилада вояга етаётган болалар ҳам олим дадалари ва эрининг мансаби ва пулидан димоғи осмон бўлиб бораётган оналарининг таъсирида эрка ва тантиқ бўлиб ўсишди. Фан доктори, профессорлик мартабаларига эришган Эргаш Ҳайдарович шаҳар марказидан данфиллама ҳовли-жой сотиб олди, кўпларнинг ҳатто тушига кирмаган шароитларга эга бўлди. Энди уни катта давраларда оддий ошпазнинг ўғли бўлган дейишса... нафрати қўзиб кетарди. Гўёки унинг назарида баъзи ғаламислар обрўсига шу тарзда путур етказмоқчи бўлишади. Аслида шундай лаҳзалардагина у элас-элас хотирасининг бир бурчагида қолиб кетган болалик йилларини эслар, дадаси ва онасининг соғинчи юрагини бир ўртар, лекин тезда ўзини ўнглаб олиб, яна ўша виқорли ва дабдабали ҳаётига қайтарди.

Аммо вақти келиб, унинг оилавий бахтига кўз тегди. Кутилмаганда офир дардга чалинган турмуш ўртоғи олти ойда сўлиб қолди, профессорнинг бормаган маркази, таниқли шифокори қолмади. Лекин минг элан ва ялин тақдирга чора йўқ экан. У кўз очиб кўрган рафиқасидан айрилиб қолди. Болалари ҳам тўптошлар каби сочилиб кетди, ҳаммалари ўз ҳаётлари билан ўзлари овора. Афсус, беш фарзанднинг биронтаси ҳам ота йўлини танламади. Енгилнинг устидан, офирнинг остидан ўтишни маъқул топишди. Ҳарқалай ўз арваларини ўзлари тортаётганига ҳам шуқр. Про-

фессор аслида уларнинг зиғирча ҳам мадатига умид қилмайди, фақат ўзларини ўзлари бадном қилишмаса бўлгани. Эргаш Ҳайдаровичнинг ҳали ҳам қиличи кесиб турибди, ҳеч кимдан кам жойи йўқ. Фақат баъзида ғанимлар такасалтанг болаларини эслатиб, бир чўқиб олмоқчи бўлишадди. Шундай ҳолларда профессор мийиғидан кулиб қўйишга одатланган. Мевали дарахтга тош отадилар, ахир.

Мана, аспиранти Дилоромга уйланиб олганига ҳам уч-тўрт қовун пишиғи ўтди. Дастлаб тирноқ ичидан кир қидиришга одатланганлар профессорнинг бу «иши» учун ҳам роса эзғилашди. Аммо қўлларидан нима келди? Ҳеч нарса! Эргаш Ҳайдарович ҳали ҳам марказдаги машҳур илмий текшириш марказининг вилоятдаги филиали директори. Ўз кашфиётлари, изланишлари орқали ҳатто узоқ масковдагиларнинг ҳам эътиборига тушган. Муҳташам ҳовлини кенжа ўғлига қолдириб, ўзи Дилором билан шаҳарнинг баҳаво мавзеларининг биридан чоғроққина ҳовли сотиб олган. Фақат ўтган йиллар ичида Дилоромнинг фарзанд кўришга бўлган барча ҳаракатлари зое кетаётгани чатоқ бўлаяпти-да. Ахир унга ҳам қийин, биринчи эридан рўшнолик кўрмади, эндигина ўттиз беш ёшдаги тўлишган жувон фарзандли бўлишни жуда-жуда истайди. Профессорнинг назарида илмий иш Дилором учун иккинчи даражали масала. У ўтган йиллар ичида бутун вужуди билан фарзанд кўриш ишқида ёнаяпти. Қачон бу мавзуда гап очилса, шаддод хотини ўзига ярашган қувлик билан секин қулоғига пичир-

лайди: «Сиз шартти кетиб, парти қолган қари чол-сиз!» Эргаш Ҳайдарович ҳам бу киноямуз оҳангдаги эркаланишга аллақачон ўрганиб қолган. Аммо бундай пайтларда худди ёш боладек мўлтираб қараб турадиган Дилоромнинг кўзларига қарашга юраги бетламайди...

Ён-атрофдаги кучайиб бораётган ғала-ғовурга бепарво, ўз хаёллари билан одимлаб бораётган профессор қадрдон гўшаси томон яқинлашиб бораркан, гўё қадами унмаётгандек эди. Бир қарасанг, ҳозир остонада пайдо бўласану, севинчдан қийқириб юборадиган Дилором бўйнингга осилиб юзларингни ўпичга кўмиб юборади... Бир қарасанг, шунча юрсанг ҳам йўлнинг адоғи кўринмайди, нариги муюлиш, нариги кўча сени дарвозанг олдидан олиб чиқадигандек, лекин ўртадаги бир қадамни босиб ўтиш қийин... Ўртадаги бир қадам профессорни жонолғучи Дилоромидан ажратиб тургани ёмон. Айрилиқда юриб, у хотинини жуда соғинганини айтиб лаҳзаларда юрак-юракдан ҳис этаркан, рўпарасида турган висол лаззатини кўз олдига келтириб, бир ширин энтикиб қўярди.

Ана кўча бошидаги таниш тераклар. Майин шабадада барглар енгил титрайди. Қўшниси Роза холанинг атрофи тут, олча дарахтлари билан қуршалган болаҳонали уйи. Мевалар пишиши билан кўни-қўшни болакайлар шу дарахтларга ёпирилишади, шунда бутун кўча бўйлаб Роза холанинг чийилдоқ овози тарқалади:

– Ҳой тирранчалар, сенларга қачон эс киради? Пастга тушинглар, ҳали мевага маза кирга-

ни йўқ, ахир. Аслида Роза хола ҳаммага ғамхўр ва меҳрибон кампир, шунинг учун ҳам маҳалланинг каттаю кичиги уни бирдек яхши кўради. Кампирнинг яна бир ҳислати бор – бу фолбинлик. Кафтингдаги чизиқларга қараб, келажагингдан башорат қилади. Шунинг учун шу яқин атрофда кимдир жиддийроқ бир ишга қўл урмоқчи бўлса, бир зумда Роза кампирнинг ҳузурига югуришади. Кампири тушмагур ҳам ҳеч эринмайди. Балки, болалари Россияга ўқишга кетиб қайтиб келмагач, ўзига ана шу овунчоқни топган бўлса ажаб эмас. Нима қилсин бечора, ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи яшайди. Бир гап Дилором ҳам Роза холадан гап топиб келгани ёдида. Кампири тушмагур унинг кафтларидаги чизиқларни кўрган бўлиб, профессордан фарзанд кўрасан деган, эмиш... Ўшанда Дилором анча пайтгача бу суюнчли хабар таъсирида юрди, ҳарқалай кейинроқ эсидан чиқиб қолди. Бу гапга Эргаш Ҳайдарович шунчаки мийиғида кулиб қўя қолган эди...

Профессор хаёлчан, бахтиёр қиёфада ниҳоят кўзга ташлана бошлаган икки равоқли дарвозаси томон борарди. Йўл четидаги ариқ лабида янги майсалар эркаланар, ҳамма ёқда ям-яшил барглар шитирларди. Эндигина замин узра бош кўтараетган бобоқуёшнинг илиқ нурлари кийимлари устида ўйнар – бу манзаралардан мамнун бўлиб, тажрибали олим эшик қулфини очишга чоғланарди. Бир уринишда инглизча қулф шарақ этиб овоз чиқариб очилди. Остона хатлар экан, профессор қисқа, аммо мамнун кайфиятда хўрсиниб қўйди.

* * *

Ёзнинг илк кунлари ҳавоси илиқ, мусаффо бўлса ҳам, баланд осмонда булутлар оҳиста сузиб юрибди. Кеча қечқурун енгилгина ёмғир ёғиб ўтган, дарахтларнинг баргларида оқ томчилар маржондек товланади. Майин шабадада ҳамма нарса ҳаракатда – япроқлар чапак чалаётгандек – шитирлайди. Бўғотда биқиниб олган бир жуфт беозор мусичаларнинг сайроғи эшитилади. Қалдирғочлар офтобда мириқиб товланади. Узоқ-узоқларда, яланғоч уфқнинг поёнсиз этакларида қорамтир шарпалар кезинади...

Бироқ, профессор ҳозир бу кўринишларнинг биронтасини пайқамас, бепарво эди... У шу қадар хаёлга фарқ бўлган эдики, қандай қилиб уйдаги ётоқхонасининг остонасига етиб келганини ҳам пайқамай қолди.

Шу пайт кўзи ётоқхона дарнардаларига, чинидай артилган деразасига тушганда, юраги бпр орзиқиб тушди. «Ҳа, деди ўзига-ўзи профессор ва бирдан кўнглига аллақандай ҳис-ҳаяжон оралади, – Дилором, ҳозир уйқусираган кўзларини ишқалаб, ўзини қучоғимга отади. Уни маҳкам бағримга босиб, қўйиб юбормайман...»

Мана, у шундоққина кираверишда! Ҳайрият-эй!

Профессорнинг юраги шув этиб кетди. Оёқ кийимлари учун мўлжалланган махсус отажеркада эркак кишининг туфлиси кўзга ташланди. У бир қарашдаёқ англаб етдики, бу оёқ кийими уш-ки эмас. Юрагидаги шубҳаларини қувшига уриш-

ган профессор овоз берди. Орадан бироз вақт ўтар-ўтмас Дилором ҳаяжон ва ҳайрат билан, кўзлари чақнаб рўпарасида турарди. Профессор бир муддат нима дейишини билмай жим туриб қолди, Дилором ҳам гапира олмаётганди. Хотини нимагадир ҳансирар, ҳозирги қараб туришида хурсандчиликдан кўра, тушунарсиз қўрқув бор эди.

Эргаш Ҳайдаровичнинг назарида Дилором жуда озиб, ранги сарғайиб кетгандек эди: ранги бир ҳолатда кўринди. Дилором шошилганидан ҳалатининг тугмаларини ҳам қадашга улгурмабди... Рўмоли ҳам қийшиқ бойланган... Хотини юзини тўсганича ортига угирилди, унинг ортидан уйга кирган профессорнинг юраги жиз этиб кетди... Чунки унинг хобгоҳида, хотини билан ётадиган диванида, жонсиз ҳайкалдек қотиб қолган аспирант шогирди Рамзбек турарди...

Профессор ҳаммаси тугаганини, агар шундай бўлса, ўзи учун бунинг қандай бахтсизлик бўлишини тушунди. Ҳозир икковини ўлдирадими-йўқми – буни ҳали ўзи аниқ билмасди. Аммо шу тобда юзларини беркитиб олганича бурчакда ҳўнграб йиғлаётган шу аёлнинг ўзи учун қанчалик азиз, қанчалик мукаррам, ҳаёти учун қанчалик зарур бўлиб қолганини бутун вужуди билан ҳис этаркан, шамолдаги баргдек титраб кетди. Рамзбек ҳам тақдирга тан берган, бошини чангаллаганича, зир-зир титрарди...

Профессор худди шу лаҳзаларда икки тирик жонни бир вужудда бирлаштирадиган муқаддас ришта – оила тугуни батамом узилиб кетаётганини тушуниб етди. «Нимага ахир? Нима учун?»

Қачондан бери?» Профессорнинг бирдан ботмондек оғирлашиб кетган миясида тинимсиз шу саволлар айланар, шу саволга жавоб топишга ошиқарди.

– Кечиринг, домла! – деб ўзига-ўзи гапираётгандек шивирларди Дилором. – Мен сизга хиёнат қилдим... Профессор жим бўлиб қолган. Унинг нигоҳлари рўпарасидаги икки шармандани кўрмас, аллақандай номаълум, мавхум бир нуқтага қадалиб қолганди. Аммо унинг кўзларида олов ёнарди... У секин ошхонага чиқиб келди. Эрининг ҳозирги қиёфасига кўзи тушиб, Дилором бирдан сесканиб кетди. Рамзбек эса на қочишга уринади, на ўзини оқлашга... Афтидан у ҳаммасини тақдир ҳукмига топшириб бўлган эди.

Профессорнинг қўлида дандон сопли пичоқ совуқ ялтиради. Айни шу дамда унинг қалбини ғалати бир туйғу қамраб олганди. Назарида, қаршисида бир сўз демай, тугаб бораётган инсонни ўлдиришга ҳаққи йўқдек туюларди. Агар Рамзбек ҳозир устозининг кўнглидан кечаётган туйғуларни англаганида, балки, индамай ўрнидан туриб чиқиб кетса ҳам профессор унга қўл теккизмасди. Профессор ички бир шафқат билан Рамзбекка кўз қирини ташлади: яна бир бор унинг юзига тикилиб, дилидан ўтаётган кечинмаларни англаб олишга уриниб кўрди. Бироқ Рамзбек ҳамон бурчакка тиқилганича, бошини чангаллаб ўтирарди.

– Рамзбек, – деди Эргаш Ҳайдарович тўсатдан бўғиқ, маъюс овоз билан, – Рамзбек! Нима учун, менга хиёнат қилдинг! Эҳ, қани энди ҳозир биронта инсон мени қай даражада бахтсиз эканли-

гимни кўрса! – профессор кўксига мушт туширди, шунда унинг кўксидан аллақандай фарёд отилиб чиққандай бўлди. Рамзбек, кечир мени!

Эргаш Ҳайдарович кутилмаганда шогирдига ташланиб, унинг қорнига пичоқни шундай суқдики, санокли сониялар ичида ўзининг кийимкечаклари ҳам қип-қизил қонга бўялди... Дилором додлаб кўчага қочди... Рамзбекнинг бақиршишга ҳам ҳоли қолмаганди, инграб-инграб, ҳирилдоқ овоз чиқаради... Эргаш Ҳайдаровичга нимадир деб гапиришга уринади, аммо эплломай, оғриқдан юзлари тиришиб кетади, кўзлари олакула бўла бошлайди... Ётган жойида питирчилайди, кўтарилиб-тушади...

Эргаш Ҳайдаровичнинг юраги бирдан гушиллаб ура бошлади, у беихтиёр Рамзбекнинг бошини тиззасига олди. Суюкли хотини мана шу йигитни – ҳатто шаҳарда ўз уйи ҳам бўлмаган мусофир бир аспирантни севиб қолган, унга борлиғини топширган, эҳтиросли тунларни ҳадя этган... Бирдан бу йигит Эргаш Ҳайдаровичнинг кўзига бахтиқаро севгининг, бокира муҳаббатнинг, севиш ва севилишнинг, имконсизликнинг тимосли бўлиб кўриниб кетди!

Эргаш Ҳайдарович Рамзбекнинг бошини кўтарди, шогирдининг кўзлари унга тикилиб турарди... Рамзбекнинг қўл-оёқлари совий бошлаганди... Унинг руҳи еттинчи осмон сари учмоқда эди...

Профессор шогирдининг жонсиз танасини маҳкам қучоқлаганча ҳушидан кетди...

* * *

Аслида Дилором билан Рамзбекнинг ишқий саргузаштлари анча олдин бошланган, тўғрироғи, уларни шайтон йўлдан урганига кўп бўлганди. Ҳарқалай Эргаш Ҳайдарович раҳбарлигидаги жамоада бу ҳақда деярли барчанинг яхши билишининг ўзи ҳам бу севги «қисса»си анчайин тарихга эга эканидан далолатдир.

Ўшанда илмий жамоада қандайдир байрам ўтаётганди. Одатига кўра, байрамларга унчалик ҳуши йўқ бўлган профессор бироз ўтиргач, бир ишни баҳона қилиб қаёққадир йўл олди. Турлитуман илмий изланишлар, ҳар кунги баҳс-мунозаралар ва ертўлалардаги давомли машғулотлардан зерикиб юрадиган илм кишилари учун ана шуниси керак. Бир зумда ҳамма ўзини эркин қўйиб юборади, унчалик катта бўлмаган байналминал жамоанинг барча жойда бўлганидек, эпчилвой ва чаққонвойлари етарли. Шу боис байрамлар баҳона мириқиб ҳордиқ чиқариб олишлари учун барча имкониятлар ишга солинади. Рамзбек ҳам илмий ишлардан кўра, ташкилотчилик қобилиятининг кучлилиги билан жамоада обрў қозонган. Неча йиллардан буён номзодлик масаласини турли баҳоналар билан ортга суриб келаётган бўлса-да, бундай тадбирларда у мутлақо бошқа одамга айланади. Бу икки ҳолатни кузатган одам бу йигитнинг сийратида иккита бир-бирига зид қутб жойлашганлигига амин бўлиши аниқ. Бугун ҳам ташаббусни Рамзбек ўз қўлига олди, дастлаб эркаклар «қиттак-қиттак»ни бошлаб юборишгач,

Рамзбекнинг ўзи ўрнидан туриб аёлларга аталган махсус виоларни бирма-бир қадаҳларга қуйиб чиқди. Орадан бироз ўтиб, давра қизигандан-қизиган, ичкилик таъсирида бир давра иштирокчилари алоҳида-алоҳида гуруҳларга бўлиниб олишган. Кимдир ўйин-кулгини бошлаган бўлса, кимдир аскиядан сармаст...

Рамзбек қулай фурсат етганини тушунди ва раҳбар эрининг ҳурмати юзасидан давранинг тўрида ўтирган Дилоромни излаб топди. У ҳақиқатдан ҳам ҳар доимгидек бу давранинг гули эди. Дилоромнинг ёноқлари бироз қизарибди, бу олатий ҳол – озгина ичса ҳам у ўзини шу тарзда ошкор қилиб қўяди. Аммо шу ўтиришида унга бир кўзи тушган ҳар қандай одамнинг вужудида қалтироқ туриши муболаға эмас. Бу аёл гўёки еттинчи осмондан адашиб пастга тушгану, одамлар орасида қандай йўл топишни билолмай қийналаётган малак эди...

Бундай давраларда муқим бир мавзу хусусида гап бўлмайди. Айни дамда ҳам суҳбатдошларининг гоҳ у мавзуга – гоҳ бу мавзуга бош суқаётганларини кузатиб ўтирар экан, Дилором зерикиб қолди. Шу пайтда кутилмаганда қаршисида пайдо бўлган Рамзбекнинг таклифи унинг учун айни муддао бўлди.

– Гўзлларнинг гўзали, бир боғни айланиб келмаймизми?, – кўзлари доим кулиб турадиган барно йигит унга илтижоли қиёфада термулиб турибди. У ҳам худди шуни кутиб тургандек, гап-сўзсиз ўрнидан туриб, унга эргашди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолгани учун буни биров билиб, бил-

май қолганди. Бир муддат икковлон сукут сақлаган ҳолда ўз хаёллари билан банд эди. Гўёки ҳозир улар жимликда сўзлашиб, жимликда тиллашиб бораётганди. Ўз изҳорларини кўзларида билдиришарди. Аламдан, армондан қичқириб юбормаслиги учун ўз юракларини жимлик пардасига ўраб олишганди. Ва ниҳоят улар кўздан панада бўлган филиалнинг орқа томонидаги мўъжазгина боғидаги ёлғиз ўриндиққа келиб ўтиришди. Кўринишидан Рамзбек ўзининг бу таклифидан ўнғайсизланар, шунинг учун ҳам қарши-сида қарашлари ёндираман деб турган аёлнинг кўнглига йўл топишга қийналарди.

– Дилором, нима учун Эргаш Ҳайдарович байрамларни ёмон кўради?, – Рамзбек хаёлига келган шу бир оғиз гапни айтиб олгунича терга ботиб кетди. Аммо рўпарасидаги ҳурлиқони индамай ўзига қараб, кулиб туриши уни бироз тетиклаштирди. – Ё ёшимиз ўтиб қолса, биз ҳам одамови бўлиб қолармиканмиз-а...

– У киши бошқа дунёнинг одами, ҳамиша ўзга оламларнинг таъсирида яшаб ўрганган, – дея Дилором ҳар баҳор филиал қоровули томонидан алоҳида меҳр билан парваришланадиган гулларга ўйчан тикилиб қолди. Чиройли аёллар ғамгин қиёфада ҳам янада гўзал кўринади. Ҳозир Дилоромнинг ғамгин кўриниши Рамзбекни ўзига баттар маҳлиё этаётганди. Шу боис туйқус хаёлига келган фикрдан сесканиб кетди. Шайтон унга қаршингда сел бўлиб ўтирган дилбар меҳрга, бир оғиз ширин сўзга маҳтал... Уни қучоқла, маҳкам бағринга бос... Кейин у сеники, фақат сеники бўлади, дерди.

Рамзбек ўзида куч топиб, Дилоромга яқинроқ сурилиб олди. Сочларига қўлини юборди... Қизик, унинг қўллари ўзига бўйсунмас, билинар-билинмас титраётганини ҳис этарди... Бирдан кўзлар кўзларга тушди: Дилоромнинг кўзида жиққа ёш эди... Рамзбек ўзини йўқотиб, Дилоромни белидан маҳкам қучоқлаб олди. Дилоромнинг бақириб юборишига оз қолди. Иккалалари ҳам шошиб ўрниларидан туриб кетишди.

– Сиз эркакларни ниятингиз маълум,– дея Дилором киноямуз оҳангида Рамзбекка бир қараб қўйиб, кета бошлади. Бу гап эркалиниши ёки хафа бўлгани учун айтилдими, тушуниш қийин эди. Аммо Рамзбек ҳозирги ишидан норози эмасди. Энг муҳими у мақсадига эришиш учун биринчи қадамни ташлади: Дилором, кўкдаги қўл етмас юлдуз эмас экан... У ҳали ёш, ўзидан йигирма ёш катта эри унинг хоҳиш-истакларини тушуна олармикан? Ажаб, ёнида шундай ҳурлиқо севгига зор бўлиб юрса-ю, у қаёқдаги илмий ишларидан бош кўтармайди. Агар кексайиб бораётган профессорнинг шундай имкони Рамзбекда бўлганида борми, у Дилоромни кафтида кўтариб юрарди. Дилоромни еру кўкка ишонмасди...

Кейинги кунларда Дилором Рамзбекка бошқача кўз билан қарай бошлади. Авваллари ҳам улар яқин бўлишган, ахир узоқ йиллардан буён бир жамоада ишлашади. Ёшлари ҳам деярли тенг, илм борасидаги шон-шуҳратга ўч эмасликлари, тўғрироғи, бунга эришиш учун уларда қунт етишмаслиги борасида ҳам икковлоннинг феъл-атвори узукка кўз қўйгандек. Аммо ўша кунги Рамз-

бекнинг жасорати Дилоромга қаттиқ таъсир ўтказганди, чоғи. Энди улар тез-тез бир-бирларини кўриш учун турли баҳоналар излаш билан овора бўлишарди. Айниқса илмий иши юзасидан профессор марказга югуришдан чарчамайди, бундай кунларда ёлғизликдан зерикадиган Дилором учун Рамзбек яхшигина овунчоққа айланаётганди. Рамзбекнинг аҳволи ҳам Дилоромникидан кам эмас – ётса ҳам, турса ҳам кўз ўнгида унинг жамоли... Уйқусиз тунлари рангин тушлар кўради – тушида Дилором билан самоларда сайр этади... «Яхшики, хаёл бор, дейди Рамзбек, – у мен учун энг сўнгги нажот. Мен хаёлларимда Дилором билан биргаман, унинг висолидан телбаман...» Кўпинча унинг тушлари бўлиниб қолади. Самоларда учиб юрганида, баногоҳ ерга қулайди. Кўз олди қоронғулашиб кетади. Истар-истамас кўзини очаркан, тепасида хотинини кўриб, баттар асабийлашиб қолади. Ахир, ҳозиргина у бу дунёдаги энг бахтли инсон эди... Ёнида Дилоромми бор эди...

Ана шундай кунларнинг бирида жамоа профессорни яна марказга кузатиб қўйди. Одатда бошлиқ йўқ бўлса, ҳамма ўзини эркин қўйиб юборади. Гўё қўл-оёққа боғланган арқонлар ечилади, озодликка чиқилади. Энди бемалол нафас олиш мумкин. Бугун сиртдан кузатиб юрди, нимагадир кўпчилик аёллар аллақачон жуфтакни ростлашган бўлса ҳам Дилором уйига кетмаяпти. Ҳолбуки, агар у шу кунларда ишга келмаса ҳам унга бир оғиз танбаҳ беришга кимнинг ҳам журъати етади, дейсиз? Аммо бир томондан унга ҳам осон эмас

– ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи. Қучоқ очиб кутади-ган фарзандлари бўлмаса... Шундай катта уй бир бечорани ютиб юбормайдими...

Рамзбек ҳамкасбларининг назарида қандайдир юмуш билан банд бўлса-да, аслида фикру хаёли Дилоромда эди. Имкон топиб бугун Дилором билан суҳбатлашиш, ниятига етиш ишқида ёнарди...

Тартибсиз титилиб ётган қоғозлар ичра эски дафтарига ўзича бир нарсаларни ёзиб ўтираркан, дафтардан бошини кўтариб қотиб қолди: қарши-сида Дилором турарди! Енгил либослари ўзига бирам ярашганки... Ахир, чиройли қоматга чиройли либослар ярашади-да! Ўзини бу борада уддабу-рон, гапга чечан ҳисоблаб – сувдаги балиқдек ҳисоблаб юрадиган Рамзбек каловланиб қолди. Дилором ҳам буни сезар, шунинг учун кўз қараш-лари билан ғанимини мағлуб этмоқчи бўлган голиб аскардай, унга мағрур қараб турарди.

– Ҳа, қўрқиб кетдингизми?,– деди ниҳоят Дилором овчининг саватига илинган кабутардек типирчилаётган Рамзбекка айёрона жилмайиб. – Агар қўрқиб кетган бўлсангиз, мен қайтиб кетишим мумкин.

Яна бироз айб иш қилиб қўйган боладек му-нғайиб ўтирса, ундан айрилиб қолишидан қўрқ-қан Рамзбек бошини кўтарди.

– Чиройингиздан тил калимага келмай қолди.

Дилором қаҳ-қаҳ отиб кулди:

– Хушомадни ўрнига қўясиз-а! Келинг, мақ-садга ўтайлик. Сизни кечки овқатга таклиф қил-моқчиман. Бир ўзимни уй ютаман, дейди. Бирор

соатларда уйга ўтиб боринг, ош дамлаб тураман. Майли, кўришгунча!

Рамзбек бир оғиз ҳам гапира олмай қолаверди. Ўзига келиб унинг ортидан қараб қоларкан, ҳозир Дилором кўкка парвоз қиладигандек енгил-енгил қадам ташлаб, кўздан узоқлашиб борарди. Енгил шаббодада унинг четларига алвон безаклар қадалган ҳарир кўйлаги ҳилпирайди...

Айни дақиқаларда Рамзбек учун вақт тўхтаб қолгандек туюларди. Ҳар сония йилларга татийдигандек, нуқул қўл соатига қарайди. Эски ойна рўпарасига бориб сочларини тарайди, келиб яна столига ўтиради. Кўнглида ишқилиб, Дилором икковимизнинг ҳаракатларимиздан ҳеч ким хабардор эмасмикан? – деган ҳавотир ҳам йўқ эмас. Чунки бу ерда ҳам оёғи билан эмас, оғзи билан юрадиган шоввозлар ҳам истаганча топилади. Агар бирон шубҳали гап Эргаш Ҳайдаровичнинг қулоғига етиб борадиган бўлса, Рамзбек учун ҳамма нарса тугайди. Мусофир шаҳарда ким ҳам уни ёнини олиши мумкин. Профессорнинг эса зўри ҳам, зари ҳам бор. «Ақлни ишлатиш керак. Бу аёл дегани шайтондек бир гап. Худо кўрсатмасин, бир гап бўлса, Дилоромнинг ўзини оқлаши учун сабаблари етарли. Калтак менинг бошимда синиши аниқ...», – ўйларди Рамзбек.

Барибир, ҳозирги шарқитда у ақл билан иш кўрадиган ҳолатда эмасди. Ахир, бахт қуши шундоққина қўлига қўнаётган бўлса, кечалари оромини, кундузлари тинчини ўғирлаётган ҳурлиқонинг ўзи унга бош эгаётган бўлса... Бундай имкониятни қўлдан бой бериш, бориб турган тентак-

лик эмасми? Йўқ, у бу даражада анойи эмас...

Рамзбек йўлга ҳозирлик кўрар экан, олдинда рўй бериши мумкин бўлган турли ҳолатлар ҳақида ўйлар ва уларнинг ҳар бирига мос тушадиган баҳоналар ўйлаб қўйишга ҳаракат қиларди. Чунки бу Дилоромнинг ёки бирон-бир ганимининг унга қарши атайин уюштирган «ўйини» ҳам бўлиши мумкин. Бундай гўзаллардан ҳар қандай макр-ҳийлани кутавер, истаса, бундайлар ҳар қандай эркакнинг бўйнига ип ўтказиб олиб, кучук боласидек ҳар томонга етаклайди... Бир томонда гаҳ деса, қўлига қўнаман деган, ошиқу беқарорлар ҳам кўп-да, мулла Рамзбек! «Лекин Дилоромнинг таклифи самимий, агар кўнглида бошқа фараз мақсади бўлганида, мени эмас, сал нуфузи ва мартабаси баланд бўлган одамни чўқирди», - дея хаёлидан ўтказди Рамзбек.

Аспирант йигит устозига эргашиб, бу хонадонга кўп келган. Аммо ўша пайтларда кимдир унга вақти келиб, шу хонадонда унинг офатижон бекаси билан ёлғиз қоласан, деса асло ишонмасди. Сабаби ўзи каби бундай нотавонларга бу каби улуғ марҳамат кўрсатилиши даргумон. Бу ҳаётда ҳар ким ўз ўрнини билгани, ўз имкониятларига яраша орзулар қилгани ва унга етиш йўлларини излагани маъқул. Ҳаётнинг ана шундай қўхна мезонларини топган одам бахтлидир. Аксинча бўлганда эса бир кун келиб, бошинг деворга урилганида фақат ўзингдан гина қилишинг лозим.

Рамзбек кўча дарвозаси қўнғироғини босаркан, юрак уришини бутун олам эшитаётгандек эди. Кун ғира-шира бўлган, шу боис кўчада деяр-

ли ҳеч зоғ кўринмас, кун бўйи югур-югурдан чарчаган одамлар аллақачон ўз оилалари бағрида ором топган эдилар. Қолаверса, бундай маҳалларда биров билан бировнинг унчалик хуши йўқ. Ҳар кимнинг ҳаёти ўз йўлига – сен менга тегма, мен сенга! Шунинг учун ҳам кимнинг хонадонига кимлар келиб кетишию, ким қандай ишлар билан бандлиги маҳалладошларни унчалик қизиқтирмайди. Бу Рамзбеклар тоифасидагилар учун ҳам айни муддао эканлиги ҳозир унга жуда ёқиб тушаётганди. Чунки аксинча бўлганида бир муслмон шартга келиб, қоронғу тушди, ҳозир хонадонига эри бўлмаган муслима бир ёлғиз аёлнинг уйида сенга нима бор, деб ёқасидан олиши мумкинмиди? Худо кўрсатмасину, шундай бўлиб қолса, Рамзбек нима дейди? Устозим тайинлаганди, шунга бир келинойини хабар олгани келувдим деса, унга ишонишадими? Инсоф-диёнатли экансан раҳмат дейишармикан ёки кўнглида кечаётган шайтоний туйғуларни англаб қолишиб, мелиса чақиришар, ё бўлмаса олдиларига солиб қувишармикан?...

Эшик қўнғироғига ҳамоҳанг тарзда аёл кинининг таниш бўлган қўнғироқдек овози эшитилди.

– Ҳозир, мана кетяпман, – ким у? Нафис қадамлар ташлаб Дилоромнинг келаётганини сезган Рамзбекнинг юрак уриши янада тезлашиб кетгандек бўлди. Бир оний лаҳзада кўнглидан шарт ортига бурилиб, қочиб қолиш фикри ҳам ўтди. Сабоби эшик ортида уни бошқа бир олам кутаётганди: бир қадам ташлайдию, ё куйиб кулга айлана-

ди, ё бу дунёга келиб ҳали ҳеч қачон туймаган бахтнинг ифорида маст бўлади... Қизиқ, бахтнинг таъми ва ранги қанақа бўлар экан... Уни энг аввал юрак ҳис этадими? Нимага унда юраги кинидан чиқиб кетаман дейди? Нимага бутун дунёда юракнинг шакли севги рамзи сифатида танланган...

Эшик очилиши билан икковлон бир муддат бир-бирларининг нигоҳларини таъқиб этишди. Ҳозир улар гўё бир-бирларининг нигоҳини асир қилиб олиш бўйича баҳслашаётган эдилар. «Етти иқлимни айланиб ҳам бундай гўзал нигоҳни топиш қийин. Энди уни ҳеч кимга бермайман. Бу қарашлар энди меники бўлади»,— Рамзбек шошиб қолганидан Дилоромга қўл узатиб кўришди. Афтидан Дилоромда ҳам қаттиқ ҳаяжон бор эди. Чунки сўрашаётганларида Рамзбек унинг қўллари билинар-билинимас қалтираётганини сизди.

— Келинг, қани ичкарига,— Дилором тезда ўзини ўнглаб олиб, эшикни қулфлади. Ичкарига қадам ташлар экан, Рамзбек бу жойларга худди биринчи марта келиб қолгандек, атрофни синчиклаб кузатарди. У ҳозир бу хонадонда шунча бўлиб, кўрмаган нарсаларни кўраётган, бу манзаралар унга ўзгача завқ бераётган эди... Бетакрор меъморий ечимга эга бўлган мўъжазгина ҳовлида чиройли гуллар экилган, уч-тўрт туп ҳусайни узумлар учун темирдан дабдабали ҳомтоқ ҳам қилинган. Уйнинг ўнг бурчагидан борувчи атрофига садарайҳонлар экилган кичкина йўлакча орқали олди очиқ айвонга чиқилади, унинг ёнбошида меҳмонхона. Меҳмонхона жиҳозларини

катта шкафага чиройли қилиб териб чиқилган турли соҳаларга оид илмий ва бадий китоблар безайди. Тўрида телевизор, чап томонга бежирим диван-кресло қўйилган. Эрон гиламлари оёқ остида лал-лал товланади, ўртадаги катта хонхата устига жой ҳозирланиб, устига гулли қоғоз ташланган. Бу хонадон бекаси меҳмон кутишнинг ҳадисини олган. Сабаби профессорнинг ошна-оғайнилари билан баъзи-баъзида ўз уйида ўтириш одати бор. Дўстларига ҳам ўзига ўхшаган олимлар. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳмондорчилиги ҳеч кимга азият етказмайди, ҳатто баъзан ишқибозчиликка профессорнинг ўзи дастурхон тузайди, ўзи ош дамлайди. Зарурат бўлганда Дилором ҳам бундай юмушлардан қочмайди. Аслида бола қичқирғига зор бўлган бу ҳовлида Дилором шундай меҳмондорчиликлар кўпроқ бўлишини истайди. Улар билан овунади, сал енгил тортади. Айнан бугун Рамзбекни ўз уйига таклиф қилиши ҳам бир жиҳатдан ана шу одати билан боғлиқ бўлса, эҳтимол. Эргаш Ҳайдарович уч кун бурун бир ҳафталик хизмат сафари билан пойтахтга кетган. Дилоромга дилдош йўқ, суҳбатлашиб дардини аритадиган бир малҳами жони йўқ. Чунки профессор биринчи хотинидан қолган болаларини уй-жойли қилган, ҳаммалари ўз тирикчиликлари билан овора. Борди-келди деярли узилган. Бир томондан улар дадаларини ўзидан йигирма ёш кичик шогирдига уйланиб олганига кўникиша олишмади. Худди бу ҳол Дилоромнинг яқинларини ранжитгани каби – аммо на илож, пешоналарида шу бор экан, кимдан олдин, кимдан

кейин деганларидек, бир нави тирикчиликлари ўтиб турибди. Дилоромни битта армони, бу – фарзандли бўлиш. Афсуски, бу масалада унинг омади чопмаган.

Ортидан Дилоромнинг кириб келишини кутиб қолган Рамзбек бир муддат нима қилишини билмай меҳмонхона ўртасида туриб қолди. Шунда англаб етдики, ҳали йўлдаги бозорчадан у бу нарса сотиб олганди. Дилоромга беришни унутибди. Хонага настарин бўйи уфурди. Хонага гул кириб келди. Бирдан олам ёришиб кетди. Рамзбек айна дамда эсидан оғиб қоладиган даражада қарахт бўлиб қолди.

– Ие, Рамзбек, нега ҳалигача тикка турибсиз, ўтиринг, – Дилором қаҳ-қаҳ отиб куларкан, унга жой кўрсатди.

– Мана буни унутибман, – Рамзбек қўлидаги сувқоғозни Дилоромга узатди. – Аммо овозини ҳатто ўзи ҳам эшитмади. Ҳозир гапирдими ёки йўқми, билолмай қийналарди. Ҳартугул Дилоромнинг унга раҳми келди шекилли, аёлларга хос устамонлик билан қўлидаги нарсани олиб, ёлғондакам манзират қилиб қўйди.

– Овора бўлиб нима кераги бор эди. Ана музлаткич тўла нарса. Буни ким ейди. Майли, раҳмат. Қани, ўтиринг. Дилором ошхонага чиқиб кетгач, Рамзбекнинг эътиборини яна уй жиҳозлари ўзига тортди. У ҳозир ўз хотирасини синовдан ўтказмоқчи бўлаётганди. Адашмаса бу хонадонга бундан икки ойлар олдин ташриф буюрганди. Ҳамма нарсага бир-бир кўз югуртириб чиқаркан, Рамзбек ўйга толди. «Қани бу хонада нима ўзга-

риш бўлган экан. Йўқ, ҳамма нарса ўша-ўша. Дилоромнинг ҳам диди чакки эмас. Лекин тез-тез ўзгартириб туришга ҳам ортиқча хоҳиши йўқ кўринади. Аслида ортиқча ҳашам ва дабдабанинг нима кераги бор?!»

– Меҳмон, яхши ўтирибсизми? Зерикиб қолманг, хоҳласангиз қўшиқ, хоҳласангиз телевизор қўйиб бераман,– дея Дилором чой қуйиб узатаркан, Рамзбекка ер остидан ўғринча қараб олди. – Бемалол ўз уйингиздек ўтараверинг. Мен ҳозир ошни дамлайман.

Дилором узатган пахта гулли пиёладаги чойни хўпларкан, Рамзбек яна ўша уятчанлик одати панд бераётганидан жаҳли чиқарди. Ахир, ҳозир эркак киши учун қиз боладек уялиб ўтиришнинг мавридими? Сен қандай мақсадда келгансан бу ерга? Лекин бу хонадонда ўз уйимдек ўтиришга ҳаққим бормикан? Негаки, кекса бўлса ҳам бу уйнинг ўз султони бор. Мен бу хонадоннинг султони эмасман...

Рамзбек хаёл билан бўлиб, Дилоромни ташқарига чиқиб кетганини ҳам пайқамай қолибди. Орадан бир зум ўтиб, у катта-кичик қадаҳлар кўтариб қайтиб келди. Катта мебелнинг тагини очиб, чет элнинг виносидан олди. Бу ишга устаси фаранг экан, бир уринишда ресторан официантларидек унинг қопқоғини очиб юборди. Унга ҳам кейинги пайтда урф бўлаётган одатлар таъсир қилган, шу боис у замонавий аёллар учун эркак киши билан қадаҳ уриштиришга шунчаки оддий бир воқеа сифатида қарарди. Винони кўриб, жонланиб қолган Рамзбек энда ташаббусни қўлга ол-

маса бўлмаслигини англаб етди. Тезда ўрнидан турди ва Дилоромнинг қўлидан винони олиб, чиройли қадаҳларга тўлдириб қуйди. Сабаби ҳаяжонларини босиб олиши учун Рамзбекка бу энг қулай восита эди.

– Хўш, нима учун ичамиз,– деди Дилором ошиқ йигитга сирли жилмаяр экан. Рамзбек анча дадиллик билан ўзини тутиб олиб, шоирнинг қуйидаги тўртлигини баралла айтиб юборди:

*Кўзлар сокин қўшиқни куйлар,
Жилирлашиб кетади танлар.
Муҳаббатни эрмак деб ўйлар,
Муҳаббатдан тугилмаганлар...*

– О, билмаган эканмиз, сиз ҳали туппа-тузук шоирман денг,– Дилором яйраб кулди ва қадаҳини Рамзбекнинг қўлидаги қадаҳга оҳиста уриштирди. – Сизни устозингизга ўхшаб лаборатория жинниси десам, бошқа нарсаларга ҳам вақт топаркансиз. Бу жиҳатингиз менга жуда ёқди, қойил!

Биринчи қадаҳдан кейин, Рамзбек бутунлай ўзгарди. Энди у бошқа Рамзбекка айланаётган эди.

– Зўридан бор, эшитасизми?

– Қани-қани, шоир йигит!

Рамзбек ўрнидан турди:

*Агар келар бўлсам эшигинг очиб,
Шодликдан титрайди вужудинг, ўйинг.
Вақт етар, кетарман бу бахтдан қочиб,
Эшикда мунгайиб қолади бўйинг.*

*Ва яна жимликда кечар умримиз,
Бир кунми, ўн кунми буёғи сирли.
Шу жимлик сақлайди бизнинг сиримиз,
Шу жимлик тўфайли умримиз нурли.*

*Жимликда сўзлашиб, жимликда куйлаб,
Кўзда изҳор этиб тилагимизни.
Аламдан қичқириб юбормасин деб,
Жимликка ўрадик юрагимизни.*

Дилором қарсак чалиб юборди. Чаққонлик билан ўрнидан туриб, аввал ўзини, кейин Рамзбекнинг қадаҳларини тўлдирди.

– Сиз мен билган Рамзбек эмассиз...

Кетма-кет қадаҳлар уриштирилди, дил сўзлари айтилди. Ўтирган ҳолда, ўрниларидан туриб сўзлашди. Айниқса Рамзбек эҳтиросли шеърлари Дилоромни бутунлай ўзига сеҳрлаб қўйди. Ичкилик таъсириданми ёки ичкилик сабабми энди ўртадаги парда анча кўтарилган, улар яқин қадрдонлардек, юзма-юз ўтирган кўйи бемалол чақчақлашиб ўтиришарди. Энди хона ҳарорати анча димиққан, димоққа винонинг тахир ҳиди, сигарета иси урилар, аммо икки бедор қалб учун ҳозир булар умуман билинмасди. Улар висол лаззатидан, кутилмаган бахтдан еттинчи осмонда сайр қилиб юрардилар.

Кутилмаганда Дилором соч турмаklarини ечиб юбориб, ҳалатининг устидан ташлаб олган нимчасини ташлади. Ўрнидан туриб магнитофонни қўйди, хонани майин мусиқа садолари чулғаб олди. Шу туришида Дилором Рамзбекнинг наза-

рида моҳир рассом томонидан ишланган бетим-сол суратга ўхшарди: садафдек тизилган оппоқ тишлар, бўлиқ сийналар узра бетартиб сочилиб тушган қоп-қора сочлар, бир нима демоқчимисиз деб тургандек, узун-узун киприклар, қирмизи олма юзлар, кўзлар мисоли порлаётган митти юлдуз...

Рамзбекнинг ортиқ сабри қолмади. У секин ўрнидан турмоқчи бўлган эди, сархушлик таъсирида кутилмаганда мувозанатини йўқотди. Яхшики, Дилором эпчиллик билан уни суяб қолди. Акс ҳолда оёғи осмондан бўлиб, гилам узра юзтубан йиқилиши аниқ эди...

– Вой, шўрим, одамни қўрқитиб юбордингиз, ўзингизни қўлга олинг, Рамз акажон...

Сўнгги гап Рамзбекнинг тирноқларини орасига титратиб юборгандек бўлди. Бир зумда бутун вужуди олов бўлиб ёнди... Бирданига томоқлари қуруқшаб, нафаси бўғилиб қолди...

– Ўзимни жоним...

Бир лаҳзада икки соя бир-бирига қўшилди. Рамзбек ўзини тута олмай, Дилоромни юз-кўзлари демай, қайноқ бўсага кўмиб ташлади... Бир муддат қўл-оёқларини жонсиз қимирлатган Дилором ҳам жимиб қолди. Икковлари ҳам кўзларини маҳкам юмиб олганларича, бир-бирларининг оғушларига янада кучлироқ ботишга интилишарди... Кейин дунё ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Улар ҳолдан тойгунча тонг отди. Шу кеча Дилором Рамзбекка бу дунёга келиб кўрган энг тотли, энг фароҳбахш «оқ тун»ни ҳадея этди...

Уларнинг севги қиссаси шу тариқа бошлан-

ган эди. Аста-секин у алангаланиб борди, унинг ҳарорати ишда ҳам, Рамзбекнинг ижарахонасида ҳам, профессорнинг уйида ҳам тобора уларни ўз гирдобига тортиб борарди. Бу «ошиқ-маъшуқ»лик шу даражага бориб етдики, ундан бутун жамоа воқиф бўлди. Биргина профессор Эргаш Ҳайдарович бундан беҳабар, афтидан у бу дунёда Дилором деган ёри, унинг йўллариغا кўзлари нигорон аёли борлигини буткул унутганди. Афсуски, ўзи ўйлаб топган ўша кашфиёти ўз бошига бало бўлаётган, уни кечасию кундузи лабораториясига михлаб қўяётганди. Энди Дилором ҳам олдинги истифноларини ташлаган, Эргаш Ҳайдаровичнинг назарида, шаддод хотини энди анчайин қуйилиб қолганди. Буёқда Рамзбек ҳам устозининг атрофида гирдикапалак, нуқул профессорнинг кашфиёти самараси, хизмат сафарлари билан қизиқади...

Аммо ҳар қандай ёлғоннинг бир кун келиб, чок-чокидан сўкилиб кетиши аниқ. Ўша мудҳиш тонгда фoš бўлган бу хиёнат, шу тариқа қотиллик билан ниҳояланганди. Аслида бундай бўлмасилиги мумкин эди. Ҳаммасига Дилоромнинг эътиборсизлиги сабаб бўлди. У профессорнинг қатъий интизомига ишонар, шу боис малака ошириш курси тугаган бўлса-да, уйга қайтишдан олдин Эргаш Ҳайдаровичнинг албатта ўзига қўнғироқ қилишига ишонганди. Шу боис ҳам ўша оқшом Рамзбекнинг оёғим тортмаяпти, деб орқага тисарилишига қарамай, кечқурун уйига таклиф этди.

– Етишгандан кейин мурод ҳосил бўлади, сўнг

пфу, сассиқ экан-да,— дея Дилором Рамзбекнинг хонасида писанда қилди. Ошиғу беқарорининг қитиғига тегди...

– Сиз таклиф этасизу биз йўқ деймизми,— деб уни бағрига босди Рамзбек. Дилоромнинг оппоқ ва нозик қўллари унинг бўйнига чирмашди, қизариб кетган юзида лабларининг изи қолди... Ўзига қолса-ку, эҳтирослари жунбушга келган Рамзбек шу ернинг ўзида Дилоромни ниятига етказарди, лекин ҳали андиша деган туйғулар буткул йўқолмаган.

– Майли, ишдан кейин ўтаман. Бир мазза қилайлик, ўзим ҳам соғинганман,— Рамзбек истаристамас Дилоромни бағридан бўшатди. – Бизга дийдор керак, дунё эмас...

Ҳали улар муқаррар фожиадан беҳабар эди. Улар бу кеча сўнгги кечалари эканлигини умуман билишмасди. Шу кечани худди улар каби профессор Эргаш Ҳайдарович ҳам вагоннинг намхуш ўриндиғида бедор ўтказиб келаётганини мутлақо хаёлларига келтиришмасди...

* * *

Мазкур қотиллик юзасидан олиб борилаётган дастлабки тергов ишларининг натижалари тажрибали изқуварлар, терговчиларнинг бошини қотириб қўяётган эди. Бир томондан профессорнинг руҳий ҳолати жуда аянчли... Бир кечада унинг оқ оралаган сочлари оппоқ қордай оқариб кетган... Унинг кўрган таниш-билишлари ундаги кутилмаган бу ўзгаришдан донг қотиб қолишмоқда эди. Қолаверса, марҳум Рамзбекнинг яқин-

лари ҳам ҳуқуқ-тартибот идоралари эшигини ортиқча бузаверишмади, Дилором ҳам эри билан бирга яшаган ҳовлини таниш-билишларга омонат топшириб, бир кечада сирли равишда ғойиб бўлди... Хуллас, тергов ишлари боши берк кўчага кириб қолаётганди. Ниҳоят, ушбу қотилликни ипидан-игнасигача очиши керак бўлган терговчи, майор Илҳомов профессорнинг руҳий ҳолатини текширтиришни маъқул топди. Ташҳис натижаларига кўра, Эргаш Ҳайдарович «шизоферения»га чалинганди. Шундан сўнг белгиланган тартиб бўйича профессор зудлик билан шаҳар четдаги руҳий касаллар шифохонасига ётқизилди.

Одамлар бу жойдан ўтаётганда икки хил ҳолатга тушишади. Кимдир кўримсиз бу касалхона ичида сарғайиб сўлаётган инсонларга нисбатан ачиниш ҳиссини сезади, яна кимларнинг назарида эса, бу ерга келиб қолган инсонлар шундай жазога лойиқ. Улар бир пайтлар кимларгадир берган озорлари учун яратган томонидан шундай жазога лойиқ кўрилган. Кулгининг ва ачинишнинг сабаблари ана шунда.

Бир қарашда бу маскан ҳам шифохонада деб юритилади. Аммо унинг кўримсиз деразаларига темир ришоткалар ўрнатилгани, бу ерга кириб-чиқишда ҳарбийча интизомга амал қилиниши кўп нарсадан далолат беради. Бу манзараларга кўз тушиб қолган ҳар қандай инсоннинг юраги орқасига тортиб кетиши аниқ. Сабаби биринчи таассурот одамни ҳеч қачон алдамайди. Ташқарида шундай ёқимсиз ҳолатми, демак, ичкарида бундан беш баттар эканлиги аён ҳақиқат. Ҳатто

душманингни ҳам бу ерларга тушгулик қилмасин. Одам боласига раво кўрилмайди, бу жойлар...

Профессорни вақтинчалик сақлаш тергов ҳибсхонасидан эски, шалағи чиқиб кетган машинага чиқаришди. Қизиқ, ойналар ўрнига ҳам темир тунукалар ўрнатилган. Эргаш Ҳайдарович сўлишиб, шалвираб қолган гавдасини аранг судраганча машина орқасига кўтарилди. Тергов ҳибсхонасининг навбатчи ходимлари ҳам уни алоҳида пичинг аралаш кулги билан кузатиб қолишди. Лекин ҳали профессор ҳеч нарсани билмас, фақат ўша кунги мудҳиш ҳолат кўз ўнгида гавдаланса, ўзини билмай қолар, ерга ағанаб, оғзидан кўпик сачратиб, уввос солиб бақирарди... Шундай пайтларда қаёқдандир етиб келган оқ ҳалатли одамлар унинг бармоқлари ва орқасига укол қилишгач, бир муддат кўзлари ола-кула бўлиб, уйқуга кетарди.

Қабулхонада ҳам оқ ҳалат кийган икки нафар келишган, малласоч аёллар профессорни кутиб олишди. Кузатиб келувчилардан унинг ҳужжатларини олар экан, улардан бири шеригига киноямуз илжайди.

– Профессор экан...

– Қанақа профессор, туришини қара, худди ёш болага ўхшайди. Мана, ўзинг шахсий варақасини кўргин. Истамайгина у қўлидаги ҳужжатларни шеригига тақдим этди. Профессорга «юринг» дея ишора қилишаркан, ўзлари олдинга тушиб, гўё орқаларидан кимдир келаётганини унутиб қўйгандай, бепарво кетишарди. Кўринишидан бу ҳамширалар бу каби беморларни кўравериб,

тўйиб кетган... Эҳтимол, уларнинг наздида бу дунёни ақли ноқислар босиб кетгандек...

– Ҳақиқатдан ҳам профессор экан, соҳаси ҳам тиббиётга яқин экан,– шеригига қараб кулаётиб, секин ортига ўгирилиб, профессорга қараб қўйди. Тарбиячи опасидан ортда қолмаслик учун апилтапил қадам ташлайдиган болакайдай, профессор индамай уларнинг ортидан эргашарди. Алоҳида бир бўлманинг темир эшикларини очиш учун улардан бири чўнтагидан катта калитини олди. Шарақлаб эшик очилди ва иккинчи ҳамшира йўл бўшатиб, худди тергов ҳибсхонасидаги тартибдек, профессорни олдинга ўтказди. Кейин дарвозага қулф осилди, уччовлон узун-қисқа бўлиб каридорга олиб кирадиган иккинчи эшикдан ўтишди. Каридор этагидаги катта хонада кўз ойнакли, паканадан келган кекса шифокор уларни қарши олди. Ҳарқалай унинг муносабати сал яхшироқ эканлиги, профессорни қувонтирди.

– Марҳамат, ўтиринг,– деди у профессор билан қўл бериб кўришар экан, ҳамшираларга сизларга рухсат дегандек, имо қилиб. – Қани, тактак, демак, Эргаш Ҳайдарович! Шундайми? Яхши, яхши. Насиб этса, биз сизни даволаймиз. Ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз. О, таржимаи ҳолингиз ёмон эмас. Давлатимизга кўп хизматингиз сингган экан. Сизлардек инсонларни ҳурматини жойига қўйиш керак.

Бўлим бошлиғи (профессор буни ҳис қилмоқда эди) стол остидаги тугмачани босди. Остонада пайдо бўлган жиккакина қизалоқ унинг кўрсатмаси бўйича бўлим ходимларидан бирини бош-

лаб келди. У узун бўйли, чўзинчоқ юзига ярашмаган мўйловлари унинг қиёфасини кулгили қилиб кўрсатарди. Чамаси ўттиз беш-қирқ ёшлардаги бу найнов йигит индамай келиб, раҳбарининг рўпарасида тўхтади.

– Гап бундоқ, Миша,– деди унга салмоқлаб, ҳар бир гапига алоҳида урғу бераётган бўлим бошлиғи. – Эргаш Ҳайдаровичга иложи борича тинчроқ, ҳолироқ жой керак. Профессорни икки кишилик хоналардан бирига жойлаштирасан. Қани, бор...

У қандай индамай келган бўлса, яна индамай ортига ўгирилди. Ноилож қолган профессор ҳам ўрнидан оғир қўзғолди.

Энди бироз ўзини босиб олган профессор атрофни синчиклаб кузата бошлади. Узун йўлакдаги жиҳозлар, мебеллар алмисоқдан қолган бўлса ҳам ҳаммаёқ топ-тоза, саранжом-сарипта эди. Аллақачон бўлимга янги одам келганини эшитишган чоғи, узун йўлак бўйлаб беморлар кийимидаги турли ёшли инсонлар унга ҳайрон қараб қолишарди.

Ниҳоят йўлакнинг у четидаги бир хонани очиб, Миша профессорга хонасини таништирди.

– Икки кишилик хона, ҳозирча бир ўзингиз турасиз.

Хонага иккита диван қўйилган, бу хонанинг бор жиҳози битта тумбочка, алмисоқдан қолган стол, деворда осиглиқ туравериб, ранглари ажратиб бўлмас даражада униқиб кетган натюморт расм. Унда нима тасвирланганини кўришга қизқиққан профессорнинг кўзи ҳеч нарсани илғай ол-

мади. Қандайдир соялар, ўнқир-чўнқир йўл, ило-
низи бўлиб кетган бармоқ излари... Икки соя бо-
риб-бориб йўқлик қаърига сингиб кетаётгандек
тассурот қолдиради.

– Бироздан сўнг тушлик бўлади, мана бу кий-
имларни кийиб олинг, – дея Миша янги беморнинг
олдига бу ерда кийиладиган кийим-кечакларни
ташлади. Уни кузатиб, эшик олдига чиққан про-
фессор ҳайратдан қотиб қолди. Сабаби бўлимнинг
деярли барча беморлари унинг хонаси олдига йиғ-
илишибди. Профессор нима қилишини билмай
гангиб қолди. Миша уларга бир бақириб берган
эди, ҳаммалари хоналарига югуришди. Эски стол-
га омонатгина ўтираётиб, профессор ўйга толди:
«Хўш, олдинда уни нималар кутаётибди... Бу ха-
стахонадан омон чиқишнинг иложи бўларми-
кан... Бу жойлардан қачон қутилади, энди...»

Бироздан сўнг йўлакнинг у бошидан Миша-
нинг бўғиқ, хирилдоқ овози эшитилди:

– Ребята, обед!

Бир зумда узун йўлакни ғала-ғовур, оёқ то-
вушларининг тартибсиз овозлари тутиб кетди.
Қорни таталаётгани ва эрталабдан бери ҳеч нар-
са емаганини ҳис қилган профессор янги кийим-
да ўзини талотўп ичига урди. Беморларнинг ак-
сарияти айна навқирон ёшдаги йигитлар эди.
Профессор хаёлга берилди, бу болалар учун нима
етишмайди экан... Нима учун улар бу аҳволга
тушди...

Узун йўлак тугаб, яна бир эшик очилди. Ундан
сўнг яна қисқа йўлак, унинг ўнг томонидан эшик-
дан таомларнинг ширин ва иштаҳани қитиқловчи

ҳиди димоққа урилади. Миша ҳаммани жой-жойига ўтиргизар экан, профессорни ўзига имлади. Уни тепароқдаги бир столга ўтиргизди. Ошхона хизматчилари асосан аёллар бўлиб, улар ҳам янги бемор ҳақида аллақачон эшитган чоғи, Эргаш Ҳайдаровичга бошдан-оёқ синчиклаб разм солишди. Ҳамма жой-жойига ўтиргач, бақалоққина қиз чаққонлик билан овқатларни тарқата бошлади.

Профессор атрофни кузатар экан, ҳайрон эди. Кимдир бутун бошли столда ёлғиз ўзи ўтирибди... Кимдир ҳали овқат келмай, нонларини талаша бошлади...

Профессор ёнига қўйилган овқатини иштаҳа билан ея бошлаганди, ёнидаги столда ёлғиз ўзи ўтирган ўттиз ёшлардаги йигитча унинг устига бостириб келаётганини сезиб қолди. Бехосдан унинг нонларини чангаллаб олган ҳалиги бемор бу ишни эпполмай, кесилган нон бўлақларини полга тушириб юборди. Қаёқдандир пайдо бўлган Миша уни секин жойига ўтиргизиб қўйгач, ичкаридан профессорга нон олиб берди. Шу пайт ошхонанинг нариги бурчагида бир йигитнинг жинилиги тутиб қолса бўладими...

У ерга ётиб олганича қалтирар, ўрнидан туришга ҳар қанча уринмасин, ҳаракатлари зое кетиб, яна ерга юзтубан йиқиларди... Ошпаз аёллар билан энди овқатланишга ўтирган Миша норози оҳангда ўрнидан турди. Бориб ҳалиги йигитни қўлтиғидан олди ва ичкарига бошлади.

Бу манзарани кузатар экан, профессор жуда ғалати оламга тушиб қолаётганини ҳис қилмоқда эди. Буни ўйлаб баттар сиқилиб кетди. Иштаҳ-

аси бўғилди, индамай ўрнидан туриб хонасига кетмоқчи бўлган эди. Кекса ошпаз хотин уни тўхтатди.

– Шошманг, компотингизни ичиб олинг. Хонада ҳеч нарса беришмайди. Кечки овқатгача қийналиб қоласиз. Ўзингизни эҳтиёт қилмасангиз, бу ердан чиқиш хаёлингизга ҳам келмасин. Бу ердангиларнинг ҳаммаси ҳам жинни эмас. Кўпи шум тақдиридан, ўзининг ақллилигидан куйганлар... Энди сиз ҳам шу муҳитга мослашишингиз зарур. Акс ҳолда ўзингизни-ўзингиз нобуд қилишингиз ҳеч гап эмас.

Профессор нима қилишини билмай, турган жойида қотиб қолди. Ва ниҳоят офир ҳўрсиниб, жойига ўтирди. Ҳалиги чаққон қиз келтириб берган компотни хўплади. Унинг тахирлигидан афтини бужмайтирди. Бу ҳолни кўриб турган ҳалиги ошпаз хотин пичинг қилди:

– Бу ер санаторий эмас, чидайсиз...

Профессорнинг чидашдан бошқа иложи ҳам йўқ эди. Чунки ҳали унинг ҳаётдан умиди бор. Вақти келиб ҳаётини яна бир маромга солиш ва ўзи бошлаган улуғ кашфиётини охирига етказишдан умидини узмаган. Агар шу ишини рўёбга чиқаришни хоҳалаётган экан, чидаши ва фақат чидаши керак...

* * *

Муҳташам ва салобатли бинонинг ҳали одамлар кўзи ўрганмаган қорайтирилган ойналари офтобда ялтираб, ўзгачача рангда жилоланади. Шу пайт одатдагидек катта дарвозанинг бир та-

вақаси очилиб, новчадан келган, эллик ёшлардаги қотма киши жиддий қиёфада эшикдан кириб келди.

– Салом босс! – деди чоғроққина меҳмонхонадан чиққан ёш йигит. – Хўжайин сизни кутяптилар. Ҳозир сўраётгандилар, тезроқ чиқмасангиз бўлмайди, Соҳиб ака. Қотмадан келган, худди спортчига ўхшаб кетадиган ҳалиги одам йигитга жавобан, билинар-билинемас жилмайиб қўйди.

Бир маҳаллар собиқ иттифоқнинг нуфузли КГБ деб аталмиш идорасида ишлаган, Соҳиб Назаров дейилса ҳар қандай одам бир қалқиб тушадиган бу инсон тарки одат – амри маҳол қилиб, ҳали ҳам ўзини оддан тушган бўлса, эгардан тушмагандай тутади. Аслида у кўп йиллар мобайнида зимдан сиғиниб келган нуфузли идорадаги кичкина амалидан айрилгач, тўғрироғи, бир қалтис хатоси – касби сир-асрорларини сақлай билмагани учун ишдаб бўшатишган бу инсон бир муддат нима қилишини билмай каловланиб юрди. Кейин тирикчилик важдан ва замона зайли билан турли идоралар эшигини қоқди. Лекин унинг собиқ фаолияти ҳақида эшитишгач, иш берувчилар бир зумда тўнларини тескари кийиб олишарди. Ниҳоят тақдир уни ушбу жиноий тўдага рўбарў қилди. Мана, шу ишга кўникиб кетганига ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Ҳозир ҳам у аста-секин зинапоялар томон шошмай салобат билан одимлар экан, унинг оддий кўз қарашларида ҳам қандай кибор борлигини ангалш мумкин бўларди. Бугун у – унақанги қамчисидан қон томадиган ваҳимали идорада ишламайди. Бу идорадан

«учирма» бўлган, замона зайли билан пойтахт-даги катта бизнесменлардан бирининг қўлида қўриқчилар бошлиғи бўлиб ишлайди, яна ҳам аниқроқ айтганда, янги хўжайини Мирпўлатнинг хавфсизлигини таъминлайди. Эрталаб кутилмаганда хаёлига бир фикр келиб, хўжайинга телефон қилган, «Бир уриниш билан ўн миллион доллар пул ишлаб олиш имкони бўлган гоё»ни шипшиб қўйганди. Уни хўжайини интиқлик билан кутаётганининг сабаби ана шунда.

– Одамам шунчалик куттирадими? – ўпкаланганамо оҳангда Мирпўлат унинг истиқболига чиқди. – Юракка ғулғула солиб қўйиб, ўзингиз бемалол юришингизни қаранг...

Кўпни кўрган собиқ хавфсизлик хизмати ходими мийиғида кулиб қўйди. Аслида бугун унга кўрстилаётган эҳтиромнинг бошқа сабаби бор. Чунки пул деса, ҳатто жон беришга ҳам тайёр бўлган бу одам ҳамиша ҳам қўриқчилари раҳбарини ўзига яқинлаштиравермайди. Ўртада қандайдир масофа сақлашга ҳаракат қилади. Бугунги манзиратнинг боиси эса, унинг тинчини ўғирлаётган жарақ-жарақ пулнинг жодуси эди.

– Хўжайин, бемалол юриш қаёқда,– эрталабки гапни яна бир бор аниқлаб олиш учун, эски танишларга алоқага чиқдим,– дея Соҳиб ҳам ўзига ярашмаган алфозда ялтоқланди. Хуллас, гап бундай,– деди у гапида давом этиб, хўжайини суриб қўйган столга чаққонлик билан ўтираркан. – Хабарингиз бор, бир пайтлар мен ўша идоралардан бирида бевосита раҳбарлик вазифасида ишлаганман. Замон нозик эди. Эргаш Ҳайдарович деган доришунос бир

профессор бўларди. Ўшанда у одамни маълум бир муддатга ёшартириш мумкин бўлган дори ихтиросини деярли якунига етказганди. Буни шахсан ўзимиз кузатиб, назорат қилиб турганмиз. Лекин шу орада у иккинчи, суқсурдай ёш хотинини ўйнаши билан ушлаб олиб, қотилликка қўл урди ва... кутилмаганда жиннихонага қамаб қўйилди. Одамларим орқали ушбу дорининг формуласини топиш учун унинг идорасидаги, уйидаги барча қоғозларини қўлдан ўтказганмиз. Лекин ҳеч нарса топилмаган. Айтишларича, ўта даражада эҳтиёткор бўлган бу одам бу формулани сира қоғозга туширмаган, миясида пишитиб юраверган. Кейинчалик одам қўйиб ҳам профессордан ўша формулани аниқлаб ола олмаганмиз. Ўша пайтда унинг руҳий ҳолати жуда ёмон эди, шу боис кучли дори воситалари таъсири остида бўлган доришунос формулани бизга айтиб беролмаган. Кейин мен...

– У ёғи тушунарли,– деди Мирпўлат шартта ўрнидан туриб,– аниқ таклифингизни айтинг?

Соҳибга хўжайинининг бундай қўрс муомаласи малол келгандек бир муддат жим қолди, қошларини чимирди, аммо шундай бўлса ҳам ўзини босишга мажбур эди. Сабаби ўзи ҳам бу ишдан каттагина даромад эгаси бўлишга умид қилган.

– Маълум бўлишича, айна пайтда ўша доришуноснинг руҳий ҳолати анча яхши. Унга фақат яхши гап ва яхши парвариш керак. Уни жиннихонадан олиб чиқа олсак, формулани қўлга киритишимиз қийин иш эмас. Формула учун ўн миллион доллар нақд пул тўлайдиган хитойлик доришунослар бор...

Бу гапдан кейин анча иш кўрган, шунга яраша мол-дунёга эга бўлган Мирпўлатнинг кўзлари чақнаб кетди. Билинар-билинемас ютиниб оларкан, бу эски туллак мени бошлаб лаққиллатмаяптими, дегандек Соҳибнинг силлиқ, қорача юзига синчиклаб тикилди. Бир муддат уларнинг нигоҳлари тўқнашди.

– Адашмасам, ўша доришуносни жиннихондан олиб чиқиш режасини ҳам тузиб қўйган бўлсангиз керак,– ўрnidан туриб дераза томонга юраркан, Мирпўлат Соҳибга яна бир бор жиддий разм солди.

Тансоқчилар раҳбарининг юзига табассум жилвалари ёйилди. Ҳарқалай тезда ўзини йиғиштириб олиб, яна жиддий қиёфага қайтди.

– Албатта. Лекин аввал келишиб олишимиз зарур...

– Хўш, менга қандай шартингиз бор?

– Қизиқмисиз, хўжайин, одамни ҳижолат қилманг, мен сизга шарт қўярмидим,– мўлжалга урганидан ўзида шод бўлган эски туллак юзига ҳижолатомуз тус берди.

Мирпўлат дангалига кўчиб қўя қолди.

– Келинг, ўғил болачасига гаплашайлик. Бизнес иши андишадан жуда узоқ юради. Аввало, мен бир нарсанинг тагига етишим лозим. Сиз нима учун бу ишда айнан мени танладингиз? Ахир, ҳали ҳам эски алоқаларингиз мустаҳкам, атрофингизда ишончли йигитларингиз кўп, бу ишни менсиз ҳам жимгина амалга оширишингиз мумкин эди-ку! Илтимос, очиғини айтинг.

– Очиғи шуки, агар ўша доришунос ўғирла-

надиган бўлса, шубҳа остига олинувчи гумондор дастлаб мен бўламан. Сабаби ўша пайтда профессор яратаётган ўша ихтиронинг ҳақиқий қадрқиммати, аҳамиятини шу тизимни назорат қилишим боис фақат мен яхши англар, тушунар эдим. Шунинг учун бу жараёнга бевосита ўзим раҳбарлик қилганман. Илмий иш натижалари, тажрибаларнинг олиб борилиши доимий эътиборимда эди. Биласиз, ўша пайтда Кремлдаги қариялар ана шунақанги янги, ҳаётбахш дорилар, турлитуман экстрасенсу башоратчилар билан жуда қизиқарди. Йилдан-йилга хилвираб, , тобора заифлшаётган организмлари , пасайиб бораётган идрок, хотираларини ўнглаш мумкин бўлган ҳар қандай дори , даво усулига дарров ёпишиб олардилар. Профессорнинг ихтироси эса турли гиёҳлар алкалоидлари ва замонавий кимё воситаларининг жуда мураккаб бирикмаси бўлиб, нафақат организмни ёшартириш, балки, оғир касалликларни ҳам даволаш хусусиятига эга эди, деб тахмин қилинаётганди.

Тансоқчилар раҳбари бир насрани эслади шекилли, бехосдан кулиб юборди.

– Айтишларича, ёш ва танноз хотинининг ишва-нозларини бостириш учун доришунос бир сафар ҳали таъсир кучи тўлиқ ўрганилмаган дорининг имкониятларини ўзида пинхона синаб кўрган экан...

– Хўш, ундан кейин-чи? – дорининг айнан шу жиҳати катта бизнесменни ўзига қизиқтириб қўяётганини яшира олмади.

– Кейин хотини бир ҳафта ишга чиқмаган,

дейишади. Дугоналарига «Чолни жин-пин чалганми... Ўлдириб қўйишига сал қолди...» деб мақтанган. Хуллас, республикамизнинг ўша даврдаги раҳбарларидан бири Кремлдаги бош қарияга шу дори ҳақида гуллаб қўяди. Шундан сўнг унинг устидаги барча ишлар, унинг майда тафсилотларигача КГБ назоратига ўтказилганди. Асли касбим шифокор бўлгани учун бу борадаги назорат менинг зиммамга юклатилган. Гарчи бу иш эсдан чиқиб кетган бўлса ҳам унга доир ҳужжатлар ҳамон архивларда сақланаётгани аниқ. Чунки назорат олиб ташланмаган.

– Демак, ўша профессор ва ўша фаройиб дорига оид бирор иш очилса, биринчи галда сизни эслашади...

– Худди шундай! Мен бу борада жуда эҳтиёткор бўлишим, ҳар қандай шубҳадан ҳоли юришим зарур.

– Режангиз?

– Биринчи навбатда профессорни жиннихонадан ҳамирдан қил суғиргандек олиб чиқиш учун биздан ташқари, фирмага алоқаси йўқ, лекин зарур пайтда буйруғингизга сўзсиз итоат этишга тайёр йигитлар бўлиши лозим. Кейин Арслон тоғ этагидаги оромгоҳингиз доришунос асабларини тинчлантириш, руҳшунос олимнинг у билан муваффақиятли муолажалар олиб бориши учун жуда қулай жой...

– Давом этинг...

– Бир руҳшунос олимнинг яшаш манзилини айтаман. Гаплашиб олиш ўз зиммангизда. Айтиб қўйай, у асли ўзимизда туғилган, кейинчалик Ле-

нинградда ўқиди, кейин анча шов-шувли кашфиётлари билан обрў қозонди. Агар хотирасини йўқотган, ўта шафқатсиз руҳий хасталикка чалинган кишиларни нормал ҳаётга қайтариш борасидаги айрим муваффақиятли тажрибаларини кашфиёт деб айтадиган бўлсак, – деб қўшиб қўйди у.

– Уни кўндириш осон бўлмаса керак?

– Руҳшунос Ленинграддаги шифохонада руҳий касаллар устида ўтказган ноқонуний тажрибалари фош бўлгач, жазодан қўрқиб ва киндик қони тўкилган тупроқни қўмсаб, шу томонларга суриб юборган... Асл исм-шарифи – Арсен Огабеков бўлади.

Иккалалари ҳам бир муддат жим қолишди. Жимликни биринчи бўлиб, кекса зобит бузди.

– Мана, хўжайин, мен ҳаммасини ўзимдан соқит қилиб қўйдим. Бу ёғи ўзингига ҳавола – хоҳланг танланг, хоҳланг рад этинг!

Уни нима демоқчи эканлигини ўзича англаб етгандай, Мирпўлат унга синовчан назар ташлади:

– Хизматингизга қанча олмоқчисиз?

– Битта лимон... Менга шу етади. Иш муваффақиятли яқунлангач, хитойликлар билан учраштираман.

Икковлон шу тариқа келишиб, ўғил болачасига қўл қисишиб қўйди.

* * *

Шаҳардаги нуфузли ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига қарашли санаториянинг асабий хасталиклар бўлими бошлиғи Александр Матвеев иш вақти тугаши билан дарҳол йиғиш-

тириниб, кўчага отилди. Чунки унинг учун ташқарида мўмай даромад манбаалари етарли. Бугун ҳам ўзаро келишувга мувофиқ уч-тўрт нафар беморлар унинг йўлини пойлашади. У ҳам ҳамини манзиратни ўрнига қўяди. Руҳшунос эмасми, ҳар қандай одамнинг руҳий ҳолатини китоб ўқигандай ўқийди ва ана шундан келиб чиққан ҳолда, унинг қалбига ўзига хос тарзда йўл топади. Айни дамда у ҳузурларига ошиқаётган мижозлари ҳам аслида бемор эмас. Шунчаки пулнинг ҳиди кўнгилларини ортиқча беҳузур қилиб, айш-ишрат жонига теккан, оқибатда ўзларини асабий касал ҳис қиладиган олифталар, холос. Бу борада илон ёғини ялаган руҳшунос атайлаб уларнинг қалбига турли ғулғулалар солади, ваҳималар гапларни шипшиб қўяди... Қарабсизки, унинг таъсирига тушиб қолган мижозлар у нима деса шунга рози, гўёки унинг ҳар бир гапи малҳам – шундан ором топаётгандек бўлишади. Аслида бу кўргилик уларнинг ичида, сўқир қалбларида. Лекин бу бечорала бу ҳақда қаёқдан ҳам билсин... Кошки, бунга ўзларининг ақлу-фаросатлари ета қолса...

Бугунги биринчи мижози тинмай бир жойдан еб ётаверганидан бақалоқдай шишиб кетган танбал бир аёл... Унинг эри йилнинг тўққиз ойини Хитой, Туркия, Россияда ўтказадиган йирик савдогарлардан бири. Вақт ўтказишга эрмак топа олмай қолган бу аёл тушдан бери камида бешолти маротаба телефон қилди. «Боши тинмай лўқиллаб, кўзига алламбало нарсалар кўринаётган эмиш... Қон босими жойида, иситмаси йўқ, организми соппа-соғ, шу қуриб кетгур боши...»

Аслида Александр унинг ҳақиқий дарди нима эканлигини жуда яхши билади. Зеб-зийнат, беҳисоб бойлик, олтин қафас ичида яшаётган бу аёл бир пайтлар фаол жамоатчи, хизматчи бўлган, яхши вазифаларда ишлаган, ҳаётга ўз қараш, интилишлари билан яшаган. Эр миллионер бўлиб кетгач, уни барча ишларидан мосуво этиб, мана шу қасрга тиқди. Ўзининг барзанги-барзанги, тоғанинг гапини оғзидан чиқмай бажарадиган, кескир қиличдай жиянлари қуршовида қолдирди...

Албатта, қафасдаги қушнинг орзуси чексиз осмон бўлганидай, эндигина қирқларни қоралаган, куч-қуввати жойида бўлган бу аёл, ўзига ёққан бахтли ҳаётини фақат тушларида кўради. Бир ширин энтикиб уйғонгач эса энди бундай ҳаёт ҳеч қачон насиб этмаслигини ўйлаб, яна кўрпа-тўшак қилиб ётиб олади...

Ҳеч нарсани тушунмайдиган ва энг ёмони тушунишни ҳам истамайдиган эр хотинидан пулни аямайди. Балки, руҳшунос учун ҳам шунисидир маъқул. Шу хаёллар билан у корхона дарвозасидан чиқиб, машиналар тўхташ жойига шошилди. Шу пайт ортидан кимдир паст овозда, лекин эшитарли товушда:

– Арсен! – деб қолди. Александр ногоҳ қайрилиб, чақирилгувчига юзланишдан ўзини аранг тўхтатиб қолди. Елкасида чумоли ўрмалагандек танаси жимирлаб кетди-ю, қадамини тезлаштирди. Унинг бутун вужуди қулоққа айланган эди. «Қизик, бу ерларда менинг ҳақиқий исмимни биладиган одам чиқиз қолганини... Ким бўлди экан?

Ҳойнаҳой, яхши ниятда эмаслиги кундек равшан» – ўйларди руҳшунос.

– Арсен! – энди ҳалиги одам овозини сал бандлатган эди.

«Қарамаслик керак! Бир амаллаб машинага етиб олсам бўлгани» – шу тариқа Александр деярли чопишга тушди. Худди шу пайт ердан чиқдимиди, осмондан тушдимиди, рўпарасидай айиқ келбатли бир барзанги пайдо бўлиб, уни маҳкам кучоқлаб олди.

– Арсен! Дўстим бормисан... Қара, қанча қиш, қорлар ўтди. Фасллар ўзгарди, излар босилди. Мара хола омонми? Ҳа, эшитдим, Қримга кўчиб кетишибди. Эҳ, ёшлигимиз, шундай деб жавраганча, барзанги пакана ва қотмадан келган руҳшуносни йўл четида турган, ойналари қорайтирилган «Опел» томонга судради. Шунини кутиб тургандек ҳайдовчи зудлик билан машинадан тушди ва чаққон ҳаракат қилиб орқа эшикни очди.

– Дўстим, бугун ресторанда улфатлар базми... Сени олиб кетгани келганмиз...

Барзанги одамларнинг назарида қадрдон дўстлардек ҳайқириб, уни машина тикди. Машина газ бериб, катта тезликда юриб кетди.

– Сизлар... Адашяпсизлар... Мен... Арсеннинг тили калимага келмасди. Аммо ҳозир уни боши қотган, бу вазиятдан қандай қутулиш йўлларини ўйлар, лекин ғувиллаб оғри ётган миясига бирон-бир жўяли фикр келмасди.

– Бас қил, хунаса! Сен ифлос ўзингни жуда ақлли санайсан, чоғи. Овора бўласан! Бизда сен тўғрингдаги барча маълумотлар йиғилган. Агар

Россияга қайтсанг, у ерда сени қандай жазо кутаётганини ҳам яхши биламиз... Шунинг учун бошингдаги турли бўлмағур фикрларни чиқариб ташла. Энди бизга ишлайсан,– дея Барзанги хунук илжайди.

Александр – Арсеннинг дами ичига тушиб кетди...

* * *

Кейинги йилларда одамлар ҳою-ҳавасларга берилиб кетишди...

Шунга монанд равишда ҳатто дўппидеккина шаҳарларда ҳам туни билан ишлайдиган қўлбола ресторанлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек роса болалади... Катта шаҳарлардаги ресторанлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. уларга бориш учун ҳатто кириш-чиқиш пул, алламбало рақсларга тушадиган раққоса қизлар учун пул, сифатсиз, аммо нархи икки баробар қиммат нимарсалар учун пул...

Шундай ресторанлардан бирининг қўшиқчи қизи – Маликанинг бу атрофда донғи кетган. Ўзи кичкинагина, аммо овози қўғирчокдек... Шунинг учун ҳам ресторан кунда-шундалари уни «қўғирчоқ» дея эркататишади. Бу ерга ташриф буюрувчиларнинг аксарияти Малика учун келиши ҳам бор гап. Тун пардаси шаҳар узра ёйилган чоғда кенг-мўл қилиб қурилган ресторан тирбанд бўлиб кетади. Тўғри, шаҳарда ҳар қадамда ресторан... Лекин уларнинг Маликаси йўқ-да! У жонолғич қўшиқлар куйлайди. Бирам буралиб, бирам эшилиб куйлайдики, қийқириқлар ресторан томини бузиб юборгудек...

Ўтирганлар бироз ширкайф бўлиб олгач, Маликанинг имоси билан даврага раққоса қизлар чиқади. Ана энди, қий-чувни кўринг! Ҳиндча, арабча, эронча рақсларни қийиб ташлашади, ўзиям, бу қизи тушмагурлар... Кейин акаларнинг сахийлиги тутиб, қистир-қистирлар бошланади. Шундан сўнг қизларга янада илҳом қўшилади. Улар энди ўзларини жуда эркин қўйиб юборишади...

Аслида Маликанинг ҳаётига ҳеч ҳам ҳавас қилиб бўлмайди. Чунки унинг кун тартиби деярли бир хил: ярим кечагача қўшиқ куйлайди, кейин хумордан чиққунча ичади, кейин бир дугонасининг ижарахонасида тушликкача ухлайди... Тушга яқин боши оғриб, уйқудан уйғонади. Ресторанга чопади. Озгина бош оғриқ қилиб олгач, кечки томоша кайфияти билан вақт ўтказишади. Яхшики, унинг мухлислари содиқ. Ҳеч қачон уни ташлаб кетишмайди. У баъзан бундан фахрланади, ресоторан хўжайини сал тергайдиган бўлса, шу ҳақда эслатиб қўяди.

Бугун Малика одатига хилоф равишда анча кеч қолиб келди. Шошиб кичкина сахна тўридаги парда ортидан залга бир қур кўз ташлаб қўйди. Одамлар тўлиб-тошиб ўтирар, сахнага яқин ерда эса Мавлон – Миша бор эди. Малика уни кўриб, сахнага тортилган пардадан кўз узмай, Маликанинг нигоҳига интизор бўлиб ўтирган мухлис йигитга ширин табассум ҳада қилди. Орадан ҳеч қанча ўтмай, парда ёнида Миша пайдо бўлди.

– Келдингизми, Маликахон, – деди Миша энтиқиб нафас олар экан, у шу ҳолида Маликанинг

юмшоқ қўлларини дағал кафтлари орасига олиб олган эди. – Бугун ишдан кейин сиз билан бирон-бир ҳоли жойда ўтирсак дегандим,– деди Миша бироз қизаринқираган юзларини бужмайтириб,– бир мазза қилиб дам олардик... Яхши кайфият учун мен кафил...

Малика аста-секин қўлини тортиб олаётиб, унинг қулоғига пичирлаб қўйди:

– Мен хизматдаман. Мумкин эмас.

Миша хафа бўлгандек қовоқ уйди. Аммо йўлини топиб Маликани ийдиришга тараддуд кўраётганди, ресторан бошқарувчиси келиб қолди. Икковининг ҳам рангги қув оқариб кетди. Уларнинг орасида нимадир гап бўлганини пайқаган бўлса-да, у совуққонлик билан Маликага юзланди:

– Малика, мухлисларинг қўшиқ сўраяпти. Саҳнага чиқишинг керак,– деди у ўғринча Мишага қараб оларкан. Негаки, у ана шунақанги сур мижозлардан зериккан. Уларга на гап кор қилади, на бошқа нарса... Эшикдан ҳайдасанг, тешикдан кириб келаверишади. Бунақангилар Маликанинг ҳам жону-дили... Алдайди-аврайди, кейин аро йўлда ташлаб кетиб куйдиради...

Миша ҳозир тортишиш ортиқча эканлигини тушуниб, истамайгина ортга чекинди. Айни пайтда ресторанга одатдаги мижозлардан ташқари икки барзанги кирган, улар ҳам ҳамма қатори Маликадн кўз уза олмаётган эдилар.

– Малика деганлари ана шу жибилажибонми, лекин чакки эмас,– унга суқланиб қаранча шеригига гап қотди улардан бири. – Ўзиям пул деса,

томдан ташлайди, шекилли... Э, буларнинг ҳаммаси бир гўр, ошна. Бизнинг вазифамиз қандай қилиб бўлмасин бугун ишни битириш. Қолгани биз учун чикора.

– Кўнармикан, ишқилиб, – иккинчиси шеригига юзланди. – Бўлмаса, хўжайиндан нақ балогога қоламиз...

– Кўнмай қаёққа боради? Ҳамма нарсанинг отаси пул! Пул бўлса, чангалда шўрва деган гап бор...

Ресторанда қий-чув авжига минди. Олд қатордаги столлардан бирида яякка ўзи пиво симириб ўтирган мўйловлари ўзига ярашмаган барваста Мишанинг асаби бузилган, шу боис у тинмай сигарет тутатарди... Маликанинг нозли жилвалари баттардан унинг асабини бузиб, кайфи ошиб бораётганди. Унинг назарида Маликанинг барча ишва-нозлари фақат унга... Билмайдики, Малика деганлари бу каби хушторларни худди қўлқопдай янгилайди...

– Миша деганлари хув анави найнов бўлади. Танидингми? – сўради ҳалиги нотаниш йигитлардан бири.

– Кечалари тушимга кирадиган бўлиб қолдию, танийсанми дейсан-а? Биз фақат Маликани қўлга олсак кифоя. Мишанинг айтган йўриғимизга юрмай иложи йўқ...

Бир пайт сигарет тутунлари қоплаган, димиққан залдаги шинавандаларнинг навбатдаги олқишларига кўмилиб парда ортига ўтган Малика кутилмаганда икки нотаниш йигитга рўпара келди.

– Маликахон, сизни бир дақиқага мукинми? – деди йигитлардан бири, у томонга сал энгашган ҳолатда. Одатдаги шилқимлар ёки хушторлардан бири бўлса керак деб ўйлаган Малика истамайгина «Хўш, нима гапинг бор?» дегандек уларга тик боқди.

– Агар малол келмаса, ҳоли гаплашиб олсак...

Бирдан Маликанинг юраги «шиғ» этиб кетди. У нима гуноҳ қилган ўзи? Бу икки барзанги ким бўлди экан? У ноилож йигитларни кўздан панадаги кимсасиз бир хонага бошлади. Уларнинг бири эшик ортида қолди, иккинчиси Малика билан етаклашиб, ичкарига кирди. Ва тезда мақсадга ўтиб қўя қолди.

– Маликахон, бир ишда сизнинг ёрдамингиз жуда зарур бўлиб қолди. Хуллас, ўзаро ҳамкорлигимиз туфайли қисқа муддатда ўн минг доллар ишлаб олиш имкониятингиз бор...

Кутилмаган бу таклифни эшитиб, Маликанинг юраги нақ бўғзига тиқилиб қолди. Кичкина, аммо ғоят бежирим пешонасига маржон-маржон терлар тепчиб чиқди-ю, гапиролмай дудуқланиб қолди. Ахир, бу ҳазилакам пулми, бу унақасини ҳатто тушида ҳам кўрмаган...

Қизнинг қийин бир аҳволга тушиб қолганини сезган нотаниш йигит, яна гапни ўзи давом эттирди.

– Сизнинг ниятингиздан хабардормиз, албатта. Келажакда машҳур қўшиқчи бўлишни орзу қилгансиз. Аммо бу мақсадга эришиш учун катта пул керак. Ортингиздан соядек эргашиб юрганларнинг, мисол учун, анави жиннихона медбра-

ти Мишанинг сизга ёрдам берадиган ҳоли йўқ... Икки ўт орасида қийналманг, синглим. Агар гапимизга кириб, Мишани йўлга солсангиз, ўн минг доллар ўша ондаёқ сизники! – у шундай деб шимининг орқа чўнтагидан бир пачка юз долларликни олиб, стол устига ташлади...

Столда ўнг қўлининг тирсаги билан суянганча беҳол ўтирган Малика саросима ичида қолган, ёнида эса бир қарашда сирли, хушбичим кийинган паҳлавон йигит унга илтижоли оҳангда термулиб турарди. «Ҳамма гапни қаёқдан билишди. Булар анчадан буён мени кузатиб юришган эканда... Хўш, Миша улар учун нимага керак бўлиб қолди? Бу ишга нима учун мени жалб этишмоқчи? Мишанинг ўзи билан келишиб қўйишса, бўлмайдими?!» – Малика ғалати ҳиссиётлар оғушида қолганди.

– Хўш, мендан нима истайсизлар,– деди Малика ниҳоят ўзини ўнглаб олгач,– Мишанинг ўзи билан ишни битириб қўя қолинглар, мени керагим ҳам бўлмайти...

Барваста йигит кулиб юборди.

– Сиз Миша учун идеал қўшиқчисиз. Шу боис у сиз нима десангиб сўзсиз бўйсунди. Бизга эса иш ҳамирдан қил суғиргандек битиши лозим. Сиздан талаб қилинадигани – Мишага яхши гапириб, унга йўлга солиб бериш, холос. Сизнинг ҳар қандай илтимосингизни сўзсиз бажаради.

– Сизлар ўзи кимсизлар? Билсам бўладими?

– Ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Пулни олингда, ишни дўндириг...

Малика индамай стол устига ташланган бир

пачка долларни қўли билан ўзи томонга сурди.

– Одам ўлдириш эмасми, ишқилиб? – талмов-сираб сўради Малика.

Йигит ҳофиза қизнинг вазифасига аниқлик киритиб қўйди.

– Бор-йўғи жиннихонадаги бир одамни озодликка яширинча чиқариш...

Малика енгил нафас олди.

– Ким экан у одам?

Йигит индамай кўкрак чўнтагидан бир парча қоғоз чиқариб берди. Унда «Эргаш Ҳайдарович» деб ёзилганди.

– Биз сизга қиладиган ишингизни батафсил тушунтириб берамиз. Ҳаммаси оддий: Миша кечаси ўша одамни хуфиёна қўлимизга топширса бўлди. Сўнг тўрт томони қибла. Биз жиннини олиб кетамиз, у шунчаки бизга керакли одам...

Бирдан Маликанинг феъли айниб, пулни нари суриб қўйди.

– Агар бу ишга розилик бермасам нима бўлади?

– Нима бўларди, сиз қўшиқ айтолмайдиган бўласиз, тамом-вассалом,– деди йигит қўлига оҳиста йўталиб оларкан. – Хуллас, кейинги тақдирингизни ўйласангиз ёмон бўлмайди...

– Мен бунақа ишлардан қўрқаман, ака. Менга шу ресторандаги ишим маъқул. Ким қўйибди менга машҳурликни...

– Сиз бизни тўғри тушунинг. Биз айтган ишни бажаришга кўмаклашингу истаган томонга кетаверинг! Ҳеч ким сизни бошқа безовта қилмайди.

– Мен ўйлаб кўришим керак.

– Ўйлаб кўришга вақт йўқ. Ҳозирдан бошлабоқ сиз бизнинг назоратимизда бўласиз. Айни дамдан ишни йиғиштириб, Мишани олиб чиқиб кетишингиз зарур. Бирон жойда кўнглини овлаб, икки куннинг ичида Эргаш Ҳайдаровични жиннихонадан олиб чиқишга кўндирасиз. Мабодо, биронтасига бу ҳақда шипшиб қўйишга интилангиз, биз ҳазиллашиб ўтирмаймиз. Ерга кирсангиз қулофингиздан, осмонга чиқсангиз, оёғингиздан тортиб олишга қурбимиз етади. Қани, туринг!

Малика ноилож ўрнидан турди. Йигит эса стол устида ётган бир пачка долларни қизнинг чиройли сумкачасига жойлаб қўйди.

Мазкур келишувдан чамаси ўн дақиқалар ўтиб, рестораннынг иш бошқрувчисига «бошим оғриб қолди» дея баҳона қилиб, шу пайтгача анча сархуш бўлиб олган Мишани қўлтиқлаганича ташқарига чиқишга интилаётган эди. Залдаги тўс-тўполон, ғала-ғовур ичида бу ҳолатни деярли ҳеч ким сезмай ҳам қолди. Аммо бирдан Маликани унга ёпишиб олгани ва меҳрибончилик кўрсатаётгани Мишани хушёр торттираётганди.

– Ой қайси томондан чиқди, – Миша бу кўраётганларим тушимми ёки ўнгим дегандек, Маликага синчиклаб разм солиш баробарида қўллари билан юзини силаб қўйди.

– Ҳаммаси жонимга тегиб кетди, Миша ака!, – дея унинг пинжига янада яқинроқ суқилди Малика. – Келинг, бугун бир сиз айтгандай бирон ҳоли жойда дам оламиз. Анчадан буён қийналиб кетдингиз ахир...

Бирдан Мишанинг мияси ёришиб, кўзлари чарақлаб кетди. Аслида у ҳозир кутилган орзуси сари бормоқда эди. Чунки бир фарзанди билан турмуш ўртоғи уни ташлаб кетгач, бизга таниш шифохонада ишлайдиган ўрта тиббиёт мақомидаги (медбрат) Миша бир хонали уйда ёлғиз ўзи турар, ишдан бўш пайтларини асосан Малика ишлайдиган ресторанда совуларди. Асли шунақа ҳаётга мойиллик бор, унда. Кўра-била туриб Маликани ёқтириб қолгани ҳам шундан бўлса, ажаб эмас. Бойси у севги масаласида анчайин беқарор. Севги унинг назарида маълум бир муддат давом этадиган шунчаки вақтичоғлик холос... У бундан бошқасига арзимади...

Худди шу тарза ўйлайдиган Миша яқиндан бери Маликанинг ортидан соядек эргашиб юрар, мақсади ҳеч йўқ бир марта ҳам бўлса ҳам унинг висолига етиш эди... Аммо дастлаб бу қўшиқчи қиз унинг учун қўл етмас юлдуздек туюлди. Кейинроқ англаб етсаки, бундай ўйлаши нотўғри экан. Сабаби Малика шундоққина қўл етадиган жойда, фақат унинг кўнгилига йўл топадиган калитни топиш керак... Ҳозир шулар ҳақида ўйларкан, у ёнбошида ўзига мушукдек суйкалиб бораётган маҳлиқо учун оламжаҳонни беришга тайёр, айна пайтда ўзини ҳар ишга қодир одамдек ҳис этаётганди...

Шу кеча Мишанинг чоғроққина квартирасининг чироғи тонггача ўчмади. Шу кеча бир хонали уйнинг ҳатто гулқоғозлари ҳам гуллади... Мишанинг қучоқлари тўлди... Шу кеча Мишанинг орзусидаги соҳибжамол унга илк бор дилдорлик

берди... Аслида у билмасдики, ўша рестораннынг доимий мухлислари учун Малика машҳур қўшиқчи эмас, кўнгилларни бир марта хушнуд этувчи митти қўғирчоқ... Лекин бу ҳақда Миша деганлари ҳали ҳеч нарса билмайди. Малика учун кўнгил олиш деганлари чикора эканлиги ҳали унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган... Ана унинг қилиқлари ўн саккиз ёшли нозанинникидек бўлган гўзали оппоқ чойшабда енгил нафас олганича ором олаяпти. Мишанинг бирдан уни қучоқлаб ўпгиси келди, бироз энгашди... Даҳшат, унинг ўриндиғида кечаги ҳурлиқо эмас, бир алвасти ётипти... Унинг бутун вужудидан ароқнинг ёқимсиз ҳиди анқийди... Бетартиб сочилиб кетган сочлари узра беўхшов кўзлар, ёноқлар... Кечаги Малика қани... У шунча ширин гапларни, эҳтиросли туйғуларини кимга бахшида этди, шу алвастигами? Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас... Бу Малика эмас... Малика бошқа, Малика чиройли, Малика офатижон...

У... Мишанинг қалбидаги кечинмаларини эшитаётган эди, чоғи. Шу пайт эринибгина кўзларини очди. Ётган жойида хунук керишди, беўхшов кулди... Кутилмаганда Мишанинг юраги товонига тушиб кетди... Аммо наилож, яхши гап-сўзлар билан алдаб жавобини бериб юбориши керак. Бошқа унга яқинлашгани бўлсин... Аттанг, унинг нимасига ошиқ бўлган экан...

– Қорним ўлгудай очди, меҳмон қиларсиз, йигит! – Малика секин ўрнидан кўзгалди. Унинг ўнг қўлига худди эркакларники сингари беўхшов расмлар туширилганини кўриб, Мишанинг баттар

энсаси қотди. Лекин Малика унинг меҳмони. Қандай қилиб бўлса ҳам кўнглини олгани маъқул. Балки, яна қачондир имконсизликдан унинг «хизмати»га эҳтиёж сезилиб қолар...

– Албатта, жонидан! – Миша ёлғондакам тиржайиб, Маликани кўлидан тортиб, ўрнидан туриб олишига кўмаклашди. – Сиз ювиниб чиқинг, мен чой дамлаб тураман. Озгина колбаса, пишлоқ бор.

Малика зах ҳиди анқиётган ваннахонада кўнгли беҳузур бўлиб, ювинаётган пайтда ҳам режасини амалга ошириш йўллари излади. Сабаби бугун қандай қилиб бўлса ҳам Мишани ўша жиннини олиб чиқиб беришига кўндириши зарур. Акс ҳолда нафақат мўмайгина пулдан айрилади... Туришидан, уларнинг кўлидан ҳар бало келадиганган ўхшайди... Айнан мени қаердан топишди экан? Ҳаммасига шу тайинсиз Миша сабабчи, менимча. Уни кўлга олиш учун мен шунчаки бир воситачиман, холос. Аммо сахий одамлар чиқиб қолди. Мен ана бу қурумсоқнинг ресторанида бир умр ликиллаб ҳам бунчалик пулга ишлай олмайман... Ё кўшиқчиликни ташлаб, улар билан ишласаммикан? Агар шундай бўлишини хоҳласам, биринчи «буюртма»ни қойиллатишим керак бўлади.

У катта сочиқни ярим-яланғоч елкасига ташлаб, Мишани ҳузурига чиққанида режасини деярли пишириб олган эди.

– Миша ака, энди тез-тез сизникига меҳмонга келиб турсам майлими? – Малика ошхонада куймаланаётган Мишанинг орқасидан қучоқла-

ди, сочларидан силади, мўйловини ўйнади. – Иш-таҳангиз зўр экан, ўзиям...

– Майли, сиз шуни хоҳласангиз, – Миша муж-малланди. Бу гапидан унинг нима демоқчи экан-лиги маълум эди. У Маликани бошқа бу уйда кўришни, умуман унинг ортидан ресторанга югуришни ҳам асло хоҳламаётганди. Эрталабки но-нуштанинг устида ҳам Мишанинг кайфияти шун-га яраша бўлди. У ўзини жуда ғалати тутаётган-ди. Бунга сари Малика турли шўхликлар билан уни ғашига тегар, тинмай суйкаланар, кутилма-ганда тиззасига бошини қўйиб ётиб оларди...

Ва ниҳоят Малика дилидаги гапини айтиш учун «ҳужум»га ўтди.

– Миша ака, Миша акажон, – менга ёрдамин-гиз керак.

– Нима гап, тинчликми?, – Миша афтидан Маликани пул сўрайди деб ўйлади, шекилли. Бир зумда қовоғини солиб олди. Аслида кеча Малика ундан нима сўраса, қанча пул хоҳласа, у шуни муҳайё қилиш учун ҳеч нарсадан тоймасди. Ле-кин энди... Миша бир томондан Маликага ачи-ниб кетди. Бу тоифа аёлларнинг ҳаммасини пешо-насига шундай тақдир битилган. Олдин ўлдим-куйдим деб алдайсан, мурод ҳосил бўлгач эса уларнинг башарасини қайтиб кўргинг келмайди... Миша бу аёлни уйига бошлаб келганига афсус-лана бошлади.

Малика ҳам кўпни кўрган. Ошиғининг ран-ги докадек оқариб кетганини кўриб, бежирим сум-касини қучоғига олди.

– Мана, икки юз доллар, кам-кўстингизга иш-

латинг, сиз менга ёқиб қолдингиз,— дея Малика гуллари кирлаб, рангги униқиб кетган дастурхон устига бели букланмаган иккита янги юзталиқни ташлади.

Миша қотиб қолди. Буёғи қанчадан тушди. Шу пайтгача у бунақасини кўрмаганди. Тўғри, унда-бунда эштигани бор. Баъзи бойвачча хонимлар ўзларининг кўнгилхушлиқлари учун ўз хушторларини пул билан аврашади... Лекин, Малика. Бу сатанг қиз Мишанинг назарида ресторанда қўшиқ айтиб, шунчаки тирикчилигини бир нави ўтказиб юрадиган қиз эди. Аммо Малика деганлари бойвачча чиқиб қолди. Агар йўлини топса, Миша учун тайёр соғин сигир деяверинг!

Мишанинг кайфияти ўзгарди. Юзига қон югурди.

– О, зўрсиз-ку!

– Сиз нима деб ўйлагандингиз? Сизнинг назарингизда мен шунчаки ресторанда қўшиқ куйлаб, шундан тушган пулга яшаб юрадиган одамидим. Малика сўнгги гапига алоҳида урғу бериб, мўлжалга уриш учун бироз тўхталиб олди. – Мени алоҳида бизнесим бор. Агар келиша олсак, сизни ҳамкорликка таклиф қилишим мумкин.

– Ростданми? – Мишанинг кўзлари чақнаб кетди.

– Бўлмасам-чи?– Малика айёрона жилмайди. – Анчадан буён яна битта ишончли ҳамкор излаётгандим. Ўйлаб кўрдим, сизни танласам, асло ютқазмайман. Сизга биринчи топшириқ ҳам тайёр. Ишни яхши уддаласангиз, яна беш юз доллар оласиз!

Миша бунақасини умуман кутмаганди. Эрта-лаб кўнглидан Маликани олдимга солиб қувсам-микан, деган гап ҳам хаёлидан ўтганди. Чунки орзусидаги Малика бошқа экан, қучоғига кирган Малика бутунлай бошқа бўлиб чиқди... Аммо шошқалоқлик қилмагани учун ҳозир ўзидан мамнун эди. Лекин оддий кўча қизининг қанақа бизнеси бўлиши мумкин? Эҳтиёт бўлиш керак! Аммо бугунги кунда шунақа, сиз бошқача ўйлаб юрган одам бутунлай бошқача бўлиб чиқади... Сен уддабурон деганинг, лапашанг! Сенинг тасаввурингда эътиборсиз бир одам – мислсиз даражада ишбилармон! Дунёнинг ишлари шунақа экан-да! Баъзан тақдир кимнидир сийлайди, кимнидир йўқ. Бироз олдин унинг қаршисида нотавонликнинг, бахтиқароликнинг тимсоли бўлиб ўтирган қиз, кутилмаганда бутунлай бошқача бўлиб чиқиб турса-я!

– Қанақа бизнес экан? – Мишанинг ортиқ сабри чидамай, ўзи гап бошлади.

– Қўрқманг, оғир иш эмас. Сиз уддалай оладиган иш, – Малика хушторининг беўхшов бурнини эркалик билан чимчилаб қўйди. – Сизларда бир профессор даволанади – Эргаш Ҳайдарович деган! Шуни биласиз-а?

Миша қўрқиб кетди. Сабаби у профессорни биринчи кундан бери билади. Бир қарасанг сипо, бир қарасанг оч бўридек рўпара келган одамга ташланиб қоладиган бу одам ҳақида бошида битта-иккита шубҳали одамлар қизиқиб кўрганди. Ҳарқалай кейинчалик уларнинг ўзлари сувга тушган тошдек йўқолиб кетишди. Малика уни қаердан танийди?

– Ҳа, биламан,– деди Миша зўрға ютинаркан.
– Сиз уни қаердан биласиз?

– Мен эмас, шерикларим танишади. Уларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари бор экан. Шунга сизнинг ёрдамингиз керак бўлади. Хотиржам бўлинг, бу ишда сизга ҳеч қандай азият етмайди. Имкон топиб профессорни уларнинг қўлига топширсангиз бўлгани. Қолгани ўзларига ҳавола. Орага сичқон тушди, гулдир-гуп!

Миша хаёлга чўмди. Профессор қаёққа етак-ласанг кетаверадиган одам эмас. Аксарият ҳолларда ваҳший қиёфада – ташланиб қолади, тишлайди, оғзидан боди кириб, шоди чиқади. Хўп, уни бир амаллаб хонасидан олиб чиқдим ҳам дейлик. Лекин навбатчи ҳамшира, қоровул бор... Улардан олиб ўтишнинг мутлақо иложи бўлмайди. Қийин, жуда қийин иш. Аммо бу ишни уддаласанг ёмон бўлмайди. Чунки қари бир профессорни йўқлаб келадиган одами йўқ. У йўқолиб қолса нари борса бир ҳафта тўполон бўлади, кейин ҳеч нарса бўлмагандек ҳамма нарса жойига тушиб кетаверади. Қизиқ, тобора ҳолдан тойиб бораётган қария тентак кимга керак бўлиб қолди? Унинг қўлидан нима иш ҳам келарди? Барибир, Мишани катта пул жозибаси ўзига тортаётган бўлса ҳам ортига тисарилмоқчи бўлди.

– Бу иш сиз ўйлаганчалик осонликча битмайди.

– Бу борада буюртмачиларнинг ўзлари ҳам сизга ёрдам беришади. Ҳаммаси олдиндан пухта режалаштирилади.

– Нима бўлган тақдирда ҳам улар ташқарида

кутишади-ку! Ичкарига кира олишмайди, ахир.

– Улар бунақа ишларга устаси фаранг. Асо-сий оғирликни ўз зиммаларига олишади. Тушдан кейин кўришайлик, барча тафсилотларни сизга яхшилаб тушунтиришади. Бу иш сиз учун нари борса бир соатлик вақт талаб этади. Дарвозанинг ёнида профессорни уларнинг қўлига топширасиз ва ҳеч нарса кўрмагандек ўз йўлингизда кетаве-расиз...

Миша болаликда эшитган эртақлардаги ҳолатларни эслади. Айни пайтда у ғалати ҳисси-ётлар оғушида, тўғрироғи, икки ўт орасида қола-ётганди. Нима қилмоқ керак? Биринчиси, юрса хатар, балки борса келмас йўлидир... Иккинчиси, таваккалчилик йўли. Агар бир марта таваккал қилса, нима ютқзади? Балки, шу тариқа ўта зе-рикарли ҳаёт тарзини ўзгартириш учун бироз им-кон бўлар? Ахир, бу пулга у бемалол уйланиб оли-ши мумкин. Кейин бундай дарбадар ҳаётига нуқ-та қўйилган бўлар эди...

Хуллас, Миша рози бўлди. Шу куни у янги ҳамкорлари билан юзма-юз ўтириб бўлғуси иши-нинг барча жиҳатларини обдон муҳокама қилди. Ниҳоят, режа Мишанинг эртанги кечки навбат-чилигида амалга ошириладиган бўлди...

* * *

Орада анча сувлар оқиб кетди...

Бу пайтга келиб вилоят марказидаги бу шаҳ-арда кўпчилик профессор Эргаш Ҳайдарович де-ган одам борлигини унутиб қўйганди. Профессор-нинг ўзи эса тор катакдаги панжарали деразала-

ри бор кўримсиз хоналарга кўниккан, кўринишидан у бир пайтлар катта давраларнинг боши, ҳаёт завқидан кўп баҳраманд бўлгувчи омадли одам бўлганлигини унутиб бораётган эди...

Бошида уни баъзи яқинлари, фарзандлари йўқлаб туришди. Лекин у келгувчилар билан рисоладагидек суҳбатлашмас, кутилмаганда уларга ҳам ҳамла қилиб қолишга одатланганди. Шу боис уни йўқлаб келувчиларнинг аста-секин бу жойдан қадами узила бошлади...

Фақат баъзан рангин тушлар кўради. Тушларида кўкларга парвоз қилади... Самоларда учиб юраркан, меҳрибон дадажонисини кўради... Нуқул у қўлини силтаб, ўзига чақиради... Энди бориб ўзини дадасининг қучоғига отаман деганда, у ўзини йўқлик қаърида кўради... Дадасидан асар ҳам йўқ... Кейин Дилоромни кўради... Юзига юпқа парда ташлаб олган хотини бешик узра энгашиб, боласига кўкрагини тутаётган, фамгин аллалар айтаётган бўлади...

Ана шундан кейин профессорнинг бир ўзи умргузаронлик қиладиган мўъжаз хонадаги томошани тасаввур қилаверинг... Профессор ўзини кўтариб ерга ташлайди... Хона бўйлаб эмаклаб кетади... Бақиради, сўкинади... Навбатчи ҳамширани тишламоқчи бўлади, санитарларга ташланади... Ҳарқалай, унинг бу одатига бу бўлимда ҳамма кўникиб бўлган. Шу боис бундай тўполонларга ҳамиша тайёр туришади. Бундай пайтда ҳамма унинг хонасига югуриб қолади. Беморлар учун ҳам текин томоша бор... Аввало, профессорни, кейин уларни тинчлантиргунларича навбат-

чилар реза-реза терга ботишади... Лекин ҳеч ким уларнинг биронтасини ўзи ишидан нолигани ёки кетмоқчи бўлганини эшитган эмас. Бўлим бошлиғи, қотмадан келган, митқи гавдасини бироз олдинга энгаштириб юрадиган Лёня амакидан (беморлар уни шундай чақиришга одатланишган) тортиб, ҳамширалар, ошпазлар, оддий санитарларгача бу ерда камида ўн-ўн беш йилдан буён ишлашади.

Бир гал Эргаш Ҳайдарович бутун бўлимни оёққа тургизганди. Ўшандан буён тахминан ўзи тенгқур бўлган бўлим бошлиғини ҳам профессорга ўзгача ҳадик, қўрқув билан қарайди. Воқеа бундай бўлган эди. Бир куни аччиқ дорилардан зериккан профессор ўзини яхши ҳис этаётгани учун уларни тўхтатишни сўраб, бўлим бошлиғи ҳузурига кирмоқчи бўлади. Тушдан кейин бўлгани учун кимдир ухлаётган, кимдир хоналарга биқиниб олиб, гурунглашаётган эди. Профессор анчадан буён ўйлаб юрган режасини бўлим бошлиғига айтиш учун қадрдон йўлак бўйлаб унинг хонасига шошилмай юриб келади. Бироз ҳаяжон босганми, таққиллатишни унутиб, эшикни очди ва ичкарига йўрғалайди...

Не кўз билан кўрсинки, бўлим бошлиғининг креслосида бош ҳамшира, ўзиям офатижон, мовий кўзлари, кулгичи, момиққина ва оппоқ юзи ўзига жудаям ярашадиган, сочлари денгиз мавжларини эслатадиган, овози қўнғироқдек Наташа раҳбарининг кучоғида ўтирар... Унинг анча сийраклашиб, тепакалликка мойил бошини меҳр билан силаётганди... Аёллик малоҳатини кўз-кўз этиб, лекин ўта

сиполик билан ишга келиб кетадиган ўттиз беш ёшлардаги бу аёл бўлимнинг бахтиқаролари учун ширин бир энтиқишдан ортиқ ҳеч нарса эди... Унинг ўзи баъзан хонасига кириб келиб, меҳрибонлик билан унга игна санчганида Эргаш Ҳайдаровичнинг бутун вужуди олов бўлиб ёнгани ҳам эсида...

Профессор турган жойида миҳлангандек қотиб қолди, уларнинг аҳволи ҳам бундан кам эмасди... Гарчи профессор ўзини ўнглаб олиб, индамай эшикни ёпганича ўз хонасига югурган бўлса ҳам бу воқеа унга жуда қаттиқ таъсир кўрсатди...

Орадан бироз ўтиб у шу пайтгача кўрсатмаган қилиқларини кўрсатди... Ҳамма кўрқиб кетганди... У кўзини бир очиб, бир юмар экан, тепа-сида бўлим бошлиғини, бош ҳамширанинг ташвишли қиёфаларини ҳам кўрарди... Афтидан, улар бир нарсалар деб уни тинчлантирмоқчи бўлар, аммо профессорнинг қулоғига ҳеч нарса кирмас, у бирон нарсани илғай оладиган даражада эмасди... У нималарнидир гапиришга уриниб кўрди, лекин энди оғиз жуфтлаганида шалвираб қолар, айтмоқчи бўлаётган гапларини худди ютиб юбораётганга ўхшарди... Ҳарқалай, устма-уст юборилган уколлар ўз таъсирини кўрсатиб, профессор пинакка кетди...

Эртасига профессор бўлим бошлиғининг хонасида анчагача у билан суҳбатлашди. Унинг назарида, у унчалик ёмон одам эмас. Ҳарқалай, шу пайтгача ҳам профессор ёки биронта бемор ундан азият чекканини эслолмайди. Ҳақиқатан ҳам ўта ювош, меҳрибон одам. Тез-тез бўлимни

айланиб, беморлар билан самимий оҳангда гаплашади. Маслаҳатлар беради, айниқса, ёшларга келгусида тезроқ ўз йўлларини топиб олишлари учун беғараз йўл-йўриқлар кўрсатади.

Аммо бўлим бошлиғи уни ўз ҳузурига чақиртиргунча, профессорнинг хаёлида минг хил фикрлар ғужғон ўйнаётганди. «Тепага ёзиш керак Бундайларни танобини тортиб қўйиш лозим. Шундай мунис, меҳрибон аёлни йўлдан урган бўлса-я... Балки, Наташанинг ўзи шундай бўлишини хоҳлаган бўлса-чи? Балки, бу икки ҳамкасб оиласида топмаган бахт-фароғатни шу ерда топганмикан? Барибир, тинч қўймаслик зарур!» – дерди профессор ўзига-ўзи.

У йўлак бўйлаб келаётганида ҳам:

– Шахсан биринчи раҳбарга ёзаман!

– Бош прокурорга! Керак бўлса, БМТга ёзаман деган қатъий қарорда эди. Лекин қаршисидаги одамнинг худди ёш боладек мўлтираб ўтириши, ўта мулойим, самимийлигини кўриб, у фикридан қайтди. Чунки бўлиб бошлиғи уни кўрқитиб қўйиш ёки пўписа қилиш учун чақирмаганди. Аксинча ўзини худди кеча ҳеч нарса бўлмагандек жуда сипо тутди. Ўзини эҳтиёт қилиши кераклиги, ортиқча асабийлашмаслигини тайинлади. Хуллас, у профессорни бир бемори каби эмас, балки яқин бир дўстидай эди.

* * *

Асли ота-онаси ният қилиб қўйган чиройли Мавлонжон исми бўлган, лекин аллақачон ҳамма учун бирдек Миша бўлиб кетган бу йигитнинг

Ўзи ҳам баъзан ҳақиқий исми чиндан ҳам Мавлон ёки Миша эканлигини англолмай қолади. Бу лақаб унга қачон ёпиштирилган экан, унинг ўзи бу ҳақда ҳар қанча бош қотирмасин, асло эслай олмайди. Балки, узоқ Сибир ўлкасида кафтига «қуҳ-қуҳ»лаб ўтказган икки йиллик ҳарбий хизмати даврида унинг исмига тили келмаган хизматдошлари «Миша» дейишгани билан боғлиқдир, бу исмнинг тарихи. Буниси унга қоронғу. Кейин шу жойга ишга кирди. Кўпроқ русийзабон бўлган жамоадошлар ҳам уни Миша дейишга ўрганишди. Қарабсизки, бугунга келиб кимдир ундан «Сенинг исминг нима?» деб сўраса, у ҳеч иккиланмай, «Миша» деб жавоб қайтарши ҳам ҳеч гап эмас.

Бизнинг ана шу – Мишамиз бугун тунни бедор ўтказди. Ҳар қанча уринмасин, кўзига уйқу илинмади. У бир иложини қилиб ухлаб олиши керак. Чунки эртага ишхонада кечки сменада навбатчилик қилади. Бу «томи кетган» унга тонггача уйқу бермасликлари аниқ. Энг асосийси бу гап уни жуда муҳим топшириқ кутмоқда. Ҳазилакам гап эмас – профессорни кўчага олиб чиқиб, келишилган одамларнинг қўлига худди бирон қимматбаҳо буюмни тортиф қилаётгандек топшириши керак... Бу ишни уддалай олармикан? Агар қўлга тушиб ёки сири фош бўлиб қолса, нима бўлади? Шу ҳақда ўйларкан, Мишанинг эти увишиб, қорнида санчиқ тургандай бўлди. Афтини бужмайтирганича у ёндан – бу ёнбошига ағанади. Қани энди, уйқу деган нарса унга озгина ором бера олса эди... Эртагалик қийин кун учун бироз

куч ва кайфият йиғиб олиш имкони бўларди!

У кўзини юмди дегунча, кўз олдида турли нохуш манзаралар кўришиб, унинг баттар хуноби ошиб кетарди. У бўлимнинг орқа томонидаги қоронғу йўлак бўйлаб, профессорни етаклаб юрибди... Йўлак четидаги тарвақайлаб кетган дарахтларда кимдир уларни кузатаётгандек, энди профессорни орқа девордан ошираётганда кимдир уларни бирдан ушлаб олаётгандек... Профессор кутилмаганда унга ҳамла қилаётгандек, вазиятнинг танглигини кўрган ҳамтовоқлари уни ташлаб қочиб кетаётгандек...

Хуллас, шу кеча ё тонг отмади, ё Мишанинг кўзига уйқу келмади... Ана шундагина у маккора Маликанинг тузоғига илинганини ҳис этди... Боши берк кўчага кириб қолаётганини сезди... Ўзини-ўзи бадном этаётганини англаб етди... Лекин энди кеч, жуда кеч бўлганди. У лафз берган, ундан қайтадиган бўлса, ўзига жуда қийин бўлади. Сабаби, бу ишнинг орқасида турганлар кичик одамларга ўхшамайди... Бу ишнинг орқасида жуда кўпчилик борга ўхшайди... Шубҳасиз, Миша ҳам ана шу занжирнинг бир бўлаги, катта гирдоб ичига тушиб қолган кичкина бир хасчўпак, холос...

Эрталаб боши қаттиқ оғриётганини ҳис қилиб ётаркан, Мишанинг баттардан кайфияти тушиб кетди. Ҳар кунлик одати бўйича ҳамма нарсани тартибсиз ҳолида қолдириб, нонушта ўрнига кўчага отланди. Автобусда ҳам ўз хаёллари дунёсига фарқ бўлганича бир бурда бўлиб ўтираркан, касалхона бекатидан ўтиб кетишига

бир баҳя қолди. Сўнгги сонияларда манзилидан ўтиб кетаётганидан англаб қолиб, шошиб қолганидан йўловчиларни туртиб-суртиб, ўзини олдинги эшикка урди. Унинг ортидан ҳайрон бўлиб кузатиб қолган баъзи ҳамшаҳарларнинг юзига ним табассум югургани ҳам бор гап. Чунки ҳурмат юзасидан бу жой – «Касалхона бекати» дейилса-да, аслида одамлар бу масканда кимлар даволанишини жуда яхши билишади. Бояги кулгининг сабаби ҳам ана шунда...

Бугун Мишанинг умуман кайфияти йўқ. Ҳар кун кела солиб, биринчи иши ошхонада ошпаз хотинлар билан гап сотишдан бошланарди. Нимагадир бугун бу ерда қорасини ҳам кўрсатмади. Кейин кун бўйи ҳамшира ёки санитарка қизларнинг ортидан илакишиб юрадиган шилқим, тунд қиёфада – ҳеч ким билан гаплашгиси келмайди. Аксига олиб, бугунги тушлик ҳам нохушлик олиб келди – бўлимга яқинда келтирилган, ўзини қанақадир шоирман деб даъво қилаётган ўттиз ёшлар чамасидаги озғингина бир йигит хушидан кетиб қолди... Уни ўзига келтириш осон бўлмади, уқоллар таъсирида ҳамма ухлаб қолса, у йигит нуқул шеър ўқийди... Ўқиганда ҳам шунақанги жойига қўйиб ўқирканки, беихтиёр тиловат эшитаётгандай ҳамма мум тишлаб қолади...

Бутун борлиққа зулмат ўз ҳукмини ўтказа бошлади. Ҳув наридаги қуриб қолган ёнғоқ дарахтида бойўғли хунук сайрайди... Миша қўрқиб кетди. Болалигида бувисидан эшитгани бор – агар бойўғли тунда сайраса, у кимнидир бевақт ўлимини тилаётган бўлади... Узун-узун тортиб

сигарет чекаркан, у ўзини нафас ололмаётгандай ҳис эта бошлади. Кутилмаганда келган йўталдан букчайиб қолди, қорнидаги оғриқнинг зўридан кўзлари ёшланиб кетди...

Бу нохуш манзаралар унга ниманидир эслатаётган, қандайдир бир кўнгилсизлик сари етаклаётгандек эди... Орадан бироз ўтиб, бўлимнинг намдан қийшайиб кетган икки табақали эшиги ғийқиллаб очилди, ҳозир гўё ўз соясидан ҳам қўрқиб кетаётган қора шарпа ўзини ичкарига олди...

Бир қарашда анчадан буён касалхонанинг ёвфон шўрвасини ичиб, турли дорилар ва қолаверса, вақт изтиробларининг домида тобора нураб бораётган бир қария профессорни худди ёш боладек измига бўйсундириш Миша учун чўт эмасди. У секингина Эргаш Ҳайдаровичнинг хонасига мўралаганида, қўлларини бошига тираган куйи профессор хаёл суриб ётганди. Шу боис у Мишанинг кирганини пайқамай ҳам қолди.

– Профессор, сизга бугунги кечки уколни ўзим қиламан, – деди Миша чаққонлик билан унга яқинлашар экан, олдиндан пишитиб қўйилган режага мувофиқ. – Қани қўлингизни менга беринг-чи! Профессор ҳали ўзини ўнглаб улгурмай, Миша унинг енгини тирсагигача кўтарди-ю, ориқ ва рангпар қўлида бўртиб турган томирига шприц игнасини санчди. Беш дақиқа ўтар-ўтмас, бироз типирчилаб унинг қўлидан чиқишга уринган профессор бўшашди... Миша уни ўриндиққа ўтказиб, йўлакдан хабар олгани чиқди. Ҳаммаёқ сув қуйгандек жим-жит! Ҳозир Твда хориж сериали вақти – навбатчи ҳамширалар ойнаи жаҳон-

нинг қаршисида михланиб ўтиришибди. У дағ-дағ титраганича профессорни ташқарига етаклади. Эргаш Ҳайдарович унга гинг демай эргашиб борар, негадир оғзи қулоғида – тинмай илжаярди. Кўчага олиб чиқувчи икки табақали эшикни очиб, ташқарига чиқишар экан, Миша елкаларига чилп-чилп терга ботганини ҳис этди. Сабаби кечқурунги совуқ ҳавода унинг елкалари ачиша бошалаган эди.

Атрофи баланд фишт девор билан ўралган дарвоза олдидаги қоровул уйчасида ҳали чироқ ўчмаганди. Лекин бу қоровулларнинг ўзига хос «ҳимоя» усули, чироқни ёқиб қўйишади-да, ҳуррак отиб ухлашда «баёт беш»ни қўяверишади...

Кўчага чиқиш учун аввалдан келишилганидек дарвозадан анча олисдаги хилват жойда деворга нарвон тираб қўйилган эди. Миша беморни ўша томонга бошлади. Бироқ... Кутилмаганда у ток ургандек қалтираб кетди ва нарвонда беш-олти қадам босганда таққа тўхтади. Нарвон олдида бир унга, бир атрофга ҳавотир ва ҳайрат билан қараганича қоровул Ўктам тоға турарди...

– Миша! Сенмисан! – деди у ортидан яқинлашаётган икки шарпага ҳадиксираганича қараб қўяркан, – кимдир бу ерга нарвон қўйибди. Тезда мелисага хабар қилиш керак.

Бу орада Миша қоровул чолга яқинлашиб қолган эди.

– Ие, кимни етаклаб юрибсан? Бу ҳалиги профессорларингми?

Ҳозир Мишанинг қулоғига гап кирмас, унинг кўзлари кўр бўлиб қолганди. Қандай қилиб бўлса

ҳам вазиятдан чиқиб кетмаса бўлмайди! У Ўктам тоға билан юзма-юз келиб, чап оёғин хиёл олдинга чиқарди, бутун оғирлигини орқадаги ўнг оёғига ташлади-да, қулочини ёзганича чолнинг юзига шиддат билан залворли мушт туширди... Ўктам қария «ғиқ...» деган товуш чиқарди-ю, учиб борганича ғишт деворга урилиб, ерга йиқилди. Тамоман ваҳшиёна ҳолга тушган Миша жон-жаҳди билан унинг дуч келган жойига тепа бошлади... Орадан бироз ўтиб, девор орқасидан кимдир маъноли йўталгач, у ўзига келди. Миша кичкина тош олиб, кўчага ирғитди – бу ўзига хос парол эди. Ҳамон бу ҳолатни ишшайганича кузатиб турган профессор бир имоси билан Мишанинг ортидан нарвонга илашди. Улар нариги томонга тушишганда, бир шарпа уларга юзланди:

– Ҳаммаси жойидами, ишқилиб? Нимагадир, Миша уни ҳам, ёнидаги шеригини ҳам танимади. Булар келишилганидан мутлақо бошқа йигитлар эди.

– Қоровул... кўриб қолди,– Миша базўр гудранди.

– Хўш, нима қилдинг?!

– Билмадим... Кўп тепдим, кекса одам. Нафаси чиқмай қолди... Ишқилиб, ўлиб қолмаган бўлсин!

Бу Мишанинг ёруғ дунёдаги сўнгги – видо сўзи бўлди. Шу орада пайт пойлаб унинг орқасига ўтиб олган иккинчи одам ғиштми-тошми, нимадир қаттиқ жисм билан Мишанинг бошига бор кучи билан туширди. Икковлон тинмай хиринглаётган профессорни зудлик билан машинага ти-

қиб, бу ердан узоқлашаётганларида, баланд девор тагида чангга ва қонга беланиб, чалқанча ётган Мишанинг кўзлари очиқ қолган, юраги уришдан тўхтаган эди...

Эртасига эрталаб эса шаҳар четидаги зовур ёқасидан афтидан аввал зўрланиб, кейин бўғиб ўлдирилган милициянинг доимий назоратида турувчи қўшиқчи қиз Маликанинг жасади топилди...

* * *

Кутилмаганда кетма-кет содир этилган бу мудҳиш қотилликлар тажрибали изқуварлар, терговчиларни ўйлантириб қўйди. Чунки бу қотилликлар пухта режа асосида, ўта моҳирлик билан амалга оширилгани кўриниб турарди. Шунинг учун ҳам калаванинг учи йўқ, калаванинг учини топиш қийин кечаётган эди.

Авалло, руҳий касаллар шифохонасида фавқулодда ҳодиса юз берганди. Аниқроғи, бу ишга жалб этилган шаҳар прокуратурасининг тажрибалари терговчилари шундай хулоса чиқаришганди. Сабаби шифохона қоровули ва санитарнинг ўлдирилиши терговчиларда бир-биридан мавхум турли фикрларни келтириб чиқараётганди. Ҳар қалай қизиқ ҳолат эди-да! Баланд деворнинг бу томонида қоровул оғир тан жароҳати етказилган ҳолда ўлиб ётипти... Деворнинг у томонида санитарнинг бошига қаттиқ жисм билан уриб ўлдирилган... Икки ўртада деворга тиралган нарвон!

Хуллас, ҳали бирон-бир хулоса чиқаришга эрта, қотилликларнинг асл сабабларини изоҳлаб

бериш ҳозирги вазиятда ўта мушкул вазифа. Бунинг учун такрор-такрор текширишлар ўтказиш, таққослаш, мулоҳаза қилиб кўриш талаб этилади. Бу ўринда энг жумбоғи – профессор Эргаш Ҳайдарович билан боғлиқ! У нега сирли равишда ғойиб бўлди ё қотилликларни айнан профессор содир этганмикан? Унинг ташқарида ҳамтовоқлари бўлганмикан? Ёки профессор кимлардир томонидан ўғирланганми? Ундоқ бўлса, деярли ақлдан озган телбанамо олим кимга ва нима учун керак бўлиб қолди?!

Минг бир саволга ақалли битта жавоб топишнинг имкони йўқ. Дастлабки гумон бўйича шифохонанинг ўша кунги навбатчилари тергов қилиниши натижасида бирон жўяли иш чиқмади. Чунки ўша пайтда ТВдаги хориж сериалига андармон бўлиб қолган навбатчилар на қоровулни кўришган, на санитарни... Фақат Миша деган санитарнинг чўнтагидан бўш шприц топилди. У одатда Эргаш Ҳайдаровични тинчлантириш учун бериладиган дорининг бўш идиши бўлиб чиқди.

Прокуратура ходимларининг чўп суқилган ари уясидек тўзғиган шифохонада кечгача астойдил иш олиб боришлари натижасида икки хил тахмин ишлаб чиқилди: Биринчиси – Эргаш Ҳайдарович аслида жинни бўлмаган-у қочиш учун олдиндан пинҳона режа тайёрлаб юрган. Бўлим эшигини очишнинг эвини қилиб, ҳовлигача ҳам етиб борган. Нарвонни қўйиб девордан ошар чоғида қаровул сезиб қолгач, уни калтаклаб ўлдирган. Унга қизиқиб ортидан пойлаган санитар йигитнинг бошига эса деворнинг нариги томонида

қоровулникидек ажал насиб этган... Иккинчиси – Миша деган санитар йигит Эргаш Ҳайдаровичга тинчлантирувчи укол қилиб, пинҳона ҳовлига олиб чиққан. Қоровул кўриб қолгандан кейин эса ноилож уни ўлдирган. Нарвон орқали кўча томонга ўтишгач, Мишанинг ҳамтовоқлари унинг ўзини ўлдириб қўйишган... Хуллас, биринчи тахмин унчалик ёпишмаган бўлса-да, иккинчиси ҳақиқатга мос тушгандек бўлди. Ҳатто шаҳар прокурори ҳам улар билан танишиб чиққач, ҳеч иккиланмай иккинчи тахминни маъқуллади.

– Бу қотилликлар биз ўйлаганчалик осонликча амалга оширилган қотилликлар эмас, – деди вилоят прокурори, генерал-майор Набижон Юнусов терговчининг мулоҳазаларини яхшилаб тинглаб бўлгач. – Сиз шифохонада дастлабки суриштирув ишларини олиб бораётган бир пайтда шаҳар четидаги зовур ёқасидан яна бир жасад топилди... Шаҳримиздаги тунгги ресторанлардан бирида қўшиқ айтиб юрувчи енгилтакроқ бир қиз экан. Дастлабки маълумотларга қараганда, у бир кун олдин ўлдирилган шифохона санитарининг жазмани бўлган. Мудҳиш қотилликдан бир-икки кун олдин уларни бирга кўрганлар бор экан. Тезкор суриштирувлар шуни кўрсатдики, охириги кунларда Маликанинг қўлида доллар ўйнаб қолган... Ҳамма жойда тез кунларда машҳур қўшиқчи бўлиб кетиши ҳақида мақтаниб юрган... Ресторан эгасидан оладиган пули эса унчалик кўп бўлмаган экан. Миша деганлари ҳар куни маишат учун айнан Маликанинг олдига бориб юарди...

Бу воқеалардан келиб чиқадиган энг муҳ-

им хулоса шуки, бемор профессор Эргаш Ҳайдарович кимлар учундир сув ва ҳаводек зарур бўлиб қолган!

* * *

Барвақт уйғониб катта ва шинам меҳмонхонанинг оппоқ шифтига термулганича юмшоқ ўриндиқда ётган Эргаш Ҳайдаровичнинг кўнглидан ғалати ҳис-туйғулар ўтмоқда эди. Назарида, у фоний дунёдан боқий дунёга сафар қилгану ҳозир унинг учун ҳуру пайкарлар томонидан тайёрланган баланд кўшқда ором олмоқда. Шаббодада атиргулли тўр пардалар жилваланиб хилпирайди, ўша майин шаббода гўё қувалашиб келиб, унинг сочларини тўзғитади. Хона ичини гир айланганича ҳув пастдаги даралар томон учиб кетади...

Хона ўртасидаги бежирим хонтахта устига турли ноз-неъматлар қўйилган ва уларнинг тепасига оппоқ дока ташланган. Чамаси у анчадан буён шу жойда ётгандек, бутун аъзои бадани зирқираб оғрийди, туришга мадори бўлмайти, аммо боши жуда аниқ ишламоқда... У шу ётганича ўрнидан қўзғолишга эрингандай бир-бир атрофга синчиклаб разм сола бошлади. Меҳмонхонанинг бежирим қилиб ишланган алоҳида меъморий ечимга эга бўлган қўш табақали деразасидан кўриниб турибди: ҳовли жуда кенг-мўл. Балки, ҳовлидан ҳам кўра кўпроқ дала-ҳовлига ўхшаб кетади. Дала-ҳовлининг ўнг томонида боғ бунёд этилган. Уларнинг ичида ўрик дарахти кўпга ўхшайди. Кўм-кўк барглар орасидан шифил ме-

валар кўзга ташланади. Ҳали пишишига бироз вақт бор, ундан сал наридаги қирмизак олмалар ҳам кумуш рангда товланади. Бу боғлар миришкор боғбонларнинг қўл меҳнати, пешона терининг самараси эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Ҳатто уларнинг йўллари, қаторлари шунақанги аниқ олинганки, қойил демай иложинг йўқ. Асосийси бу жойларнинг табиий иқлими, об-ҳавоси учун жуда мос мева дарахтлари танланган.

Профессор узоқ-узоқларга суқланиб турмуларкан, хаёлига худди шу каби ёввойи боғ манзараси келаверди. Айтгандай, у бу боғни қаерда кўрган эди? Ҳа, ёдига тушди, бир гал яқин дўстлар билан бирга тоққа чиқишган. Ўшанда ана шу каби чиройли манзарадан ҳайратланганди. Унинг назарида табиатнинг ўзи улуғ мусаввир эди! Чунки бу манзаралар шу даражада бир-бирига уйқаш эдики, ҳатто энг моҳир рассомнинг истеъдоди ҳам бу қадар бебаҳо асарни яратишга қодир эмас...

... Ўшанда ёзнинг қайноқ кунларидан бири эди. Уч-тўрт қадрдон дўстлар, яна ҳам аниқроғи, умрининг асосий қисми Эргаш Ҳайдарович каби зерикарли лабараторияларда ўтаётган олимлар ўт-ўланлар чирмашиб ётган сўқмоқлардан кўтарилиб боришарди. Қанчалик баландликка кўтарилганлари сари ҳайратлари шунчалик ошиб борарди – завқини ичига сиғдира олмаётган баъзи шериклар қувончдан қарсак чалишдан ҳам ўзларини тийиб туриша олишмасди. Ҳақиқатдан ҳам атроф гўзал ва пурвиқор эди. Бу ерда бундай манзаралар одамнинг жону дили: тоғнинг яланлиги-

га чиқсангиз рўпарангизда мана-мен деб турган яна бир ўркач турган бўлади. Асли одамнинг табиати ўзи шунақа, яна юксакликни қўмсайди, яна ҳам баландроққа кўтарилсам дейди... Бугунги ҳамроҳроҳлар ҳам шундай дейишди ва йўл-йўлакай елим халталарига исириқ, дўлана, наъматак кабиларни териб боришди. Чунки буларнинг шифобахш хусусиятларини яхши билишда уларга етадигани йўқ-да! Тез-тез бу жойларга ташриф буюриб турадиган бир олим аллақандай ўт-ўланларни ҳам юлиб олар, дўстлари эшитган ва эшитмаган турли номларни айтар ва энг асосийси, бу гиёҳлар қайси хасталикларга даво бўлишию, ундан фойдаланиш тартибларининг энг майда тафсилотларигача тушунтириб борарди.

Шу пайт улар кутилмаганда катта ялангликдаги бодомзорга дуч келиб қолишди. Бир қарашда ҳар қандай одам бутазор деб ўйлайди. Аммо яқин келиб қарасангиз, бодомлар... Бу дарахтларга чирмашиб ётган яна аллақандай печаксимон ўсимликлар, одамни сархуш қилувчи тотли ифор, яна қаерлардандир, балки бундан ҳам юқоридан, тоғли чўққилардан оқиб келаётган жилға ҳаммаларини сеҳрлаб қўйди... Бу манзарани хоҳланг соатлаб томоша қилинг, лекин зерикмайсиз, юзингизни буриб бошқа нарсага чалғиб кетгингиз келмайди.

Қизиқ, бу каби ёввойи боғлар қандай пайдо бўлар экан? Ахир шунчалик баландда, яна тоғу тошлар орасида! Ҳамроҳларнинг ҳар бири кўнглидан ўтаётган бу каби саволларга ўзлари жавоб топаётгандек эди: қойил, она табиатга та-

санно! Худди шу жойларда инсон ҳис этарканки, аслида у ҳам табиатнинг узвий бир бўлаги. Демак, ҳар бир инсон юксакликларни, беғуборликни, бағрикенгликни йўқотмай яшамоғи даркор. Даврнинг ўткинчи майлларига берилиб, ўзлигига, аслиятга хиёнат қилмаслиги керак... Табиат инсонга ана шу жиҳатларни эслатиб қўяр экан... Ҳайлаб кўринг, бу жиҳатлар инсон умрининг энг зарурий таянч нуқталари эмасми?! Шубҳасиз, шундай! Табиат мисоли бир кўзгу экан, унга қараб, ўзингни, бутун умрингни томоша қилишинг, яхши-ёмонингни сарҳисоб қилиб олишинг мумкин!

Катта-катта илмий ишларнинг муаллифлари, нуфузли идораларнинг етакчи вакиллари бўлган тажрибали олимлар худди ёш болалардек, қий-чув билан бодом дарахтларига чирмашишди. Бўйларни етгани ҳосилни териб, чўнтакларига жойлашни бошлашди. Бошқалар эса тошми, аллақадан топиб келган калтаклар биланми меваларни уриб туширишга уринишарди. Шу орада кимдир бе-сабрлик билан катта шохни синдириб олди. «Намунча тахир ва аччиқ бўлмаса деди кимдир афтини бужмайтириб, шунга шунчалик овора бўлиб юрибмиз. Уят-э!» Шунда Эргаш Ҳайдарович би-лафонлик қилди: «Дўстим, шу аччиғи даво-да, аслида бугунги тиббиётда фойдаланилаётган кўп дори-дармонлар тоғ ўт-ўланларидан тайёрланади. Шифобахш ўсимликларни табиатнинг ўси яратиб қўйибди. Шунинг учун ҳам қайси бир хо-риж мамлакатада «Табиат – онага қўйилган ул-кан ҳайкал!» деган гап бор. Табиат – бизнинг

онамиз. Унга тош отганнинг ҳолига вой... »

Бироз ўзларини босиб олишганидан сўнг олимлар майда-майда кўримсиз, лекин сал қизарган тоғ олмаларидан ҳам татиб кўришди. Анчадан бери ҳис қилмаган аллақандай ширин маза берарди у. Ҳазилкаш дўстлари қочирим қилди: «Экологик тоза, дориланмаган, шифобахш».

Айни дамда Эргаш Ҳайдаровични бошқа нарса қизиқтираётган эди. Хўш, ўт-ўланлар табиат ҳосиласи дейлик, шунча баландликка бодомларни ким эккан... Уни парвариши билан ким шуфулланган. Навниҳол кўчатларни шу даражага етиши ўз-ўзидан бўлмагандир, ахир. Яна ҳам қизиғи, шифил ҳосилга кирган бодомзорнинг меваларига шу пайтгача ҳеч ким қўл теккизмаган эди. Кейин тўсатдан хаёлига келган бир фикрдан негадир юраги ғалати бўлиб кетди: Эй, нодон, уни табиатнинг бир бўлаги бўлган сен каби бир инсон эккан, меваси бир ўзи учун эмас, йўловчилар, ҳамма учун. Шундай юрт билан, шундай ҳамюртларинг билан фахрлан! Ахир, эшитмаганмисан, бир пайтлар ота-боболаринг пишиқчилик мавсумида бу жойлардан ўтган мусофир чанқоғини қондирсин дея, атайлаб кўча деворларини бузиб қўйишган... Бугун сенинг жимжимадор дарвозангда ҳатто кундуз кунлари ҳам инглизча қулфлар шодаси осилиб туради!

Баландларнинг ҳавоси оғир, тоғнинг ҳавоси жуда ўзгарувчан. Тўсатдан момоқалдироқ гумбурлади. Тоғлар кўрқинчли акс-садо берди. Бу овоз кучидан аллақаерлардадир улкан ҳарсангтошлар думалаб кетган бўлса, эҳтимол. Сабаби

бўғиқ ҳайқириқлар анча пайтгача элас-элас қулоққа чалиниб турди. Бир муддат маҳобатли девни эслатувчи қоя-тошлар салтанатининг боқий мувозанати бузилгандай бўлди. Гўё кимдир уйқуда ётган ваҳший девни уйғотиб юборгану, у алаמידан наъра тортиб юборгандек...

Шаррос ёмғир қуйиб берди... Шошилиб қолган ҳамроҳлар ўзларини қалин буталар орасига олишди, лекин барибир шалаббо бўлиб кетишди. Кейин назарингда шундоқ қўл узатсанг еткудек тепангда турган қора булутлар оҳиста-оҳиста сузиб, қаёққадир ғойиб бўлди. Бутун борлиқ ёришиб, бахмалдай товланади. Олимлар ивиб кетган кўйлақларини ечиб қараб кўришди, заррача ғубор йўқ. Ҳатто бу жойларнинг бетартиб, тарвақайлаб ётган бутазорлари ҳам чиннидек тоза, покиза.

Эҳ, бу юксаклик, мусаффолик! Сенинг пойингда инсон боласи ўзини нақадар нотавон, ожиз ҳис қилади!

Шаҳарлик нозик одамлар-да, шамоллаб қолсак керак деган ҳавотир йўқ эмасди. Қаёқда дейсиз! Улар ҳозир онадан янги туғилган чақалоқдай тетик ва бардам эдилар.

Узоқ-узоқ адрларга термулганича энг ширин хотиралари дунёсига фарқ бўлган профессор шу ерга келганда илкис дераза ортидан «чиқ-чиқ» ётган овозни эшитди. Хаёллари бўлиниб, офринганича секин шу томонга қаради. Қизиқ, қўлида ток қайчи ушлаб олган норғул бир йигит йўлақлар четларига экилган манзарали кўчатчаларга шакл берарди. Иссиқданми ёки астойдил энг ши-

мариб ишлаётганиданми, йигит терга ботиб кетган эди. Профессорнинг назарида ҳозир бу йигит учун гўзал манзараларнинг зиғирча ҳам қизиғи, аҳамияти йўқ. Чунки унинг кўзлари бу ерларга аллақачон ўрганиб кетган. Хотиржам ва бапарво ишлаётганининг ўзи ҳам унинг бу ерда янги эмаслигидан далолат беради. Аллақандай куч Эргаш Ҳайдаровични ташқарига ундарди, кимдир роҳатланиб ишляпти, сен эса хонада мук тушиб ўтирибсан... Ташқарига чиқ, ҳаво жуда ёқимли, ўригу олмаларнинг гули аралаш муаттар ис, гўё жаннат иси келади...

Айни дамда шу ҳақда ўйларкан, шохлари айқаш-уйқаш ёввойи олма, бандлари сертикан, қипқизил наъматак, эгри-бугри буталару данаги катта ўриккача, тез чақиладиган юмшоқ бодомгача кўзига кўриниб кетди. Энг ҳайратланарлиси, ҳатто ўша тоғ сафари чоғидаги сим-сим ёғаётган ёмғирнинг бошқача – чучмал сувининг таъмигача туйгандек бўлиб, ғалати тамшаниб қўйди. Хуллас, ҳозир у виқорли, бағрикенг ва покиза ёввойи боғни, қадрдонларини ҳам шундоққина кўриб турарди. Шу тобда у ўзини худди ўша ёввойи боғдек тутаётганди.

«Ҳақиқатдан ҳам бу юртнинг тупроғи олтин, – дея ўйларди у анчадан буён кулгини унутиб қўйган юзида табассум жилва қилиб, тошда ҳам ғунча гул очади. Ҳатто тошлар ҳам гуллайди...»

Кутилмаган оний лаҳзада профессорнинг кайфияти ўзгарди, жони халқумига тиқилгандай бўлди: Унга бу фароғатни, хотиржамликни кўп кўришмасмикан? Бу ёруғ кунлар бир зумда дори-

лар ҳиди анқиб кетган касалхонанинг қоронғу хонасига алмашмасмикан? Бир-биридан аянчли ва шафқатсиз хотиралар уни яна ўз гирдобига тортиб кетмасмикан?!

Ниҳоят, профессор юмдалаётган қорни ва ҳолсизлигини енгиш учун тановвул қилиши кераклигини англаб етди. Секин юриб бориб хонтахта устидаги оқ докани олиб ташлади: патир нонлар, ликопчаларда писта-бодом, чуқур лаганда тозалаб ювилган помидор-бодринглар, хонтахтанинг бир бурчагида узун-қисқа бўлиб турган шишалар. Эргаш Ҳайдарович уларга яна бир мартадан кўз югуртираётиб, «қулт» эткизиб ютиниб қўйди. Шу пайт очиқ деразадан кирган енгил шабада қачонлардир димоғини қитиқлаган таниш, арча шохчаларига кабоб қилинган гўшт аралаш пиёз ҳидини ёдига тушириб, оғзидан сўлақларини оқизди...

Бехосдан хаёллари тўзғиб, полга михланган темир кроват, кўк гулли чойшабларни эслаб, тор хонадаги дори ҳиди анқиган биқиқ ҳаводан нафас олиб ўрганган профессор ҳарчанд уринмасин, бу жойларга қандай келиб қолганини асло эслай олмайди. Устига-устак васваса касалига чалингани боис рўпара келган одамга ёвуз маҳлуқлай ташланиб қолишга одатланган бу инсон учун ҳозир ёнига ҳеч кимни қадам ранжида қилмаётгани ҳам ажабланарли ҳол эди. Шу сабабми яна бир карра «Балки мен ҳаиқатдан ҳам ўлгандирман... Айни пайтда жаннатда бўлсам, не ажаб!» деган хаёлга ҳам борди. Ундай бўлмаса, унга бундай шоҳона дастурхонни ким ёзди? Аслида у ҳозир жиннихонада бўлиши керак эмасмиди?

Ҳозир унга ҳамшира қиз мажбуран укол қилаётган, шундан сўнг барча нарсани унутиб, ухлаб қолаётган, уйғонганида бутун жисму жони зирқираб оғриётган бўлмасмиди? Кейин гиёҳвандлардек, ўша уколларсиз ва таблеткаларсиз яшай олмай қолгандек эди-ку! Саволлар... Саволлар... Улар тошдан ҳам оғир, темирдан ҳам қаттиқ... Аммо қани энди шу тобда уларнинг биронтасига жўяли бир жавоб топа олишнинг имкони бўлса...

Ниҳоят, у ўрнидан турар экан, эғнидаги қимматбаҳо пижама унинг ҳайратини яна ҳам ошириб юборди. У шошиб эғнидаги уст-бошларига қаради ва «Жаннатда шунақа кийинтириб қўйишса керак-да!» деган хаёлга борди. «Демак, жаннат ҳам бизнинг олдинги ҳаётимиздан унчалик фарқ қилмас экан-да» дея мийғида кулиб қўйди.

Кутилмаганда зинадан эшитилаётган оёқ товушлари профессорни сергаклантирди. Оёқ товушларининг тобора баландлашаётганига қараганда, унинг эгаси меҳмонхонага кўтарилаётгани аниқ. Профессорнинг бутун вужуди қулоққа айланди. Ва охири у кўринди... Келгувчи – атлас кўйлагининг этагини бироз кўтариб олган лобар бир жувон эди... У Эргаш Ҳайдаровичга кўзи тушган ҳамано ширин жилмайди...

– Ассалому алайкум, яхши ётиб турдингизми, ака? – қўнғироқдек овоз эгаси профессорга жуда яқин келиб, худди ёш келинчаклардек энгашиб, ишваланди. – Ҳозир юз-қўлингизга илиқ сув тайёрлайман. Шўрва ҳам пишиб қолди...

У бўлиқ сийналарининг ярим очиқ жойини ўнг қўли билан тўсиб, профессорнинг оёқлари ос-

тига янги шиппакни кийишга қулай ҳолда тўғри-
лаб қўйди. Юришлари чаққон, қадди-басти ўзи-
га ярашган қўҳликкина жувон Эргаш Ҳайдарови-
ч шиппакларини кийиб улгурмай, чилопчин ва
обдаста тутиб, рўпарасида ҳозир бўлди.

– Келинг, юз-қўлингизни ювиб оламиз,— дея
ҳалиги жувон шарақлаб кулганида, бир жуфт тил-
ла тишлари офтобда ял-ял товланиб кетди. —
Ҳозир шўрвангизни олиб келаман.

Профессор ҳайрат билан унга тикиларкан,
димоғига эркак кишини ром этувчи ширин атир
ҳиди урилди... Жуда қадрдон ва таниш ифор, ле-
кин олдин унга қаерда рўпара бўлганини эслай
олмади.

Жувон ўзига сочиқни узатар экан, негадир
унга теккан аёл бармоқлари таъсирида ток урган-
дек қалтираб кетди...

Қорайтирилган ойна ортидаги хонада Эргаш
Ҳайдарович ва Мастуранинг ҳатти-ҳаракатлари-
ни шу пайтгача миқ этмай кузатиб турган икки
нотаниш эркак бир-бирларига қараб, мамнун
жилмайиб қўйишди.

– Соҳиб ака, бу усулингиз анови тентакдан
бир иш чиқаришга фойда берармикан?

– Мирпўлат ака, бу Мастура деганларининг
макри қирқта туяга юк бўлади. Ахир, кимсан шах-
арнинг энг олди қўшмачиси. Менга ишонаве-
ринг, бир ҳафта – ўн кунда у профессорни биной-
идек одамга айлантиради. Унинг шундай офати-
жон қизлари борки, жиннини соғ, соғни жинни
қилишлари ҳеч гап эмас. Бу шахматдаги каби
омадли юриш – синалган усул. Мен хавфсизлик

хизматида ишлаб юрган пайтларимда...

Баъзан ёйилиб кетганида бир пайтлар ўшандай нуфузли идорада ишлаганини пеш қилиш одати бўлган Соҳиб аканинг бу гапи турган гапки, хўжайинга ёқмади. Шартта ўрнидан туриб, ташқарига чиқиб кетди. Ноқулай вазиятда қолган тансоқчилар бошлиғи унинг ортидан чопди.

– Ҳар эҳтимолга қарши йигитлар сизнинг ихтиёрингизда бўлади. Ўн кундан сўнг ўзим келиб хабар оламан. Фақат ҳамма нарса меъёрида бўлсин, ошириб юборманг,– деди ўз тундлигини яшира олмай Мирпўлат. Бир зумда рангидан қон қочиб, юзи заҳил тусга кирган собиқ зобит билинар-билинемас «хўп» дегандек бош ирғаб қўйди.

Бу пайтда меҳмонхонадан Мастуранинг шодон кулгулари элас-элас қулоққа чалинарди...

* * *

Бу Мастура деганлари ўзининг таъбири билан айтганда, ҳали тиши чиқмай туриб кўчага чиққан... Хуллас, унинг шармандалик кўчасидаги шамолларга совурилган ҳисларининг тарихи жуда узун... Келинг, ҳаммасини бир бошдан бошлаймиз!

Ҳа, Мастура, ахир у ҳақда ҳам озгина маълумот бериш лозим бўлади. У оддий қишлоқ оиласида катта бўлди, тарбияланди, дўндиққина қиз бўлиб вояга етди. Лекин айни балоғат ёшида у оиласи билан мутлақо чиқиша олмай қолди. Ўша-ўша у яқинларини ёмон кўриб қолган, айниқса, отаси билан ёмон хафалашганди. Шу-шу оламдан ўтгунча бирон марта ҳам уни бориб

кўрмади. Мастура жуда ўжар, ҳаддан ташқари дадил, очиқ қиз эди. У ҳеч нарсани кечиролмас, ҳеч нарсани унутолмас, доим ўзи учун ҳам, сингиллари учун ҳам дили оғриб, ҳар қандай дилхираликларга тайёр турарди. Афсуски, унинг чегараланган ақли фақат битта нарсани биларди: нимагаки ақли етмаса, ўша нарсани тан олмай қўя қоларди. Шу боис у ёшлигидан турли режалар тузар, аммо уларнинг биронтасини ҳам амалга оширишнинг уддасидан чиқа олмасди. Шунданми, у мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ тенгдошлари орасида «омадсиз» деб ном чиқарганди. Бир қарашда ўта самимий, тўғри, жўшқин ва омадсиз бу қиз айни чоғда шафқатсиз, ваҳший бўлиб қолиши ҳам, ҳеч иккиланмай юзингизга чанг солиши ҳам мумкин эди.

Бу қиз жуда чиройли эди, чиройли қизлигини, шу боис биронта йигит унга нисбатан бепарво қарай олмаслигини у жуда яхши билар эди. Аммо бу латофат, ҳиссиётлар, мулойимлик, ёқимлилик ортида ўзига хос ман-манлик ҳам йўқ эмас. Бундай тоифадаги гўзаллар ҳамиша ўз ҳукмини ўтказишни ёқтирадилар, ўзгаларнинг уларнинг олдида эркин бўлишларига хотиржам қараб туролмайдилар. Мастурага ўхшаш қизлар тажрибасиз ва эҳтиросли йигитларни жунбушга келтириб, қийнашни яхши кўришади. Қилган ишларидан хижолат ҳам бўлишмайди. Ҳамиша йигитларнинг устидан ҳукмронлик қилиш, эътиборини тортиш, севилиш иштиёқи уларга керагидан ортиқ хушчақчақлик ато этган бўлса ҳам ажаб эмас. Бундай қизларда кулгига мойиллик кучли бўла-

ди – уларнинг ёқимтой кўринишлари ҳам кўпинча шу кулгиларига боғлиқ... Шундай бир ажойиб рухсор эгасининг қаршисида ял-ял ёниб, сирли ишва билан боқиб туришини кўрган ҳар қандай эркак унинг олдида хушини йўқотиб қўйиши бор гап. У, ҳозир ҳурлиқо менга қарайди, ўртада илиқлик пайдо бўлади, деб умид қилади. Аммо бу гўзал ноз-истифноларни ўрнига қўядию, ҳеч кимни ёнига яқинлаштирамайди... Аммо қуриб кетгур, ўзига тортадиган, ром этадиган жозибасини ҳам ҳеч қачон йўқотмайди...

Мастура бир оз ноз-ишва қилса етарли: бу болада ҳеч қандай қийинчилик йўқлигини, бўлиши ҳам мумкин эмаслигини у жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам ортидан бир энтикиб қолаётган бегона кўзларни дам сўндириб, дам чақнатиб юборишни, ўзга чеҳраларда умид ва орзу туйғуларини уйғотишни, дўрилдоқ овозларни титратиб, бўғиб қўйишни, ўзгалар қалбини алғов-далғов қилиб юборишни у жуда яхши кўрарди. Оқшомлари ўзининг кўримсизгина хонасида ётиб, беғамгина уйқуга кетар экан, ўша барча ҳаяжонли сўзлар, боқишлар, оҳ уришларни яна бир бор эслаш унинг учун нақадар ёқимли!

Шунда ўзидан-ўзи мамнун бўлиб жилмайиб, ҳеч кимнинг ўзига яқинлашишга ҳадди сифмаслиги, ўзи ҳам бунга ҳеч қачон йўл қўймаслигини ҳис этиб, мағрурланарди. Ҳатто унинг мағрурлиги баъзан шу қадар кўнгилли эдики, ён-атрофидаги бечора ошиқларига яхшилик ҳам қилгиси келиб кетарди...

Жазирама иссиқ ёз кунларида очиладиган

атиргуллар ўзининг бежирим гулбаргларини шундай ёзадилар, аммо кечки салқин тушиши билан у яна ўз қобифига беркиниб, ғужанак бўлиб олади...

Мастура оддий боғбон, бир нави тирикчилигини ўтказадиган, аммо фаҳми анча калта бўлсада, ғурури, журъати ўзига етарли тажанг бир одамнинг қизи эди.

Хуллас, унинг ота-онаси унчалик бадавлат эмасди. Устига-устак мактабда яхши ўқимаганига қарамай у шаҳарда ҳамширалар тайёрлайдиган билим юртига киришга муваффақ бўлди. Гарчи у билим юртида аъло баҳоларга ўқимаса ҳам, ҳамманинг эътиборини қозонган, яхшилар қаторидан ўрин олган, негаки у ўзини жуда одобли тутарди.

Шу орада дугонаси билан шаҳардаги кўп қаватли уйлардан бирига жойлашган бу қиз, анча таниш-билишлар орттирди. Унинг бир неча хушторлари пайдо бўлди... Ўшалар орасидан басавлат ва кийинишидан бадавлат, асли қўшни тумандан келиб шаҳарда ўқийдиган Улуғбекни маъқул кўрди ва жуда осонгина, тез ва усталик билан уни ўзига ром қилиб олди... Улуғбекнинг ўзи ҳам бундан ортиқ гўзал қиз топа олмаслигини тезда тушуниб етганди.

Улар илк бор юзма-юз бўлганларида йигитнинг қизариб кетганидан ҳижолат бўлгани Мастуранинг эътиборидан четда қолмади... Йигитнинг орқасидан ҳайрат билан кузатиб қолганига қараганда, кўркам бу йигитнинг ҳолатини у ўзича тушунган, ғалабани ўз фойдасига ёзиб қўйган эди...

Улуғбек эртасига, индинига ҳам ўқишини унутиб, унинг йўлларини пойлаб ўтирганида, Мастура ҳам ҳеч иккиланмай унинг ҳаётига кириб борди! Шаҳар марказидаги сўлим хиёбонни айланишар экан, бечора ошиқ қаршисидаги фариштадан кўзини уза олмасди... Устида соддагина, аммо жуда бежирим қилиб тикилган нафис ранглари жилоланаётган кўйлак. Енглари тирсагидан, хипча белига алвон рангли лента боғлаган. Қоп-қора, фатила-фатила сочлари елкасига тушиб турибди. Бу қизнинг бутун вужудидан майинлик, мулойимлик уфуриб турарди. Сузук кўзларида чақнаб турган ўт ҳам, майин овози ҳам, ҳатто ўзига хос юриши ҳам киши руҳини эркалайди.

Улуғбек Мастурани шинам ва файзли, гуллар иси сингиб кетган, доимо ёшликнинг, севгининг нафаси сезилиб турадиган ўриндиққа бошлаб борди.

Мастура оромкурсининг бир бурчагига омонатгина ўтиргач, Улуғбек ҳам унинг ёнидан ўрин олди. Бошлари тепасида ям-яшил барглар аста силкинади. Теварак-атрофдаги махсус очилган кичик майдончаларда оппоқ марварид гуллар ифор таратади, бутун хиёбон бўйлаб гўёки нафас олишни енгиллаштирадиган барра ўт-ўланларнинг иси димоқни қитиқлайди...

Аввал Улуғбек кўнгил дафттарини очиб ташлади.

– Севиб қолдим, чоғи, – деди шошиб қолганидан ғалати алфозда у, – Сизга мафтун бўлиб қолганим рост...

У жавобини ҳам кутмай шартта бурилиб, ни-

гоҳини хиёбон бўйлаб «сайр» эттирарди. Афтидан у ҳозирги ҳолатида қиздан уялаётган, агар кўзлари тўқнашиб қолса, питирчилаб қолишини ҳис этган ҳолда ўзини чалғитмоқчи бўлаётганди. Ҳозир Мастуранинг аҳволи ҳам рўпарасида энди қандай йўл тутишини билмай ўтирган йигитни-кидан кам эмасди.

– Сиз учун севиб қолиш жуда осон ишга ўхшайди,– деди қиз бироз сукут сақлагач. Унинг бу гапида ҳам бироз истиғно, ҳам бироз эркалик, озгина ҳаяжон ҳам бор эди.

– Нима, хафа бўлдингизми?

Мастура индамади, фақат суҳбатдошига кўз қирини ташлаб қўйди, холос.

Аммо йигит ҳаракатлари зое кетмаётганини ич-ичидан ҳис этиб турганди. У зимдан қизни кузатиб ўтираркан, унинг оппоқ қўли, бежирим елкаларига, қирмизи ранг дудоқларига, майин шабадада хиёл кўтарилиб тушаётган сочларига маҳлиёлиги ортиб борарди. Аввалига у қисқа-қисқа ютиниб ўтирди. Кейин томоғига нимадир тиқилиб, юраги дук-дук уриб, ўзини ўнғайсиз ҳис эта бошлади. Ҳамон ўзини қўлга ололмаётган бўлса ҳам бора-бора бу ҳолати аллақандай бир ширин туйғулар билан алмашаётганди. Шундай дилдор, дилбар, шу билан бирга олифта қизни бунчалик тез ўзимга оғдириб оламан деб ўйламаганди. Боиси унинг назарида бу қиз унга фақат қизиқибгина қолмай, ҳатто бироз эркалик, ноз-карашма қилаётганга ҳам ўхшарди. Ошиқ бола у нега бундай қиляпти, деб ўз-ўзига савол берар, бироқ айна дамда айланиб кетаётган бошида жўя-

ли бир жавоб топилмасди. Аслини олганда бу саволнинг жавоби унинг учун умуман аҳамиятга эга эмасди, ҳозир.

Ва ниҳоят Улуғбек Мастурага тик қарашга ўзида куч топа олди. Аммо қиз унга орқасини ўгирганича, қўлларини қовуштирган ҳолда айланаётган чархпалакни кузатиб ўтирарди. Ўзига орқасини ўгириб тургани учун юзи яхши кўринмасди. Лекин унинг тим қора кўзларида қандай савол чарх ураётгани, қимтилган лабларида қандай туйғулар акс этаётганини ҳис этган Улуғбек ҳам ўйга толди.

– Сиз менга бирон нарса демоқчимисиз? – кутилмаганда берилган бу савол йигитни довдира-тиб қўйди. Улуғбекнинг овози бўғилиб қолди. У қизариб-бўзарар, ҳаяжонланарди... Ҳаяжонланганидан худди соқовдек каловланарди...

– Йўқ... ҳа, гапим бор. Фақат бугун гапиролмасам керак.

– Бўлмаса қачон эшитамиз?

– Балки, эртага айтарман, балки, сал кейинроқ...

– Балки, ҳеч қачон, – Мастура кулиб юборди. Улуғбек бир оз сукут сақлади.

– Лекин, мен... ўртамизда...

– Майли, ўзингизни қийнаманг! – Мастура унинг гапини бўлди. Кейин бўлса, кейин-да! Бир оз сабр қилиш керак. Энди мен уйга қайтишим зарур. Кўришгунча хайр.

Йигит ўтирган жойида қотиб қолди.

Шундай қилиб, у Улуғбек билан суҳбатлашиб қайтаркан, йигитни иложи борича ўзига ром

қилиб олишга ҳаракат қилганини пайқаш мумкин эди. Уни ўзига яқин тутиб, кўнглини очиб гаплашаётган бўлиб, ўзига хос ёқимтой, хушсурат йигитни аста-секин, қўйган тузоғига яқинлашиб келишини сезган ҳолда ва бу туйғу кўнглига хуш ёқиб, фолибларча одимлаб борарди...

* * *

Орадан бир оз вақт ўтди.

Ҳар қалай бу туйғулар шунчаки изсиз йўқолиб кетмади, ҳозирча эса улар бундан хурсанд, бир оз шодумон, бир оз қўрқинчли, ҳатто бир оз қайғули кунларини яшамоқда эдилар. Мастуранинг шаҳарга қандай мақсадда келганини унутиб, севги дунёсига бутунлай фарқ бўлиб кетгани тез орада унинг қишлоғига етиб борди. Чунки Мастура кейинги вақтларда умуман ўқишга бормай қўйган, ҳамма қизиқиши, эътибори Улуғбек билан бирга бўлишга қаратилган эди.

Афсуски, йўл қўйган хатосини тузатиш унинг қўлидан келмади. Шундан кейин у ва унинг дугоналари ўртасида қўл етмас жарлик пайдо бўла бошлади. Тўғри, у баъзи-баъзида ўз ярасига ўзи туз сепади, қалбининг тўридаги, сира ёдидан чиқмайдиган алам ва армонлари янгиланади, ўз севгисига бўлган шубҳа ва гумонлари янгиланади. «Мен бу ерга йигит топиш мақсадида келган эмасман», дея кўнглидан ўтказади. Отасининг, устозларининг кесатиқ тўла насиҳатлари ёдига тушади... «Жуда бемаъни туйғуга йўлиқдим-да», деб шивирлаб қўяди ўзига-ўзи.

Мастурани дастлаб ўқишдан четлатишди...

Орадан бир ҳафта ўтиб баджаҳл отаси уни ижарахонасига излаб келди...

Яхшики, уйда дугонаси йўқ эди. Мастура уйнинг бир бурчагига беркиниб олганича, чамаси ярим соатлар давомида юрак ҳовучлаб ўтирди. Шу онда унинг ожиз қалбини бир-биридан кескир саволлар ўртарди: Нега, бу аҳволга тушдим, нега! Феълим ярамаслиги, ношукур, ҳеч кимга керак бўлмайдиган, ҳеч кимга ёрдам бера олмайдиган инсон эканлигимни ҳис қилиб яшаш учунми?

У аламини кўз ёшлардан оларкан, ўзига-ўзининг раҳми келиб кетди. Беҳол ўрнига чўзилди, қани энди кўзларини юмиб, ухлай қолса эди! Бироқ сира ухлолмади. Уни қайғули, ҳатто қўрқинчли хаёллар чулғаб олди... У негадир ҳаётининг барбод бўлгани, бахтсизлигининг муқаррарлиги ҳақида ўйлай бошлади. У ўтаётган кунларини гоҳ ундай, гоҳ бундай усулда сарҳисоб этиб кўрди. Севги... деган туйғунинг олдида нақадар ожиз эканлигини ўйлаб, бутун вужуди ларзага келди, лекин хаёлига келган бошқа бир фикрдан қувонгандай бўлиб, юзига табассум югургандек бўлди. Ниҳоят, уни ўша, ўзига таниш ва қадрдон бўлиб қолган туйғу ҳаяжони қамраб олди... У ўрнидан туриб, хонада у ёқдан – бу ёққа юриб, бир оз хаёл сургач, қатъий қарорга келди:

– Эртадан, ё шу бугундан Улуғбек акасининг уйига кўчиб ўтади...

Орадан бир соат ўтар-ўтмас Мастура Улуғбек икки дўсти билан ижарада турадиган шаҳардаги эски бир маҳаллада жойлашган мўъжаз бир ҳов-

лига кириб бормоқда эди. У ўзини бироз лоҳас сезарди. Ахир, турли асаббузарликлар тинимсиз уни таъқиб этаётганди... Кейин, бу ерда уни нималар кутаётган экан... Майли, Улуғбек акаси хафа қилдириб қўймас...

Шом маҳали эски кўрпаларига бурканиб, қўшиқ тинглашаётган хонадошлар кутилмаган ташрифдан ўзларини йўқотиб қўйишди. Сабаби олдин дераза майин чертилди ва кейин ундан бир чиройли чеҳра мўралади. Дўстлари Улуғбекка қараб ғалати жилмайиб қўйишди... у пешвоз чиқаётган қиз – Мастура эди.

«Кўзлари қандан чиройли-а!» – дея кўнглидан ўтказди ошиқ йигит, севгилиси билан қўл бериб кўришаркан.

Улуғбек барча гапни охиригача эшитгунча ҳам бир оғиз гапирмай, сигарет чекиб ўтираверди. Охири Мастура йиғлаб юборгач эса оғир хўрсиниб қўйди.

– Майли, ҳаммасини ҳал қиламиз. Сиз бизни киди яшайверасиз, – деб қўйди секин.

Аслида Улуғбек деганлари ҳам бахтиқароликда Мастурадан қолишмайдиган, беомад, толеи юришмаган бир йигит эди. Гапнинг очиги, барчасига унинг ўзи сабабчи бўлган. Бообрў хаондоннинг эркатойи бўлган бу йигит қарийб саккиз йилдан буён олий ўқув юртини тамомлай олмайди. Туманда яхшигина мартабага эга бўлган даси эса шу ўтган йиллар мобайнида унинг домлаларининг кўнглини олиш билан овора бўлиб эзилиб кетди. Эркатой эса хушига келса ўқишга боради, бўлмаса йўқ. Қиладиган иши тушгача

ухлаш, кеқурун кўчада тентираш, баъзан хиёбонда қизларни илинтириш... Унинг бор бисоти ҳам шу – келишган қадди-қомати, гапга чечанлиги... Бечора қизлар унинг атрофида гирди-капалак. Ўзини ҳурмат қиладиган ва бу йигитни яқиндан биладиган қизлар эса, имкон қадар у билан юзмаюз бўлмасликка ҳаракат қилишарди. Тўғри, у Мастурани олдинги сафарлар бўлганидек бир ҳафтада ташлаб кетмади, аммо унинг бу галги «севги»сининг ҳам пойдевори жуда омонат эканлиги аниқ...

Кечки овқат маҳали Мастура алоҳида хонада ўтирди, у ҳозир ёлғиз қолишни истарди. Дастурхон устида Улуғбек ҳамроҳларига айёрона илжайди:

– Бирон нарсани сездиларингми?

– Ҳеч нарсадан хабаримиз йўқ, лекин мен у қизга ачинаман,– деди уларнинг юраги ботирроғи.

– Хўш, нимага ачинасан? – Улуғбек унга ўқрайиб қаради.

– Ўзи шундоғам ташвишингиз кўп, ака,– гапни бошқа мавзуга бурди у йигит. – Шунинг учун қадамингизни ўйлаб босинг...

– Зериккунимча у меники бўлади, кейин сенларга бераман, мазза қилиб юрамиз,– беўхшов кулди Улуғбек. – Қолаверса, тайёр малай ўз оёғи билан келиб турибди. Кир ювади, дазмоллайди, овқат пиширади...

Шерикларига бир-бирига қараб, жим бўлиб қолишди.

– Йигитлар гап бундоқ,–дея Улуғбек ниҳоят

асл мақсадига ўтди.– Бугун бизни баъзи келишиб оладиган ишларимиз бор – ёлғиз қолишимиз керак. Шунинг учун бугунча биронта курсдошларникига бориб турсаларинг. Эртадан яна бирга яшайверамиз.

Йигитларни кузатиб, кўча эшикни яхшилаб кулфлаб қайтаркан, Улуғбекнинг кўнглида шайтоний васваса уйғонаётган эди...

Шундоғ ҳам иштаҳаси бўлмаган Мастуранинг бўйдоқ йигитларнинг маза-матраси йўқ картошка паловидан баттар кўнгли алағда бўлди. Истар-истамас бир-икки пиёла чой ичдию беҳолгина бўлиб, кирланиб кетган юпка тўшакка чўзилди... Кутилмаганда эшик очилиб, Улуғбек кириб келганида у чўчиб ўрнидан туриб кетди...

Кўксига «туф-туф»ларкан, унинг қаттиқ ҳаяжон босаётгани сезилиб турарди.

– Болларни бошқа жойга кетказиб юбордим, ўзимиз беҳижолат ётамиз,– дея Улуғбек ўзини Мастуранинг ёнбошига ташлади.

– Унда сизга нариги хонага жой тайёрлаб бераман,– деб Мастура ўрнидан тураётганди, Улуғбек уни қўлидан ушлаб жойига ўтиргизди. Бирдан Мастуранинг юрагига фулғула тушди.

– Нима, сизни еб қўяманми,– Улуғбек севгилисини ўзига тортиб, қучоқламоқчи бўлган эди, юзига енгил шапалоқ қабул қилиб олди.

– Вой, уятсиз!

– Ахир, яқинда сизга уйланмоқчиман,– ўзини оқламоқчи бўларди Улуғбек. – Менга тегишга розимисиз?

– Сиз ўйлаган нарсалар тўйдан кейин бўла-

ди, яхши йигит, – Мастура ўрнидан туриб ташқарига чиқишга тараддудлана бошлади. – Ўзингизни қўлга олишингиз керак. Мен чимилдиққа пок ният билан қадам босишни хоҳлайман...

Улуғбек индамай қолди. Бироз қалтис ҳаракат қилса, уни кетиб қолишидан чўчиган йигит, қизнинг кўнглини олиш ва мақсадига эришиш учун бир оз шошилмаслиги кераклигини тушунди.

Ярим тунда кўзларини маҳкам юмиб олганича ухлай олмай тўлғонаётган Мастуранинг юраги аламдан қичқириб юбормаслик учун типирчилаётган бир пайтда, Улуғбек бузуқ нафсини қондириш... илинжида қийналаётганди. Ниҳоят, у ўғри мушукдай секин писиб қўшни хона эшигини очар экан, сапчиб ўрнидан туриб кетган Мастура ҳўнграб йиғлаб юборди...

Аммо шайтоний ҳирс оловида ёнаётган йигитнинг кўзи кўр бўлиб қолганди...

Икки ўртада олишув бошланди... Кўзи қонга тўлган йигит эгни-бошларини ечиб, дуч келган томонга отди. Бундай вазиятга биринчи бор дуч келаётган Мастура унга кучи етмаслигини сезгандек, бурчакка биқиниб олганича йиғлашга тушди. Ҳансираб-ҳансираб нафас олаётган бақувват қўллар эгаси унинг нафис либослари, сўнг... нозик кийимларини йиртиб юборди... Аллақачон тепасида бир ваҳший ҳайвон ҳириллаб ётган пайти Мастура ақлдан озар даражада қичқириб юборди... Лекин энди кеч, жуда кеч эди...

Санокли дақиқалар ичида бўшашиб, шалпайиб қолган Улуғбекнинг бир оз олдинги шашти-

дан асар ҳам қолмаганди. Шундай бўлса ҳам у Мастурани овунтириш илинжида ўзини қўлга олишга мажбур бўлаётганди.

– Албатта, сизга уйланаман. Мени ташлаб кетади деб, ҳавотирга тушманг! Сиз меникисиз, сизни ҳеч кимга бермайман...

– Бу кунимдан ўлганим яхши... Ҳозир ўзимни-ўзим ўлдираман! – кутилмаганда Мастуранинг бундай қарорга келиши Улуғбекни батамом гангитиб қўйди. Шундагина у тузатиб бўлмас хатога қўл урганини тушунди. Бу хато мисоли бир яра... кунба-кун бутун вужудни қамраб олиши аниқ... Энди у ярага малҳам топишнинг ҳечам имкони йўқ... Гарчи ўз сўзига ўзи ишонмаётган бўлса-да, Улуғбек тонгга қадар Мастурани авраб, аранг уни тўхтатиб қолди.

Барибир, Мастура учун бу ҳаёт ўз жозибасини буткул йўқотиб бўлганди... У ҳозиргина осмонларда учиб юрган мағрур ва озод бир қуш эди, кутилмаганда ер билан битта бўлиб, ерга қўлади... У энди чангда қолган гул... Унинг юрагида энди ўзининг жисмидан ҳам оғир ботмон тош...

Улуғбекнинг ҳозирги гаплари унчалик рост эмас, чунки, унинг узук-юлуқ фикрларининг ёлфонлигини Мастура чин дилдан ҳис қилмўқда эди. Мастура ярқ этиб қаршисидаги йигитга қаради. Бу қарашга бардош беролмаган йигит кўзларини олиб қочди...

– Сизга ишонган эдим десам, балки хато гапирган бўларман,– деди қиз ўзини туюлмайд, йиғлаб юборарадиган бир оҳангда,– ахир биз ҳали бир-биримиз учун мутлақо бегона одамлармиз.

Лекин сиз билан менинг тақдиримиз бир хил. Иккаламиз ҳам бир хилда бахтсизмиз, бизни бир-биримизга яқинлаштирган нарса шу эди, аслида.

Улуғбек индамади.

– Менинг устимдан кулишингиз мумкин,– деб гапини давом эттирди Мастура,– агар мен бахтсиз эканман фақат шахсий бахтсизлигим туфайли эмас. Афсус... энди кимнидир ойимқизилигим, бировга қарамлигим, ҳеч нарса қилолмаслигим, ҳеч нарсанинг уддасидан чиқа олмаслигим учун ҳам бахтсизман!

Эрталаб кўчага отланар экан, Улуғбек бахтиқаро қизга бошқа бир квартира топажаги ва иккаласи ўша ерда бирга яшашларини айтиб, бир зумда кўздан ғойиб бўлди. У бугунги тонгнинг тароватидан баҳра оладиган даражада хотиржам эмаслиги учун атрофдаги табиат манзаралига эътиборсиз ҳолда дўстларининг ҳузурига ошиқарди. Ва келишиб олганларидек икки хонадош тушдан сўнг эски кулбаларига равона бўлишди, Улуғбек эса ота уйига жўнади. Деярли икки йигитнинг кўзига кўринмай, уйда биқиниб ўтирган Мастура губор босган дераза ойнасидан тун сокинлигини кузатаётиб, яна ҳавотирга тушди. «Ишқилиб, мени алдаб кетмадимикан? Алоҳида квартирага чиқамиз деганди... Аслида янги жой топишнинг ўзи бўладими? Майли, кутай-чи, қолгани бир гап бўлар...»

Мастура йигитлар келтириб берган оппоқ қилиб пиширилган маставага қайрилиб ҳам қарамади... Ҳозир унинг томоғидан сув ҳам ўтмасди! Унинг бутун фикру зикри – Улуғбекда. Тиқ этган

товушдан ўрнидан туриб кетади, деразадан мўра-лайди. Яна мажолсиз келиб, жойига ўтиради. Кўнглига шубҳа-гумонлар оралайди... Ахир, бу икки йигитни умуман танимайди... Уларнинг кўнглида нима борлигини бу бечора қаёқдан билсин...

Чироқнинг хира нурида ҳашоратлар ўйнайди... Мастура дераза пардасини тортиб, ташқарига қарайди. Ой сўлғин ёғду сочиб турибди. Борлиқни тун ўз заптига олган. Ҳовли саҳнидаги дарах-лар учларида фира-шира нурлар акс садо беради. Эшикнинг хаста бемордай ғичирлаб овоз чиқаришига ҳамоҳанг тарзда Мастура ортига ўгирилдию, дод деб бақириб юборди: қаршисида ярим яланғоч йигит турарди... Унда енгиб бўлмас фавқулодда бир куч пайдо бўлиб, деразадан ўзини пастга отди. Орқасидан йигит ҳам худди полапон қуш каби пастга учди. Қиз қўрқувдан қалтираб, кўча дарвозасига йўл тополмай ҳовли бўйлаб югура бошлади. Йўлини тўсганларнинг унисини у ёққа, бунисини бу ёққа итариб ташлади. У йигитларга шундай нафрат билан қарадики, бу қараш фақат дунёда энг шафқатсиз, энг бадбахт, энг ёвуз одамга жирканиб қараш билан баробар эди.

Пастга сакраганда мувозанатини йўқотган Мастуранинг пешонаси ғурра бўлган, тирсаги шилиниб кетганди. Бироқ, ҳозир у бунга парво қилмас, аъзои-бадани олов бўлиб ёнарди.

– Яна нима керак сенларга! Мени ўлдирсанг тинчийсанларми? Йўқол кўзимдан! Ҳозироқ кет! Агар менга қўлларингни теккизсанг, ўзимни ўлдираман!

Мастуранинг важоҳатини кўриб, қўрқиб кетган йигитлар истар-истамас ортга чекинишди.

Ҳамма гап шундаки, кундузи уларни ўқишдан топган Улуғбек кеча «мазза» қилганини мақтанаркан, «Энди у сизларга, бир мазза қилиб олишларинг мумкин. Мен вақтинча қишлоққа кетаман, мен ҳақимда ҳеч нарса билмайсанлар...», дея уларни ҳам авраган, балки шу усул орқали Мастура балосидан қутулишни ният қилганди. Чунки энди унинг учун бу қизнинг ҳеч бир ёқимли жиҳати қолмаганди. Интилишга, ўйлаганда роҳатланишга, ҳузурига ошиқишга ҳеч бир сабаб қолмаганига у юрак-юракдан иқрор бўлаётганди...

* * *

Мастура адои-тамом бўлди...

Тентирай-тентирай, шаҳар кезади, бир бошпана излайди, йиғлайди-овунади... Бу ҳаёт деганлари ҳақиқатдан ҳам сирли-сехрли экан. Инсон энг қалтис лаҳзаларда ҳам ундан кечолмайди, балки ҳаётга талпинади, ундан ўзи учун керакли нарсаларни излаб топишга ҳаракат қилади. Мастура ўша «қора кунлари»да ўз ҳаётига нуқта қўйиш ҳақида жуда кўп ўйлади: аммо бунинг учун куч, хоҳиш топа олмади. Тўғрироғи, бундай йўлни танлай олмади.

Аксинча алам ва нафратдан юрагида бир қудрат юксалиб борар экан, ҳадеб елкасини учирар, дам кўзини пирпиратиб, ночорлигидан афсуслар, айни чоғда ўз-ўзига пичирлаб нималарнидир ваъда қилгандек бўларди... «Наҳотки, кўзимга

тўтиё қилиб суриб юрган барча туйғуларим совун пуфагидек мўрт эди... Аслида сен ўзингни ҳалок қилмоқчи эдинг! Ҳалок қилдинг ҳам!, дея ичида ингранарди у, аъзои баданидан иссиқ тер қуйларкан. – Мен нима қилиб қўйдим? Наҳот, ҳаммасини барбод қилган бўлсам? Мени лақиллатишди, битта хўрозқанд бериб алдашди».

Шу кунларда унинг чеҳрасида маъюслик, умидсизлик кайфияти намоён эди!

Умрнинг ўтишини кўринг: бировлар учун ширин болдек, бировлар учун эса аччиқ, тахир!

Хуллас, юксак орзулар шайдоси бўлиб юрган одамга ҳаётнинг қақшатқич зарбасига дуч келиш жуда-жуда оғир бўлганди. Аммо ҳали ҳаммаси тугамаган деб ўйлашга уринаётган бу гўзалда бирдан янги туйғу пайдо бўлган, у ҳам бўлса севгини эрмак қиладиган олифта ва мағрур бошларни оёғига бош урдириш истаги эди...

Мастуранинг янги манзили – фоҳишахона деган жой...

Ўз ихтиёри билан шу дўзахга бош уриб келаркан, у бу жойда кўп қолиб кетишини ўйламаганди. Чунки борарга жойи, яшашга пули бўлмаган тақдирининг қўлидаги митти бир қўғирчоқ учун бу сўнгги манзил – сўнгги нажот йўли эди. Ота маконга унинг учун йўллар беркилган! Биронга жойга кириб ишлашнинг у тасаввурига ҳам сифдира олмайди! Ўқишми, тфу, елкасининг чуқури кўрсин!

Ҳарқалай шаҳарнинг мана-ман деган «Мама Роза»сининг қаноти остига киргани ҳам чакки бўлмади. Зар қадрини заргар билади деганлари-

дек, опанинг феъли чатоқ, нафси ўпқон бўлса ҳам, Мастурани пиёда пойга қилмоқчи эмас. У биринчи кунданоқ бу гўшанинг биринчи рақамли маликаси, энг чиройли гули сифатида эъзозлана бошлади. Тўғри, бу эски данаплар учун ёқмагани аниқ. Лекин қўлларида нима келади? Ҳеч нарса! Тўғриси ҳам шу-да, егани олдида, емагани кетида. Ундан талаб қилинадигани фақат мижозлар кўнглини овлаш, холос. Қолган барча юмушларни опа ўз зиммасига олган. Ахир, бу ишнинг ҳам ўзига яраша бош оғриқлари етарли... Ҳар соҳадан тиргаклар керак бўлишидан тортиб, сигарет, ичкилик етказишни зиммасига олувчи югурдакларгача керак бўлади. Мастурадек қизларнинг кўпроқ бўлиши эса бу ҳилватхонанинг ўзига хос ташриф қоғози ҳисобланади. Чунки сочига оқ оралаганими, тепа калими, семизими кўнгли ёшини тусайди... «Данақдагисидан бўлсин» дейди... Бойвуччалар эса пулига келганда сахий. Бў гўшанинг раҳбари ҳам буни жуда яхши билади. Шунинг учун ҳам Мастура сингари қизлар шираси кетгунча уларга ажойиб «совға» тариқасида тортиф этиб турилади... Пули ҳам шунга яраша бўлади.

Дастлабки кунлари Мастура улардан кўпини хурсанд қилди. Доимий мижозлар орттиришга эришди. У тоифадагиларнинг яхши томонларидан бири шуки, сенга муомалани жойига қўяди, ўзини нималарга қодирлиги ҳақида шипшиб қўйишни ҳам унутишмайди... Энг муҳими, опага берганларидан ташқари сени алоҳида рози қилишадди.

Аста-секин бу ердаги ҳаётига кўникиб қолган Мастура бир куни шаҳар айланиб юрганида қўшни қишлоқлик талаба қизни учратиб қолди. Қарашларидан маълум, Мастуранинг янги фаолияти энди ҳеч ким учун сир бўлмай қолган... Истар-истамас кўришаркан, икки совуқ хабари орқали Мастурани карахт аҳволга солиб қўйди...

– Даданг сени оқ қилгани ҳақида катта жомъе масжидида барчага маълум қилибди, ўзиям яхши иш қилмадингда Мастур, – деди тенгқур дугоналаридан бири бўлган қўшни қишлоқлик унга, – оқсоқоллар гапингизни қайтиб олинг, нима бўлса ҳам, ўз пушти камарингиздан бўлган зурриёдингиз деб, у кишини юмшатмоқчи бўлишибди, лекин қайсар даданг гапида туриб олганмиш... Таниш-билишлар сенга жуда ачинишди... Айтишларича, даданг сени бир неча маротаба шаҳарга қидириб келганмиш... Эҳтиёт бўлгин, дадангни важоҳати ёмон... Устига-устак онангни юрак хуружи туфайли ҳаётдан кўз юмганига ҳам чидай олмаяпти...

– Нима?! Кўзлари ола-кула бўлиб кетган Мастура аввал қисқа-қисқа ютинди. Сўнг «Нима деддинг?» дегандек дугонасининг кўзларига термулди. Унинг кўзларида жиққа ёш эди...

– Нималар деяпсан? Ёлғон дегин? Сени алда-япман дегин?

Мастура бўғзини тўлдириб келган аламга чидай олмай хўнграб юборди. Ўтган-кетганларнинг уларга фалати қараш қилиб ўтиб кетаётгани, ўзининг қилган барча хатолари, қишлоғида ёмонотлиқ бўлгани, гурурли дадасининг юзини

ерга қаратгани, барча-барчаси ҳозир унинг учун ҳеч нарса, дунёдаги энг меҳрибон одами, онажонисидан айрилиб қолгани унинг юракларини ларзага келтирганди... У шу тобда ўзини ерга ташласа-ю, жони узилса асло пушаймон бўлмасди... «Онажон, онажоним, меҳрибон онажоним! Бир бор кўзларингизни кўрай... Бинолар бўлинг, онажон! Мен нодон қизингиздан рози кетдингизми? Менинг жирканч ҳаётим бир тола сочингизга арзирмиди, онажон...», дея Мастура чўккалаб ўтириб олганича уввос солиб йиғларди. Нима қилишини билмай боши қотган дугонаси эса уни юпатиш, таскин беришга бир сўз топа олмас, нукул Мастуранинг бошини силаганича ўзи ҳам йиғларди...

Она, она экан-да! Қизининг ноҳўя хатти-ҳаракатларига ич-ичидан эзилиши аниқ. Аммо у отаси сингари суюкли дилбандидан юзини ўғирмади, аксинча шаҳарда ўқийдиган ҳамқишлоқ қизлар орқали хабарлашиб, у – бу нарсани жўнатар, баъзан нафақасининг бир қисмини ҳам унга илинарди. Бунинг эвазига Мастура онасига нима бера олди? Фақат шармандалик, уят, ҳаёсизликдан бошқа ҳеч нарса эмас...

Юраги бот-бот оғриқ бериб азоблаган тунлари онаси қизи Мастуранинг бу йўлга кириб қолиши сабабларини изларди. Ахир, уларнинг авлодидан бузуқ чиқмаганди... Кейин турмуш ўртоғи билан болаларига фақат ҳалол едиришди, ҳаромни аралаштиришмади. Ҳарқалай бундай бўлганига унинг ишончи комил. Сабаби ўта жаҳлдор, салга асабийлашиб кетадиган эрининг ҳам нож-

ўя хатти-ҳаракатларини ҳеч қачон пайқамаган. Айниқса у бировнинг ҳақи... борасида жуда қаттиққўл! Кўчада ётган яримта гиштни бемаврид кўтариб келган эмас. Умри қишлоқ этагидаги кичкина ташландиқ ерда боғ кўкартириш билан ўтди. Кучдан қолгач боғ ишини болаларига топшириб, ўзи тенг-тушини ичида чойхонада ёнбошлаб ётишни орзу қиларди... Бу ёқда бундай кўнгилсизликлар чиқиб қолгач, бечора боғдан келмай қўйди. Дарахтлари билан гаплашади, дардлашади... Ўрик дарахти соясидаги мўъжаз супа-чада ўтирганича узоқ-узоқ хаёллар суради. Эркак киши йиғламасин экан? Эри кўз ёшини очикчасига кўрсатишга уялади, лекин унга термулиб ичичидан эзилаётганини сезади... Аммо бир нарса дейишга қўрқади, чунки бир нарса деса, ўзи ба-лога қолади-да! Бу дард унинг юрагини емирмоқда... Кўз ёшлари ташқарига эмас, юрагига оқмоқда...

Мастура онасидан айрилганига бир кўникиб, бир эзилиб юрган кунлари яхши бир «акахон» топиб олди. Институтда ўқитувчи бўлиб ишларкан. Афтидан топиш-тутиши яхши. Бир-икки ҳамсуҳбат бўлишгач, Мастурага бошқача кўз билан қарай бошлади. Аммо Мастура ҳам энди анойилардан эмас. Олдин яхшилаб ўрганади, синайди, ана шундан сўнг кўзи етсагина розилик билдириши мумкин. Боиси аёлларга суяги йўқ эркакларнинг ҳар турли тоифаси бор. Бир тоифа – мақсадига эришгунга қадар сизга осмондаги ойни олиб беришга тайёр. Лекин «висол оқшоми»дан кейин хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, жуфтак-

ни ростлаб қолишади. Яна бир тоифа – ман-манлик, мақтанчоқликни хуш кўради. Қўша-қўша машиналар, уйлар, катта бизнесдан гапиришади. Қарабсизки, охирида ўта доғули айёр бўлиб чиқади – пулни санаб беришга келганда, ундан ўтадиган қитмир, пасткаш йўқ бу оламда! Тажрибали данаплар тилида улар «кўринмас оталар» дейилади... Уларнинг гашига тегадигани – ичкиликка ва гиёҳвандликка муккасидан кетганлар. Улар аввал кайфу-сафони маромига келтириб олишади, кейин оёқларини қўлларига олиб бу томонга югуриб қолишади... Чўнтагида ҳемири йўқ, қувиб солсанг, бақир-чақир, ортиқча бош оғриқнинг ўзгинаси... Уларнинг бир марталик ана шундай жанжали камида бир ҳафта – ўн кунлик ишларига тескари таъсир кўрсатади... Яъни, обрўли ва уларнинг асосий даромад манбаи бўлган мижозлар «криминалний» жойдан ўзларини узоқроқ олиб юришга одатланишган. Чунки бундай майда-чуйда ташвишларга уларнинг тоқати йўқ!

Ҳозир Мастура барча тоифа ҳақида беш қўлдай яхши билгани учун – институт домласи билан ҳам ўта эҳтиёткор муносабатда эди. Аммо обдон хулоса қилиб кўрса, унинг нияти ёмонга ўхшамайди.

– Сизга икки хонали квартира олиб бериб, шаърий никоҳимга олмоқчиман, – деди у навбатдаги «висол лаззати»дан сўнг энтикиб-энтикиб нафас оларкан. Тўғри, унинг кўриниши бир оз бесўнақай. Тепакаллиги етмаганидай, бағ-бақалари, қоринлари шалпайиб осилиб қолган... Аммо Мастура учун тобора танлаш имконияти камай-

иб бормоқда. Имкони борида этагини ёпмаса, бозори касодга учраганлар сингари бозорга чиқиб картошка сотиши, ё кечгача қурт-семичка, папирос пуллашга куни қолиши аниқ. Кейинги пайтда қадрдон масканда уни анча «рейтинг»ги тушиб қолган. Сабаби вақт ўтаяпти, «қани, пўшт-пўшт», дея ёшлар келаяпти...

– Хотинингиздан қўрқмайсизми? – ёлғондакам меҳр билан унинг юзларини силайди Мастура.

– Бу... ўғил боланинг иши. Хотинидан қўрққанлар аллақачон уйда ўтирибди, унинг ёвфон шўрвасини ичиб! Биз нонини яримта қилдириб қўядиганлардан эмасмиз...

Орадан бирор ойлар ўтиб, Мастура шаҳарнинг чекка мавзеларидан биридаги кўп қаватли уйлардан биридаги икки хонали уйга алоҳида кўчиб чиқди. Энди унинг иши анча осонлашди. Ҳар куни ҳар турли мижозларнинг қош-қовоғига қараш йўқ. Кунда-кунора келиб турадиган домланинг кўнглини олиш унинг учун чикора. Бироқ, унинг бу масрур дамлари узоққа чўзилмади...

... Ўша куни қўёш тиккага келган бўлса ҳам Мастура ҳали ўрнидан турмаган, кечаги ичкиликнинг, маишатнинг таъсирида бошини кўтара олмай ётганди. Кутилмаганда устма-уст эшик жиринглашидан ҳаловатини йўқотиб, норози қиёфада ёнбошлаб ўтирди. Коммунал тўловлар бўйича келишган бўлса, бир оз туриб қайтиб кетади деган умидда эди. Лекин такрор-такрор жиринглаётган ёмиқсиз мусиқа садоси унинг қулоқларини қоматга келтирди. Ғудраниб сўкингани-

ча эшикка йўналди, унга ўрнатилган кичкина туйнукдан аста мўралади.

Кираверишдаги йўлакда икки нафар ички ишлар идораси ходими турарди.

– Ким у? – атайлаб эшикни очишга шошилмади Мастура.

– Участка профилактика инспекторлари бўламиз, – паспорт режими бўйича назорат ўтказиляпти, бир ҳужжатларингни кўриб қўйишимиз керак.

Ички ишлар идоралари ходимларидан юрак олдириб қўйган Мастура ҳавотирга тушиб қолди. Ҳозир эшикни очса, уни муқаррар хавф кутиб турибди. Шунини ҳис қилган ҳолда эски тажрибаларини ишга солди:

– Ҳужжатларни хўжайиним цейфда сақлайди, кечқурун ишдан келсалар айтаман, ўзлари бир сизларга учрашиб келишади.

Улар аслида маҳалла аҳлининг шикоятчи бўйича келган, бу хонадонда нима «ин» қурганини жуда яхши билишарди. Шундай бўлса ҳам бу борада шошилиш хулоса чиқариш яхши самара бермаслиги аниқ. Шунини назарда тутган ҳолда ҳозир улар бир натижасиз ортга қайтишга мажбур бўлишди. Аммо кетишда:

– Бўлмаса, кечқурун барча ҳужжатларни олиб, бир идорага ўтишлари керак, кутамиз деб, кетишди.

Бу Мастура учун огоҳлик қўнғироғи эди...

Орадан бирор ҳафта ўтиб, ишдан сўнг ҳаллоллаб кириб келган домла кечки овқат устида сархушлиқдан оғзининг таноби қочиб, нуқул беўхшов латифалари билан гўё ўзини-ўзи катта қор-

нини қитиқлаб кулдираётганди. Эшик кўнғироғининг устма-уст жиринглаши, уни хушёр торттирди. Бўлажак кўнгилсизликни сезгандай, Мастуранинг кўнгли алланечук ҳавотирга тушиб қолганди. Чунки орган ходимларининг ташрифи ҳақида у домлага айтган, лекин у «ҳал қиламиз» деган чучмал жавобдан нарига ўтмаганди. Ҳойнаҳой, бу ўшалар бўлса керак. Улар бир нарсанинг «ис»ини олдимни тамом деяверинг!

Домла лапанглаб эшикка йўналди.

– Келинлар, тинчликми?

– Бир дақиқага мумкинми? – домланинг розилигини ҳам олмай, бирин-кетин ичкарига олдин икки нафар махсус кийим-бош кийган ички ишлар идораси ходими, кейин кўринишидан маҳалла фаоллари бўлган бир нафар эркак ва аёллар остонада пайдо бўлишди. Аёл кишининг Мастурага кўзи тушиб, унга ижирғаниб қараб турарди... Мастура эса тўсатдан қўл-оёқларидан мадор қочиб, ўтирган жойида қотиб қолганди...

– Ҳа, жувонмарг бўлгур! – ниҳоят ҳалиги аёл Мастурага елкалари оша бурилиб қарар экан, нафратини яшира олмади. – Хайф сенга, ўзбек деган ном... Қайси бахтиқаро ота-она тарбиялаган сен нонкўрни... Рўпара келганнинг этагига осилиб кетаверар экансан-да! Ҳали норасида болаларнинг кўз ёшлари кўр қилади, сен юр юткурларни!

Худди қишлоқ аёллари каби оддий ва содда кийиниб олган аёл ғазабдан дағ-дағ титрарди...

Кейин узун-қисқа бўлишиб, участка инспекторининг хонасига йўл олишди. Довдираб қолга-

нидан домла нима қилишини билмай кўзини пир-пиратар, Мастура тугул, ҳатто ўзини ҳимоя қила олмай чайналарди...

Профилактика инспекторлари шу ернинг ўзи-да маъмурий баённома тузишгач, шаҳар ички ишлар бўлимига алоқага чиқиб, ушбу воқеа ҳақида маълумот беришди. Гuvoҳлар иштироки-да ушбу ҳолат бўйича барча ҳужжатлар расмий-лаштирилгач, бўлимдан чақирилган навбатчи-лик қисми машинасида домла ва Мастура шаҳар ИИБга олиб кетилди. Иккалаларининг бармоқ-ларидан қон таҳлили учун анализ олинди, белги-ланган тартибга кўра, жаримага тортилиб ва тил-хат орқали қўйиб юборишди...

Яхшики, Мастура паспорт маълумотлари бўйича опанинг уйида доимий рўйхатдан ўтган. Бусиз ҳам унинг бошқа бош эгиб борадиган жойи йўқлиги учун истайдими-йўқми, яна наҳс ва нафс ботқоғига ботган ўша маскандан қўним топишга мажбур эди...

Бирин-кетин йиллар ўтаверди, фасллар алма-шаверди, уларнинг нуқси, акси Мастуранинг юз-қиёфасида, ҳаракатларида, яшаш тарзида ўзини намоён этиб бораверди... Сиз изтиробнинг ранги-ни аниқ тасвирлай оласизми? Сиз сўнгсиз пушай-монлардан юраги зардобга тўлган қалбнинг су-ратини чизиб бера оласизми? Сиз умрининг маълум бир довонига етиб, эслашга, эслаганда қувонишга арзийдиган хотиралари бўлмаган ин-соннинг ҳаётга бўлган қизиқишларини тасаввур эта олишингиз мумкинми? Мастура бора-бора ана шундай аҳволга тушиб қолганди...

Унинг борай деса бир юпанчиғи йўқ, суянгувчи суянчиғи қолмаган, ишонган боғлари хазонга айланган, кўзининг оқу қоралари оқиб кетган... Энди «устози»нинг ёнида бир пайтлар худди ўзининг бошига тушганидек, бирда иродасизлиги, бирда ақли ноқислиги, баъзан билиб-билмай шу йўлга кириб қолаётган гулфунчаларни сап-сарик тиканакларга айланишини хорғин кузатади... «Ҳой, қизалоқ! Нега кўра-била туриб, ихтиёрий равишда жаҳаннам гирдобига ўзингни отмоқчисан? Имконинг борида этагингни йиғиштир... Ҳеч бўлмаса мен каби бахти қароларнинг аччиқ тақдири сенга сабоқ бўлсин», деб айтмоқчи бўлади, лекин айтолмайди... Ахир, ана шу шўр пешоналар унинг тирикчилиги... Уларнинг қанча кўп бўлгани, унинг учун шунча пул дегани... Унинг пешонасига ана шундай тақдир ёзилган! Унинг учун ҳаётнинг нони тошдан ҳам, темирдан ҳам қаттиқ...

... У энди пул учун ҳар қандай нағмага ўйнашга, ҳар қандай одамнинг йўриғига юришга мажбур. Мирпўлатнинг шотирлари билан ҳамкорлиги борлиги боиси ҳам ана шунда. Улар энг жирканч ишларга, энг тубан разилликларга ундан бемалол фойдаланишлари мумкин. Бу борада унинг тажрибаси иш беришига ишонишади. Мана, ваъда қилинган пул илинжида ҳозир у профессор Эргаш Ҳайдаровичнинг атрофида гирди-капалак...

Унинг бугунги кунлари шу тарзда оғир, изтиробли, шу билан бирга уни зериктирмаган ҳолда кечаётган эди...

* * *

Шу кунларда профессор ғалати ҳолатларни бошидан кечирмоқда. У айна пайтда ўзидаги ўзгаришлардан, хатти-ҳаркатлари ўзи учун жуда ғалати туюлар, бу ҳақда ўйлаганда баъзан асаблари бузилиб, миясида тентак хаёллари ғужғон ўйнарди! Лекин қалбдан қандайдир бир илиқликни ҳис этар, ҳатто кўнгли тинч, осуда эди. Бу баландликларнинг сокинлигию ҳавонинг софлиги, тоамлар тотлигию яшашининг қулайлигиданми, ёхуд сўнги йиллар мобайнида аёл киши билан яна яқиндан мулоқотда бўлиш, мириқиб суҳбатлашиш сабаблими – буни ўзи ҳам аниқ билмасди. Гарчи ора-сира ўзини тута олмай эски қилиқларини эслатиб қўяётган бўлса ҳам, умуман олганда ўзини анча эркин ва хотиржам тутаётганди.

Шундай қилиб, Мастура профессорнинг ҳузурда тез-тез у билан суҳбатлашиб ўтирар экан, иложи борича олимни ўзига маҳлиё қилиб олишга интиларди. Уни ўзига яқин тутиб, кўнглини очиб гаплашаётган бўлиб, бу анча салобатли, болаларча жайдари, бир қарасанг тушунарсиз... телбани аста-секин ўзи қўйган тузоққа илинишига ҳис этиб, бу ўзига хуш ёқаркан, у олимнинг хати-ҳаракатларини ўзгача қизиқиш билан кузатиб ўтирарди. Орадан маълум бир вақт ўтиб ундаги бу туйғулардан асар ҳам қолмас, аммо ҳозирча у бундан хурсанд, ўз ўрнида озгина ҳавотирли, қўрқинчли хаёллар оғушида яшамоқда эди. Профессорни бу дунёда қандай одам бўлганини унутиб,

айни чоғда бундай эътибор ёлғиз, азоб ичра яшаётган одамларга қанчалик ёқишини яхши билган Мастура ундан болалиги, оиласи ҳақида сўрай бошлади... Бирдан профессорни асабийлаша бошлаганини сезиб, хатога йўл қўйганини тушунди ва хатосини тузатиш мақсадида, унга яна кулиб-кулиб, самимий гаплардан гаплаша бошлади.

Барибир, Мастура ҳамон аёллик латофатини йўқотмаганди. Ҳозир профессор унинг гапларига завқ билан қулоқ солиб ўтирар экан, унинг оппоқ қўлларига, бироз ранги қочган дудоқларига, ҳаракатланаётганда бироз селкиллаётган сочларига, бир маромда, билинар-билинемас силкинаётган сийналарига маҳлиё бўлиб ўтирарди. Шу тариқа у аёлнинг гапларига қисқа-қисқа жавоб бериб қўяр, кутилмаганда ўзини нохуш ҳис қилиб, юраги тез-тез уриб, кўнглида қандай ҳиссиётлар жунбушга келаётганини сезиб қоларди... Ахир, шундай гўзал аёл доим унинг ёнида. Баъзан бу гўзал дўндиқча нега бундай қиляпти, мендан нима истайди ўзи... деб ўзига-ўзи савол беради. Лекин тайинли жавоб тополмай, яна қийналади. Мастура эса ундаги ҳамма ўзгаришларни ўзича тасаввур этар, шу боис мақсад сари зинапоялардан аста-аста кўтарилиб бораётганини ҳис этган ҳолда айёрони жилмайиб қўйишдан ўзини тўхта-та олмасди.

Тушлик овқат маҳали улар ёнма-ён ўтириб, жимгина овқатланишди. Ана шу вазиятдан фойданган ҳолда профессор овқатдан кейин бир оз ёлғиз қолишни хоҳлаётганди. У кейинги кунларда ўзи билан содир бўлаётган воқеаларни бир ту-

шуниб олиш учун ёлғиз бўлишни жуда-жуда истаётганди. Мастура овқат устида унга бир-икки қараб қўйди, бироқ кўринишидан, нима деб гап бошлашни билмай қийналаётганди. Унинг профессор нимагадир ўзини олиб қочишга уринаётган, балки бир оз уялаётган ҳам эди. Профессор секин ўрнидан туриб, дераза ёнига бориб кўрди. Бироқ у ҳозир нима ҳақида бош қотиришни билмасди. Бошида бир-бирига қарама-қарши фикрлар шу қадар кўп йиғилиб қолганки, ўйласа юраги орқага тортиб кетади. Шу пайт бехосдан кўзи пастда юрган икки йигитга тушди: улардан бири ўта жангари қиёфада бўлса, иккинчиси ўта тунд, ғамнок эди...

Яна профессорни хаёллари чувалашди. Кўзини юмганди: қоп-қора зимистонга рўпара бўлди... Қаро зулмат қўйнидан икки аёл унга қараб келишмоқда... Бу чеҳралар унга нигоҳларини қадаб олишганди... Бу ўткир нигоҳлар кимники, бу қанақаси бўлди? Ана улар яқинлашмоқда – бири ёнидаги парвонаси Мастура-ку, иккинчиси эса, шошма-шошма... қани... Ие, Дилором-ку! Нега, икковлари ҳам унга қараб жим қотиб қолишди? Уларнинг ўрталарида қандай умумийлик бор? Бу аёллар ундан нима исташади ўзи?

Профессор ёнида нафас олаётган нафис ҳилқатни сезиб қолгач, ўгирилиб ҳамроҳига қаради. Унинг чиройли кўзлари савол назари билан ўзига қандай тикилиб тургани, қимтилган бежирим лабларида қандай алам, армон акс этиб турганини кўрган профессор ҳайрон бўлиб, унга тикилиб қолди.

– Менга бирон гапингиз борми? – деб сўради бир оздан сўнг у рўпарасидаги аёлдан.

Аёл гўё уни гапини эшитмагандай, сукут сақлаб турарди.

Мастура ҳам секин деразага яқинлашди, профессор сал сурилиб, унга жой бўшатди. Мастура елкаси оша унга қаради, даҳшат: бу қарашга қандай чидаш мумкин! Унинг чеҳрасида болаларча масъум, беғубор, ёқимли ва шу билан бирга хи-жолотомуз бир ифода намоён бўлган эди.

– Мендан хафа эмасмисиз? Бу аёл мунча менинг атрофимда айланишиб қолди деб ўйлаяпсизми? Биламан, сиз бундай ўйламайсиз? – деди у профессорнинг ёш болаларча ўзига қараб турганига эътибор ҳам бермай. – Ахир, бизнинг тақдиримиз бир – биз толеи кулмаган одамлармиз! Сизга ақллилик балоси кулфат келтирган, менга эса аксинча... Ўйлаб кўрсам мени биронта ҳам ишонган дўстим йўқ экан, сизга дўст сифатида қараётгандекман...

Мастура дераза раҳига энгашди, аммо мувозанатини йўқотиб йиқилишига бир баҳя қолди. Унинг шу туришига профессорнинг жуда ҳам раҳми келиб кетди. У Мастуранинг қўллари устига қўлларини қўймоқчи бўлди... Бироқ, чўчиб тушган аёл беҳосдан қўлларини тортиб олди. У ҳозир қўлларини профессорни ҳаракатлари ножоиз деб ўйлагани учун эмас, балки менга раҳми келсин деган ниятда қияпти деб ўйламасин деган хаёлда тортиб олганди.

Мастура офир уҳ тортиб, қадини ростлади.

Профессор аёл томонга ўгирилди, шу қараш-

ларида унга чексиз ҳурмат, ҳавас билан қараётгани кўриниб турарди.

– Биласизми, менинг вужудимда ҳамиша иккита одам яшайди, ҳеч қачон улардан бири иккинчисига яшашга имкон бермайди,– деди Мастура. У жуда секин гапирарди. Унинг профессорга тикилиб турган кўзларида дўстона меҳр, ўтинч барқ уриб турарди. – Чунки ҳамиша ўзимнинг эзгулик борасида кучим, имкониятларимга шубҳа билан қараб келганман. Шунинг учун ҳам яшаш тарзим қарашларимга мос келмайди деб ўйлайман... Бир қарашда мен сиз учун жуда кулгили, ҳатто бир оз нафратга сазовар бўлишим ҳам мумкин. Лекин сиз мен тўғримда ёмон, кўнгилсиз фикрга бормайсиз деб умид қиламан. Шундоғам, ўтаётган умрим мени фақат изтиробга солади...

Айни дамда профессор нимадандир қаттиқ ҳаяжонланганиданми ё кўрқувданми, унинг бутун вужудини қалтироқ босди. Кўзларида ғазаб чақнади... Ҳозир у рўпарасидаги масъума аёлга ачингани ва унга ҳеч қандай ёрдам бера олмаслиги алам қилаётганидан йиғлаб юборай деб турганди... Унинг чеҳрасини маъюслик, умидсизлик кайфияти эгаллаган, бошини эгиб олганича қимир этмай турарди.

– Сиз бахтсизмисиз?– деб сўраб қолди кутилмаганда профессор.

– Сиз-чи, сиз бахтсизмасмисиз? – унинг саволига савол билан жавоб берди Мастура.

Кутилмаганда профессор Мастурани ўзига тортиб, бошини унинг кўксига қўйиб, тўсатдан йиғлаб юборди...

– Сизга нима бўлди? Нима бўлди сизга? – ўзингизни босинг дерди аёл йиғламоқдан бери бўлиб. Икки қўлини унинг титраб турган бошига қўяркан, Мастураинг қалби титроқ ва ҳаяжон билан лиммо-лим эди.

Айни шу дақиқаларда бу аёл пойида тиз чўкиб турган бу инсон учун ҳар нарсага тайёр, унга раҳми келар, бирдан-бир мақсади уни қандай қилиб бўлса ҳам тезроқ тинчитиш эди.

– Ҳозир сиз эмас, сизнинг орингиз йиғлаяпти,– деди у аранг шивирлаб.

Профессор бошини қуйи эгди, елкасини қисди. Кейин ўрнидан туриб бориб диванга ўтирди. Кўзларини қўли билан беркитди. У ҳозир ўзининг нотинч хаёлларидан қўрқар, шу боис ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қиларди. Назарида аллақандай қора, кўрганда этни увиштириб юборадиган ажал шарпалари қоронғулик қаъридан чиқиб келар, уни қўлидан ушлаб олганича ўша томонга судрарди... У ўзини чалғитиш учун яна ўрнидан турди.

– Сиз, яхшиси, мени бундай саволларингиз билан қийнамаганингиз маъқул,– профессорнинг овози хотиржам бўлса ҳам, бир оз бўғиқ эшитилди. Чунки у сиртдан ўзини хотиржам кўрсатишга уринмасин, кўнгли ниҳоятда бетинч эди. У яна бирдан қизишиб кетиб, қалин қошларини уйди.

– Келинг, мени тинч қўйинг, худо ҳаққи тинч қўйинг! – Бу ҳаёт деганлари нақадар кўнгилсиз нарса-а!!!

Мастура чиройли бурнини жийириб, бошини қуйи солди.

Профессор индамай хонада у ёқдан – бу ёққа юра бошлади. Гўё шу орқали кайфияти бузилганини кўрсатиб қўймоқчи бўларди.

Ҳозир унинг қалбини афсус, қўрқув, ҳайрат ва нафрат туйғуси қамраб олаётганди. Буни сезди чоғи, Мастура аста одимлаганича ташқарига чиқиб кетди. Профессор эса хонанинг ўртасида хаёл сурганича туриб қолганди.

«Профессор жуда содда ва самимий одам. Табиатан босиқ, мулоҳазали, кўлами кенг инсон. Иродаси кучли, ўзига ишонади, нима қилишини ҳам жуда яхши билади. Энг муҳими у вазиятни тўғри таҳлил қила олади. Менимча, у ҳаммасини тушуниб турибди», деб мулоҳаза юритарди Мастура. Унчалик ақли етмаса ҳам унга яна бир нарса аниқ: эркаклардек ёлғончи халқ йўқ, аммо аёлларга ёқиш масаласига келганда улар бу ишни ҳамма нарсадан устун қўйишга одатланишган. «Демак, бу ишдан бир натижа чиқишига умид қилсам бўлади», майин жилмайиб қўйди жувон. Аслида бу баланд қояларда кўз ёши тўкилмаслиги, балки ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳам у бу ишни уйдлаши керак. Бу унинг учун ҳаёт-мамот жангги...

Афсуски, бу қалби сўқирлар у киришган ишнинг на тафсилотларига, на шахсий кечинмаларга қизиқишади... Уларга фақат натижа, далиллар, профессорнинг алмойи-жалмойи формулалари керак, холос...

Шунинг учун ҳам анави кесак рангли Соҳиб деганлари ҳар гапнинг бирида ҳамма нарсадан хабардорлиги, озгина нафратланмаса, бир оз раҳ-

ми келиб турмаса борми, ғазабининг чексиз эканлигига ишора қилиб турибди...

Ҳар гал Мастурага кўзи тушганда, у билан истар-истамас гаплашганида, нафратдан захил юзлари қизариб, масхаралаш, бир вақтнинг ўзида аллақандай ачиниш туйғусидан қошлари керилиб кетади... Унинг қирғий кўзлари ҳар гал бу масъума жувонни кўрганда жирканиш билан боқар, давронингни сура-сура, мана энди, ўлим дараларида қандайдир мавҳум бир ишнинг орқасидан жонинг ҳалак, деб ўйларди.

Бечора Мастура! У ҳаёти давомида ҳали ҳеч қачон шу чўнг қояларда бошига тушганчалик хўрланмаган, азобланмаган, қийналмаган эди!

Бугун ҳаво анча илиқ, мусаффо бўлса-да, яқиндаги баланд қоялар тепаларида булутларнинг марварид шодаси оҳиста сузиб юрибди. Танга хуш ёқувчи енгил шамол эсяпти. Кеча енгил савалаб ёмғир ёғиб ўтгани учун сарғиш тусдаги сайхонликларда ҳаёт аломатлари кўзга ташланади – жонсиз ўт-ўланлар шивирлаётганга ўхшайди. Мағрур ва тикка дарахтларнинг барглари ҳилпирайди. Ўйноқи япроқлар рақсга туша-туша чайқалади. Узоқдаги тепаликлардан, майин жилғалар бошланувчи қоялардан аллақандай қушларнинг ҳиргойиси, хонишлари учиб келади. Қўрқувни билмайдиган қузғунлар шундоққина боғнинг тепасидаги сайхонликда ўзини офтобга солиб, тобланади. Яланғоч уфқнинг нариги чеккалари қизғиш тусда товланади.

Дунё оҳиста сузиб бормоқда эди...

* * *

Бу салобатли гўшада турли-туман даҳлизлар, хоналар, меҳмонхоналар, олди очиқ айвонлар, шарқона устунлар ва уларга ишланган бежирим ўймакорлик нақшлари, ҳар хил йўлаклар ва бурилишлар беҳисоб эди. Уйнинг олд саҳни катта гулзор, орқа томони боғ, боғга бораверишда эса катта-кичик омборхоналар, ертўлалар кўзга ташланади. Эртақлардаги афсонавий қасрнинг ўзгинаси...

Хуллас, бир қарашдаёқ бу қасрни бунёд этиш учун беҳисоб маблағнинг баҳридан ўтилгани ва бу ишларнинг ҳар бири ўз усталари томонидан ўта дид билан қилингани кўриниб турарди.

Орадан бирон ҳафта вақт ўтаётган бўлса-да, профессор остона хатлаб ташқарига чиқмади. Ҳатто бу ерларда нималар бор экан деб қизиқиб ҳам қўймади. Баъзан меҳмонхонанинг ярим очиқ деразасидан табиат манзараларини томоша қилмаслигини инобатга олмаганда, албатта. Боиси у ҳамон туман аралаш бир бўшлиқ ичра яшар, ҳаётига кириб келган Мастура отлиғ жувоннинг майин гапириб, ширин жилмайишларига ҳам шубҳа билан қарарди. Илгари ҳам иштаҳаси яхши бўлган, лекин касалхонанинг карам шўрвалари ичакларини ачиштириб, юқ бўлмаганиданми, бу ердаги кучли овқатлар тез кунлар ичида унинг оқини оққа, қизилини қизилга ажратиб қўйди: озгин гавдаси тўлишиб, икки юзига қизиллик югурди. Аммо баъзида тентакнона хаёллари безовта қилиб турганиданми, ўзини гоҳо жаннат-

да юрибман деб хаёл қилиб қолар, Мастурани эса жаннатдаги ҳурлардан бўлса керак, деган гумони бор эди. Ахир, ойдаи тўлишиб, айна аёллик латофати барқ урган бу жувоннинг пари-пайкарлардан нимаси кам?!

Ҳозир профессорнинг кўнглида анчадан буён унутила ёзган ғалати туйғулар жунбушга келаётганди... Кечки овқат арафасида шулар ҳақида ўйлаб, диванда мудраб ўтирган профессор енгил қадам товушларидан аста сергакланди. Остонада кулгичлари яйраб Мастура турарди.

Мана, аёл шу томонга келмоқда. Ўртада уч қадам, икки, бир... Профессор шартта ўрнидан туриб, аёлни қўлидан ушлаб диванга ўтиргизмоқчи бўлди.

– Вой, бу нима? – Мастура унга ёлғондакам кўрқув аралаш қараб, кўксига туфлаб олишни унутмади. Шу кунгача ундан биронта ноўрин ҳаракат бўлмагани учун Мастура «жинни» дейилган бу одамдан умуман кўрқмай қўйганди.

– Ёнимга ўтиринг, сизда гап бор, – деди профессор диванга ишора қилиб.

Мастура дарҳол аланглаб, ташқарида ўрнатилган монитор орқали кузатиб туришганини сезиб, нигоҳи билан яширин камерани излай бошлади. Лекин тополмади. Ноилож диванга ўтирди.

– Мен нега бу ерданман? – ўйлаб ўйимга етолмайман унга синчиклаб разм сола бошлади у. – Сиз атрофимда парвонасиз, лекин кимлигингизни ва мақсадингизни билмайман. Сўраш ноқулай...

Мастура жим бўлиб қолди. Аниқроғи, ҳозир

у нима дейишини билмай қийналарди. Сабаби ташқаридагилар унинг бу саволга қандай жавоб бериши кераклигини олдиндан ўргатишмаган. Қолаверса, «ҳозир мен ташқарига чиқиб, сўраб келай» ҳам деёлмайди...

– Кейинги кунларда кўп нарса худди кино лентасидай кўз ўнгимдан ўтаяпти, лекин баъзи манзараларни элас-элас эслайман, холос. Илтимос, менга ҳаммасини тушунтириб беринг?

Мастуранинг боши қотди. Каловланиб диванга ёпилган ёпинчиқнинг попук гулларини ўйнарган, вазиятдан чиқишнинг йўлини топди:

– Мен ҳозир битта аччиқ чой дамлаб келай, кейин бафуржа ўтириб суҳбатлашамиз.

– Алдамайсиз-а,– профессор унга ёш боладек жовдираб қарарди. Мастура жавоб ўрнига одатдагидек ширин жилмайиб қўйди.

Мастура шошилиб бошқа хонага кириб келганида, яширин экран рўпарасида тансоқчилар бошлиғи Соҳиб, руҳшунос Арсен киприк қоқмай ўтиришар, уларнинг ёнида ўтирган аёлнинг йиғидан кўзлари қизариб кетганди... Катта экран мониторида эса профессор! У ҳамон диванда ўйчан ҳолда ўтирар, шу куйи унинг нигоҳлари бир нуқтага қадалганди. Ҳозир кечки салқин тушиб, ҳаво бироз совиб этни жунжиктира бошлаган. Лекин шу аҳволида профессор буни ҳис этмаётганди. Унинг назарида, юз йилдан буён шу диванда ўтиргандек, шу ерда туғилгану шу ерда ўладигандек эди.

– Сен мана бу ерга ўтир,– собиқ зобит Мастурага буйруқ оҳангида гапираркан, қўлини бигиз

қилиб, ёнбошига ўгирилди, – хизмат кўрсатиш навбатини унга берасан энди...

Нотаниш аёл монитордаги профессорнинг фамгин қиёфасига тикилганча кўзларидан дув-дув ёш тўкар, унсиз йиғларди.

– Менинг гапларимни яхшилаб уқдингиз-а, – Соҳиб ҳалиги аёлга юзланди, – профессорнинг тақдири сизнинг қўлингизда. Агар ишни уддаласангиз катта мукофот оласиз. Акс ҳолда мендан яхшилик кутманг!

Шу орада чойнак ва икки дона пиёла кўтарган йигит кўринди. Соҳиб миқти гавдасига ярашмаган тарзда лапанглаб ўрнидан турди ва чойнак-пиёлани унинг қўлидан юлқиб оларкан, аёлга ўгирилди:

– Кўз ёшингизни йўқотинг! Бошқа йиғлаганингизни кўрмай! Қани, чойни олинг-да, ичкарига!

Шуни кутиб турган Назокат беҳол ўрнидан турди. Кафтидагиғижимланган рўмолчаси билан кўз ёшларини артди. У ҳозирги кайфиятида Эргаш Ҳайдаровичнинг ҳузурига кириб, унинг қучоғига ўзини отишга ва ҳўнг-ҳўнг йиғлашга тайёр эди. Аммо ҳозирги шароитда у бундай йўл тутиб бўлмаслигини ич-ичидан ҳис этаётганди.

Назокат офир қадамлар билан, ичкарига кириб кетгани ҳамона Соҳиб нима қилишини билмай, гангиб турган йигитга Мастурани кўрсатиб имо қилди:

– Бу опангни олиб чиқиб, келишганимиздек хизмат ҳақини бер...

Мастуранинг юзи ёришиб кетди. Чунки

Соҳиб ака бу ишни кўнгилдагидек уддалай олса, икки минг «кўк»идан вада қилган, шу орқали анчадан буён амалга ошира олмай юрган нияти – икки хонали уйини таъмирлаб олиш имкони туғилаётганди унда. Йигит «хўп бўлади» дегандек, хўжайинига сирли жилмайиб қўйди. Мастуранинг бу ҳолатга зимдан кўзи тушиб, юраги шиф этди. Лекин аҳволини билдирмасликка уринди.

Айни шу лаҳзаларда Эргаш Ҳайдарович яна хаёллар оғушида учаётганди...

Кейинги кунларда хотираси фавқулодда тиниқлашиб бораётган, ҳатто илмий марказ раҳбари бўлгани, оламшумул кашфиёт борасидаги ҳаракатлари эсига тушаётганди. Ўшанда қандай фараҳбахш кунлар экан-а! Иши ўзига жуда ёқар, ўша филиалнинг каттакон лабораторияси унинг учун, унинг сирли, ҳаётбахш формуласи учун ишларди! Фақат ўзи тушунадиган белгиларга асосланган илмий тажрибаларини бир неча шогирдлари ёрдамида амалга ошира бориб, формуланинг назарий жиҳатларини амалиётда исботлаш арафасида турганди. Гоҳо тунлари уйқуси қочиб кетар, ҳеч кимга индамасдан уйдан чиқиб, идорасига – лабораториясига йўл олар, муҳим тажрибаларни фақат ўзи амалга оширарди. Унинг кашфиёти овозаси Москвагача етиб борган, ҳатто, мамлакатнинг кўзга кўринган академиклари ҳузурига чақиртирилиб, суҳбат ҳам ташкил этилганди. Пировард натижа хусусидагина сўз юритиб, тажрибаларини тўлиқ тушунтириб бермаганди, ўшанда. Чунки унинг катта шов-шув бўлишини академиклар ҳам тушуниб турар, минг чиран-

салар-да, сўнгги босқич даражасида турган кашфиётнинг илмий тажрибалари ҳақида етарли ахборот ололмагандилар. Илмий кашфиёти борасида анчайин дадил ва қайсар профессор шу тариқа ҳатто академикларга ҳам ён бермаганди.

Эргаш Ҳайдарович шу манзараларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказар экан, ўзидан мамнун ҳолда аста жилмайиб қўйди. Қадрдон дўстлари, ҳамкасбларини кўз ўнгидан ўтказа бошлади. Руҳий касалликлар шифохонасига тушиб қолганида дастлабки пайтлари уларнинг аксарияти уни кўргани келиб туришганини эслади...

* * *

Жиноятнинг йўли узун бўлади. Баъзан яна бир ҳамла билан жиноятчини ушлаш мумкиндай, ҳар қандай тоифадаги жиноятчилар учун жазо муқаррарлигини эслатиб қўйиш имкони қўлинг-да тургандай, қилни қирқ ёрар экспертлар, изқуварлар, терговчиларнинг ҳамкорликда ишлаб чиққан режалари эртага ўз самарасини берадигандай! Аммо баъзан шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, калаванинг учи топилмайди – калаванинг учи йўқ!

Одатда аввалдан пухта ўйланган ва режалаштирилган жиноятларни фош этиш жуда қийин кечади. Чунки жиноят оламида кўзи қотган жиноятчилар изни йўқотиш, уни турли ўзанларга буриб, чалкаштириб юбориш борасида жуда устаси фаранг бўладилар. Бироқ, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари, айниқса прокуратура ва миллий хавфсизлик хизмати идоралари

вакиллари улар шохида юрса, баргида юришга одатланишганки, натижада мана-ман деган учарнинг ҳам бир кун келиб уларнинг қаршисида қўлоёғи қалтирайди. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолади.

Шу кунларда ушбу касбнинг орқасидан сочларига оқ тушган, жиноят оламининг «ин»ига ўт қалаб суяги қотган вилоят прокурори, генерал-майор Набижон Юнусов бошчилигидаги гуруҳ аъзолари профессор Эргаш Ҳайдаровичнинг сирли ғойиб бўлиши, қоровул чолнинг, санитар йигит Миша, ресторан қўшиқчиси Маликанинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноятлар боши берк кўчага кириб қолган бўлса-да, кўринишидан ўта маккор ва пихини ёрган жиноятчиларнинг изига тушиш учун астойдил енг шимариб, турли тахмин ва хулосалар муҳокамаси устида бош қотиришаётганди. Кутилмаганда яна бир жиноят бош кўтариб турибди...

Дастлаб Назокатнинг йўқолиб қолгани ҳақида ариза тушганида бу иш ҳам профессорга тааллуқли деб ўйлашмаганди. Ҳаммаси кутилмаганда рўй берди. Тажрибали ҳуқуқшунос Набижон Юнусов жабрдийданинг укаси Олим ёзган ариза билан танишиб чиқар экан, Назокатнинг бир маҳаллар Эргаш Ҳайдарович раҳбарлик қилган илмий текшириш институтининг филиалида ишлаганига эътибор қаратди ва зудлик билан Олимни чақиртириб келди.

– Ҳа, опам ўша марказда ишлаган. Аммо кейинчалик уйда ўтирган эди, – тасдиқлади Олим. – Ўша кун хотиним иккаламиз ишдан келсак, қў-

шнилар опамни қандайдир қора «Вольво» машинасига чиқиб кетганини айтишди. Кўринишидан жуда безовта бўлган, болаларни ҳам устларидан кулфлаб кетган. Икки кундан сўнг «Бухородаман, зарур иш чиқиб қолди. Ҳавотир олманглар!», деб телефон қилди. Овозидан сездимки, бир иш бўлган. Чамамда қўрқув аралаш, тўхтаб-тўхтаб гапирди. Мен тузукроқ суриштиришга улгурмай, суҳбатимиз узилиб қолди. Фақат «Милицияга борманглар. Ўзиб уйга бораман», деганини узуқ-юлуқ эшитиб қолдим. Эр-хотинни бошимиз қотиб, охири сизларга ариза ёзишга қарор қилдик.

Ҳаяжонланганидан терга ботиб кетган Олим, хижолатомуз оҳангда ўзини боядан бери салобати босаётган прокурорга тез-тез қараб қўярди.

– Собиқ ҳамкасблари билан борди-келдиси бормиди? – ҳеч бу ҳақда қизиққанмисиз, Набижон Юнусов дастрўмоли билан юз, бўйин терларини айтаётган йигитга самимий тикилди.

Йигит ўйланиб қолди ва оҳиста ўз муштига йўталиб олди.

– Кейинги пайтда кўча-куйга кам чиққан. Балки, телефонда гапплашиб турган бўлишлари мумкин. Аниқ билмайман, – деди у хижолат бўлгандек.

– Бухорода қариндошлар борми? – сўради прокурор.

– Ҳа, лекин уларга телефон қилгандим, биз томонга келгани йўқ деб айтишди.

... Ҳмм,-деб қўйди Набижон Юнусов хаёлга бериларкан. Кўриниб турибдики, профессорнинг атайин ўғирлангани аниқ. Лекин Назокат улар-

га нима учун керак? Балки, сирли формулага унинг ҳам алоқаси бордир. Энди, калаванинг учини топиш учун профессорнинг собиқ хотини Дилоромни топиш зарур. Шу кетишда руҳий касал одамга таъсир ўтказиш мақсадида Дилоромни ҳам ўғирлашлари аниқ...

Тажрибали ҳуқуқшунос, кўп йиллардан буён прокуратура идораларида нуфузли вазифаларда ишлаб келаётган генерал-майорнинг кўрсатмасига асосан бошланган кенг кўламдаги жиддий суриштирув ишлари қисқа муддат ичида беқиёс самаралар бера бошлади.

Дастлаб суриштирув гуруҳи томонидан тўпланган материаллар Назокатнинг Эргаш Ҳайдаровичга қай даражада яқинлигини ойдинлаштириб берди. Бу орада Москвада изсиз ғойиб бўлган Арсен исмли таниқли руҳшунос олимнинг шу томонларга олиб кетилганлиги қисқача баён этилган маълумот ҳам олинди. Ахборотда Арсен ихтиёрий-мажбурий тарзда шу томонга олиб келинган ва Мирпўлат исмли жиноят оламига алоқадор катта тижоратчининг паноҳида бўлиши мумкинлиги гумон қилинмоқда, деб ёзилганди.

Набижон Юнусов зудлик билан суриштирув гуруҳининг барча аъзоларини ўз хонасига чақиртирди. Йиғилган материаллар яхшигина фикрлаш, мулоҳаза юритиш, сўнг маълум хулосалар чиқариш учун етарли эди.

Гуруҳ аъзолари учун Набижон Юнусовнинг барча материалларни умумлаштириб, яхлит ҳолда фикрлаши янгилик бўлди: яқинда ғойиб бўлган Назокат исмли аёл бир вақтлар Эргаш Ҳайдаро-

вич билан бирга ишлаган. Ҳатто унга кўнгли бўлганмиш... Ҳамкасбларининг билдиришича, ўшандаёқ хотини Дилоромнинг шогирди билан юриши жамоада ҳаммага аён-у, фақат профессорнинг хабари бўлмаган экан, холос. Улар бир кун келиб, муқаррар фожиа рўй бершидан чўчиб юришган...

– Арсен Оғабеков билан боғлиқ маълумот ҳам шу ишга боғлиқми дейман, – силлиқ сочларини орқага тараб гапида давом этди Набижон Юнусов. – Ички ишлар идоралари маълумотларига қараганда, Арсен Питердаги улкан шифохоналардан бирида ишлаган. Фирибгарлиги, шифохонанинг каттагина маблағини ўмарганлиги боис қочиб яширинган ва Александр Матвеев исми-шарифини олиб, Москвада беркиниб юрган. Бир куни ишдан чиққану, аммо уйига етиб бормаган! Тезкор маълумотларга таянадиган бўлсак, у ҳозир бизнинг юртимизда. Бу ишлар умумлаштирилганда, калаванинг учи Мирпўлат исмли катта тадбиркорга бориб тақалмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилган суриштирувлар айнан Назокатни олиб кетган «Вольво» ҳам унга тегишли эканини кўрсатди. Гарчи ўтмиши тоза, қамалмаган бўлса ҳам, катта бизнес билан шуғулланади. Ҳа, айтганча, унда кўриқчилар бошлиғи бўлиб ишлайдиган Соҳиб Назаров деган шахс ўз бурчига содиқ бўлмагани учун хавфсизлик хизматидан четлатилган одам экан! Танисангиз керак, Отабек? Мана энди, обдон ўйлаб, ишга киришишимиз керак.

Мазкур тезкор йиғилишга ўзи ҳам «қуруқ қўл»

билан келмаган миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича бўлим бошлиғи, подполковник Отабек Мўсаев ҳам ўз навбати кутиб, далилларини «тил»га киргизиш истагида ичи қизиб ўтирганди. Сабаби бу ўта муҳим тадбир вилоят прокуратураси ва миллий хавфсизлик хизмати ҳамкорлигида амалга оширилаётган, хавфсизлик хизматидан бу ишга бошқарма бошлиғининг тавсиясига кўра, тажрибали подполковник Отабек Мўсаев жалб этилган эди.

– Ўтган вақт мобайнида бизнинг қўлимизда ҳам анча маълумотлар йиғилди. Барчасини яна бир бор ўрганиб, ишонч ҳосил қилиб олдик, – деди подполковник ҳар бир сўзига урғу бериб, гапираркан. Йиғилганлар сал жонлангандек бўлиб, бир-бирлари билан маъноли кўз уриштириб олишди.

– Аввало, собиқ ходим Соҳиб Назаровнинг шахси тўлиқ ўрганилди. Архив кўтарилганда, барча нарса ойдинлашди. Бу одам Эргаш Ҳайдаровичнинг илмий кашфиёти ҳақида ҳаммасини беш қўлда билган. Юқорининг топшириғига кўра, у шу соҳада ишлаган йиллари олимнинг фаолиятини назорат қилиб борган. Фақат профессор қотилликка қўл уриб қўйгач, кашфиёт охирига етмай қолган. Кейинги уринишлар ҳеч қандай натижа бермаган. Собиқ ҳамкасбларимизнинг айтишича, ўшанда Соҳиб Назаров профессорни вақтинча сақлаш изоляторидан ноқонуний равишда олиб келтириб, ўзича у билан шуғулланган. Сирли формуланинг тагига етмоқчи бўлган.

Бироқ, ўшанда қаттиқ руҳий крахт аҳволда бўлган олим жўяли бир фикр бера олмаган экан...

– Бунинг учун жисмоний қийноқ усуллари ҳам ишган солинган демоқчимисиз? – гап ташлади подполковникнинг ҳар бир гапига эътибор қилаётган вилоят прокурори.

– Афсуски, шундай,– сўзини давом эттирди хавсизлик хизмати ходими. – Аммо раҳбарият Соҳиб Назаровнинг бу хатти-ҳаракатидан огоҳ бўлиб, олимни изоляторга қайтаришган. У афтидан суддан кейин ҳамма нарсани билиб олмоқчи бўлган бўлса, керак. Кейинчалик бошқача қарор чиқарилиб, руҳий жиҳатдан носоғлом деган ташхис билан профессор руҳий касаллар шифохонасига ётқизилган. Шу тариқа бу кашфиёт сирлигича қолиб кетаверди. Биздаги ҳужжатларга қараганда, профессорнинг яратиш арафасида турган кашфиёти кишига ҳаётбахш этувчи, ёшартирувчи эликсир эди. Аниқланишича, бутун дунё олимлари ҳануз ана шундай дорини яратиш илнжида юришибди. Агар бу кашфиёт амалга ошганида, шубҳасиз, у халқаро миқёсда катта шов-шувларга сабаб бўларди. Тиббиётдан маълумки, нисбий бир ёшгача инсон организмидаги мавжуд хужайралар ўзидан кўпаяди, маълум ёшдан кейин эса бу жараён тўхтайтиди. Натижада инсонда қариш, кексайиш юз беради. Профессорнинг кашфиёти мана шу хужайраларнинг кўпайишини таъминларди...

Пашша учса билингудек сокин бўлган кенг хонада ўтирганлардан бири маъноли томоқ қириб қўйди. Бу ерда ўтирганларнинг хаёллари кутил-

маганда сирли ихтирога кетиб, ҳар ким уни ўзича тасаввур эта бошлаганди. Буни сезган подполковник кулимсираб қўйди.

– Шу сабали ҳам профессорни шифохонадан ўғирлаш жиноий гуруҳ аъзоларига жуда зарур бўлиб қолган экан-да,– деди хавфсизлик хизмати ходимининг бироз тўхталиб қолганидан фойдаланган вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Илҳомжон Турғунов.

– Тахминимча, профессорнинг бу кашфиётига эгалик қилиш кейинги пайтда кимларнидир уйқусини ўғирлаган кўринади,– деди салмоқлаб Набижон Юнусов. – Одатда, шундай йўллар билан мўмай пул топиш имкони туғилганида, қотилликларнинг юз бериши табиий ҳол бўлиб қолади. Энди тасаввур қилиб кўришимиз мумкин – профессор ва Назокатнинг ғойиб бўлиши, шифохонадаги икки одамнинг, қўшиқчи қизнинг ўлими бир-бири билан сирли тарзда боғланган. Ҳозирча биринчи тахмин шуки, профессор бирон овлоқ жойда сақланиб, унинг руҳий мувозанатини тиклашмоқда. Хўш, сизларга шундай бир савол: Агар Соҳиб Назаров шу ишларнинг бошида турибди деб тахмин қилсак, ҳар бирингиз унинг ўрнида бўлганингизда, бундан буён қандай йўл тутардингиз? Гап шундаки, бу одам бундай шароитда бизнинг қандай йўл тутишимизни жуда яхши биларди. Иш услубимиздан тўлиқ хабардор у.

– Кўриниб турибдики, ҳар бир ишдан сўнг ҳаракатларини бир-бирига боғловчи ишларни узиб кетишга, изларни яширишга улгуришяпти,– деб гап бошлади Илҳомжон. – Барча қотиллик-

лар ва ўғирликларда буни яққол кўриш мумкин. Энди профессорга алоқадор битта ришта, унинг собиқ хотини Дилором қолмоқда.

– Яхши, яхши,– деб юборди генерал-майор столга енгил мушт ураркан. – Яна кимда қандай фикрлар бор?

– Формула билан боғлиқ ҳужжатлар орасида фақат Дилоромнинг кўрсатмаси йўқ,– деди кутилмаганда суҳбатга қўшилган Отабек Мўсаев. – Аниқланишича, у эри шифохонага ётқизилганидан сўнг зудлик билан уйини сотиб кўчиб кетган. Ҳозир у Гулистон шаҳрида яшайди. Биздаги маълумотларга кўра, ҳамон бева яшаётган аёлни ҳозирча жиноий гуруҳ аъзолари безовта қилишгани йўқ. Улар ё Дилоромнинг манзилини аниқ билишмайди, ё ҳозирча бунга етарли сабаб йўқ.

– Дилором тез кунларда жиноятчиларга керак бўлиб қолади деб ўйлайсизми? – деб сўради, унга юзланган вилоят прокурори.

– Шундай эҳтимол ҳам йўқ эмас,– фикрини давом эттирди подполковник. – Ҳақиқатдан ҳам бу ишларнинг бошида Соҳиб Назаров турган бўлса, у Дилоромдан ҳам фойдаланиш йўлини топади. Шундан сўнг прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар идоралари ходимларидан иборат тезкор гуруҳ аъзолари Дилором масаласида тезроқ отни қамчилаб қолишга келишиб олишди. Шу ернинг ўзидаёқ Дилоромга қопқон ташламоқчи бўлганларни тузоққа илинтириш йўл-йўриғи ипидан-игнасигача ишлаб чиқилди. Ҳар эҳтимолга қарши режанинг заҳира вариантлари ҳам ишлаб чиқилди: шу орқали битта усул

панд берса, иккинчисини қўллаш ва жинойтчиларни илдизига болта уриш борасида обдон келишиб олинди.

Йиғилиш алламаҳалда тугади. Бу пайтда вилоят марказидаги мўъжаз шаҳарнинг узоқ-узоқларига чўзилиб кетган мавзеларидаги кўп қаватли уйларнинг аксариятида чироқлар учган. Кун бўйи меҳнатдан чарчаган шаҳар аҳли осуда тун қўйнида эртанги кунга куч йиғиш, янги-янги нурли манзиллар сари интилиш учун мириқиб ором олмоқда эди.

* * *

Профессор аста туриб бориб, деразадан ташқарига қаради: худди бир-бири билан қувлашма-чоқ ўйнаётгандек елаётган булутлар орасида битта ёрқин юлдуз кўринди. Булутлар қанчалик тез сурилишмасин, у юлдузни тўсиб қўйишолмасди. Қизиқ, у юлдуз профессорга кимларнидир эслатгандек...

Шу пайт меҳмонхона остонасида кейинги пайтда тез-тез унинг тушларига кираётган Назокат кўзларида ёш билан унга мўлтираб қараб турарди. Назокатнинг ҳам сочларига оқ оралаган, лекин барибир ўша-ўша сарвқомат эди...

– Эй, менинг малоҳатли дўстим, сизни ҳам олиб келишибди-да, – қачонлардир ўзига жуда яқин бўлган ва ҳозир мижжаларига тўлган ёшини арта олмай турган аёлга пешвоз чиқаркан, профессор ўзини бардам тутишга уринарди. Назокат диваннинг бир четига ўтираётиб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Ҳарқалай ўзини бироз ўнглаб, бошини

кўтарар экан, Эргаш Ҳайдаровичнинг оқариб кетган чаккаларига, ажин тушган юзларига, ичичига ботиб кетган юзларига қараб қолди. Унинг профессордан сўрайдиган, ўзи жавоб топа олмаётган саволлари кўп эди.

Худди шу пайт нариги хонада Соҳиб ва Арсенлар қизиқарли ҳинд фильми томоша қилаётгандек, экранга михланиб қолишган...

Назокат ўзини алдаб, бу ерга олиш келишганида дастлаб нима гап эканлигини унчалик тушунмай ваҳимага тушганди. Профессорнинг шу ерда эканлигини кўргач эса бир қадар хотиржам бўлди ва бу ердалиги сабабига ҳам тушуниб етди. Ҳа, яна ўша сирли – формула! Ҳақиқатдан ҳам илмий тадқиқотлардан унинг ҳам хабари бор эди. Ҳатто баъзи ёрдамчи тадқиқотларда ҳам иштирок этган. Лекин раҳбарлари бу кашфиёт борасида ҳеч бир ходимига батафсил маълумот бермаганди. Фақат баъзи бир тажрибаларни ўтказишни топширар, натижаси юзасидан ҳисоботни олгач эса лом-лим демасди. Асосан ўзи лабораторияда куймаланар, бир нарсаларни ёзиб-чизиш, соталаб ўтиришдан асло зерикмасди. Раҳбарлари кетганидан кейин кимлардир келиб лабораторияни афдартўнтар қилишди, барча ходимларни сўроққа тутишди. Лекин уларнинг бирон-бир натижага эришмаганлари аниқ эди. Орадан маълум бир вақтлар ўтиб, бу идорадан путур кетгач, ходимлар бирин-кетин ишдан кетеверишди. Ишсиз қолган Назокат ҳам топармон-тутармон укасининг қаромоғига ўтди. Жиянлари тарбияси билан жиддий шуғуллана бошлади. У оиланинг беминнат

хизматчисига айланди. Келини ва укаси Назокатга шундай ўрганишганки, гоҳида келини идиш-товоқни ва ўзининг кирларини уятганидан ювиб қўяди, холос. Шу сабаб у кўча-куйдан узоқлашди, овунчоғи – телевизор. Баъзан профессорни ўйлайди, аммо руҳий касаллар шифохонасига боришга юраги бетламайди. Мана, энди ихтиёрий-мажбурий равишда ҳузурида ўтирибди.

Назокатнинг назарида профессор узоқ касал ётиб, оёққа турган одамга ўхшайди. Унинг жовдираб турган кўзларидан шу маънони ўқиб олиш қийин эмас. Эзилган, руҳий изтироблар гирдобида қолган олим эса «эсини таниганидан» бери биринчи марта яқин одамини кўраётганди. У шу тобда қадрдони Назокатнинг қўлларини кафтлари орасига олиб силагиси келар, кўзларига тўйиб-тўйиб термулишни ўйлар, базўр ўзини тийиб турарди.

– Соғлигингиз яхшими? – Назокат «Тузалиб қолдингизми?» деб юборишдан чўчиди. Чунки нариги хонадаги сўхтаси совуқлар тайинлаганидек, у ҳар бир сўзни ўйлаб гапириши, унга ёмон таъсир қилувчи сўзларни ишлатмаслиги зарур эди.

– Сиз қаердан келиб қолдингиз, Назокат, – деди ниҳоят ўзини сал хотиржам тутаётган профессор.

– Олиб келишди.

Профессор чуқур хўрсинди. Ҳозирги ҳолатида у ўзининг чорасизлигидан ниҳоятда ўкинаётганди.

– Улар кимлар ўзи?

– Билмадим.

– Уларни ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

Назокат «ҳа» дегандек бош қимирлатди.

– Сизни ҳам шу ерга олиб келишган бўлса, улар ёмон одамлар экан, – деди у худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандек. – Уларга нима керак ўзи?

– Бирга ишлаган пайтларимиз ёдингиздами? – гапни бошқа ёққа бурди Назокат. Профессорнинг чеҳраси ёришиб кетди.

– У кунларни унутиб бўлмайди. Кейинги пайтда тез-тез ўша кунларни эслайдиган бўлиб қолганман. Оралиқда эса қалин туман босган бир бўшлиқ бор... Шифохонада ҳолдан тойганимда, кўзимни очсам – шу ердаман. Қандай келиб қолганим эса эсимда йўқ. Энди англаяпманки, мени яширин тарзда олиб келишган. Лекин нега? Менга шуниси жумбоқ.

Назокат индамай, тобора ҳаяжони ортиб борган профессорни кузатарди.

– Ростдан сабабини билмайсизми?

– Ўлай агар!

– Бунинг сабабини сал олдинроқдан, ўша институтдан, у ерда амалга оширган ишларингиздан излаш керак, менимча.

– Хўш-хўш...

– Адашмасам, катта бир кашфиёт қилиш арафасида эдингиз. Эсингизга тушдимми? – деди Назокат профессорнинг диванга беҳол ташланган ўнг қўлини аста ушларкан. Унинг қўли юмшоқ, мажолсиз, ҳам совуқ эди. Профессор бошини кўксига осилтириб, узоқ ўйга толди. Бошида нелар кечаётганини англаш қийиндек кўринарди.

Назокат эса унинг қўлларини беозоргина силай бошлади...

– Кўряпсанми? – хунук тиржайди Соҳиб Арсенга. – Бунисига нима дейсан? Бирон иш чиқара олармикан, бу манжалақи?!

Арсен беўхшов бурнини қашлади. Пешонасини силаган бўлди.

– Ҳамма умидимиз шу аёлдан. Ҳозир профессорда босқичма-босқич тикланиш жараёни кетмоқда. Уйқу дори истеъмол қилганидан кейинги кундалик текширишларимиз организмида ижобий ўзгаришлар бўлаётганидан дарак бераётир. Энг муҳими, жисмоний куч-қуввати тикланиб бўлган. Бу аввало кучли овқатларнинг таъсири, албатта. Ўзбекларнинг бунақа кучли қувватга эга бўлган овқатлари бошқа халқларда учрамайди.

– Ахир, унинг кундалик емиши қазии-ю, палов, гўшт бўлгандан кейин, тузалади-да. Бу овқатларни ўликлар эса тирилади,– дея Соҳибнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Ноилож шериги ҳам унга қўшилишди. Бу пайт хонага Мастурани кузатишга олиб чиқиб кетган йигит қайтди.

– Хўш,– хўжайин унга савол назари билан тикилиб қолди.

– Опани яхшилаб кузатиб қўйдик. – Кетди... деди охирги сўзига урғу бериб!

– Яхши,– деди Соҳиб «Бор, чиқавер» дегандек, ундан юзини ўгираркан ва Арсенга маъноли кўз ташлаб қўйди. Экрандан кўз узмай ўтирган руҳшунос Соҳибнинг унга истеҳзоли қараб қўйганини сезмади. Бу овлоқдаги дала ҳовлида Арсен билиши керак бўлмаган, фақат Соҳибнинг

буйруғи билан амалга ошириладиган ишлар шу қадар кўп эдики, бундай «қора шарпалар» тез кунда Арсеннинг ҳам бошида қилич қайраб туриши ҳеч гап эмасди...

* * *

Айни саратон палласида Арслон тоғ бағридаги бу овлоқ жойларга етиб боришнинг ўзи бўлмайди. Ҳаммаёқ жазирама офтобдан қовжирган, қаёққа қараманг, фақат шундай сўлғин манзаралар. Гўё бу жойларда табиат мувозанатига путур етгандек, унинг тарози паллалари бузилгандек, табиат бир жойда тўхтаб, депсиниб қолгандек. Устига-устак тик кўтарилишлар, эгри-бугри қайрилишлар жонинингни халқумингга келтиради. Бир шум лаҳзада ўзингни ҳаёт ва ўлим оралиғида ҳис этасан, кутилмаганда бу умр нақадар ширин ва тотли эканлигини англаб қоласан...

Шу боис ҳам анча-мунча ҳайдовчини бу томонларга бошлаш амримаҳол. Истаган ҳақини бермоқчи бўласиз, лекин бунга рози бўладиган ҳайдовчи камдан-кам топилади. Профессор келтирилган оромгоҳ эса мана шу тоғ йўлининг энг хавфли доволаридан бирида қўним топган. Йўлни торайтириб, кенгайтириб ўтган тик жарлик тубида шарқираб оқаётган сой тарафдан бир пайт қандайдир шарпа кўринади... Кутилмаганда тошларга қоқиниб, тобора тепалик томон юраётгани учун ҳам қора кўланка тинимсиз хансирар, оромгоҳга чиқиб оладиган тик сўқмоқ йўлга етай деб қолгани учун ҳам шошилар, дамба-дам бошига қўлидаги рўмолчасини босиб, сизиб оқаётган

қонни тўхтатишга беҳуда уринарди... У шу кўри-нишида ҳозир ўзининг соясидан ҳам қўрқаётган-ди... Бутун вужудини кўрқув қамраб олганидан тинимсиз қалтирар, тез-тез ортига қараб олгач, «туф-туф»лаб олишини қўймасди. Ниҳоят, у тик сўқмоққа етиб келди. Ҳозиргина рўй берган даҳшатли воқеани кўз олдига келтирар экан, у кўрганларим ўнгимми ё тушим дегандек, барча тафсилотларни бирма-бир кўз олдида гавдалан-тиришга уринарди. Айниқса баттол Соҳиб деган-ларининг важоҳати уни қаттиқ қўрқувга солиб қўйганди. Айни шу дамда ваҳшийлашиб, изсиз равишда ўлдириб юборишдан ҳам тоймайдиган одам қиёфасидаги қотилга рўпара бўлишни ўйлаш, уни тамоман қарахт аҳволга солиб қўяёт-ганди. Қўрққанга қўша кўринади, дейишади. Шунча интилса ҳам бир жойда депсиниб турган-дек бўлавергани учун унинг сўқмоқдан тойиниб-тойиниб, ўт-ўланларга тирмашган ҳолда тепага кўтарилиши осон кечмади. Унинг аъзои бадани жиққа терга ботиб кетганди! У аста бош кўтариб ҳорғин аҳволда мовий осмонга боқаркан, юлдуз-лар гўё унинг йўлларини ёритишга уринаётган-дек, милтираб нур таратади. Ой чиройли бўлиб тўлишибди. «Унинг ҳам кўнгли меникидек ярим-та бўлса керак... Унда унинг юзидаги доғлар ни-мадан дарак беради?», дея хаёлидан ўтказди у. Хаёлидаги туйғу бир зумда дилини ўртайди, аста хўрсиниб қўяди...

Бели зирқираб, тиззалари букилиб-букилиб, аранг юқорига кўтарилиб оларкан, бир оз хаво-тир билан жарлик қаърига кўз ташлади. Сувнинг

шовуллашидан бошқа нарса эшитилмади. Тубсиз жарлик қўйнида солланиб оқаётган зилол сувнинг совуқ ҳовури унинг сал сергаклантирди, шу билан бирга юрагига баттар ғулув солди. Унинг назарида чуқурликда важоҳат билан пишқираётган асов тўлқинлар улкан аждарга ўхшайди. Унинг қирқта боши бор, нафси ўпқон, унинг нафсини қондириш учун яна қанча қурбонлар керак бўлади... Аммо у ҳеч қачон тўйдим демайди... Янги-янги қурбонликларни талаб қилаверади... Унинг туриш-турмуши шу – фақат ёмонликлардан таскин топади, ўзгаларнинг қайғусидан роҳатланади...

Қоронғулик қўйнидаги қора кўланка ўзини чалғитиш мақсадида нигоҳини бошқа томонга буради. Бир муддат қулоқларини динг қилиб, ўзи кўтарилиб келган томонга тикилади. Аламдан ўзини тўхтата олмай: «Қочиб кетди, манжалақи», дея жаҳл билан ерга тупирди. Рўпарасида эса элас-элас электр чироқлари пориллаб оромгоҳ кўзга ташланади ва бу «қора шарпа»нинг изтиробига сабаб бўлиб, чуқур хўрсинади. Афсус, энди ўша томонга юришдан бошқа иложи йўқ. Айни пайтда унинг аҳволи мажбуран қассобнинг дандон сопли пичоғи тиғига рўпара қилинаётган қўчқорниқидан кам эмас... Қочгани бошқа йўл топа олмайди, тақдирини ўзгартириш эса ўзининг қўлидан келмайди...

Оромгоҳга кираверишда ўрнатилган ўриндиқда кечки салқин таъсирида жунжикиб ўтирган йигит қоронғулик қаъридан оғир-оғир қадамлар ташлаб, судралганича чиқиб келаётган шарпани

таниди ва офирлигини ўриндиққа ташлаб бемалол ўтираверди. Бироқ, ўзига яқинлашиб келаётган шарпанинг ўзини тутишидан ва рўмолчасини тез-тез бошига босишидан аҳоли яхши эмаслигини тушунди-ю, шошиб ўрнидан туриб кетди.

– Тинчликми? Нима бўлди? – унинг овозида енгил қалтироқ бор эди.

– Қочиб кетди, манжалақи!– дея ерга ўтириб олди, ҳалиги шарпа. У йўл-йўлакай ўз хатосини беркитиш учун, ўзига хос режа тузиб келаётганди.

– Нимага ҳам унга раҳмим келиб, аввал, қўлларини ечиб олай, кейин ўлдираман дебман... Қўлларини ечаётганимда менга сездирмай, тош олиб олган экан... Кутилмаганда бошимга зарб билан туширганда, бир муддат ўзимни йўқотиб қўйдим. Жон ҳолатда ўзини арчазорга урди. Қоронғуда роса қидириб, тополмадим. Ўша пайт қўлимдаги пичоқни ҳам олиб қўйишга улгурибди... Қани энди қўлимга тушса, хумордан чиққунча дўппослаб, сўнг майда-майда қилиб чавақлаб ташлардим...

Уни кутиб олган йигит нима дейишини билмай анграиб қолди ва ичида бу воқеа қандай содир бўлганини тасаввур эта бошлади.

– Ўзингдан кўр. Бирга борай десам, кўнмадинг. Асли бошида сени нятинг бузилганди. Тўғриси айт, аввал нафсингни қондириб, кейин Мастурани бир ёқли қилмоқчи бўлгансан... Палакат ҳис-туйғуларинг ўзингга панд берган!

– Ўчир овозингни! – салкам бақириб юбораёди ҳали шарпа. – Аламим ўзимга етиб турибди...

Уни кутиб олган ҳамтовоғи «Ўзинг биласан!», дегандек бепарво юзини буриб олди.

– Хўш, энди хўжайинга қандай тушунтирасан? Мен аллақачон унга «Иш битган» деб қўйибман. Бу гапингни эшитса, тириклайин терингни шилиб, ичингга сомон тиқиши аниқ, – хунук тиржайди бир оздан сўнг ҳалиги йигит.

– Барибир, узоққа кетолмайди, қанжиқ! – Ҳозир зим-зиё қоронғу, йўл тополмай ва қўрқувдан қалтираб, қуёнга ўхшаб бирон арчазорнинг тагида пусиб ўтирган бўлиши керак. Яхшиси, сен менга фонар топишга ёрдамлаш, – лўққиллаб оғриётган ярасини рўмолчасини билан босишга уринаркан, шарпа оғриқнинг зўридан «их» деб юборди.

– Нима, хўжайинга вазиятни тушунтирмай, суриб юбормоқчимисан? Аввал у билан маслаҳатлаш, кейин икковимиз бирга қидирамиз.

Қора шарпа бошдаги оғриғини ҳам унутиб, бир зум ўйланиб қолди.

– Асабини бузиш шартми? Иккимиз биргалашиб манжалақини тинчитгач, кейин унга айтганимиз маъқул бўлмасмикан?

– Бўлмайди! – қатъий равишда уни рад этди шериги. – Бизни қидириб қолишлари мумкин. Ҳарқалай, айтиб кетганимиз маъқул.

Шарпа оғир уф тортиб оларкан, ноилож ичкарига йўналди.

Кутилмаганда ўзининг қаршисида пайдо бўлган югурдаги Ҳалимни кўрган Соҳибнинг тепа сочи тикка бўлди! Эҳтиёткорликни тамомила унутиб қўйган бу мараз у Арсен билан мони-

тор экранни кузатиб ўтирган хонага тикка кириб борган, шу туришида унинг бошидан сизиб оқаётган қон юзлари бўйлаб думалаётган, хонага ўзини ёқимсиз ҳидини тарқата бошлаганди... Унинг аҳволини кўрган ҳамоно гап нимада эканлигини тушунган собиқ зобит даст ўрнидан туриб Ҳалимнинг орқасига келиштириб тепди, қўлидан судраганича қўшни хонага етаклади.

– Ишни расво қилдингми, ифлос? Фоҳиша нима бўлди?

– Қочиб кетди...

– Нима!!!

– Кундузи уни кўмиш учун сой бўйидан гўр қазиб қўйгандим. Ўшаёққа олиб бораётганимда...

– Ўчир овозингни! – бор овози билан бақириб юборган кекса зобит ҳозир нима қиларини билмай, Ҳалимнинг атрофида гир айланарди. Аламидан яна унинг орқасига бир-икки тепди... Бундай пайтларда миқ этмай туришга одатланган Ҳалимнинг ҳоли танг – юраги оёғининг остига тушиб кетганди...

– Хўш, у қайси томонга қочди?

– Арчазорга беркинди. Қоронғуда узоққа кетолмайди, хўжайин. Рухсат беринг, Одил икковимиз бориб, тинчитиб келамиз.

Шу тобда қари туллак агар Мастура унинг чангалидан қочиб қутулса, оқибати нималарга олиб келишини ўйлаётганди. Шу боис бу борада бошқа гап йўқ – Мастура албатта, ўлдирилиши зарур! Унинг мурдаси исини ҳатто зоғлар ҳам топа олмасин...

– Сен ифлос, ҳамма ишни расво қилгансан.

Аввал шу ерда тинчитиб, сўнг олиб бориб кўмсанг нима бўларди? Худди севишганлардек етаклашиб кетганмидинг? Қўли боғланганмиди? – тўсатдан хаёлига келган фикрдан унинг миқти гавдасига ярашмаган қирғий кўзлари чақнаб кетди.

– Ечиб қўйгандим...

Соҳиб унинг башарасига ўхшатиб шапалоқ тортди. Шу пайт кўкмия бўлган дайди итдек, кўзларини пирпиратиб, Одил кириб келди.

– Қўлини ечиб қўйиб, бўғизлайман деган экан... – минғирлади Одил. Унга Ҳалимнинг ҳўмрайиб қараганини зимдан кузатиб турган Соҳиб яна қутуриб кетди.

– Сен қаерда эдинг? Шу хезимга ишондингми? Мен сенларга нима дегандим, – у югуриб бориб, Одилга ҳам шапалоқ туширди.

Худди шу жойга келганда, бир оз ортга қайтишга тўғри келади.

... Мастура арчазорлар оралаб анча ергача югуриб борди. Қаерлардадир йиқилди, юз-кўзларини қоронғуда арча шохлари тилиб, димоғи енгил қон исини туйгандек бўлди. Ҳаллослаб, мункиб-мункиб кетиб бораркан, Ҳалим изидан чопмаётганига ишонч ҳосил қилиб олди-да, бир оз тин олди. Ўзига келиб бундоқ қараса, бир қўлида катта тош, иккинчисида пичоқ... Шу қадар маҳкам сиққанидан қўллари қизариб кетибди... Ҳартугул тошни-ку эслайди. Аммо пичоқ қўлида қаердан пайдо бўлди экан? Лекин асосийси ҳозир бу эмас. Энг муҳими – у тирик! Найрангбоз Соҳибнинг ҳузуридан чиққандан сўнг икки давангир йигит – унинг қонхўр югурдақларининг бир-би-

рига сирли қараш қилганини сезиб, унинг юраги «шиғ» этиб кетди... Мастура ўйини ўйлагунча айиқсифат паҳлавонлар унинг нозик қўлларини бойлаб, оғзига латта тиқиб қўйишга ҳам улгуришди!

Бутун вужудини жунжиктираётган арчазорлар орасида Мастура ёш тўла кўзларини юлдузлар чарақлаб турган тубсиз осмонга тикади. Шу қарашида гўё узоқ осмондан паноҳ кутаётгандек, қанот чиқариб унинг бағрига учишга ҳозирланаётгандек... Лекин қани бунинг имкони бўлганида эди... У бугунгача бу каби баланд тоғлар салтанатига кўп бора ташриф буюрган. Ҳар сафар чексиз уфқларга термулганича мусаффо табиат ҳавосидан тўйиб-тўйиб симириб, ёш қизалоқлардек қувонган, шаталоқ отиб эркалик қилган... Бирга келган «ака»ларининг ҳоли-жонига қўймай, тик қияликларга бошлаган. Шу тариқа энг баланд чўққилардан туриб, дунёни кўрмоқчи, унда ивирсиб юрган жами мавжудотни устидан кулмоқчи бўларди... Лекин айни пайтда унга бу жойлар заррача завқ бера олмайди. Қолаверса, ҳозир у бу каби гўзал манзараларни ҳис этадиган даражада эмасди. Аксинча ҳар бир манзара уни эзмоқда, гўёки масҳаралаб, унинг устидан кулмоқда. Ўзининг назарида эса шу дақиқаларда унинг омонат жони муаллақ туриб қолган... Пуф этса, унинг жони узиладигандек... Хайр-хушлашмай, бир зумда уни ташлаб кетадигандек...

Арчазорларнинг бир оз сокин, аммо кўнгилга қўрқинч солувчи маҳобатли сукунати ҳам унга тинчлик бермайди. «Тиқ» этган товуш уни сескан-

тириб юборади, оний лаҳзалар ичра ҳар томонга ўгирилавериб, унинг кўзлари толиқиб кетди. Назарида, ҳозир уни кимдир бир чеккага биқиниб олганича ўзига сездирмаган ҳолда таъқиб этаётгандек туюлаверади. Узоқ-узоқларда акс садо берувчи турли ёқимсиз товушлар саси бир дам пайсаиб, бир дам кўтарилиб, худди унинг бардошини синаётгандек бўлади. «Бу ерларда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Баъзи ҳайвонларни одамга яқинлашишга журъати етмайди дейишади... Аммо бўри учраб қолса нима қиламан? Унинг кўзига тик қараш керак! Болалиқда кўп эшитганман: бўрининг кўзига тик қаралса ёки кучли ёруғлик бўлса, у инсонга яқинлаша олмайди... Лекин бунга журъатим етармикан? Ахир, қайғу-изтиробдан адо бўлдим-ку?!», дерди у ўзига-ўзи. Хуллас, ҳозир унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, бутун илинжи қандай қилиб бўлмасин, шу ажал ботқоғидан эсон-омон чиқиб олишда эди... Бу хусусда ўйлаётганда у яна бир бор ўзини-ўзи ёмон кўриб кетди. Шунчалик ҳам аҳмоқ бўладими? Аҳмоқ бўлмаса, баттол Соҳибнинг ҳийла-найранги тузоғига осонгина илинаرمىди? У асли оддий кўнгилхушлиги учун пулни қизғанадиган, муроди ҳосил бўлгач, ҳатто раҳматни ҳам насиб қилиб қочиб қоладиганлар, керак бўлса, ўзини «палончи» эканлигини рўқач қилиб бошни қотирадиган хилидан эди. Ундан бундай кўп пул умид қилиш бориб турган хомхаёл. Бироқ, икки минг долларни эшитганда бирданига унинг кўзлари ўйнаб кетди, нафси яна бир бор йўлдан урди... Бир «жинни»ни йўлга солиш унинг учун чикора. Ахир,

мана-ман деган мағрурлар ўзини пойида тиз чўкмаганми, дейсиз. Шунинг учун ҳам унинг назарида бу иш ҳамирдан қил суғирадигандек, осон кўчадигандек эди... Ҳозирги аҳволида эса, бу ҳақда ўйлашга ҳам юраги бетламайди!

Нима учун, шу ишга кўнди-я! Пешонасида шунақа ташвишлар ҳам бор экан-да. Бўлмаса, юрганди шаҳарда ялло қилиб, пулнинг ўзи уни қидириб келарди... Ҳар куни эшигининг тагида уч-тўртта сархушликдан кўзлари салққан мастлар ёки чўнтаги пул кўриб қолган бойваччалар бор эди. Ундайлар унинг бир имосига маҳтал туришарди. Бир оғиз гапи улар учун қонундек эди. Пул ўлсин-а, пул ўлсин! У пулни деб шу куйларга тушиб ўтирибди. Пул йўғмас, бор эди. Анча-мунча йиғиб қўйган. Ҳалим ўлгурнинг қонсираган пичоғига тортилиб кетса, у пуллар кимга қолади? Кимга?!

Мастура арча шохида оёқларини осилтириб ўтирганича, пешонасига шап этказиб уриб қўйди. Аввалига бинойидай туюлган арча шохига энди ўрнашолмай қийналади. Ие, юзлари енгил шилиниб, қон томчилаётган экан... Шу алфозда у пастга тушишга қўрқаётганди. Бу ерларда ёввойи чўчқа ҳам кўп, кутилмаганда қаршисидан чиқиб, қорнини чавақлаб ташлаши ҳам мумкин. Бир пайтлар бунақа гаплар қулоғига кўп чалинганди. У тепага қараб, ўзи учун қулайроқ жой қидира бошлади. Лекин, кўринишидан шу шохдан ўзга қулайроқ жой йўқ эди. Ёнбошидаги шохлар анча ингичка ва мўртга ўхшайди. Кўтараолмаслиги тайин. Аксига олиб ўзи ўтирган шох ҳам

силлиқ эмас, ривожланмай қолган майда тиканаклари баданига санчилиб, баттар азоб бермоқда. Оғриқларга чидай олмай, кўп йиллик арчанинг танасини маҳкам қучоқлаб олганича ич-ичидан эзилиб йиғлай бошлади. Барибир, бўлмади. У ҳам қўрқувдан, ҳам совуқдан дағ-дағ титраб, яна арча дарахти танасига чирмашганича пастга тушди. Қўрқа-писа атрофга алангларкан, бутун вужуди қулоққа айланиб, бир муддат жим туриб қолди. Бу сирли жимлик унинг юрагига яна ҳам кўпроқ қўрқув солаётганди...

...Узоқдан кимнидир бўғиқ овозда йўталгани эшитилди. Мастуранинг қулоғига шундай эшитилдими, у икки қадам босар-босмас тақа-тақ тўхтаб, гўё нафас ҳам ололмаётган бир алфозда қотиб қолди, вужудида қалтироқ туриб, бутун аъзои баданидан бодроқдай-бодроқдай тер тепчиб чиқди!

Бирдан атрофга аланглаб, яшириниш учун кўздан ҳоли, панароқ жой излай бошлади. Ҳаммаёқда худди аскарлар сафга чизиб қўйилганидек, катта-кичик арчалар. У қия тепаликни мўлжаллаб тепага юрмоқчи бўлди. Пастни мўлжаллаганди, яна сойга рўпара келишини билиб, ўйланиб қолди. Таваккал қилди-ю, оёқ учида олдинга босди. Шу кетишида қаёққа бораётганини ўзи ҳам билмасди...

Бу пайтда қўлларига фонар тутиб олган Ҳалим билан Одил арчазорга киришган, бу ерларда товуш узоқларга кетишини яхши билган Одил атайин қаттиқроқ йўталиб қўйганди...

* * *

– Айниқса сокин тунда овоз жуда узоққа эш-тилади, галвас,– деди Ҳалим ҳамтовоғини бир туртиб, ўз норозилигини билдирар экан. – Унинг шу атрофдалиги аниқ. Узоққа кета олмайди. Сездирмай бориб, бўғизлашимиз лозим.

– Балки, қочиб қолгандир? – Одил атайин овозини сал баландлатди.

– Сен атайлаб шундай қиляпсан, шекилли,– дея олдинда бораётган шериги унга ўқрайиб қаради.

– Оёқ-қўлини ечмай, аввал бўғизлаб, сўнг зўрлаганингда... – хиринглаб кула бошлади Одил.

Кутилмаганда тўхтаб, нафрат билан ортига ўгирилган Ҳалим фонар ёруғини унинг юзига тўғрилади.

– Хўш, нима бўпти? Маняк бўлардинг-қолардинг... – бўш келмади Одил. Аммо унинг гапи оғзида қолди. Ҳалим унинг юзига мушт тушириб қолди.

– Ўлдираман, сен даъюсни! – хириллаганича унга ташланди Ҳалим. – Менинг кимлигимни биласан-а? Хўш, сен гўдак умрингда чумчуқ боласини сўйганмисан, ўзи?! Мен тупроқ остига жойлаган одамларнинг сон-саноғи йўқ... Агар ўшалардан бирига айланишни истамасанг... тилингни тийиб юр!

Ҳалим қўлидаги пичоғини Одилнинг бўғизига тиради. Унинг ҳозирги важоҳати жуда ёмон эди. Бироз имкон берса, пичоқни тортиб юборишдан тоймайди. Одилнинг жон-пони чиқб кетаёз-

ди. Сал ошириб юборганини сизди. Икки қўллаб жон ҳолатда Ҳалимнинг қўлларига чирмашди. Раҳми келди чоғи, Ҳалим ерга чирт этказиб бир тупириб, нари кетди. Одил бурнидан оқаётган қонни мушт қилиб тугиб олган қўли билан артиб, ўрнидан турди. Айиқсифат маҳлуқнинг қўлида пичоғи бор, унда эса йўқ... Шундоғам, Ҳалим хўжайиннинг ишонган «қассоби». Орқаваротдан кўп эшитган, қанчасини тинчитган-у...

– Арча шохларига тегинмай юр. У яқин ўртада бирон арча дарахтига суяниб ўтирган бўлиши керак. Бу қияликнинг тўрт томони ҳам жарлик. Ҳамма йўллар фақат сойга келиб боғланади. Қулоғингни динг қилиб ол, уқдингми? – Ҳалим орқасига қарамай, кетиб бораркан, Одилга таҳдиднамо оҳангда буйруқ берди.

Ҳозир бутун вужуди Мастурани тезроқ ўлдириш истаги билан ёнаётган Ҳалим тез-тез тўхтаб, Одилни ҳам тўхтатар, атрофга синчков назар солар, назарида олдинда шаох-шаббалар қирсиллаб, кимдир кетаётганга ўхшарди. Унинг ортидан овчининг итидек мажбуран эргашиб бораётган Одил ич-ичидан «Шу Мастура топилмасин-да!» деган ниятни такрорлаб боради. Агар топилмаса боши осмонга етади.

У бурнига дам-бадам мушт қўлини ишқаб оларкан, Ҳалимни ичида янчиётганди. Фақат кучи етмагани алам қилади, холос. Ҳозир хўжайиннинг феъли айниган, барибир, Мастурани топ-тирмай қўймайди. Топилмаса... Унда ўзига ортиқча бино қўйган манқурт Ҳалимнинг куни битди деяверинг! Ўлдиради!!!

– Бу ерларда йўққа, ўхшайди,– яна Ҳалимининг гашига тега бошлади у. – Қара, ўт-ўланлардаям бирон-бир из йўқ. Ие, буни қара...

Арча остида тепаланган майсаларга биринчи бўлиб, Одилнинг кўзи тушди ва дами ичига тушиб кетди. Ҳалим дарҳол энгашди. Пайпасланган ўт-ўланларга шам тушмаган, қолган барра ўтларнинг баргларида шудринг томчилари фонар ёруғида йилтираётганди.

– Мен нима дегандим сенга – деди Ҳалим енгил нафас олиб. – У шу яқин ўртада пусиб ётибди. Сен эшак йўталиб, келаётганимизни билдириб қўйгансан. Ўчир фонарингни. Ёруғини фақат ер сол. Оёғинг остига ёқ. Токи узоқдан кўринмасин. Уқдингми?

– Уқдим,– билинар-билинемас садо берди Одил. – Агар ортидан келаётганимизни билиб қолган бўлса, аллақачон узоққа кетди. Ёки каттароқ биронта арчанинг тепасига чиқиб олган. Ишонавер!

– Йўқ, арчага чиқолмайди,– унинг гапини бўлди Ҳалим. – Фақат олдинга юради. Юриб-юриб жарлик устидан чиқади. Қоронғуда билмай оёғи тойиб кетмаса, қўлимизга тушиши аниқ...

Мастуранинг нафаси бўғзига тикилиб қолган. Шунча одимлагани сайин қуриб кетгур, арчазор деганлари ҳам тугай демасди. Унинг ортидан кимлардир эргашиб келаётгани аниқ. Ҳозир у ҳаёт ва ўлим оралиғида эканлигини ҳис этаркан, қўркуви чандон ошиб бораётган эди.

Унинг ҳозирги аҳволи сиртмоққа тушиб қолган бечора қуённиқидан асло фарқ қилмасди.

Қафасни ёриб чиқишга кучи етмайди... Овчига рўпара бўлиш эса муқаррар ўлимдир!

Бирдан арчазор тугаб сувнинг ваҳима билан шовуллаб оқиши эшитилди. Мастура яна сойнинг тепасидан чиқиб қолганини англаб, ҳўнграб йиғлаб юборди. Демак, у ҳалидан бери бир манзил атрофида тинмай айланаётган экан-да! Пастда пўртана-пўртана бўлиб оқаётган сув йилтираб кўринар, овози эса янада ҳам кўрқинчи ваҳшат касб этганди.

У қўрқа-писа жарлик лабига келди ва тикка бўртиб чиққан қирғоқда турганини кўрди. Агар бир қадам ташласа борми, пастга учибкетиши, сойнинг сувидан туртиб чиқиб турган анови ҳарсанг тошлардан бирига урилиб абжағи чиқиши ҳеч гап эмас. Ортида эса... Ундан ҳам даҳшатли фожа ҳар сония унга сари яқинлашиб келмоқда.

Асосий мақсади қандай қилиб бўлса ҳам жонини омон сақлаб қолишга қаратилган Мастура ўйлаб ўтирмай, яна ўзини арчазорга урди. «Лаънати сойдан ўтишнинг бирон йўли бордир, ахир», деб ўйларди у чопиб кетаётиб. Энди ўпкаси ҳам оғзига тикилмас, ўзини қандайдир енгил ҳис этаётганди. Чарчоқ нималини эсидан чиқиб қолгандай, бир маромда олдинга югуради. Шу кетишда учиб бориб қўлидаги пичоқ билан Ҳалимга ташлангудек, уни бурда-бурда қилиб юборишга қодирдек сезаётганди ўзини. Бироқ, шунча олдинга чопмасин тик жарлик гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастлар, поёни кўринай демасди.

– Ана, у! – кимнидир қоронғулик қаъридан бақириб юборгани эшитилди. Бу товуш гўё ўқдай

учиб келиб Мастурага теккандек, унинг оёқ-қўлида жон қолмай, аъзои бадани бўшашганича ерга чўккалаб ўтириб қолди. Сўнгги нафасини олишга чоғланаётган ярадор қушдай бир дам тўхтаб, ортига ўгирилди...

Чексиз само қўйнида сузиб юрган лаҳтак-лаҳтак булутлар ортидан тўлин ой элас-элас нур таратаётганди. Унинг хира нурлари жилва қилаётган жарлик тепасида бир қўлида пичоқ тутган жувон ўтирар, ҳув нарида эса икки соя – икки эркак деярли бир маромда унга яқинлашаётганди. Ҳалим билан Одил қирғоқ бўйлаб чошиб бораётган бир аёлга кўзлари тушиб қолган, кимсасиз бу жойда бу Мастурадан ўзга эмаслигига ишониб, бироз қадамларини тезлатишаётганди. Икки эркак ҳаллослаганича тобора оралиқ масофани қисқартириб боришарди. Бехос булутлар орасидан кўринган ой шуъласи Мастураининг совуқ, гезарганича қотиб қолган юзини ёритиб юборди... Унинг рангини билиб бўлмайти, афтидан ўлимнинг ранги эди... Бирдан унинг мияси тез ишлаб бошлади. Қўрқувни унутиб, аста ўрнидан туришга ўзига куч топди.

Ҳалим билан Одил деярли югуриб келиб, Мастурага йигирма қадамлар масофа қолганида беихтиёр тўхтаб қолишди. Иккови ҳам чуқур-чуқур нафас олиб, қўлларидаги фонарни Мастураининг юзига тўғрилашди. Мастура хунук илжайди. Кутилмаганда Одилнинг юраги орқасига тортиб кетди. Унинг назарида бу – рўпарасидаги шарпа Мастура эмас, ўрмон алвасти! Атайин Мастура қиёфасига кириб олиб, уларни ўзига эр-

гаштирганича жарлик бўйига бошлаб келган. Томоқни йиртгудек қилиб бақирсанг ҳам биров эшитмайди... Унинг этлари жимирлаб, ортига тисарилди. Ҳалим эса ғазабдан титрарди. Ҳозир хўжайиндан еган калтагининг аламини шу мегажиндан олиш ишқида ўрганаётганди...

– Қўлга тушдинг-ку, фоҳиша! – деди Ҳалим совуқ жилмайиб. – Қочиб қаёққа ҳам борардинг...

– Сени ўлдираман!

– Нима? – Ҳалим қаҳ-қаҳ отиб кулмоқчи бўлди. Аммо ҳозирги ҳолатида бу ишни эпломаслигига кўзи етгач, зимдан қаршисида титраб турган жувонни кузата бошлади.

– Ҳозир сени ўлдираман! – бақириб юборди Мастура.

– Кучинг етармикан? – Ҳалим бир қадам олдинга ташлади. – Аммо билиб қўй, аввал мана шу майсазорда сени бир яйратамиз, армонда кетмагин, тагин... Ана ундан кейин туфилганингга минг пушаймонлар ейсан! Сўнг, пиқ, – деди Ҳалим кафти билан томоғини силаб қўяркан.

– Мен нима ёмонлик қилдим сизларга? – бирдан бўшашиб Мастура йиғлаб юборди. – Айбим ўша жиннини соғайтиришга ёрдам берганимми? Жон укалар, қўйворинглар!!! Бу ерда кўрганларим ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайман. Ўлай агар!

Ҳалим мийиғида кулиб қўйди.

– Вой, сен-э! Ўзингни ҳалиям одам қаторида ҳисоблаб юрибсанми? – Ҳалим нафрат билан унинг юзига тикилди. – Сен бузуқликни бошлаган кунинг одам қаторидан чиққансан.

Ҳалим саллона-саллона олдинга бораркан,

«Мана, кўриб қўй!» дегандек Одилга бир ғолибона қараш қилиб қўйди. Икковининг бу ҳолати қашқир билан шоқолнинг юзма-юз бўлишидек гап эди. Айни дақиқаларда қашқир билан шоқол қасос ўтида қовурилар, бир-бирининг кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ! Бу пайтда Мастура чук тушиб олганича ҳўнг-ҳўнг йиғлаётганди. Ҳалим аста юриб бориб, ўнг кафтини унинг бошига қўйди ва «Пичоқни бер» деган оҳангда чап қўлини унга узатди. Шунда бирдан Мастура бошини кўтариб, қизарган кўзлари билан еб қўйгудек унга қаради ва ҳамон сопидан маҳкам ушлаб турган пичоқни бир интилиш орқали Ҳалимнинг қорнига суқди... Фарчиллаб санчилган пичоқни бор кучи билан бир марта бураб ҳам юборди. Ҳалим ўзини орқага ташлади, аммо энди кеч бўлган, чунки пичоқ ўз ишини қилиб бўлганди... У гандирак-лаб, ўз мувозанатини йўқотар экан орқаси билан майсалар устига ўтириб қолди.

Шуни кутиб турган Мастура сакраб ўрнидан туриб, пичоқни адл кўтариб, ғайритабиий бир овоз чиқарганича ўзини душманининг тепасига ташлади. Шунда пичоқнинг учи унинг юзини тилиб кетди. У ўнг қўли билан пичоқни ўнг тифидан ушлаб олган, кафти билч-билч қонга тўлиб қолганди... Ҳали бутунлай ҳолдан тойиб улгурмаган Ҳалим иккинчи қўли билан жувоннинг томоғига чанг солди. Мастура эса пичоқни ҳамон унинг дуч келган жойларига санчарди... Бир зумда Ҳалимнинг кўзлари олайиб, нафаси чиқмай қолди. Унинг кўз ўнгида дунё ағдар-тўнтар бўлганича, қўл-оёқлари совиб борар, бутун вужудидан мадори кетиб борарди...

* * *

Бу ғалати ва сирли кошонанинг ўзига хос жумбоқлари кўп эди.

Айнан тансоқчилар раҳбари бу ерда нималар бўлаётганини яширишга ҳаракат қилса ҳам Арсен бир-икки кун ичида Мастура билан боғлиқ кўнгилсиз бир гап ўтганини аллақачон сезиб улгурган, кутилмаганда унинг ҳам юрагига таҳлика тушиб қолганди. Соҳибнинг тез-тез безовта бўлаётгани, аҳён-аҳёнда қўшни хонага чиқиб келаётгани, Ҳалимнинг ёрилган боши... нималардандир дарак бераётганди. Бошқа хонада эса Назокат ўзининг эски қадрдони профессор Эргаш Ҳайдарович билан мириқиб суҳбатлашиб ўтирибди. Арсен ўғринча Соҳибнинг тунд башарасига қараб олар экан, у нимадандир қаттиқ безовталигига ишончи комил бўлаётганди. Ичкаридаги ишлар бир маромда кетаяпти, ҳаммаси жойидалиги аниқ. Аммо «Қора қаср» ташқарисидан нима гаплаб бўлаётибди? Мана шу савол уни қийнардди. Бир марта атайин ташқарига чиқмоқчи бўлганида каззоб Соҳиб деганлари «ташқарида нима бор!» дегандек дўқ уриб берди.

У шу кунларда телевизор экранидан бош кўтара олмайди. Ўзи истамаган ҳолда тушунарсиз шу ишга араллашиб қолган. Уларнинг мақсади тушунарсиз – бу тентакдан нима иташади, ўзи?! У шу ҳақда бошқотирганида, тайинли бир жавоб билан ўзини овунтира олмайди. Унинг ҳозир кутишдан бошқа иложи йўқ. Ишқилиб, охири бохайр бўлсин-да!

– Ўшанда шундай кайфиятда эдимки, сизга hozир тасвирлаб беришим қийин,– деяётганди шу тобда Эргаш Ҳайдарович Назокатга. – Поезд чарчоғи қаттиқ эзиб қўйганди. Уйга келдим, бу палид ишнинг рўпарасидан чиқиб қолдим... Асли умримда чумчуқ ҳам сўймаганман, шундай ишга қўл урганимга ҳалигача ўзимни аҳлим етмайди. Ҳаммасига ўша Дилором сабабчи бўлди. У туфайли ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Сўнг тергов, суриштирув, ғибсхона ва руҳий касаллар шифохонаси мени бутунлай ҳолдан тойдирди. Болаларимни ташлаб, Дилором билан алоҳида уйга кўчиб ўтиб, нотўғри қилган эканман. Балки, шундоқ қилмасам, бошимга бу савдолар тушмасмиди? Тағин ким билади, дейсиз. Инсон пешонасида борини кўради, дейишиди-ку!

Назокат профессорнинг қўлини аста қисиб қўйди. «Бу инсон бир умр ғолиблар сафида бўлган. У тоифадагилар ҳеч қачон мағлубиятга чидай олмайди. Чунки улар учун мағлубият дегани, ўз ғурури ва шаънини оёқ ости бўлиши билан баробардир», деб ўйларди унинг сўлғин юзларига суқланиб тикилганича Назокат.

– Ҳали ҳаммаси жойига тушиб кетади,– дея профессорга ёлғондан жилмаймоқчи бўлди у. – Мана кўрасиз, фарзандларингизни ҳам қайта топасиз. Билишимча, ҳаммалари яхши яшашмоқда.

– Энди улар менга керак эмас,– деди профессор совуққина қилиб. – Улардан кўнглим қолган. Менга фақат тинчлик керак.

– Бу ердан биргаликда чиқиб кетишимиз зарур,– деди Назокат аста шивирлаб.

– Қанийди... – чуқур хўрсинди профессор.

– Фақат...

– Айтинг-айтинг, ҳеч нарсадан тортинманг!

– деди Эргаш Ҳайдарович унинг юзига тикиларкан.

– Сиз ўша формулангизни уларга айтиб беришингиз лозим. Уларга фақат сизнинг формулангиз зарур, холос.

Профессор ўйланиб қолди. Тўғри, у Назокатга худди ўзига ишонгандек ишонмоқда. Барибир, кўнглининг бир четида қандайдир гумон, хавотир бор.

– Ўзимнинг ҳаётбахш бу формулам ҳар куни тушларимга кириб чиқади. Мен уни тушларимда яратиб бўлганман. Унинг формуласини хаёлимда деворларнинг оппоқ шифтларига тушириб қўйганман. Қизиқ, хаёлингда деворларга ёзиб қўйилган формулалар ҳам асло ўчиб кетмас экан... У шундоққина кўз ўнгимда турибди. Фақат... Лаборатория шароитида бир нечта тажрибалар ўтказиб, ўз фикрларимни яна бир бор тасдиқлаб олиш қолган, холос. Ҳа, бунинг учун менга бир дафтарча керак. Кўк, қалин муқовали. У уйда...

Шундоғ ҳам қулоқлари динг бўлиб ўтирган Соҳиб мониторга баттардан михланиб қолди. Ичидан «Гапир, гапирсанг-чи!» дерди бир овоз. Бир зумда унинг фикрлари ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Кўк дафтар ўша пайтда топилмаган. Бу эсини еган олим нима деб алжираяпти, ўзи? Кимда бўлиши мумкин ўша кўк дафтар?!

– Айтишларича... ўшанда уйингиздан ҳеч қандай кўк дафтар топилмаган,– деди Назокат унга мулойимлик билан.

– Бўлиши керак. Дилором биларди ўша кўк дафтарни. Унга барча тажрибаларимнинг натижаларини ёзиб борганман.

– Демак, ўша дафтарингизни Дилоромда кетгани аниқ. Чунки уйингизда ўтказилган тинтув чоғида у чиқмаган экан...

– Ҳа, чиқмаган. Менга кўрсатишган ашёлар ичида у йўқ эди. Дилором бирон жойга яширганга ақлим етгани ўшанда. Лекин бу ҳақда ҳеч кимга индамаганим. Барибир, уни Дилором тунунмайди. Шифрлаб ёзганман. Шундай бўлса ҳам у кўк дафтарни йўқотмаган бўлиши керак.

Бу пайтда Соҳиб шундоқ экраннинг қарши-сига бориб олган, ичкаридаги суҳбатни жон қулоғи билан тинглаётгани. У кутилмаганда қўлларини бир-бирига ишқаган ҳолда асабийлаша бошлади. «Лаънати, ўша кўк дафтарсиз ҳам ишни битирса бўлармикан?», хонада у ёқдан – бу ёққа юраркан, ўзига-ўзи гапира бошлади у. Аммо унинг хаёлига келган бу саволни нариги хонада Назокат тилига чиқармаётгани. «Сўра, сўрасанг-чи, пандавақи!» дерди ички бир нидо билан Соҳиб Назокатга қарата ва унинг экрандаги юзида қўлларини айлантира бошлади.

– Ўша кўк дафтар бўлмаса бўлмайдами? – ниҳоят Назокат уни эшитгандай, профессорга юзланди.

– Унда энг муҳим баъзи тажрибаларимнинг натижалари бор. Ўшаларни яна бир қатор кўриб олишим жуда зарур. Ахир, орадан неча йиллар ўтди, кўплаб тафсилотлар ёдимдан кўтарилиб кетган. Мен ҳозир фақат пировард натижани билан

ман. Ўша ёзувларимни яна бир карра кўриб олсам, кифоя бўларди.

– Лаборатория ҳам керак, денг? – маъюслик билан сўради Назокат.

– Ҳа, бусиз иш битмайди. Ўзи буларга менинг формулам нега керак бўлиб қолди? – бирдан мавзуни ўзгартирди профессор, Назокатнинг кўзларига қаттиқ тикиларкан. Худди шундай қилса, у ҳаммасини қўҳликкина шу жувоннинг чиройли кўзларидан билиб оладигандек!

– Қайдам... Менга униси қоронғу. Менинг билганим шуки, улар қанчалик тез сизнинг формулангиз сирларини билиб олишса, иккимизнинг бу гўристондан қутулишимиз шунчалик тезлашади.

Профессор худди ёш боладек унга анграйиб қолди.

– Қўйиб юборишадими? Сиз уларни яхши танийсизми?!

– Таниганимга бор-йўғи бир ҳафта бўлди. Умримда биринчи марта кўришим. Ёлғон гапиришмаётгандир, ахир,– деди Назокат оқкўнгиллик билан профессорни оқариб кетган чакка сочларини аста тузатиб қўяркан.

...Нариги томонда муттаҳам Соҳибнинг айёрона қиёфасига табассум ёйилди.

– Кўрдингми? – деди экранга имо қиларкан баттол Соҳиб ҳалидан бери ювошгина бўлиб ўтирган Арсеннинг елкасига оҳиста туртиб. – Олим ўзига келди. Лаборатория жиҳозлари ҳам тахт қилиб қўйилган. Мен билган эканман-а! Ўшанда бу жиҳозларни келтириб қўяверайлик де-

сам, кулгандинг. Мана, натижаси. Барибир, лабораториясиз иш битмаслиги аниқ. Ўшан хитойлик харидорни бу ерга олиб келайлик, профессорнинг «Ўлимнинг ҳаётбахш формуласи»ни ўз кўзи билан кўриб, сўнг пулни санайверади...

Ҳозир Арсеннинг қарашларидан у ўзи билан ўзи олишаётгани шундоқ кўриниб турибди. Чамаси унинг атрофида кейинги кунларда содир бўлаётган воқеаларни сарҳисоб қилишга уринар, ниманидир сезгандек, ёнида бир хавfli кўланка беркиниб олиб, пайт пойлаганча кутиб ётгандек бўлаётгани.

– Ҳали бироз вақт бор, – деди Арсен бепарволик билан. – Биринчи навбатда кўк дафтарни топиш зарур бўлади. У профессорнинг собиқ хотинида бўлса керак. Сирнинг калити – ўша дафтарда!

– Бундан кўнглинг тўқ бўлсин. Назокатни қандай қилиб кафтимига кўндириб келган бўлсам, унияма ҳеч қандай гард кўндирмай, шу ерга келтираман. Қўрибсанки, ишлар беш!

– Дафтар йўқ бўлса-чи?

– Нафасингни иссиқ қил! Профессорнинг хотираси энди тикланмоқда. Керак бўлса, кўк дафтардаги ёзувларни ҳам тиклашга мажбур қиламан, ҳа, мажбур қиламан!

Унинг ҳозирги жирканч қиёфасида, қирғий кўзларида чақиндек чақнаган ёввойи маҳлуқлар соясини кўрган Арсеннинг товонларига қалтираб кетди. «Ҳа, бу баттолнинг кўлидан келмайдиган иш йўқ» деб ўйлади ва баттар хомуш тортиб қолди. Айни лаҳзаларда уни келгуси тақдири қаттиқ

ташвишга солиб қўйганди. Бу одам шу даражада разил эдики, иши битгандан кейин – у одамнинг унга сариқ чақачалик қадри қолмайди. Ҳарқалай, ҳалиги аёл мисолида пихини ёрган Арсен буни яққол кўриб, ич-ичидан ҳис этиб турганди.

Бу ҳайбатли тоғлар бағридаги «Ўлим қасри»дан ҳеч ким ўз-ўзича чиқиб кетолмайди. Буниси аниқ, бу – шу кунгача жуда кўп жиноятлар содир этган ва ҳар гал усталик билан ундан чиқиб кетишни йўлини топиб келаётган тажрибали жиноятчининг хулосаси!

Бу руҳшуноснинг кўнглининг энг тубидан вулқондай отилиб чиқаётган қўрқинчли ва ваҳима-ли иқрори эди...

* * *

Чексиз уфқнинг чеккалари оқариб, мусаффо тонг отмоқда. Баланд, ҳайбатли қоялар ортидан оқаришиб бўй кўрсатаётган саҳарнинг этни жунжиктирувчи илк белгилари қорли чўққилар бағрига сингиб кетгандек бўлади. Аммо жаҳаннамдек қўрқинчли арчазорлар ичра ҳали қоронғулик салтанати ўз мавқеини бутунлай йўқотмаган. Бу ерда гўё оқлар ва қоралар ўртасида аёвсиз олишув бошлангандек эди...

Сойнинг шарқироқ сувлари айқириб оқаётган дара бўйидаги ялангликдаги майсазорда шу пайтгача неча-неча одамларни шу куйга солган Ҳалимнинг ўзи жон бериш талвасасида тинмай инграйди... Унинг ҳамма ёғидан билч-билч қон оқади, димоққа сувнинг майин шабадаси аралаш қон иси уриб, кўнгилни беҳузур қилади! Умр шам-

чироғи сўниб бораётганини ҳис этиб, кўз олдини қалин туман қоплаб бораркан, Ҳалим қўлларини қимирлатишга ҳам мажоли етмай, ётган жойида Одилга илтижо билан термулади.

– Одил, Одил! Ёдам бер...

Одил серрайганича, қотиб қолган. Ҳалим судраниб, ғужанак бўлганча майсазорда ағанаркан, ёрилган қорнини беркитган кафти атрофидан ичак-чавоқлари ташқарига интилади... Қандайдир шилимшиқ, қон аралашга ичаклари кўриниб, кўнгилларни музлатиб юборади. Майсалар устида илон изи бўлиб, қон юқлари судралиб келмоқда... Мастура ҳам бир қўлида пичоқни маҳкам сиқиб олганича, Ҳалимдан кўзини олмай, турган жойида ҳайкалдек қотиб қолган. Ҳалимнинг сўниб бораётган кўзлари Мастурага тушиб, нималардир деб ғудранади... Сўзлари бўлиниб-бўлиниб, узук-юлуқ чиқади...

– Фоҳиша... мени... единг... Сен... ифлосга... кўнгли суст кетган мен... аҳмоқ! Одил... мени қутқар! Жон укажон... Мени ташлаб кетма!

Ҳозир Одилнинг боши қотди. Ҳалимни шу ерда жон бериши аниқ. Аммо Мастура-чи? Бу ҳақда хўжайинга нима дейди? Мастура қутулиб қолса, сир очилади. Унда ҳаммасининг ҳолига вой! Нима қилиб бўлса ҳам Мастурани ўлдириш керак!

Одилнинг хаёлига келган фикр ярқ этиб кўзларини очгандек бўлди. У аста пайпасланиб қўлларини икки ёнбошига юборди. Ахир, қўйнида Ҳалимнинг ҳам хабари бўлмаган тўппончаси бор эди. Қайси томонига жойлаганди?! Ҳа, Мастура-

ни ҳам биратўла тинчитиб қўя қолгани маъқул.

У бетоқат тимирскиланиб ўнг қўлтиғи остида турган тўппончани топди ва чап қўли билан чапдастлик ила суғириб олди. Ҳалим ҳали тирик, аламдан унинг кўзлари ёнаётганди. Кўзлари ногоҳ Одилнинг қўлидаги тўппончага тушди.

– От! Отиб... ташла! – хирқираб бақирришга уринди Ҳалим. Одил унинг гапини эшитмагандай, унга парво қилмади.

– Пичоқни ташла! – қўққисдан тўппончасини ўқталди Мастурага қарата. Карахт аҳволда қотиб қолган жувон ўзига келди, бир сесканиб тушди. Лекин «Бу ўйинчоқ тўппонча. Мени шу билан қўрқитмоқчи» деган фикр келди хаёлига. Қўрқувни унутиб, яна дадилланди. Пичоқнинг сопини маҳкамроқ сиқимлади.

– Тушингни сувга айт! Энди сениям пичоқлайман! Ўлдираман! – Мастура важоҳат билан унга тикилиб, бир қадам олдинга ташлади.

Кутилмаганда тўппонча пақ этказиб овоз чиқарди ва ўқнинг акс садоси тонгги сукунатда мудраётган ёввойи дара ичида хунук, бўғиқ овоз билан янграб ўтди... Мастуранинг кўксига бир тутам олов кириб олгандек бўлди... Унинг бироз тўлишиб қолган бежирим гавдаси чамаси бир метрлар ортга учиб кетди ва майсазорда чўзилиб қолди. Мастура сўнгги кучини йиғиб, бир тўғониб олди, тез-тез кўзларини пирпиратди. Кўзининг олдида нималардир ўтгандек бўлди: Уни қўчоғига чорлаётган меҳрибон онажониси, сал нарида ундан юзини буриб турган гиначи дадаси... йиғлоқи сингиллари... сингиллари билан қувалашиб

катта бўлган олди очиқ эски айвон... болалиги ўтган қадрдон кўчалар...

Бирдан кўз олдини юпқа парда қоплади... Ўзини енгил ҳис этди, бежирим лабларини қимтиб, овозини чиқармасликка тиришди. Шу онда бошида каттакон бўшлиқ пайдо бўлди, у кўкка уча бошлади...

Бироздан сўнг Мастуранинг икки кўзи очиқ, мовий осмонга кўзларини қадаганча жим ётарди!

Ўлди, деб ўйлади Одил ва аста қадам ташлаб, тўлғониб ётган Ҳалимни четлаб ўтиб, Мастуранинг тепасига борди. Ўқ фавқулодда аёлнинг юраги устига қадалган, уни ўқ тешиб ўтган жойидан қон сизиб чиқаётганди... Одил тўппонча тутган қўли билан Мастуранинг ҳали совиб улгурмаган, қайноқ юзларига секин туртди. Ер билан битта бўлиб ётган кўркем жувоннинг боши ўнг томонга қийшайиб қолди. Одилнинг юраги шув этиб кетди.

... У Мастуранинг у ёқ – бу ёғини тўғрилаб, боши тагига оппоқ дастрўмолчасини қўйди, қўлларини кўкраги устида қовуштириб, юзига аста фотиҳа тортиб қўйди. Секин энгашганича унинг кўкрагига бошини қўйди, қулоғини тутди, назарида унинг мусаффо, сокин нафасини эшитгандай бўлди...

Бу тонг қандай гўзал эди. Қандай ажойиб, мусаффо, бокира эди бу тонг! Одил узоқ-узоқларга тикилиб қолди: баландда тез елиб кетаётган қушлар галаси кўринади. Улар қанчалик кўп бўлишмасин, мусаффо осмон бағрини тўсиб қўйишолмасди. Ёнида эса атиги бир кун олдин ҳам

юлдуздек кўзлари чарақлаб уни ўзига ром этган ойдек тўлишган жувон ҳозир ҳеч нарсани ўйламай, ҳеч нарсадан ҳадиксирамай... сокин, осуда уйқуга кетган! У авайлабгина жувоннинг узун-узун киприкларини бир-бирига бирлаштириб, унинг кўзларини ёпиб қўйди.

Ҳозир унинг юраги бўм-бўш, ҳатто нафас олишга ҳам журъат қилолмай, туриб қолганди. У яна Мастуранинг ёнига чўккалади. Унинг юзларига қаради. Ҳақиқатдан ҳам унинг юзи совий бошлаган, ҳамма ўликларники каби жонсиз эди...

Ҳалим яна ғалати ҳиқиллай бошлади, ҳозир унинг ўзини тутиши жуда ғалати эди. Бир қарашда унинг кўкраклари кўтарилиб, биқинлари ичига кириб кетгандек туюлди. У қўлларини Одилга чўзмоқчи бўлиб, астойдил уринар, аммо қўлларидан жон кетиб бораётгандек эди...

– Ўлибдими? – хириллаган товушда сўради Ҳалим. Одил унга қарамади. Шу аҳволида унга жавоб қайтаришни ўзига лойиқ топмади.

Унинг хаёлида икки фикр ғужғон ўйнайди: Мастуранинг ўлигини нима қилади энди? Сойга ирғитиб юбориши керакмикан? Ҳалимни –чи?

Одил пешонасидан чиқиб кетган реза-реза терни тўппонча тутган кафтининг орқаси билан артаркан, ўрнидан турди. Кўксини тўлдириб чуқур-чуқур нафас олди, бир муддат қорли чўққиларга термулди.

Одам ўлдириш қийин иш эмас экан, деб ўйларди у. Тўппончанинг тепкисини бир босди тамом. Рўпарасида сени ҳам ўлдираман, дея ва-жоҳатдан титраётган аёл бир зумда ўлди-қўйди.

– Мени ташлаб кетма, Одилжон,– ялинчоқ ва паст, бўғиқ овозда нидо қилади Ҳалим. – Мендан кўп қон кетиб қолди. Бу ерда қолсам, ҳолим хароб. Мени тезроқ олиб кет...

Одил тўппончасини чўнтагига жойлади. Яна бир бор Мастуранинг тиниқ юзларига алам ва армон тўла нигоҳлари билан тикилди. Ва чуқур хўрсиниб олгач, мурданинг совиб бораётган қўлларидан судраб, жар лабига олиб келди. Пастда шовуллаб сой оқиб ётибди. Сувнинг муздек, туманли ҳовури юзларига урилади. Одил икки-уч бор уриниб, Мастуранинг жасадини сойга ташлаб юборди... Ортига ўгирилганида ялангликдаги майсазорда иланг-биланг қон излари яққол кўзга ташланиб турибди. Судралаётган, интилиб тўлғонаётган Ҳалимнинг остида ҳам қон халқоб бўлиб қолибди.

Одил яна ялангликка қайтди.

– Мен сени олиб кетолмайман, ошна,– афсусланамо оҳангда бош чайқади у Ҳалимнинг рўпарасига келиб. – Сен тамом бўлган одамсан! Кўтариб олиб боришга ҳам арзимайсан...

Ҳалим кўзларини юмганича, инграб юборди.

– Жон ука! Илтимос,– хирқиради Ҳалим. – Ташлаб кетма, мен ўляпман!

– Кўриб турибман. Ўлмай бошқа иложинг ҳам йўқ,– бепарво гап ташлади Одил. – Сени кунинг битди. Қаёққа олиб бораман? Қаёққа? Хўш? – беҳосдан ўзини тутолмай бақириб юборди у. Унинг қалбида Ҳалимга нисбатан неча йиллик ўч ва қасос, алам ва нафрат адовати ҳозир аланга олган, қўйиб берса, у шу дамда ўлим билан олишган.

ётган ҳамтовоғини тўйгунча тепкилашга ҳам тайёр турарди.

– Жон ука, унақа дема...

– Сен шу ҳолатингда ҳатто хўжайинга ҳам керак эмассан. Хўш, нимага ярайсан энди? Сени дахмаза қилиш кимга керак? Кимга? – шундай деб оёғи билан Ҳалимнинг палағда тухумдек тўкилиб бораётган гавдасини аста туртиб қўйди.

Ҳалимнинг боши шилқ этиб кўксига тушди. Бир шум лаҳзада нелардир хаёлидан ўтди. Иложсизлигидан беҳад ўкинди.

– Бўлмаса мени ҳам битта ўқ билан тинчитиб қўя қол! Илтимос, от мени, юрагимни мўлжаллаб от... Жоним қийналиб кетди. Бугун танам қақшаб оғриятти. Томоғим қуруқшаб, чанқаяпман... Сув... сув...

– Сени шу ерда қандай жон беришингни томоша қиламан. Кейин хўжайинга ҳаммасини оқизмай-томизмай айтиб берман. Қандай ялинганларингни, қандай ўлганингни. Ҳаммасини...

– Илтимос, мени от...

Одил ўрнидан туриб, нари кетди.

– Хўш, ўлиш қийин эканми? Балки, яна яшагинг келаётгандир-а?!

– Хунаса...

– Сўкавер, сўкиб қол охирида! Аммо билиб қўй: итга итдай ўлим муносиб! Сен итдек хор бўлиб ўласан! Чунки сен бу дунёда хўжайин олдинга ташлаган озгина суюк учун кўринган одамга ташланиб, қоғиб яшадинг! Оқибати нима бўлди? Ҳатто кафансиз, жанозасиз ўлим топясан! Сенинг сассиқ мурданг калхатларга, қузғунларга емиш бўлади...

– Бўлди, ҳароми!

– Ҳа, қилмишларингни эслаб, қийналиб кетдингми? Ҳали буниси ҳолва, у дунёда ўнлаб но-расидалар, гуноҳсиз гуноҳкорлар ёқангдан олади! Уларнинг олдида ҳозирги аҳволинг ҳеч нарса бўлмай қолади. Ўзиям дўзахнинг энг қайноқ оловларида куйсанг керак!!!

* * *

Кекса туллакнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Чунки аллақачон тонг ёришиб кетди. Аммо Одил билан Ҳалимдан ҳалигача дарак йўқ. Икки шотирри тезроқ етиб келганида, Мастуранинг ўлик ёки тиригини билиб олган бўларди. Агар худо кўрсатмасин, у манжалақи қочиб қолишни уддасидан чиқа олса, ана унда тамом бўлди деяверинг! Унда ҳамма нарса тескарисига айланиб кетиши аниқ. Шу тарзда унинг ушбу ғоясини амалга ошириб олганидан кейинги шохона ҳаёт тўғрисидаги орзуси чиппакка чиқиши аниқ. Йўқ, қаердаги бир манжалақи унинг бу умидларини пучга чиқара олмайди. Неча-неча йиллар давомида ҳаётнинг турли кутилмаган ўнқир-чўнқир йўлларида мардонавор ўтиб келаётган инсон қаёқдаги бир фоҳишага таслим бўлиб ўтирса-я! Ҳеч қачон бундай бўлмайди!

Шундай бўлишини тасаввур этишни у асло хоҳламасди. Бойси шу гал у кўзлаган ниятига эриша олмаса, индамай қўлини кўтариб кетадиган аҳволда эмас!

Бу унинг учун ўзини кимлигини ва нималарга қодирлигини барча-барчага кўрсатиб қўйиши учун қулай бир имконият! Аксига олиб...

Профессор диванда ўтирганича пинакка кетган. Назокат унинг кафтидан тутиб, уйғотиб юборишдан қўрқибми анчадан буён сассиз-садосиз ўтирарди. Чамаси кейинги бирнеча кун ичида руҳий изтироблар гирдобида азоб чекаётган бу инсон биринчи марта хотиржам бўлиб, худди ёш бола онасининг қучоғида уйқуга кетгандек яйраб ором олаётганди. Ўз ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланган инсоннинг мулойимгина ухлаётганини кузатиб, Назокатнинг кўнглидан ҳозир шу фикрлар кечаётганди. «Ҳа, бу одам бу дунёга келиб кун кўрмади. Унинг бу кўргиликлари пешонасининг шўридан барпо бўлган эканми, дейман! Бу шўрни сойлар, ҳатто улкан дарёлар ювса ҳам кетмайди. Қизиқ, бу дунёда айшини нодон суриб, кулфатни доно тортади деганлари шу бўлса керак-да!» деб ўйларди у.

Ахир, айтишга осон: бир кунда ҳам севимли ишидан, хотинидан, умуман энг яқин инсонларидан айрилиб қолиш осон эканми? Айниқса руҳий касаллар шифохонасидаги изтироблар... Ҳар қандай одамнинг бундай азобларга дош бериши қийин. Тағинам, бу одамнинг зуваласи пишиқ қорилган экан! Барибир, ёшига нисбатан қариб кетибди. Сочлари оппоқ, озгин гавдаси Эргаш Ҳайдаровични бир тутам қилиб қўйибди. Қандай салобатли эди, бу одам. Анча-мунчаси унга яқин келолмасди, суҳбатлашганда сир босарди, оёғи куйган товукдек питирчилаб қоларди. Ўзи ҳам қанча яқин бўлмасин, профессорни ҳеч қачон яхши тушуна олмаган. Унинг қалби гўё очилмаган ва ўқилмаган китоб эди... Унинг маъно-мағзи бутун-

лигини биласан, аммо юрак ютиб унга қўл теккиза олмайсан...

Назокат тарашадек қотиб қолган белини авайлаб бир-икки қимирлаганди, профессорнинг гўё жонсиздек қўллари унинг кафти орасидан сирғалиб чиқиб, диванга тушди. Лекин у буни ҳис қилмай ухлайверди. Назокат аста ўрнидан туриб, ёнбошидаги болишни Эргаш Ҳайдаровичнинг қийшайиб қолган боши остига авайлаб қўйди. Сўнг ёпинчиқни олиб, устига ташлади. Пахта гулли чойнакдаги совиб қолган чойни пиёлага қуйиб ичди. Кейин хонадаги жиҳозларни бирма-бир кузата бошлади. Кенг-мўл хона тўрида ҳайбатли шкаф, сал нарида шифонер. Оёқ остида қалин гиламлар, махсус ишланган катта деразага қалин пардалар тортилган. Бир четда диван, иккита кресло, шунга яраша катта хонтахта. Унинг устидаги чиройли кўзаларда сунъий, аммо чиройли гуллар...

Шу пайт эшик очилди ва ичкарига мўралаган Соҳиб Назокатни секин имлаб, ташқарига чақирди. Назокат яна бир марта профессорга меҳр ва ўкинч билан қараб қўяркан, истар-истамас янги хўжайинининг ҳузурига пешвоз чиқди.

– Буёққа юринг, сизда гап бор,– у Назокат чиққан эшикни зичлаб ёпиб қўйди. Назокат бир оғиз ҳам гапирмай, индамасдан унинг ортидан эргашди.

Ташқарида бир гала қушлар ўз тилида чуғурлашар, чор-атроф қуёшнинг илиқ тафтидан анча ёришиб кетганди. Барибир, бу ернинг ҳавоси танга роҳат бағишлайдиган даражада иссиқ

эмасди. Улар бизга таниш бўлган ўша монитор ўрнатилган хонага кириб боришди. Хонада ҳеч ким йўқ экан, кўринишидан анови руҳшунос бирон юмуш билан ташқарига чиқибди, шекилли. Катта экранда эса Эргаш Ҳайдаровичнинг мириқиб ухлаётгани акс этиб турарди.

– Бу ерга ўтиринг,– деди аёлга ёқишга уришиб, унга ялтоқланаркан, Соҳиб деворга тақаб қўйилган бежирим креслога имлаб. – Иккаламиз бир самимий дилдан гаплашиб олишимиз керак!

Назокат хушламайгина унинг силлиқ, арчилган тухумдек ёқимсиз башарисига тикилди.

– Эшитдингиз, кўк дафтар ҳақидаги гапларни. Сизнинг вазифангиз олимнинг қўлига кўк дафтар теккач, унинг сирини очиб беришга эришиш,– Соҳиб ортиқча мулозаматни йиғиштириб, ўзини асл ниятини айтиб қўя қолди. – Сиздан бошқа нарса талаб этилмайди. Имконият даражасида мулойим бўлишингиз лозим. Кўрдингизми, сиз келганингиздан кейин унинг руҳиятида ижобий ўзгаришлар пайдо бўлди. Ҳатто ўша сирли кўк дафтарини ҳам эслади. Бунинг учун ҳали сизга махсус мукофот бор!

– Бу неча кунга чўзилиши мумкин? – сўради Назокат иложи бориचा юмшоқроқ гапиришга уришиб.

Соҳиб унинг кўзларига қаттиқ тикилиб қолди.

– Билмадим, балки уч кун, балки ўн кун... Аниқ бир нарса дейишим қийин.

– Дафтарни беринг бўлмаса, менга! – Назокат атайин қувлик билан ундан аслида йўқ нарсани сўради.

– Ие, роса қизиқчи экансиз-ку! – тиржайди у.
– Сиз нима қиласиз у дафтарни!

– Нима қилардим, олиб чиқиб қўлига бераман. Сиз айтгандек сир очилади, кейин...

Назокат қолган гапни гапира олмади. У ҳозир ниятингга етсаларинг кейин профессор икковиммизни қўйиб юборасими? – деб сўрамоқчи эди. Аммо нимагадир ички бир туйғу унга бу гапни айтишига монъелик қилди.

– Хўш, ундан кейин нима бўлади? – у Назокатга янада қаттиқроқ тикилди. Унинг бу қарашларига дош бера олмаган аёл кўзларини яширишга уринди ва ва кўйлагининг этагини пастга тортган бўлди. У шу туришида ўзини бўлажак қаллиғи билан учрашувга чиққан қиздек тутаётганди. Қимтиниб, тортиниб ўтирганди.

Унинг аҳволини тушунган кекса зобит сал кескинроқ гапиришга, бироз дағдағага ўтди.

– Сиз, синглим, менинг яхши гапларимга ишонманг! Айтган гапларимни сўзсиз бажаринг ва у ёғи билан сизнинг ишингиз бўлмасин! Бошқа гап йўқ – тамом-вассалом! Профессорга кўк дафтарни қачон бериш кераклигини ўзим жуда яхши биламан. Ёдингизда бўлсин, хонага ўрнатилган махсус жиҳозлар шундай сезкирки, ҳатто пашша учса билади. Ўзингизча олимни чалғитишга уринмаганингиз маъқул. Чунки биз сичқон-мушук ўйинини ёмон кўрамыз...

Назокат тушундим дегандек, аста бош ирғаб қўйди. Сабаби ҳозир турли мавҳум саволлари билан ич-этини еб ўтирган аёл қаршисида шу баттол ҳар ишга қодир эканлигини юрак-юракдан

ҳис қилиб турганди. Айни пайтда у билан адибади айтишишдан асло наф йўқлигини жуда яхши тушунади. Шунинг учун ҳам индамайгина бош эгиб қўя қолгани маъқул.

* * *

Соллана-соллана оқаетган сойнинг гўё қутириб бораётгандек кўкка сапчиётган кўпиклари бир зумда Мастурани ўз бағрига олди...

Бироз олдин ҳаётга ўкинч ва алам билан боқаетган бахтиқаро бу аёлда энди ҳаёт нишонаси йўқ – ўйноқи тўлқинлар худди оч қолган наҳангдек уни ўз бағрига тортиб кетди...

Шу тариқа энди бу атрофларда Мастура отлиф бузуқи яшаб ўтганлиги ўтмишга айланади, унинг номи ана шу совуқ сувга тушган митти тошдек нутилади...

Анча пайтгача жувоннинг жасадини тўлғона-тўлғона оқиб бораётганини кузатиб турган Одил шу ҳақда ўйларкан, нимагадир ўзининг юрагига ҳам фулғула тушди. Ана ўшандай жирканч тақдир эгаларидан яна бири – Ҳалим рўпарасида жон олиб, жон талашиб ётибди... Шундай оғир бир вазиятда уни бошини силайдиган, бир ширин сўз айтиб, кўнглига таскин берадиган меҳрибони йўқ! Эвоҳ, бу қандай аянчли тақдир бўлди! Ишқилиб, ўзига ҳеч қачон бундай тақдир насиб этмасин... Лекин ўзи ҳам шундай вазиятган тушса, ким унга суянч бўлади? Унинг биронта ишонган одами борми, ўзи? Шунча йил умргузаронлик қилиб, биронта кўнгилга йўл топа олганми? Агар у ҳозир ярамас Ҳалимнинг ўрнида бўлганида, у

аллақачон тепиб, масҳаралаб, сўнг ўлдириб қўя қолган бўларди... У баттолдан фақат шунисини кутиш мумкин, холос. Унинг кўриниши одам – ичида ваҳший бир маҳлуқ ин қуриб олган... У ўз соҳибидан доим қурбонликлар талаб қилади, уни шунга ундайди... Ҳалимнинг ўзи ҳам кўп бора иқрор бўлган: «Агар одам чавақласам, ҳузур қиламан. Қаршимда ҳар қандай одамнинг бўғизланган қўйдек жон таслим қилаётганини томоша қилиш, мен учун энг ёқимли машғулот... Мен одам қассобиман, ука!!!»

Одил секин ортига ўгирилди.

Ҳалим ҳали ҳам жони узилмай, инграйди, итдек хириллайди...

– Биласанми, Одил, – елкасидан зўрға-зўрға нафас олаётган Ҳалим, ўлими олдидан сўнгги парвозга чоғланаётган бургутдек бор кучини йиғиб, ҳамтоғига юзланди ва оғриқдан бир ихраб қўйди. – Мен ана шу паканага қўшилиб ҳаётимни барбод қилдим. Сен ҳам уни ортидан юриб, бир кун мендек ажал топмагин, тушундингми? Эсингни борида этагингни йиғиштир. Туллак Соҳиб яхши одам эмас. Эҳ-ҳе, у ўнлаб одамларни ўлдиртириб юборган. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ! Ўз манфаати учун отасини ҳам сотади... Ҳатто катта хўжайиннинг ўзи ҳам қўрқади, ундан. Бир маҳаллар у жуда нозик жойда ишлаган. Ўшанда у билан топишганман, унда жуда ёш эдим. Унинг гапига кириб оила қура олмадим. Эрта-кеч алаканинг итидек ортидан эргашиб юраверибман. Лекин яхши тўларди. Пулнинг бетига қарамайди... Фақат, ифлос, холос. Ҳозир ўйласам,

кекса онамни кўрмаганимга бир йил бўлибди... Шу лаънатини деб шундай аҳволга тушдим. Пул, маишат, одам ўлдириш... Ҳаммаси бир-бири билан қоришиб кетди.

Ҳалим аста-аста гапираркан, ўзи сезмаган ҳолда Одил унга яқинлашиб келаверди.

– Қани энди, ҳозир онамнинг меҳнатдан қавариб кетган қадоқ қўлларида жон берсам... Асло армоним қолмас эди. Афсуски, йўлларимга кўз тикиб ўтаётган меҳрибоним мендан жуда узоқда... Бу ерларда итдек ўлиб кетсам, битта дуо қиладиган, юзига фотиҳа тортадиган одам топиларми-кан?!

Бирдан Одилнинг ҳам кўнгли бўшашиб кетди. Мижжаларига ёш қалқиб чиқди. Бир зум ўзини Ҳалимнинг ўрнида тасаввур этиб кўрди.

– Кўнгилни бузвордингиз, ака! – Одил каловланиб қолди. – Яхшиси, мен кетаверай... Хўжайинга бор гапни яхшилаб тушунтириб қўяман.

– Сен ундай дема, мени шу аҳволда ташлаб кетишинг яхши эмас. Ҳеч бўлмаса кўз юмаётганимда ёнимда тургин... Ҳозир мени сендан бошқа кимим бор, кимим?! – шундай деб Ҳалим эзилиб-эзилиб йиғлай бошлади. Унинг юзларига кўз ёшлари қуйилиб тушаверди. Борган сари ҳолсизланаётганини, тана-сидан ташқарига қон оқиб, мадори кетиб бораётганини сезиб ётарди. Қўллари кўтариб кўз ёшларини артиб олишга ҳам кучи етмайди. Қўллари гўё жонсиз, оёқлари ҳам совиб бораётганга ўхшарди...

Одил шундоқ Ҳалимнинг рўпарасига чўкка тушиб ўтирди. Унинг кўзларидан ҳам ёш оқаётганди...

– Мени шу азоблардан қутқариб, бира тўла ўлдириб қўя қолмадинг-да, ука. Жоним қийналиб кетди... – Ҳалим ёш боладек мўлтирарди.

– Сизни ўлдиришга қўлим бормайди. Кўтариб олиб кетсам ҳам етиб боролмайсиз... – Одил ғамгин қиёфада бошини эгди.

Ҳалим кўзларини юмиб олди! Шу тариқа хаёлларини сўнгги бор жамлаб олмоқчи бўлди. Ичичидан гижинаркан, итдек ўлим топаётганидан жуда-жуда афсусда эди. Одилнинг тирик қолаётганига, тўрт муччаси соғ эканлигига эса баттар ғазабланаётганди. Аммо буни очиқ ошкор қилолмасди. «Хўш, шу сўтак тирик қолаверадими? Наҳотки, мен ўлсам-у, у тирик юраверса? Йўқ, у ҳам ўлиши керак!» Ҳалимнинг хаёлига келган бу фикр алангаи-оташ бўлиб ёнаётган баданини янада куйдириб, жонини халқумига келтириб қўяёзди. У аста кўз очиб, чўк тушганича ва кўзларини юмганича рўпарасида йиғлаб ўтирган Одилга шайтоний нигоҳларини қадади...

Ҳалим бу дунёга тўймай кетаётганидан жуда-жуда ўкинаётганди. Бир пайтлар тоғни урсам, толқон қиламан деган одам, шундай ўлим топишини хаёлига ҳам келтирмаган, албатта. Баъзан хаёлга берилганида вақти келиб, кексайганда бирон овлоқ жойда тинчигина умргузаронлик қилишни орзу қиларди. Сабаби ундан на хотин бор, на болачақа. Назарида пешонасига умрининг охиригача шундай ўтиш ёзилганди. Унинг пешонаси шўр экан, пешонасида шундай кунлар бор экан! Аммо... сўнгги нафаси чоғида шу пайтгача унинг соясидан қўрққан, ҳозир эса ёнида устидан кулиб

ўтирган қўрқоқни шундай ташлаб кетмаслиги керак! У – чаён, ҳамиша ниш уриб ҳузур қилмоғи лозим...

Ҳалим мажолсиз ҳолда тез-тез кўзини юмиб-очаркан, ҳалитдан буён ўғринча кўз ташлаб қўяётгани, сал нарида майсалар устида ётган қонли пичоққа қараб қўйди. Мастуранинг қўлидан тушиб қолган пичоқ Ҳалимнинг қўли етгудек жойда, шабнам қўнган майсалар устида ётибди. Қани энди дармони, куч-қуввати бўлса-ю, бир ҳамла билан қўлига олиб, рўпарасида чўк тушиб, кўзларини юмиб олганича қотиб қолган Одилга ташланса ва кўксини пора-пора қилиб ташласа... Ундан кейин... ўлса ҳам майли эди! Ана шундай тарзда ўлса, армони қолмасди. Кўм-кўк, шишадек тиниқ осмонга тикилганича, сойнинг шовуллашига қулоқ солиб, ёнгинасида Одил ҳам қийналиб-қийналиб жон бераётганини ҳис этиб, жимгина ўлиб қўя қоларди. Қандай мазза бўларди!

– Одилжон! – аранг овоз чиқарди Ҳалим, – мен ўляпман...

Одил аста кўзларини очди. Уни ҳам адоғсиз хаёллар ўз уммонига фарқ қилган эди.

– Нима?

– Яқин келинг, ука... илтимос!

Одил чўккалаган ҳолда унга яқинроқ сурилди. Ҳалим аранг у томонга ағдарилиб, чап қўлини Одил томонга чўзди ва унинг ўнг қўлини ушлади. Одилнинг назарида Ҳалимнинг қўли шундай совуқ, шилимшиқ, юмшоқ эдики, ижирғаниб ўз қўлини тортиб олгиси келди. Аммо Ҳалимнинг икки кўзи унга илтижоли термулиб қолганини

кўргач, шаштидан қайтди. Ноилож, Ҳалимнинг икки қўлини кафтлари орасига олди. Ҳалимга шу керак эди. Бирдан у Одилнинг бармоқларини кафтида омбирдек қисиб олди ва ўнг қўлини шитоб қонли пичоққа чўзди. Аввалига Одил нега бундай бўлаётганини англай олмади. Ҳалим жон беряпти-ю, жони узилиши олдидан бармоқларимни қисиб олди, деб ўйлади. Аммо сал ўтмай шундоққина унинг юзи рўпарасида қонли пичоқ кўтарилди... Одил ўзини ортга ташлади. Ҳалим унинг қўлларига илашиб, гавдаси билан бир кўтарилиб, оёқлари устига тушди. Ҳалимнинг бужмайган афтига кўзлари илашди, инграган товуши қулоғига чалинди, шундан кейин ўнг оёғи «жаз» этиб, кучли оғриқ турди... Ҳалимнинг ўнг қўли билан пичоқни фирчиллатиб сонига ботирганини тушунди... Ва ғайритабий равишда «дод!» деб юборди. Аксига олиб Ҳалимнинг чап қўли бармоқларига шундай ёпишгандики, силтагани билан бармоқларини суғириб ололмаётганди...

– Хароми! – оғриққа чидолмай бақириб юборди Одил.

Ҳалимнинг қонсиз башарасидаги оғзи хунук илжайди. Ҳалим кутилмаганда кутириб кетди. Ўлаётганига, ҳолдан тойиб бўлганига қарамай, пичоқни тез-тез ва жон ҳолатда Одилнинг дуч келган жойига ураверди... Ниҳоят пичоқ... Одилнинг қорнига санчилди. Қўллари «боғлиқ» бўлиб қолган Одил бу ҳолатда даҳшатга тушиб, «их» деб юборди. Пичоқнинг учи қорни ичидан ниманидир кесиб юборганини аниқ сизди... Бу пайт тамомила ҳолдан тойган, лекин хушини йўқотма-

ган, ақли балодек ишлаётган Ҳалим худди Мастура бир зарб билан қорнини қандай ёриб ташлаган бўлса, Одилнинг қорнини ҳам шундай чавақлаб ташламоқчи эди. У сўнгги кучини ўнг билагига йиғиб, пичоқнинг сопидан пастга ниқтаб тортди... Қорин «шир» этиб ёрилиб кетди. Қипқизил ва қайноқ қон томчилари Ҳалимнинг юзига сачради... Шундагина у ҳаммасини унутиб, ўзини базўр ортга ташлади. Икки кўзи осмонга тикилиб қолди. Совуқ башарасига билинар-билинимас кулги югуртирди... Осмон ҳали ҳам ўша-ўша – мовий тусда товланади. Фақат унинг қулоқлари том битган, ҳеч нарсани эшитмай, нуқул шанғилаётганди...

Одил ҳам Ҳалим сингари ёрилган қорнини ичидан сирғалиб, ташқарига сурилиб чиқаётган ичак-чавоқларини тутмоққа уриниб, ўкирар... Аммо бу ишни эпполмай, ўзини у томндан – бу томонга ташларди... У бир зумда барча оғриқларни унутиб қўйди. Урилган пичоқ киндигидан сал пастроқда осилиб қолган, унинг атрофларидан потирлаб қон оқаётганди... Саноқли лаҳзаларда унинг кафтлари қонга тўлди! Қайноқ қон хотидан сизиб, жизиллатиб тагига кетди... Унинг боши айланди, кўзлари тиниб кетди. Биқинидаги тўппончани олмоқчи бўларди-ю, кафтларида тутиб турган ичакларини тамоман ташқарига чиқиб кетишидан чўчиётганди.

Ҳалимнинг жони узилаётганди... У бўғиқ-бўғиқ овозда хириллаб қолди...

Унинг ёнбошида эса Одил ҳам жони узилишини кутиб, яратганга тавалло қилаётганди! Алҳ-

ол, у қўлларини бўшатиб юборди. Қорни ичидан бир тўп ичаги «шалоп» этиб майсалар устига тушди... Вужудида чидаб бўлмас оғриқ турди, Одил ҳам типирчилаб қолди... Оғзи қуруқшаб, ҳамма ёғи қақшаб оғриётганди. У аста-секин ёнбошига ағанади. Унинг вужудини шуури тарк этаётганди. Негадир, қалин туман қоплаётган кўзларини аранг очиб, Ҳалимга қаради. Аллақачон, унинг жони узилиб бўлибди... У ҳаракатсиз, бир нуқтага тикилиб қолганича, очиқ кўзлари қотиб қолганди...

Одил ҳам мажолсиз инграниб майсалар устига қулади ва оёқ-қўлларини бўшатди. Энди унга ҳамма нарса фарқсиз бўлиб қолганди. Соддалиги сабаб Ҳалимнинг найрангига учганидан, ана шу соддалиги ўзига бир умр панд бериб келганидан ўкинаётган эди... У базўр майсалар устида ётган қўлларига қаради, сўнг оёқларига... Назарида, қўллари ҳам, оёқлари ҳам ўзиники эмас... Бировники, худди биров унинг танасига ёпиштириб қўйган-у, Одил буни сезмаяпти, ҳис этмаяпти! Танаси-чи? Бирдан жони томоғига қисилиб қолганини сезиб қолди. Юрагининг овозига қулоқ солмоқчи бўлди, митти юраги аранг кўтарилиб-тушади... Яна қанча уриб тураркин, бу озурда юрак?!

Пастроқда сойнинг суви ҳамон шовуллаб, тошдан-тошга урилиб, кўпириб оқиб ётибди. Сувнинг совуқ шабадаси шу ерларгача етиб келиб, унинг юзларини авайлаганича савалаб ўтади. Ялангликдаги майсазорда икки тана чўзилиб ётибди. Бири аллақачон ўлиб бўлган – жонсиз

танаси тарашадек қотиб қолди... Иккинчиси эса қийналиб жон бермоқда, у ҳам икки кўзини осмонга тикиб олган... Аммо ҳозир осмоннинг тиниқлиги-ю, мусаффолиги унга сезилмайди, аслида бунинг унга нима фарқи бор...

Ёнбошдаги арчазорлар ичра қузғунларнинг беўхшов сайраши қулоқни қоматга келтирди...

Қон хидини туйган малларанг тулки пастқам буталар орасидан аста мўралади. Майсаларни искаб, ҳув нарида қотиб қолган мурдаларга кўзларини тикди, тамшаниб оларкан, тили билан лабларини ялаб қўйди. Бироқ юрак ютиб олдинга қадам ташлай олмади. Думини чотлари орасига олиб, чўнқайиб ўтириб олди. Шу алфозда тумшугини кўтариб, ҳавони искади. Ниҳоят, дадилланиб, олдинга қадам ташлади ва орада тўхтаб-тўхтаб атрофга олазарак боқиб, мурдалар тепасига етиб борди... Уларнинг бири ўлимтик эканини сезиб, иккинчисининг қони қотиб қолган ичакларини ағдара бошлади...

* * *

Ҳуқуқ-тартибот идоралари профессор Эргаш Ҳайдаровичнинг ғойиб бўлиши билан боғлиқ жиний ишда дастлаб калаванинг учини топишга қийналишгач, ҳамма эътиборни унинг ҳозирда Сирдарёда яшовчи собиқ хотини Дилоромга қарата бошлашди. Балки, шу кунларда кимдир ундан професор ҳақида сўраб-суриштиргандир? Балки, бу ишларга Дилоромнинг ҳам алоқаси бўлса-чи? Ҳар нечук, турли тахминларни илгари сурган тезкор қидирув гуруҳи аъзолари вилоят прокурори

Набижон Юнусовнинг тавсиялари асосида бу йўналишда ҳам шошилиш иш бошлашди. Ички ишлар идоралари орқали Дилоромнинг паспорт маълумотлари топилди. Суратлари кўпайтирилди. Ниҳоят, шундан сўнг у паспортини бу ердан ҳисобдан чиқарганидан сўнг Сирдараё вилояти маркази – Гулистон шаҳрига кўчиб кетгани аниқланди. Ҳатто турар-жойигача маълум бўлди. Аммо вазият ўта этиёткорликни тақазо этади. Биргина хато ҳаммасини чиппака чиқариши ҳеч гап эмас. Шуни инобатга олган ҳолда Дилоромни чўчитиб юбормаслик учун пухта иш юритишга келишиб олинди.

– Иложи борича, отни қамчилаб қолиш зарур, – деди вилоят прокурори тезкор гуруҳ аъзолари билан ўтказилган навбатдаги йиғилишда. – Биз гумон қилаётган шахслар жиноят оламида ўта пихини ёрганлар сирасига киради. Бир ҳамла билан Дилоромни ҳам қўлга олишса, андан кейин уларни изига тушиш жуда қийин бўлиб қолади. Яна калаванинг учини йўқотиб қўямиз. Яхши биласиз, одатда жиноятчилар, иш битгандан кейин гувоҳларни тирик қўйишмайди...

Ўзаро келишувга мувофиқ, хавфсизлик хизматининг бўлим бошлиғи Отабек Мўсаев бир ўзи Дилоромнинг хонадонига кириб чиқадиган бўлди. Тўғри-да, кўплашиб киришса, ёки маъмурий идорага чақиртирилса, уни чўчитиб қўйиш ҳеч гап эмас. Унинг хонадошидаги суҳбат бошқача бўлади. Ҳар тугул орадан шунча йиллар ўтиб кетди. Ҳатто профессорнинг бор-йўқлигини

ҳам билмаса керак. Балки, ўлиб кетган деб юрган-дир! Тагин, ким билади, дейсиз...

Шаҳарнинг янги мавзесидаги беш қаватли уйни топиш унчалик қийин бўлмади. Подполковник машинада уйдан сал нарироқда тушиб қолди. Унинг икки ҳамроҳи эса уйни рўпарасида кузатмоқчи бўлишди.

Отабек Мўсаев кўп қаватли уйлар оралаб, мўлжалдаги уй томон бораркан, бу ерлар ўзининг қадрдон шаҳридан кескин фарқ қилишига эътибор қаратди. Дов-дарахтлар камчил, мағрур кўкка бўй чўзиб, бироз салқин бериб турганлари ҳам ёш эди. Аксарият уйларнинг олдида болалар учун қурилган махсус спорт майдончалари офтобда куйиб, жизғанаги чиқиб ётибди. Кундузи бўлганлиги боис кўчада одамлар деярли учрамас, унда-мунда тиккайган дарахтлар остига ўриндиқлар қўйилиб, уларга икки-уч нафардан бекорчи хотинлар жойлашиб олган. Улар нотаниш эркакни зимдан кузатиб қолишаётганди.

– Қўшни, кейинги пайтда уйларимиз атрофида бегона эркаклар айланишиб қолдимиз? – улардан бири фуқаро кийимидаги подполковникни кўрсатиб, шеригига истехзоли кулиб қўйди.

– Вой, шуни айтинг! – бу одамни энди биринчи марта кўришим. Бирортасини излаб келган бўлса керак-да!

Подполковник уларнинг гапини эшитмаганга олиб, индамай йўлида давом этди. Бу ҳолат унинг учун бегона эмасди. Худди шундай бекорчи ва ғийбатчи хотинлар унинг шаҳрида ҳам истаганча топилади. Улар билан баҳслашиб эса ҳеч

нарса ютмайсан! Яхшиси, индамаганинг маъқул. Гапиради, гапиради, ниҳоят чакагини ўчиради. Агар тортишмоқчи бўлсанг, бошингга ёфилади-ган маломатлар ақлдан оздириши ҳеч гап эмас. Чунки бу хотинларнинг наздида бегона эркакми... Демак, унинг нияти бузиқ, у битта-яримта бузиқига илашиб келгани аниқ... Уларнинг ақли етгани шу. Уларнинг ноқис ақли ундан нарини кўра олмайди.

Мана, у ниҳоят манзилдаги уй рўпарасида турибди. Йўлак бўм-бўш. Отабек бош кўтариб тепа қаватларга қаради. Янги «планировкали» уй эди. Учинчи қаватдаги дераза ойналарига оқпоқ тўр пардалар тутилган. Уй ичи ҳам жуда шинам, чоғи. У зах ҳиди анқиб турган йўлакка қадам қўйиб, зиналардан шошилмай юқорига кўтарила бошлади. «Ўзини ким деб таништиради? Тўғриси айтиб қўя қолгани маъқул. Ёлғонлагандан иш чиқмайди», деб ўйларди у йўл-йўлакай. Чунки уларнинг режасида аввалдан бир неча жиҳатлар ҳисобга олинган. Шу боис вазиятдан келиб чиққан ҳолда турли усулларни қўллаб кўриш мумкин.

Кутилмаганда юқори қаватдаги хонадоннинг темир эшиги очилди. Отабекнинг паришон хаёллари сочилиб кетди. Бу – Дилоромнинг хонадони эди.

«Мактабдан тўғри уйга келгин. Хўпми, Алишер!» деган аёл кишининг майин, ширали овози эшитилди тепадан. Зиналардан бир-бир босиб, ўйинқароқ болакай пастга туша бошлади. Елкасига мактаб сўмкаси илиб олган оқ-сарикдан келган болакай Отабек билан юзма-юз бўлди. Бир-

дан Отабекнинг юраги шув этиб кетди. Ахир, худди шундай қиёфани у қаерда кўрган?! Ҳарқалай, жуда таниш қиёфа... Ие, бу профессор Эргаш Ҳайдаровичнинг қуйиб қўйгандек худди ўзи-ю!

Отабек «Ассалому алайкум» деганича унинг ёнидан ҳайрон бўлиб ўтиб кетаётган болакайнинг овозини эшитмади. Сабаби у болакайдан кўз узолмай қараб қолганида, хаёллари бутунлай тўзғиб кетганди... «Ҳа, дерди у ўзига-ўзи. Бу профессорнинг худди ўзи! Наҳотки...»

Юқори қаватдаги зинада оппоқ юзлари лўппигина, бироз тўладан келган бўлса ҳам ўзига жуда ярашиқли кўркам жувон боласининг ортидан завқ билан кузатиб турганди. Отабек аста-секин юқорига чиқиб бораверди. Бу пайтда ҳалиги аёл «Бу одам ким бўлди экан?» дегандек бир сидра қараб олди, кейин боласидан кўнгил узолмади шекилли, Отабекка унчалик эътибор қилмай, бутун вужуди билан боласининг ташқарига чиқиб кетишини кузатиб турарди.

– Яхшимисиз, опа? – Отабек Дилоромга жуда яқин келиб қолганди. «Ҳа, бу ўша суратдаги аёл – Дилором! Деярли ўзгармабди. Ўша-ўша жозоба, ўтли қарашлар» хаёлидан ўтказарди Отабек унга тикилиброқ қараркан. Дилором ўзига келгандек бўлди ва бошини кўтариб рўпарасида турган йигитига разм солди.

– Яхшимисиз? – деди қуруққина қилиб ва шартта бурилиб, уйига кириб кетишга тараддудлана бошлади.

– Ҳамшаҳарларингиздан салом олиб келдим, опа? – Отабек табассум билан унга юзланди. Жу-

вон эшик тутқичини ушлаган кўйи ялт этиб унга қаради. «Ҳамшаҳар» деган сўз бошқача таъсир қилдим, сал юмшагандек бўлди ва юзига билинар-билинимас қизиллик югурди.

– Узр, сизни танимадим...

– Сизнинг олдингизга келяпман. Зарур иш билан,– асл мақсадга кўчди Отабек.

– Фарғонадан-а? – ажабланди Дилором қошларини кериб, «Мени бунақанги танишим йўқ эди, шекилли» дегандек.

– Сиз танимайсиз мени... Майлими, ўзимни таништирсам,– у шундай деб ички чўнтагидан гувоҳномасини чиқарди ва Дилоромнинг кўзларига яқин олиб келди. Жувоннинг юзидаги ним қизиллик йўқолди. Лаблари гезариб кетди. Ўзини ноқулай ҳис қила бошлади.

– Тинчликми?

– Рухсат этсангиз, ичкарига кирсак. Ахир, бизда меҳмон отангдай улуғ, деган гап бор!

Дилором ноилож Отабекка йўл бўшатди. Бироқ унинг хаёлида гоҳо унинг тушларига кириб, тинчини ўғирлайдиган безовта ҳолат: эрининг тонг саҳарда уйига кириб келгани-ю, уни ва Рамзбекни шир яланғоч ҳолда бир тўшакда кўргани... Устига-устак «Яна бирон гап бўлдимикан?» деган савол унинг юрагини кемира бошлаганди. Ахир у эмасми, бир пайтлар бамаъни эрига хиёнат қилиб, унинг ҳаётини барбод қилган ва юзи қаро бўлиб, шу томонларга қочиб келган? Ахир у эмасми, орадан бироз ўтиб, қорнидаги ҳомшаси ўйнашидан эмас, балки профессордан эканлигини билиб даҳшатга тушган? Ҳозир унинг хаёлида

ри адоғсиз ва шафқатсиз эди. Дилором каловланиб, дастурхон ёзмоқчи бўлди.

– Дилором опа, дастурхон керак эмас. Бир пиёла чой бўлса, бас,– деди Отабек хонтахта атрофига ўзбеконга тўшалган тўшаклардан бирига ўтираркан. – Қани, омин, қадам етди, бало етмасин...

Дилором ҳам билинар-билинемас икки қўли билан юзларини силаб қўйди. Бу орада жувон ўзини анча тутиб олди чоғи, дик этиб ўрнидан туриб, газ плитаси устида қайнаётган чойнакдан чой дамлади. Икки пиёлани ювиб келиб, хонтахта-нинг четига қўйди.

– Дастурхон ёзмасдан...

– Ҳеч хижолатчилиги йўқ, опа. Чойнинг ўзи етарли.

Жувон пахта гулли пиёлага чойни қуйиб, икки-уч шопириб-шопириб юборди. Сўнг ҳовури кўтарилаётган аччиқ кўк чойдан қуйиб подполковникка узатди.

– Ўзимизнинг одатларни ҳеч ҳам унутмабсиз,– Отабек тавозе билан чойни оларкан, мийиғида кулиб қўйди.

Яна ўз хаёллари гирдобида қолган Дилором «Нега келдингиз?» деб сўрашга ийманиб, хонтахта устига ташланган дастурхоннинг попуқларини қўллари билан химараверди. Жувонни зимдан кузатишга уринаётган Отабек бу аёл ўзи тасаввур қилганидан бошқачароқ эканини дарров фаҳмлади. Очиғи, у Дилоромни енгилтак ва турмуш тарзи ҳам шунга муносиб бир аёл бўлса керак деб ўйлаганди. Ундай эмас, чоғи. Боласи ҳам бор

экан. Яшаш тарзи ҳам бинойидекка ўхшайди.

– Қаерда ишляяпсиз, Дилором опа? – сўроглади Отабек. Жувон чўчиб тушгандек бўлди. Чиройли кўзларини бир очиб-юмиб, хорфин нигоҳ билан ота юртдан келган меҳмонга қаради.

– Кутубхонада. Шаҳар кутубхонасида. Келганимдан буён ўша ерда ишляяпман,– жувон нигоҳларини олиб қочди.

– Кечирасиз, ҳалиги болакай, ўғлингизмиди?

Аёлнинг юзида енгил табассум жилва қилди.

– Ҳа, ўхшайдими дадасига? – унга синчиклаб тикилди Дилором, сўнг қўшиб қўйди. – Профессор масаласида келган бўлсангиз, балки дадамизни танирсиз?

Отабек «ҳа» деган маънода бош қимирлатди. Жувон чой қуйилган пиёлани қўлига олиб, «Дастурхон ёздирмай, мени ҳижолат қилдингизда, ука!» дея манзират қилгандай бўлди.

– Хўжайинингизнинг кейинги тақдиридан хабарингиз борми?

– Рости, ўша бўлмағур воқеалардан кейин у киши руҳий касаллар шифохонасига тушиб қолди. Ҳаммасига мен айбдор эдим. Нима қиларимни билмай, Сирдарёга кўчиб кетишга қарор қилдим. Чунки у ерда қолиб, у кишининг аянчли аҳволини кўриб туришга бардошим етмасди. Бир кунда уйни таниш-билишларга омонат қолдирдим шу ерга кўчиб келдим. Узоқ йили Фарғонага борганимда, аввал уйимизни кўриб кўнглим бузилди, бурров шифохонага кирдим. У киши жуда озиб, таниб бўлмайдиган бўлиб кетибди. Дўхтирлар «Бу бемор шу ердан чиқарилмайди. Тузалмай-

диган касал» дейишди. Кўнглим чўкиб, қайтиб келдим. Асли бормасдим, лекин юрагим дош бермади. Аммо, баъзи-баъзида ўғлим Алишер «Дадам, дадамлаб» юрагимни эзиб юборади. «Нега ҳамма болаларнинг дадаси бор, меники йўқ? Дадамнинг кимлигини айтасиз?» дейди кўчадан йиғлаб келганича. Ўйлаб-ўйлаб «Даданг ўлган!» деган гап топдим. «Алдаяпсиз!» дейди. Ҳозиргача ишонмайди, – бирдан жувон ўзига келгандек, «Бу нотаниш йигитга нималарни валдираяпман?» дегандек, тўхтаб қолди.

– Тинчликми, ўзи? Ё Эргаш Ҳайдаровичга бирон гап бўлдими?

– Шу кунларда сиз билан биронта одам учрашиб, Эргаш Ҳайдарович ҳақида гап очмадими? – саволга савол билан жавоб берди Отабек. Жувон ҳайратдан кўзларини катта-катта очиб, қошларини кериб унга қаради.

– Йўғ-а, ҳеч ким гапирмади. Шу бугун сиз келиб... Дилором «Ярамни янгиладингиз» дейолмади, холос. Аммо унинг нима демоқчи бўлганини Отабек дарров тушунди.

– Агар хўп десангиз, бизнинг шу ердаги идорамизга мен билан бирга борсангиз. Бизга сизнинг ёрдамингиз жуда зарур. Ҳаммасини бафуржа маслаҳатлашиб оламиз. Гапнинг очиғи, ҳозир Эргаш Ҳайдаровичнинг ҳаёти қил устида турибди... Чамамда, у кишининг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳар нарсага тайёрсиз, тўғрими? – Отабек шундай деб Дилоромнинг кўзларига синовчан назарда тикилди.

– Айбимни ювиш учун жонимниям беришга

тайёрман, билсангиз, – деди аёл мижжаларига кўз ёшлари қалқиб. Ва оғир хўрсиниб, ўрнидан қўзғолди. У либосларини алмаштириш учун қўшни хонага чиққанида, Отабек атиги бир кун олдин ҳам бу аёл ҳақида бутунлай бошқа фикрда эканидан жуда-жуда афсусланиб ўтирганди. «Биринчи таассурот алдамайди. Бу аёл кўча аёлларидан эмас. У нурдай покиза, бокира аёл. Бир гал уни шайтон йўлдан урган экан-да!» хаёлидан ўтказарди у.

* * *

Эрталабки совуқ хабар Мирпўлатни беҳад жаҳлини қўзғаб, мувозанатдан чиқариб юборди. У фин ҳаммомидан елкасини юмшоқ халатини ташлаб, белидаги боғичини боғлаб чиқаркан, бу маълумотни келтирган йигитга бир ўқрайиб қараб қўйди. Қизиллик югуриб иссиқдан бўғриққан юзи бир зумда докадек оқариб кетди. Шу тариқа бугун унинг севимли машғулотининг белига тепишди. Боиси у ҳар куни эрталаб ўзининг севимли ҳаммомида мириқиб чўмилганидан сўнг, креслода ястаниб олганича очиқ ҳавода бироз ором олишни хуш кўрарди...

Қирқ беш ёшлар атрофидаги бу тадбиркор катта мол-дунёси эвазига бу атрофда «авторитет» ҳисобланар, ҳақиқатдан ҳам унинг қўли ва имкониятлари беҳисоб эди. У мунга монанд равишда бу шаҳарда анча-мунча одам қура олмайдиган шинам ва маҳобатли уй қурди. Ҳаммаси шаҳардаги қатор-қатор савдо дўконларини арзон-гаров хусусийлаштириб қўйгани, хориждан улгуржи мол

келтириб сотишни йўлга қўйгани боисидан, албатта. Қолаверса, у пинҳона шаҳар ва унинг атрофидаги ноқонуний «разбор»ларга ҳам араллашиб турар, кейинги пайтларда баъзи давлат идораларида ҳам унинг одамлари ишлай бошлаганди.

Айни кунларда шу қари тўллак – Соҳибнинг гапига бекор кирдим, деган дилхиралик айланаётган бўлса-да, йирик даромад кўз олдига келганидаўз-ўзига «ҳа, майли, уддалайман!» деб қўяётганди. Лекин бугунги хабар... У арчилган тухумдек силлиқ жағини силади. Ҳаммомнинг тафти кетиб улгурмаган қип-қизил, кўпчиб кетган юзига авайлаб шапатилаб қўйди. Пала-партиш артингани сабаб калта қирқилган оқ оралаган сочларидан сув томчилаб, баттар асабини бузаётганди.

– Шу гаплар аниқ эканми? – яна бир бор сўради у боғ этагидаги бежирим ишланган оромкурсига ястаниб ўтираркан. Кейин стол устида турган хорижнинг урфга кирган сигаретасидан бир дона олиб олифта бармоқлари билан лабларига қистирди.

– Аниқ бўлмаса, сизга айтмасдим, хўжайин! – дея унга эргашди чаққонлик билан чўнтагидан ёндиргични олган ҳалиги йигит. – Телефонда хабар қилишди. Соҳиб ака бу шум хабарнинг иси ташқарига чиқмасин деган экан, лекин... Лекин у ердаги ўзимизникилар йўли топиб, огоҳлантиришди.

– Ҳалим яхши йигит эди... Одил деганларингни унча яхши билмайман... Мурдаларини нима қилишибди? – хаёлга толиб сўради у.

– Бунисидан хабарим йўқ,– елка қисди йигит.

– Ғалварс! – асабларини жиловлай олмай столга бир муштлади Мирпўлат. – Гаплашгандан кейин барча тафсилотларини икр-чикиригача билиб олмайсанми?

Ҳозир у бошқа нарсадан сиқилаётганди. Унинг назарида, йигитларига қўл кўтариш, унга қилинган таҳдид билан баробар эди. Қизиқ, бу қалтис ишга ким журъат эта олди экан? Чунки Мирпўлатнинг фикрича, у куч-қудрати чексиз ва шу сабабли бу яқин атрофда ҳеч ким бу ишга журъат этолмаслиги керак!

Калаванинг учини топа олмай унинг боши қотиб қолди.

– Хўжайин, Соҳиб акани биласиз-ку, йигитларни зимдан бир-бирига қайраб қўйишга одатланган. Балки, ўртада бирон гап қочгандир... Мен билан гаплашганда ҳам у совуққина қилиб йигитлар нобуд бўлганини айтди, холос.

Мирпўлатни бошқа хаёллар олиб қочди. «Нима қилсин? Сўхтаси совуқ Соҳибга телефон қилиб, нима гап деб сўрасинми? У бор гапни рўйи-рост айтармикан ё? Ахир, иш деярли битиб қолаётганди-ку! Дилоромни дафтари билан бугун олиб келишади. Кечқурун бу ҳақда хабар олган. Кеча тунда йўлга чиқишган бўлса ҳам бугун етиб келишлари керак...»

– Бўпти, сен ишингга боравер. Аммо ҳозирча бировга оғиз оча кўрма. Буёғини менга қўйиб бер... Ҳа, эҳтиёткорликни кучайтиринглар. Ҳам-маларинг ўзингга эҳтиёт бўлишларинг керак.

Йигит «Хўп бўлади» деб нари кетди. Мирпў-

лат қўлидаги сигаретини эслади. Ҳали чўғи ўчмабди. Сигаретни чуқур-чуқур торта бошлади. Ҳаммомдек қушдек енгил бўлиб чиққан, шу боис ҳозир сигаретнинг палахса-палахса тутунлари ўпкасига жуда ёқаётганди. У бир муддат мулоҳаза қилиб кўргач, оромгоҳга – Соҳибга телефон қилмоқчи бўлди. «У жуда туллак, дерди ўзига-ўзи Мирпўлат. Осонликча сир бермаслиги аниқ. Устига устак хитойлик бизнесмен билан ҳам келишиб қўйган. Эрта-индин у ҳам етиб келади»

У кўтариб юриладиган телефони қўлига оларкан, оромгоҳнинг телефон рақамларини хаёлида бир-бир такрорлади ва телефон гардишини оҳиста айлантира бошлади.

– Алло, Соҳиб ака, бормисиз? Ишлар қалай? – атайин кўтаринки руҳда сўради у. – Ишқилиб, олимингизнинг эс-хуши жойидами? Лаббай? Биз ҳам борайликми? Атроф тинчликми? Зўр, денг...

Мирпўлат чекиб бўлаётган сигарета қолдигини жаҳл билан сал нарига улоқтирди.

– Энди гап бундоқ, – у бироз тунд оҳангда гапини давом эттира бошлади. – Ўша ерда жим ўтириб, менинг буйруғимни кутасиз, тушундингизми? Ҳеч қаерга қимирлаш йўқ. Ҳаммаси, о кей бўлади. Хўпми?!

Анча бесўнақайлигидан қўлга яхши ўрнашмайдиган телефон тап этиб стол устига тушди. «Ярамас, деб сўкинди ичида Мирпўлат гудраниб, сен шохида юрсанг, мен баргида юраман, билиб қўй! Борармишман-а? Ўзининг ногорасига ўйнатмоқчи бўлаяпти, чоғи! Бекорларнинг бештасини айтибсан. Ишлар зўр эмиш... Мени

билмайди деб ўйлаяпти, шекилли. Ҳа, баттол!»

Унинг семизликдан сўлқиллаб, кичкина бўлиб кетган кўзлари баттардан қисилиб кетди. Бўлажак режасини қандай амалга ошириш кераклиги ҳақида ўйларкан, бира тўла тоғ ён-бағридаги оромгоҳидан ҳам қутулиб қўя қолишни ўйлаётганди у. Унга фақат ўша профессоргина тириклайин керак. Бошқалари эса тоғ йўлидаги чуқур дараларнинг бирида машина билан афдарилиб кетишади...

«Ҳа, усталик билан гафлатда қолдириш керак уларни, гафлатда!»

Шу пайт кўп йиллик содиқ дўстларидан бири у томонга шошиб келади бошлади. «Келишибди» деб ўйлади у йигитни таниб ва ўрнидан туришга ҳам эриниб, истамайгина унга қўл узатди. Унинг нигоҳларида «Бўрими-тулкими?!» деган савол аломатлари мужассам эди.

– Келдиларингми? – у ўткир нигоҳларини йигитга қадади.

– Келдик, хўжайин.

– Аёл ҳам борми?

– Уни ўзимиз билан бирга олиб келдик.

– Унда жуда яхши. Қаи, ичкарига олиб кинринглар.

Анчадан буён қовоғини осилтириб, нимадан аламини олишни билмай ўтирган Мирпўлат қитмирона, айёр кулгисидан ўзини тийиб тура олмади...

* * *

Айнан ушбу воқеагача бу каби юзлаб ишларда иштирок этиб, ҳар жиҳатдан тобланган бўлса ҳам негадир подполковник Отабек Мўсаевнинг

юраги така-пука бўлаётганди. Гулистондан чиққанларидан бери ҳаловати йўқолган, олдиндаги қора «Волга» билан орқаман-орқаман келишмоқда. Аллақачон, бу машина кимга тегишли эканлиги ҳам аниқланиб улгурилган. Довон ортидагилар билан алоқа яхши, маълум бўлишича, ҳозирда Мирпўлатнинг ҳашамдор уйи тўла кузатув остига олинган. Ҳар дақиқада жинойтчиларни қўлга олиб, тинтув ўтказиш учун имкониятлар етарли.

Подполковник Гулистонда эканлигидаёқ махсус почта орқали прокурордан санкция олиб, чўнтагига солиб олган. Лекин профессорни қаерда эканлигини аниқламай туриб, бу ишга қўл уриб бўлмаслиги аниқ. Айтишларича, Мирпўлат деганлари илоннинг ёғини ялаганлардан... У жуда эҳтиёткор. Ҳеч маҳал ўзи яшаётган данғиллама ҳовлида олимни ушлаб турмайди. Фақат вазиятни шу ердан туриб бошқариши мумкин, холос.

Атрофни тун зулумоти қоплаганида «Волга»дагилар қўшни республика ҳудудидан чиқаверишдаги Кўкёнғоқ чойхонасида ҳордиқ учун тўхташди. Йўл-йўлакай индамай машина миниб келаётган ҳайдовчининг ёнида ўтириб, нуқул Дилоромнинг кўнглини олиш илинжида ўз артистлик қобилиятини ишга солишга уринаётган Мирпўлатнинг содиқ йигитларидан бири – Комилга яна ҳам жон киргандек бўлди. Аслида гўзаллик нуқси барқ уриб турган бу қўҳликкина аёлни кўргандаёқ, унинг нияти бузилган. Унинг назарида, у бузиқи бир аёл – озгина «кўки»дан қистирсанг, қўйнингга кириб кетаверадигандек

эди... Йўл бўйи у турли усуллар билан ўз фикрига аниқлик киритишга ҳаракат қилмоқда – афтидан унга таранг қиладиганга ўхшамайди... Аслида Дилоромнинг кўнглидан ҳозир нималар ўтаётгани, олдиндан келишилганидек ҳаракат қилишга тиришаётганини у калтафаҳм қаёқданам билади, ахир.

– Опажон, шу томонларга келиб, Кўкёнфоқдан бир пиёла чой ичмай кетсак, уят бўлади,– ортига ўгирилиб, беозоргина бўлиб ўтирган жувонга суқланиб тикилди у. – Бу жойнинг ошпазлари паловхонтўрани сайратиб юборишади.

У ўзини ҳар томонлама кўрсатиш мақсадида шошиб ташқарига тушди ва тавозе билан орқа эшикни очиб, Дилоромга манзират қилмоқчи бўлди. Унинг одамови, тўнкадек шеригига унинг бу қилиқлари жуда фалати туюлаётган эди.

Дилором секин пастга тушаркан, одамлар гавжум кичкина бозорча эътиборини тортди. «Қизик, шу овлоқ жойларда ҳам одамлар тирикчилик ўтказди. Отанг бозор, онанг бозор, деганлари шу бўлса керак-да!» хаёлидан ўтказди у. Анчадан буён бунақа узоқ саёҳатга чиқмагани учун айни дамда сафар таассуротлари унга жуда ёқаётганди. Албатта, олдинда уни нималар кутётганини ўйлаганда эса, қўрқувдан бир сесканиб олади, ўғли Алишерни ўйлаб сиқилади.

Гапга чечан Комил йигитларга ишора қилганди, чойхонанинг алоҳида ва мўъжазгина хонасидаги бежирим сўрисиддаги дастурхонда бир зумда ҳамма нарса муҳайё бўлди.

Бироздан сўнг қора пакетда узун-қисқа бўлиб

турган жимжимадор ичимликлар олиб келинди. Биёбондаги сувсиз қолган йўловчидек Комил шисшалардан бирига ёпишаркан, бир нарса эсига тушгандек, бироз бўшашди.

– Айтганча, сизга қанақаси маъқул, опажон! – у Дилоромга ўгирилди.

– Сизлар бемалол,– жувон ичмайман дегандек юзини тескари буриб олди. – Менга иссиқ кўк жой бўлса, кифоя.

– Йўқ, унақаси кетмайди,– Комил хафа бўлгандек қиёфасини ўзгартирди. – Шунча йўлдан бери ҳамроҳмиз, бундан кейин қадрдон бўлиб қолишимиз аниқ. У атайлаб «қадрдон» сўзига урғу берди. – Энди биз билан озгина чақчақлашмасангиз, жуда хафа бўламиз...

Ҳайдовчи йигитнинг қорни очиб қолган, чоғи. Ёнидаги ҳамроҳларини ҳам унутиб, ўзи билан ўзи овора эди. Афтидан у жуда совуққон, ҳис-туйғусиз одам бўлса керак. Чунки шунча вақтдан буён Дилором ундан на бир жўяли гап эшитди, на бирон марта кулганини кўрди. Комил ўзича турли ҳангомалар айтганида ҳам миқ этмайди. Гўё гунг ва соқовдек... «Бу иккови жуда топишган экан-да!» хаёлидан ўтказди Дилором. Аслида уларнинг хўжайинларига ана шундай манқуртлар зарур. Ўлдир, деса, ҳатто онасининг ҳам бошини олишга тайёр, бундай манқуртлар!

Комил эса иккита пиёлага ароқни қуйиб олиб, Дилоромни кўндириш ташвишида куймаланаётганди.

– Ҳеч бўлмаса, уриштириб ўтиринг, биз ғариблар билан!

Дилором ортиқча таранглик қилиш фойдасиз эканлигини англаб етди.

– Майли, фақат уриштириб ўтираман.

Комил беўхшов илжайди. У ич-ичидан хурсанд, чунки Дилором аста-секин унинг йўриғига юра бошлаганиди. Ҳалиги гўнг ҳайдовчи ер остидан Дилоромга ўқрайиб қараб қўйди. Жувон буни дарров пайқади, аммо ўзини сезмаганга олди.

Комил ароқ тўла пиёлани бир кўтаришда сипқорди. Дилором эса пиёла учига номига лабларини теккизган бўлди.

Комил яна ўз пиёласини тўлдириб қуяркан, Дилоромга сурлигини қўймасди.

– Бир оқ қилиб берасиз, энди. Бу сафар аввал сиздан кўрамиз, кейин мен. Қани-қани, бир ташвишларни унутайлик. Шундоғам, бош-оғриқларимиз етарли, опажон!

Дилором истар-истамас, ароқдан бир хўплаб, пиёлани дастурхонга қўйди. Аъзoi баданини жиз этказиб бир нарса куйдириб ўтгандек бўлди. Юзини бужмайтирди. Қараса, шундоқ кўз олдида Комил гўшт тўла тарелкани ушлаб, илжайиб турибди. Шошилмасдан бир бўлак гўштни қўлига олди.

Орадан бироз ўтиб, Комил ўзини қандай юмуш билан юрганини ҳам эсидан чиқариб, бутунлай ёйилиб кетди... Бунга сари ҳалиги тунд ҳайдовчининг асаби бузилар, у тез-тез шеригининг биқинига туртиб, тезроқ туришга ишора қилаётганди. Аммо ўзини мастликка солаётган Комил анча хушёр, шунинг учун ҳозир у қандай қилиб бўлса-да, ўз шайтоний нафсини қондириш илинжида бир йўл қидираётганди. Унинг кўзига қон тўлган... Мақсади кўргандан

бери тинчини ўғирлаган мана шу жувонни бир бағрига кириш...

Ош тортилгач, иштаҳаси йўқлиги учун енгилгина тановул қилиб олган Дилором мен ҳозир дея ташқарига чиқди.

– Анови аёлни қочириб юбормайлик, яна,– ниҳоят тилга кирган ҳайдовчи йигит шеригига ўқрайиб қаради. – Билиб қўй, бир гап бўлса нақ калланг кетади!

– Жиннимисан? – қаёққа кетади, «ҳе, бефаҳм мишиқи» сенга гапиришни ким қўйибди дегандек ўшқирди Комил. – Эри бизнинг қўлимизда-ку! Ҳозир у ўзича эрини қутқаргани кетяпти.

Комил дудуқланиб қолди.

– Ошна, қорнинг тўйдими? – сен озгина ташқарига чиқиб турсанг, мени бу аёлдан сўрайдиган бириккита сирли гапим бор. Хўжайин шундай топшириқ берганди. У тўнкадан қўрқиб, атайлаб хўжайиннинг номини ўртага тиқиштирганди.

– Фақат тезроқ бўл,– тўнғиллаганича ўрнидан турди ҳайдовчи йигит. – Мен чиқиб, янги машинани тайёрлаб тураман.

Улар аввалдан режалаштирилганидек, шу жойда машинани алмаштиришлари керак эди. Бу соҳада устаси фаранг бўлган каззоблар муҳим «юриш»лар чоғи шундай усулни қўллашга одатланишган. Сабаби орқадан битта-яримта «хит» илашган бўлиши ҳеч гап эмас.

Шундай бўлиши мумкинлигини олдиндан билганлари учун подполковник Отабек Мўсаев бошчилигидаги гуруҳ аъзолари ҳам кўздан панароқ жойда ва машинадан тушмай, уларнинг ҳар бир хатти-

ҳаракатини кузатишаётганди. Ҳайдовчи йигитнинг ташқарига чиққани уларни сергаклантирди. Негадир у бир ўзи, «Ие, иккинчи йигит билан Дилором қаерда қолди?» савол назари билан машина ичидагилар бир-бирларига қараб қолишди. Яна ҳам қизиғи, ҳайдовчи шу пайтгача миниб келишган «Волга»дан ўтиб, сал нарида турган зангори «Жигули»нинг у ёқ – бу ёғини кўздан кечира бошлади.

– Тушунарли, улар машиналарини ўзгартиришмоқчи? – жонланди машина ичидагилардан бири.

– Улар бизни пайқаб қолишмадимикан, ишқилиб? – рулдаги йигитнинг гапида ҳам ҳавотир, ҳам ҳаяжон бор эди.

– Йўқ! – деди подполковник кескин. – Бу уларнинг одатдаги усулларидан бири ҳисобланади. Аммо у шу тобда юрагини ўртаётган ғашликни ҳам ошкор қилмаса бўлмаслигидан қийналаётганди.

– Ичкарида тинчликмикан?

Афсуски, ичкарида тинчлик эмасди. Ичкилик таъсирида анча сархуш бўлиб олган Комил асл муддаога ўтди. Дастлаб ўрнидан туриб бориб, эшик зинжирини тортиб, хонани ичкаридан беркитди. Кирлаб кетган деразанинг уникқан пардасини тортишдан олдин, ўғринча бир ташқарини кузатиб олди. Ташқарида одам унчалик кўп эмас. Қолаверса, ҳозир ҳамма ўзи билан ўзи овора эди.

Дилором бир кўнгилсизликни сезгандек, ўтирган жойида йигитга қараб бақрайиб қолди.

– Асал... – унинг устига ўзини ташлашга чоғланди Комил.

– Ўзингизни босиб олинг! – ҳозир бақираман

Дилором шартта ўрнидан туриб, хонанинг бир бурчагига беркинди.

– Ноз қилманг, жонидан! Унчалик қуруқ эмасмиз, оғзингизга сиққан пулни сўранг... Санаб бермаган номард!

Дилором бир сўз демай эшикка югурганди, Комил бир хатлаб унинг йўлини тўсди. Дилоромни кучли қўллари билан даст кўтариб, дастурхони йиғиштирилмаган сўрининг чеккасидаги кирлигидан гуллари билинмай кетган тўшакка ётқизмоқчи бўлди.

Унинг тагида Дилором тинмай типирчилар, «Қоч, ифлос!» дея юз-кўзларига чанг солар, бундан зиғирча ҳам таъсирланмай қўйган Комил бадбўй ҳид анқиб турган лаблари билан унинг юзлари, бўйинларидан ўпар... Ҳирсдан чақнаётган кўзларини унга тикиб, бир қўли билан жувоннинг либосларини ечишга уринарди... Аммо мастлиги панд бериб, тез-тез чайқалиб кетар, ниятига эриша олмаётган баднафс ўзидан кетар даражада ҳансираётганди... Аҳволи тобора танг бўлиб бораётганини сезган Дилором пайт пойлаб, Комилнинг чотлари орасига тебди...

«Их» деганча букчайиб қолган шайтон васвасидаги йигитни бир туртиб, ўрнидан тураркан, Дилором яна бир бор нафрат билан унга тикилди. У гужанак бўлганича тўшакда ағанаб типирчилар, хириллаб сўкинарди...

Тезкор гуруҳ аъзолари ичкарида нима эканлигини билмай, бошлари қотган, билган тақдирда ҳам айни дамда ҳеч нарса қилиб бўлмасди. Чунки биргина қалтис ҳаракат билан манфур жинойтчиларни

чўчитиб қўйиш ва барча режани барбод қилиш мумкин. Шундай бўлса ҳам ҳозир йигитлар машинада ичида тишларини ғичирлатиб, ўзларини аранг бошиб ўтиришарди.

Ниҳоят, машиналар тўхташ жойига олиб келадиган кичкина йўлакда Дилором кўринганида улар анча хотиржам бўлишди. У афтидан машиналарини тополмай каловланар, ё Отабеклар ўзлари билан изма-из келишаётганига ишонч ҳосил қилиш учун уларни кўриб қўймоқчи бўлдими, атрофдаги уловларга аланглай бошлади. Буни кўрган янги машина ичидан кўриб турган индамас ҳайдовчи секин пастга тушиб, орқа эшикни очди. Бехосдан Дилоромнинг юзига кўзи тушиб, палид Комилнинг шум ниятини пайқаб, ичида сўкиниб қўйди. Чунки Дилоромнинг бежирим юзи энгил тирналган, тўлишган бағ-бақалари шилинган, нима сабабдандир дағ-дағ титраётганди... У лом-лим демай, ўзини машинанинг орқа ўриндиғига ташлади.

Беш-ўн дақиқалар чамаси ўтиб, хира-шира милтиллаётган чироқ ёруғида гандираклаганича шу томонга одимлаётган бир шарпа – Комил кўринди.

* * *

Ниҳоят орқама-кетин кўзланган манзилга етиб келинган, «Жигули» бизга таниш бўлган ўша ҳашамдор ҳовли, шу яқин атрофда яшовчилар бирда ҳасад, бирда ҳавас қилиб «Бой маҳалла» дейилгучи кўча салобатига ўзгача кўрк бағишлаб турувчи хонадон ёнбошида тўхтади. Подполковник бошчилигидаги кичкина гуруҳ аъзолари ҳам белгиланган жойга етиб келишди. Ҳаммаси режадагидек кел-

таётган эди. Бу кеча ушбу хонадондан биронга ҳам тирик жон остона хатлаб, ташқарига чиқмаган. Мирпўлатнинг ўзи ҳам ичкарида, дейишди. Фақат бундан бирор соат олдин у ким биландир телефонда шошилинич ва асабий ҳолда гаплашган.

Кейинги кунларда маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари бунинг учун махсус рухсатнома олишгач, унинг барча телефон алоқалари тасмага ёзиб олинмоқда. Афсуски, бунинг чора-тадбирлари олдинроқ кўрилмаган. Акс ҳолда иш анча олдин ойдинлашган, вазият бу қадар мавҳум ҳамда чигал бўлмас эди.

Ҳозир Мирпўлат шошилишни истамаётганди. Аёл аввал ичкарида бироз нафасини ростласин, бу ердаги шарт-шароитга кўниксин, ҳовуридан тушсин, ана ундан кейин... «Ҳарқалай, энди муаммонинг калити менинг кўлимда. Буёғига сўнги қадам ташланса, бас. Бир қоп пулни қуртдек қилиб санаб олаверади... Бир қоп пул дегани, бир қоп ёнғоқ дегани эмас, ахир!» хаёлидан ўтказди у. Унинг назарида бу дунёда ҳамма аҳмоқ. У эса белини оғритмай, салгина ақлини ишга солиб, бир ҳамла билан шунга пулга эга чиқмоқда. Кейин шу пулларининг кучи билан яна қанчадан-қанча одамларни итдек ўзига итоаткор этади, уларни жонсиз қўғирчоқдек бошқаради... Истаганича оёғининг остига бош эгдиради! У бу дунёда ҳамиша шундай яшаши керак, шундай ҳукмронлик қилиши керак...

Унга шундай тақдир насиб этилган: одамлардан тепада, осмондан пастроқда яшайди...

– Ҳов, ким бор? – оромкурсида ўтирган жойида овоз берди Мирпўлат. Зум ўтмай, кўлига кўксини қўй-

ганича Комил пайдо бўлди. Чунки у сафардан қайт-
гач, хўжайинга ҳисобот топшириш умидида унинг бит-
та ишорасига маҳтал бўлиб турганди. Гарчи Дилором-
га гуллаб қўйсанг ўласан, дея пўписа қилиб қўйган
бўлса ҳам йўлдаги ҳурмача қилиғи ич-этини тирнаёт-
ган, бир гап чиқадиган бўлса, у жувоннинг кўнглига
йўл топиш учун хўжайини уни қурбон қилиб юбори-
ши мумкинлигидан даҳшатга тушаётганди. Аслида бу
каби кўнгилхушликлар Мирпўлат ва унинг шотирла-
ри учун одатий бир эрмак ҳисобланади. Лекин бундай
муҳим ишда мувозанатни бузгани учун хўжайин уни
аяб ўтирмаслиги аниқ!

– Сафарга сен бошчилик қилдингми?

Йигит «ҳа» дегандек бошини силкиб, тавозе би-
лан бошини эгиб тураверди.

– Оти нимади, анави... – Мирпўлат Дилором-
ни нима деб аташга қийналганидан, бироз ўйланиб
қолди. У ҳақда яхши гапиришни хоҳламайди, ёмо-
нига келганда эса... у қайси номга муносиб!

– Дилором.

– Йўлда ғаш қилмадимми?

Комилнинг қўл-оёқларида қалтироқ турди.
Аммо тезда ўзини ўнглаб олмаса, ўзини-ўзи фош
қилиб қўйиши мумкинлигини ўйлаб, ўзини қўлга
олди.

– Йўқ унчалик қийнагани йўқ.

– Йўлда «ҳазил-пазил» қилишмадингми, тағин?
– у гўё бир нарсани сезгандай, йигитга ғалати қараб,
илжайди.

Комил яна дув қизарди. Буни ўзининг олдида
сир босганликда деб тушуниб, Мирпўлат ортиқча
эътибор бермади.

– Ишқилиб, ўша дафтарни олиб келганми?

– Ҳа. Йўл-йўлакай бир дақиқага ҳам қўлидан қўймади.

Унинг гапини шартга бўларкан, Мирпўлат бо-равер, дегандек бепарво қўл силтади. У ҳозир ўзи ёлғиз қолиб, галдаги ишлар ҳақида обдон ўйлаб олмоқчи бўлаётганди. Профессорнинг бошига қандай кўргиликлар тушганидан яхши хабардор бўлган Мирпўлат Дилоромни шунчаки кўчадаги фоҳишалар қаторига қўшиб қўя қолганди. «Қани кўрайликчи, бу манжалақи қаергача бораркин?» деб қўйди у овоз чиқариб.

Дилором Мирпўлатнинг одамлари билан учра-шибдики, ҳар бир қадамини ўйлаб, ўзаро келишил-гандек қилиб ташлаётганди. Иложи борича шубҳа туғдирмаслик мақсадида у ўзини бироз лоқайд ва эътиборсиз тутишга уринаётганди. Ўзи ҳақида бо-шқачароқ тасаввур уйғотишга уриниб, бу ишни ҳам эплади, чамаси. Аммо Комилнинг хатти-ҳаракат-лари уни карахт қилиб қўйди. Бу вазиятдан чиқиш-нинг ягона йўли – битта аниқ зарбани ўхшатиб ту-ширишда эди. Шу бўйича бу йигитнинг дами ичи-га тушиб кетди. Худди шериги – ҳайдовчи йигит каби гўнг ва соқов бўлиб олди. Қолган масофани босиб ўтгунча уччовлон деярли гаплашишмади. Лекин учовлари ҳам мижжа қоққанлари йўқ. Чун-ки битта машина салониди учта олам, учта қутб бор. Улар бир-бирлари учун мутлақо тесқари, бир-бир-ларини кўрарга кўзи йўқ, бир-бирларига умуман ишонмаганларидек, ҳатто бир-бирларидан жуда қў-рқшади...

«Хўш, энди, хўжайин деганлари қандай одам

экан? Ишқилиб, уни ишонтира олармикан? Муҳими, тайинланганидек, ортларидан кузатаётганларни собиқ ҳузуригача олиб бориш!» Дилором ўзи кiritилган кенг-мўл хонани кўздан кечираркан, хаёлида шундай фикрлар гужгон ўйнарди. Оёқ остида бежирим гиламлар, биллур идиш-товоқлар... У ўтирадиган жой қидириб, атрофга аланглай бошлади. Атайлаб шундай қилингандай – на биронта стул, на биронта курси йўқ эди, бу хонада. У бунга парво қилмай, тўрига қўйилган қимматбаҳо мебелдаги ноёб идишларни бирма-бир қўлига олиб, кунт билан томоша қила бошлади.

– Қалай, ёқдими, Дилоромхон? – кутилмаганда ортидан келган дўрилдоқ овоздан у чўчиб тушди. Ноёб идишларга кўнгли сушт кетиб, эшик очилганини ҳам пайқамай қолганди у. Хитой лаганини қўлида ушлаганича, овоз келган томонга қараркан, сочларига оқ оралай бошлаган, юзлари буғдойранг, кўзлари сал қисик, аммо мағрур ва адл қоматли қирқ беш – эллик ёшлар чамасидаги эркакни кўрди.

– Дидингиз ёмон эмас, қўлидаги матоҳни авайлаб жойига қўяётиб, аста жилмайиб қўйди. – Асл молларга ўхшайди!

– Бизда қалбакиси бўлмайди, – деди нотаниш эркак ўша кибор қиёфада унга яқинлашиб, жувоннинг кўзларига синчиклаб қараркан. – Агар гапимизга кўниб, бизга ёрдам берсангиз, шундай асл молларнинг кўпини сотиб олишга етадиган пулга ишлаб олишингиз мумкин.

Мирпўлатнинг сирли жилмайишига жавобан, Дилоромнинг ҳам ингичка лабларида ширин табасум жилва қилди. Мирпўлат қаршисидаги жувонга

зимдан разм солар экан, «ҳали жозибаси йўқолмаган, малоҳатли аёл...» деб қўйди. Бироз семиришга мойиллик билдираётганини айтмаса, ҳақиқатдан ҳам Дилоромнинг латофати ҳали-вери анча-мунча эркакни ҳаяжонга солиб қўяр даражада эди.

– Ишқилиб, Эргаш ака тирикмилар? – истеҳзо билан ган бошлади Дилором. – Илгарилари бутун фикру ёди ўша кўк дафтарида бўларди. Дафтари йўқолганини эшитса, ўша куни жони чиқиб кетадигандек тутарди ўзини.

– Унда нималар ёзилганини сиз тушуна оласизми?

Дилором шарақлаб кулди.

– Ақлим етганида ҳозир шу ерда турармидим?! Ўзидан бошқасининг тиши ўтмайди, бунга. Уйимизда ўтказилган тинтувда ўша дафтарни кўришган, аммо жиддий эътибор беришмаганди...

Мирпўлат ичида «Ўл-а галварс, шунга ақлинг етмаган экан-ку!» деб ичида Соҳибни яниб қўйди.

– Ўша дафтарни кўрсам бўладими?

– Ана гиламнинг устида турибди, бемалол кўраверинг...

Дарҳақиқат, Дилором атайин хонага кира солиб, дафтарни гилам устига итқитиб қўйганди. Мирпўлат унинг тузоғига тушди.

Ана, шундоқ унинг кўз ўнгида ўқувчиларнинг оддий ўқув дафтари – кўк дафтар ирғитилган жойида ётарди. Мирпўлат аста энгашиб, дафтарни қўлига олди. Бир-бир саҳифаларини очиб, варақлай бошлади. «Бунинг нимаси ноёб экан, қандайдир қўшув, кўпайтирув, илдиз ости рақамлари, ҳеч бир изоҳсиз...» афтини бужмайтирди у. Мирпўлатнинг

тасавурида кўк дафтар қандайдир бошқача, унинг ўхшаши ва қиёси йўқдек эди. Кутилмаганда унинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Шуми? – неча кундан бери шу арзимас матоҳни деб оромини йўқотганларини эслаб гижинаркан, аламини кимдан олишни билмай асабийлаша бошлади.

– Ҳа, бу ўша – кўк дафтар!

– Ростданми? – унинг кулги ва нафрат аралаш қарашларида ғайритабиий бир ҳолат мужассам эди.

– Ишонмайсизми? Унда профессорнинг ўзидан сўраб, билиб олишингиз мумкин.

Шу туришида аллақачон шаддодлиги унут бўлиб кетган Дилором ўйноқи кулгиси билан рўпарасидаги аламзада эркакка худди рақибини енгган голиб аскардай мағрур боқиб турганди.

* * *

Тонг саҳар оромгоҳга руҳшунос Арсенни олгани машина келди. Кутилмаган бу ташрифдан ҳамма ҳайрон, айниқса бутун борлигини шу ишга тиккан Соҳининг боши қотиб қолди. Шундай долзарб пайтда у хўжайинга нима учун зарур бўлиб қолди? У ўйлаб ўйига етолмасди. Икки бор хўжайин билан боғланишга уриниб кўрди, аммо эпполмади. Аксига олиб у томондан телефонни ҳеч ким кўтармаётди.

Аввалига Арсеннинг ҳам юраги така-пука бўлиб кетди. Чунки у бошида бу – Соҳибнинг режаси бўлса керак деб ўйлаганди, лекин мулоҳаза қилиб кўргач, фикридан қайтди. Барибир, бу ерда бир сир борлиги унга малол келаётганди. Шунинг

учун ноилож «УАЗ»икка чиқиб ўтирди. Соҳибнинг астойдил сўраб-суриштиришига ҳам келган йигитлар жўяли бир жавоб беришмади. Аксинча «Хўжайинга керак, экан» дея гапни қисқа қилиб қўя қолишди.

Кекса туллак ҳали билмасдики, асли Россия фуқароси бўлган Арсенни Мирпўлат катта пул эвазига маълум муддатга ўша ёқдаги танишлари орқали олиб келган, белгиланган муддат тугаган эди. Пинҳона ўлимга ҳукм этилган руҳшунос гард теккизилмай уларга қайтарилиши лозим. Мабодо чархпалак тескаримачасига айланиб кетса, бу талотўпда Арсен ҳам ўлиб кетиши мумкин. Кейин Мирпўлат у томондагиларга катта миқдорда товон пули тўлаши керак бўлади. У яхшиси, ўз юрти қонунлари асосида ўша жойда жавоб берсин.

Арсенни турли хаёллар гирдобида кузатиб қолгач, Соҳиб профессор яшаётган хонага кирди. Назокат эндигина бир пиёла аччиқ чойни қуйиб, унга узатаётган эди. Назокат кутилмаганда довдираб, ўзини ноқулай сеза бошлади.

– Салом – деди у бўш креслолардан бирига ўтирар экан, ҳайронликдан бирдек қотиб қолган эркак ва аёлга бир қараб олиб. – Эргаш Ҳайдарович соғлигингиз яхшими? Мени ҳали яхши билмассиз, балки. Мен сизнинг шу ердаги ҳомийингизман!

Профессор «Айтган одаминг шуми?» дегандек Назокатга маъноли қараб қўйди. Ўзига яраша айёр бўлган Соҳиб ҳам бу қараш замиридаги «сир»ни дарров пайқади. Эргаш Ҳайдарович малоҳатли ҳамроҳи қўлидаги чойни олиб хўпларкан, ўзини диван суячиғига ташлади.

– Ўзи мендан нима истайсиз?

Собиқ зобит ўзини тутиб туролмай, мийиғида кулди.

– Кўп нарса эмас. Бор-йўғи ярим соатлик лекция, изоҳ, холос.

– Бори шуми? Шундан сўнг иккимизни тинч қўясизми? – профессор хавотир аралаш Назокатга қаради. – Алдамассиз, ахир!

– Менга худди ўзингизга ишонгандек ишонингиз мумкин. Бироз кейинроқ бу ерга бир гуруҳ одамлар келади. Сиз билан суҳбатлашишади. Шуни эплай оласизми?

– Аниқ мақсадга ўтаверинг! – бироз дадиллик билан, шу билан бирга совуққон нигоҳларини унга қаратди профессор.

– Бир пайтлар ўзингиз шифрлаб ёзган дафтарингизни меҳмонларга ўқиб берасиз...

Профессор маъноли жилмайди.

– Қани, ўша дафтар?

– Дафтар бизнинг қўлимизда. Ташвиш тортманг! – Соҳиб ҳаммасини қойиллатиб қўйгандек, мағрур ўрнидан турди.

Бу жавобни эшитгач, Эргаш Ҳайдаровичнинг юзлари докадек оқариб кетди, шу туришида унинг яққол асабийлаша бошлагани кўриниб турарди.

– Қандай қилиб у дафтар сизларнинг қўлингизга тушиб қолди? У ахир... – профессор гапининг давомини айтолмади ва ўзи билмаган ҳолда кафтида тутиб турган Назокатнинг қўлларини қаттиқ сиқиб қўйди. Назокат профессорнинг бу имосидан «Ҳаммаси яхши бўлади» деган маънони тушунди.

* * *

Баланд қоялар салтанатидан пастга қараб тушиб келаверсангиз, мўъжаз бир қишлоқ бор. Тоғликлар асосан чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланишади. Уларнинг асосий тирикчилик манбаи ҳам шундан. Пишиқчилик пайтида мева-чевалар шаҳарга олиб тушилади. Ортгани қишга қуритилади. Ўзиям бу ерларнинг ўрик, олма, ёнғоқ, бодомларининг таъми жуда бошқача бўлади. сут-қатиғи, қаймоғу сариёғини емабсиз, бу дунёга келмабсиз! Табиий жиҳатдан тоза, ҳар қандай хавф-хатардан ҳоли бўлган маҳсулотлар. Болалар учун энг иш ва эрмаклар етарли. Улар жуда ёшлигидан қояларга тирмашади, баланд чўққиларни кўзлайди, ёз бўйи эса жилғалар бўйида, мол-қўй ортида андармон бўлишади. Қишлоқ болаларининг энг севимли машғулоти шу: сурувлар подаси ҳам унча-мунча одам юришни эплай олмайдиган ёки юраги кўтармайдиган адрликларда бемалол ўтлайверади, болакайлар эса хас-ҳашаклардан гулханлар ёқиб, картошка пиширишади, белларига тугиб келган нонларини сувда оқизиб, сувоқизоқ қилиб ейишади. Хуллас, бу ерлар жаннатнинг ўзгинаси! Тўғри, шаҳар томонлардан бу ерларга дам олгани келган одамлар ибтидоий шароитларни кўриб қўрқиб кетишади. Чунки тоғда ҳамма нарсани қўл меҳнати орқали топасан, меҳнатсиз кун ўтмайди, бу жойларда. Аммо унда мунда шаҳарга тушиб турадиган тоғликлар ҳам иш битгунча зерикиб қолишади, тоғу тошларини соғиниб қолишади...

Ўша куни ёзги таътилда бўлган болакайлар по-

дани кенг яйловга ҳайдаб, сой бўйида турли кўнги-
лочар ўйинлари билан машғул эди. Бир пайтда бо-
лакайлардан бири бақариб юборди:

– Ие, болалар! Сойда битта хотин оқиб келяп-
ти!

– Қани, қани! Ие, ўлдириб қўйишибди!

Бир зумда атрофни болаларнинг чуғур-чуғури
босиб кетди. Бу ҳолатдан бироз саросимага тушиб
қолган болалар югуриб бориб, Малик боғбонни бо-
шини қотира бошлашди. Боғ оралаб, ҳосил чўғини
чамалаб юрган кекса боғбон ўзига югуриб келаёт-
ган чувурвақаларга қараб, ҳайрон туриб қолди.

– Малик бобо, сувда бир хотиннинг ўлиги оқиб
келди!

– Уни ҳеч ким танимади. Ҳаммаёғи қонга бела-
ниб, шишиб кетибди!

– Юринг, тезроқ сувдан тортиб олайлик!

Бу атрофда ўзининг қирмизак олмалари билан
машҳур бўлган боғбон бир муддат жим бўлиб, ха-
ёлга толди. Чунки у авваллари ҳам шунга ўхшаш
ҳолатларга гувоҳ бўлган, холис хизмат учун ўз бо-
шига ортиқча дахмаза, бош оғриқларни ҳам сотиб
олган. Шунини ўйларкан, у ҳозир икки йўл ўртасида
азоб чекарди. Бориб ўликни сувдан тортиб олай деса,
яна югур-югур ва савол-жавоблар бошланади. «Уни
илгари кўрганмидингиз? Аввалдан таниш бўлган-
мисизлар? Ўрталарингда келишмовчилик йўқми-
ди?» дегандек. Ҳозир индамай тураверса, болалар-
нинг олдида уятли бўлиши, қолаверса, бир мусул-
моннинг уволига қолиши аниқ.

У болаларни эргаштириб, сой томонга югурди.
Ёши ўтиб қолаётган бўлса ҳам тоғ одамларига хос

чаққонлик ва абжирлик билан чопаётган боғбон болаларни ортда қолдириб, сой ёқалаб югура бошлади. Ва ниҳоят тошдан-тошга урилиб, мамоталоғи чиқиб кетган аёл кишининг жасади тўлғона-тўлғона оқиб борарди... Жасадни сувдан тортиб олиш мақсадида Малик боғбон олдинга чопиб ўтиб, бирон қулайроқ жойда уни сувдан тортиб олишни ният қилди. Шу мақсадда тезлигини ошириб, нафаси бўғзига тиқилгудек бўлиб, олдинга интилди. Қулоғига болаларнинг ҳам элас-элас овозлари эшитилар, лекин ортига қайрилгиси келмай, ҳақкиллаб борарди. Жасаддан анча илгарилаб кетганига ишонч ҳосил қилгач, сой торайиб, сув оқими сал ўзгарган жойга тушиб, ўликни кута бошлади. Нигоҳлари билан сой юзасига термулди: сойдан бир кўтарилиб, бир шўнғиб, мурда оқиб келмоқда... Бирдан боғбоннинг юрагига ваҳима тушди... Бу ўликнинг ортида қандай кўргилик ва мусибатлар бор экан? Бу бирон-бир жиной гуруҳнинг иши бўлса-чи? Билиб-билмай арининг уясига чўп суқиб қўймасин, тагин! У турли саволлар гирдобида қолди. Аммо узоқ ўйлашга вақт йўқ. Ҳозир уни ушлаб олмаса, яна шундай қулай жой қидириб роса югуриши керак. «Нима бўлса пешонадан, ё пирим!» деганича боғбон сувга энгашди. Бутун вужуди муздек сув ҳароратини ҳис этиб, иссиқдан терлаб кетган боғбоннинг танаси жимирлаб кетди. Пайт пойлаб, аёлнинг сувда ивиб, тўзғиб кетган сочларига чанг солди... Димоғини ўликнинг ёқимсиз ҳиди ачиштириб юборди, кўнгли ағдарилиб, ўзини лохас ҳис қила бошлади... Унинг тепасида болакайлар уввос солиб қичқиришар, шу тариқа боғбон чолга далда беришарди. Ниҳоят, бор

кучини билакларига жамлаган Малик боғбон «Ё пирим!» дея ўликни даст кўтарди! Нафас олиши оғирлашиб, афтини бужмайтирганича аёлнинг жасадини сойнинг қирғоғида офтобдан сарғайиб кетган майда ҳарсанг тошлар устига ташлади... Ўзи шошилиб тепага чиқаркан, ҳарсиллаб-ҳарсиллаб нафас олганича болаларнинг ёнбошига чўккалади.

– Боғбон бобонинг кучи кўп экан!

– Маладес, Малик бобо!

Болаларнинг бири қўйиб бири гапга қўшилар, тинмай жаврашарди. Боши айланиб кетган боғбон болаларга юзланди.

– Иккита катталаринг, қишлоққа югуринглар! Раим оқсоқол участкавойга сим қоқиб, барча гапни унга етказсин! Қани, ким боради? Тез бўлинглар, биз шу жойда кутиб турамиз!

Мен! Мен бораман! Менам бораман! – деганича уч-тўрт нафар болалар қишлоқ томонга югуришди!

Бу жасад тонгда Одил томонидан сойга ташланган қўшмачи Мастура эди...

* * *

... Отабек Мўсаев Мирпўлат бошчилигида хитойлик жаноб Дунг тоғдаги оромгоҳга йўл олиб улгурганини ўз раҳбариятига етказиб бўлганди. Гарчанд уюшган жиний гуруҳни қўлга олиш учун барча нарса шай бўлса-да, халқаро миқёсда тушунмовчилик юзага келмаслигини олдини олиш мақсадида улар бироз шошилмаётган эдилар. Аммо Мирпўлатни қўлга олиш учун барча далиллар етарли, шу

пайтгача у жуда кўплаб иқтисодий жиноятларга бош бўлгани аниқ. Унинг атрофида тўпланган йигитлар ҳам ўта шубҳали. Лекин имкон қадар ўзини четда тутишга уринса-да, катта ҳудудда тез-тез содир бўлаётган кўплаб қора ишлар унинг йигитлари томонидан амалга оширилмоқда.

Агар бугунги тингув чоғида профессор Эргаш Ҳайдарович ва унинг собиқ ҳамкасби Назокат ҳам оромгоҳдан топилса борми, бу рад этиб бўлмас далил бўлиши муқаррар! Тоғ томондан келаётган ҳар бир муждага жиддий эътибор қаратишга шай турган гуруҳ аъзоларини сойдан аёл кишининг жасади топилгани ҳақидаги хабар бироз саросимага солиб қўйди... Вазиятга аниқлик киритиш учун Отабек Мўсаев зудлик билан ўша томонга йўл олди.

У воқеа жойига етиб борганида тоғ қишлоғи пастидаги сой бўйида одам гавжум, ҳаммаёғи қонгаш бўлиб, шишиб кетган аёл жасади ётарди... Ички ишлар ва прокуратура ходимлари аллақачон бу ерга етиб келган, эксперт-криминалист мурдани синчиклаб кўздан кечираётган эди. Чуғир-чуғир қилаётган болалар ҳам бир муддат жим бўлиб, «Бу яна ким бўлди экан?» дегандек фуқаро кийимидаги Отабекка қараб қолишди.

– Миллий хавфсизлик хизматидан подполковник Отабек Мўсаевман, – деди у чўнтагидан гувоҳномасини чиқариб, расмий вакилларга юзланаркан. – Мен ҳам вазият билан танишмоқчиман. Ҳозирча мурданинг шахси аниқлангани йўқми?

Фуқаро кийимидаги баъзи расмийлар унга эри-нибгина қўл узатишар экан, улардан бири «Йўқ, ҳали ҳеч нарса аниқ эмас», деди совуққина қилиб.

– Бу аёлни қишлоқдагилар танишмадими? –
Отабек участка инспекторига юзланди.

– Жувон бу ерлик эмас. Чунки мен қишлоқ аҳлини жуда яхши биламан,– деди капитан мурдага яна бир бор синчиклаб назар ташлаб. – Мутлақо бегона аёл. Балки юқоридаги оромгоҳлардан бирига келиб, шундай ҳолга тушгандир. Тағин ким билади, аввал шаҳарда ўлдириб, сўнг тоққа олиб келиб, сувга ташлаганларини ҳам кўрганмиз...

Отабек Мўсаев капитаннинг гапларини астойдил тинглаётиб, аёлнинг шишиб кетган юзларига узоқ тикилиб қолди. Назокатнинг суратини кўрган. Унга умуман ўхшамайди. Бу бегона аёл.

– Зудлик билан мазкур ҳолат юзасидан жиноий иш очилиши зарур. Тоғдаги оромгоҳлар қатъий тартибда назоратдан ўтказилади. Қотилни топиш учун барчамизнинг зиммамизда жиддий вазифа турибди,– боядан бери вазиятни сарҳисоб қилаётган ходимлардан бири суҳбатга қўшилди.

Янгилик бўлса, хабарлашиб олишга келишгач, Отабек Мўсаев вилоят прокурори, генерал-майор Набижон Юнусовнинг ҳузурига йўл олди. Унинг қабулхонасида бироз муддат кутиб қолгач, подполковник ҳозирги воқеаларни ўзича таҳлил қиларкан, шинам ва ёруғ қабулхонада у ёқдан – бу ёққа юра бошлади. Ниҳоят, котиба қиз унга ичкарига кириш учун рухсат берди. У узун хона бўйлаб, тўрига юраркан, ўша салобат ва виқор билан прокурор ўрнидан оғир қўзғолди.

– Тоғдаги оромгоҳлар этагидан оқиб ўтувчи сойдан аёл кишининг жасади топилди. Ҳозир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари

ўша ерда. Дастлабки суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

– Бу энди яна нимаси бўлди? – прокурор бошини чайқаганича, подполковникка қўлини узатди. – Зудлик билан мурданинг шахсини аниқлаш керак бўлади. Балки, бўлғуси операция учун бу қўл келиб қолар, эҳтимол.

– Балки, бугунча жиноий қидирув ишларини тўхтатиб турганимиз маъқулмикан? Хабарингиз бор, эрталаб Мирпўлат ажнабий ҳамкори шериклигида тоғдаги оромгоҳга йўл олган. Улар ушбу воқеани эшитмай туришгани яхши бўлади. Кейин баъзи ҳамкасбларимизда халқаро миқёсда жанжал чиқиши мумкинлиги борасида ҳам хавотир йўқ эмас. Чунки хитойлик жаноб Дунгни малакатимиздаги Хитой элчихонаси расмий доира вакилларига қандайдир алоқаси бор, чоғи. Шуларни инобатга олган ҳолда ҳозирча тоғдаги оромгоҳга махсус гуруҳ жўнатилгани йўқ. Буёғига ўзингиз туриб бермасангиз бўлмайди. Агар бироз кеч қолсак, ҳаммаси барбод бўлиши мумкин. Сабаби бу уюшган жиноий гуруҳ ўта маккор, бизнинг ҳар бир хатомиздан усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилишади.

Кейинги кунларда ушбу воқеанинг қандай яқунланиши билан қизиқиб, барча гапдан батафсил хабардор бўлиб турган генерал-майор Набижон Юнусов подполковникнинг гапларини дарҳол тушунди. Юқори раҳбариятнинг олдидан бир ўтиб қўйиш мақсадида гапни калта қилиб, иложини топиб, ўша оромгоҳга прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ва бу хизматнинг махсус

ҳарбий тайёргарликка эга бўлган жанговар гуруҳи биргаликда чиқиб бориши зарурлигини тайинлади.

– Мен раҳбарият билан келишаман. Сиз у томонидан хавотир олманг. Аммо режалаштирилган ишларимиз кўнгилдагидек амалга оширилиши керак. Акс ҳолда уларнинг олдида уялиб қоламиз, – вилоят прокурори подполковникни ташқарига кузатиб чиқаркан, салмоқдор қилиб ўз фикрларини унга тушунтириб борарди. Сабаби бундай ишларда масъулиятсизлик ёки шошма-шошарликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Отабек Мўсаев керакли йўл-йўриқларни олгач, тезликда бу ердан кетишга чоғланди. Сабаби тоққа кетганлар ортидан зудлик билан етиб бориш зарур. Мана бу аёл ҳам ўша ердаги хунрезликлар сабаб ўлдирилган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Бугун балки иш ўнгидан келиб, ушбу қотилликларнинг тагига етиш мумкин. Демак, энди ишни асло пайсалга солиб бўлмайди. Чунки подполковникда ички бир туйғу ҳамма сирнинг калити тоғдаги оромгоҳда эканлигидан дарак бермоқда эди.

* * *

Бу вақтда оромгоҳдаги ташвишлар андак бошқачароқ йўсинда давом этаётган эди. Айни дамда Ҳалим билан Одилнинг йўқлигини билдирмасликка уриниб, бир ўзи ҳаммасига уннаётган бўлса-да, Соҳибнинг ичидан ишқиринди ўтаётганиди. Аслида ҳозир айтарли иш ҳам йўқ. Бор-йўғи катта меҳмонхонани катта тезликда учрашувга қайта жиҳозлаб қўйишди, холос. Кейин Соҳиб ичкаридан ташардан бир хабар олиш мақсадида тепага кўтарилди.

Боиси ҳаммадан ҳам кўра, анови профессорни огоҳлантириб қўйиш керак. Меҳмонларнинг олдида жиннилиги тутиб қолмасин, тагин.

Аста тепага кўтарилиб бораркан, Соҳиб кутилмаганда ортига ўгирилди. Сабаби меҳмонхона худди сув қуйгандек жим-жит, профессор айнаи дамда ўз хаёллари билан паришон ҳолда ўтирибди.

Ташқарида тоғ ҳавоси муздек, оромбахш. Қўл узатса етгудек чўққилардан қорнинг оромбахш шабадаси эсмоқда. Соҳиб Назаров негадир пастга томон юрди. Ҳув пастда, чуқур дара тубида шовуллаб сой оқиб ётибди. Илон изи бўлиб чўзилиб кетган сўқмоқ бўйлаб кетаверсангиз, ўша томонга борса бўлади. сой ёқалаб бораверилса, бора-бора икки томонида қалин арчазор ястаниб ётган ҳудуддан чиқилади. Асли оромгоҳ атрофида ҳам арчалар кўп. Аммо булар ёввойи арчазор олдидаги жозиба олдида ҳеч нарса эмас.

Ҳозир оёқ остида яшил, барра майсалар худди кўрпадек тўшалган. Уларнинг устидан роҳат билан ўтиб бораркан, Соҳиб кутилмаганда сўқмоқ йўлнинг бошланиши устидан чиқиб қолди. Бирдан кўнглида пайдо бўла бошлаган илиқлик йўқолиб, яна Одил билан Ҳалимни эслади. Асаби бузилиб, ерга туфлади. Қизиқ, икковлон шу пайтгача нима қилиб юрибди? Ишқилиб, қочиб қолишмадимикан? Одилни-ку билмади, лекин Ҳалимга ишониниш мумкин. У бундай тифиз пайтда унга панд бермайди. Бир пайтлар уни ўзи қамаган, сўнг яна ўзи топиб, Мирпўлатга рўпара қилганди. Шундай қилиб Ҳалим уларнинг хизматига келиб қолди ва садоқат билан ишлаб келмоқда. Ўшандан буён Соҳибнинг сояси-

дек, ортидан эргашиб юради. Бугунги тифиз вақтда эса йўқ. Сувга отилган тошдек – йўқолди-қолди...

Кутилмаганда узун-қисқа бўлиб шотирлари худди пастдан чиқиб келаётгандек, бир муддат узоқ-узоқларга тикилиб қолди. «Уларга бир гап бўлган! Келганда шу пайтгача келишлари керак эди. Наҳотки, битта фоҳишани гумдон қилиш шунчалик қийин бўлса? Ёки иккаласининг ҳам «эркак»лиги ёдига тушиб...», дея ўйларди у. Кейин қатъий фикрга келди: Йўқ. Тамом! Келганда шу пайтгача келишган бўларди!

Шундай мубҳам хаёллар оғушида у тепага кўтарилиб келаётганда, меҳмонхонада профессор Назокат билан чақ-чақлашиб, чойхўрлик қилишаётганди. Остонада Соҳибни кўриши билан профессор дарров қовоғини солиб олди. «Хўш, нима гапинг бор?» дегандек унга ўқрайиб қарарди.

Ўз ҳаракатини, ҳатто юз тузилишигача бир зумда артистлардек ўзгартира оладиган Соҳиб юзига соҳта табассум чиқарди.

– Ёқимли иштаҳа, сизларга! Ёдингларда бўлсин, яна икки соатлардан сўнг меҳмонлар етиб келишадди. Шунга тайёр бўлишимиз керак. Дафтар уларнинг қўлида. Ҳаммасини хитойлик меҳмонга яхшилаб тушунтириб берсангиз, сизларга жавоб берамиз. Хоҳлаган томонларингга кетаверишларинг мумкин!

Гапини тугатган ҳамоно бу янгилик уларга қанчалик таъсир қилишини билиш мақсадида Соҳиб икковига тикилиб қолди. Назокатда деярли ўзгариш сезилмади. «Бу манжалақи, ўз тақдирини ва келажagini тасаввур этаяпти, чоғи. У бу ерлардан омон

чиқишига ишонмайди... Ахир, бу ерлар ажал қоялари, ўлим дараси-ку!» Соҳиб ўзига-ўзи шивирлади.

Профессор эса худди ёш боладек катта-катта кўзларини пирпиратиб, «Шу гапингиз ростми?» дегандек унга илтижоли нигоҳларини тикиб турарди. «Профессор одам ҳам шунчалик аҳмоқ, меров бўладими? Ана шу аёлнинг ақли етиб турган нарсага, у гўрсўхта ҳали тушунгани йўқ. Иш битгач, бу ердан сенларни арвоҳингни ҳам топиша олишмайди...» – дея хаёлидан ўтказиб, уларга голибона тикилди Соҳиб.

Унинг кўнглидагини ўқигандек, Назокат унга қочирим оҳангида савол ташлади.

– Нозик меҳмонингиз ким ўзи?

Ўзига яраша туллак Соҳиб яна артистлигини ишга солди. Жўртага кулди ва ёлғон гапирди:

– У кишининг кимлигини ўзим ҳам билмайман. Келса, биргалашиб кўрармиз. Фақат сиз у кишининг барча саволларига аниқ ва ишонарли тарзда жавоб беришингиз лозим. Шу орқалигина ниятингизга етиша оласиз. Шу билан иш битади. Йўқса...

Соҳиб уёғини айтмади. Фақат нима демоқчилиги тушунарли бўлиши учун маъноли йўталиб қўйди, холос. Профессор «Хўп» дегандек бош қимирлатиб қўйди.

Айни пайтда Соҳибнинг бу ерда кўп ўтиришидан маъни йўқ эди. У ўрнидан турди-да, ташқарига йўналди. У ташқарига чиқди дегунча, яна юраги сиқилиб қолди. Чунки ҳув наридаги тош йўли ҳамон кимсасиз... Ошхонадаги чаққон йигит ўз юмушлари билан овора. Бошқа ҳеч нарсанинг унга қизиғи йўқ.

– Эй-й! – бақирди Соҳиб ошхонага қараб.–
Нима қиялпсан?!

Ҳалиги йигит ошхона дарчасидан бош чиқарди.

– Овқат қиялпман.

– Шу маҳалда овқатга бало борми? Йиғиштир!

Ошпаз йигит каловланиб қолди.

– Анов икковига эди... – йигит қўлини юқорига – меҳмонхонага бигиз қилиб кўрсатди.

Соҳиб бери кел дегандек, қўли билан ўзига имлади. Йигит яна ўша чаққонлиги билан унинг хузурида пайдо бўлди.

– Яқин ўртада Одил билан Ҳалимга кўзинг тушмадими?

– Охирги марта кеча кечқурун, ўзингиз билан бирга кўргандим. Шундан кейин уларни бошқа кўрмадим. Юришгандир бирон арчани тагида маишатини қилиб...

Соҳиб унга нафрат билан қаради. Бехосдан унга кўзи тушган ошпаз йигитнинг нафаси ичига тушиб кетди. Гуноҳ иш қилиб қўйган ёш боладай мунғайиб қолди.

– Овқатни тўхтатиб тур. Хўжайин меҳмон олиб келяпти, уларни кутиб олиш лозим. Яна ким бор?

– Иккита шеригим ичкарида дам олишяпти.

– Тезда чақир уларни.

Йигит «хўп бўлади» деб ичкарига чопқиллади.

Унинг ортидан нигоҳларини бир илон изи сўқмоққа, бир тош йўлига қараганича тек туриб қолган Соҳибнинг хаёллари бутунлай айқаш-уйқаш эди. Аммо ҳозир унинг ичини кемираётган бузғунчи хаёлларни ўзидан бошқа ҳеч ким тушунмасди, ҳис қила олмасди.

* * *

Мирпўлат русчани тупша-тузук гапира оладиган жаноб Дунг билан машинада юқорига одимлаб борар экан, гоҳо шундоққина машина ойнаси рўпарасидаги қизғиш тик қояларга безовта кўз ташлаб бораётганди. Чунки айна дақиқаларда унинг кўнглига чироқ ёқса ёришмайди. Кейинги кунларда қандай қилиб шу ишга розилик бергани учун ўзини-ўзи кечира олмаётган бўлса, бошқа томондан тулпак Соҳиб уни бошлаб лаққилатаётган, ўз ногорасига ўйнатаётгандек эди. Бу ҳақда ўйлагани сари кечалари ҳам уйқуси қочар, алаф-жалаф тушлар кўриб, баттар хуноби ортарди.

Аксига олиб йўл тош-шағалли, машина секин, худди тепаликка ўрмалаётгандек одимлаётгани янада унинг газабини ошираётганди. Ўнг томонда тик жарлик. У томонга истар-истамас қараб юбориб, Мирпўлатнинг юракига қўрқув оралайди. Кўз қири билан меҳмонни кузатади. Меҳмон ҳам сал ажабсиниб, ҳам қўрқув аралаш ўша жарликка қараб-қараб қўймоқда. Устига-устак йўл ниҳоятда тор. Мабодо қарама-қарши томондан биронта автомашина келиб қолса, сифмаслиги аниқ. Ана унда томошани кўраверинг! Лекин бу йўлларда машина дуч келиш ҳақида ўйлаш унчалик ҳам мантиққа тўғри келмайди. Чунки бу гўшадаги санокли дала ҳовлиларга дам олишга келадиган одамнинг ўзи йўқ. Унда-мунда чиқиб қолишмаса, дала ҳовлилар йил ўн икки ой ўз эгаларини кутиб ҳувиллаб ётади. Анча йўл босилганидан кейин битта оромгоҳда озгина нафас ростлаб олиш учун бирин-кетин келаётган

уччала машина ҳам офир силкиниш билан тормоз босди. Ана энди орқадан бўш келаётган машина олдинга ўтиб, йўловчилар шу машинага ўтишди.

– Йўл жуда чатоқ,– ўзича хитойлик меҳмонга тушунтирган бўлди Мирпўлат. – Шу боис заҳира машина олиб юришга тўғри келади. Бу йўлда ҳар нарсани кутиш мумкин, ахир. Шуни инобатга олган ҳолда машинани алмаштирдик. Хавфсизлик нуқтаи назаридан шуниси яхши.

Ҳеч нарсага тушунмай, атрофга аланглаётган меҳмон елка қисди. Асли унинг кўнглида ҳам йўл-йўлакай турли шубҳа-гумонлар пайдо бўлаётганди.

– Жуда узоқ эканми? – у кўнглидаги чигалликларни бироз ёзиш мақсадида Мирпўлатга юзланди.

– Ҳеч йўлимиз унмаётганга ўхшайди.

Мирпўлат ўзи истамаган ҳолда кулишга ҳаракат қилди.

– Оз қолди,– деди у қўли билан баланд қояларга имлаб.– Ҳув, кўриниб турган қорли чўққи таги-га етиб олсак, кифоя. Ўша ерда дала ҳовлимиз бор. Бир мазза қилиб чарчоқларни ёзамиз.

Бу гапни эшитган меҳмон олдинга энгашиб, анча узоқдаги қорли чўқиларга қараб қолди. Унинг ранги анча оқаринқирагандек бўлди. Унинг қисик кўзлари хавотирдан кўкариб кетгандек туюлди. Унинг назарида манзил жуда олисдай эди. Сабаби бу қорли чўққилар жуда яқинда тургандек бўлади. Бир ҳамла билан етиб олишни кўзлайсан. Лекин энди етдим деганда, у яна сендан узоқлашиб кетади. Бу гўё қувлашмачоқ ўйинидек гап. Сен қувасан, у қочади...

Мирпўлат унинг ҳозирги аҳволини ўзича ҳис

қиларкан, унга билингирмай, мийиғида кулиб қўйди. Орадан бироз ўтиб, меҳмонни чалғитиш мақсадида унга юзланди:

– Дафтар ҳақидаги фикрингиз қандай? – у меҳмоннинг юзидаги ўзгаришларга яна бир синчиклаб разм солмоқчидай, унга астойдил тикилиб қолди.

– Бу дафтар мени жуда қизиқтириб қўйди, – деди у қаншаридаги кўзойнагини тўғрилаб оларкан, – лекин баъзи жиҳатлари тушунарсиз экан. Афтидан, шифрланганга ўхшайди. Ўша олимни жуда кўргим келяпти. Баъзи бир нарсаларни сўраб, билиб олсам ёмон бўлмасди. Ўйлаб топган кашфиётига қараганда, ақли расо одам бўлса керак!

Мирпўлат баралла кулиб юборишдан ўзини зўрға тийди. Сабаби унинг назарида ўша профессор деганлари жиннихонада яшаб келган оддий бир тентак эди. Шунинг учун ҳам бошида Соҳибнинг таклифи борасида бир қарорга келиши осон бўлмади. Ҳарқалай, катта пул ақлини ўғирлади шекилли, ўйлаб-ўйлаб ана шу қалтис ишга розилик билдирди. Аммо кўнглини бир четида қандайдир кўрқув, ҳадикка ўхшаш бир туйғу яширин. Лекин уни нима деб аташ кераклигини у билмайди. Тўғрироғи, билишни истамайди. Чунки шу ишгача у ўзини жуда ҳисоблар, ҳеч қачон енгилмайман деб ўйларди. Бироқ, кейинги кунларда доимо ғолиб бўлиш осон иш эмаслигига тушуниб етаётгандек эди. Сабаби шу ишнинг орқасида сирли бир нарса бордек унинг назарида... Кимдир пайт пойлаб, уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини кузатаётгандек... Ҳар дақиқада кимдир йўлларини тўсиб чиқиб, ҳаммасини барбод қиладигандек...

Шуларни ўйлаб, дастлаб ўзи бу ёққа келмай, ҳаммасини туллак Соҳибга топширишни ҳам ўйлади. Аммо унга ишониб бўладими?! Шундай катта пулни қўлга киритгач, жуфтакни ростлаб қолмаслигига ким кафолат беради? Шуларни кўз олдига келтириб ҳам бу сафарга ўзи бош бўлишга, шахсан ўзи барча ишни охирига етказишга қарор қилди. Мана энди хитойлик жанобнинг қош-қовоғига қараб, йўл азоби эмас, гўр азобини бошидан ўтказмоқда.

– Бизда айнан шу соҳада тибетлик машҳур табиблар ҳамкорлигида кўплаб тадқиқотлар олиб берилмоқда,– дея сўзида давом этди меҳмон. – Аммо шу пайтгача масаланинг энг муҳим жиҳати – ечим борасида керакли нуқта топилгани йўқ. Агар профессорнинг кашфиёти бизга шундай имкон берса, бу оламшумул янгилик бўларди.

Бирдан Мирпўлатнинг ранги ўзгарди. Унинг назарида шундай катта кашфиётни бу қаллоб жуда арзон баҳога олиб кетаётганиди. «Бўлса-бўлмаса, бу ўз юртига бориб, ушбу кашфиётни жуда катта пулга сотса, ажаб эмас. Нима бўлганда ҳам қаддини урсин, лекин бизни бошлаб лаққиллатиб кетаётган экан-да!» ўйларди у. Демак, пулни келишиш борасида шошилишибди. Сал таранг қилишганида, балки бу суммани икки баробар оширишга ҳам тайёр эди у. Ҳаммасига яна ўша туллак Соҳиб сабабчи бўлган.

Ҳозир ўзини бироз чалғитмаса бўлмаслигини тушунган Мирпўлат меҳмонга савол ташлади.

– Сизларда сирли эликсир устида қанча одам ишлайди?

– Битта олим шундай катга ишни амалга оширгани улкан воқеа,– гапни эшитмаганга олди у. – Бунинг учун неча йиллик умрини сарфлаган экан, ҳозирча буниси ҳам жумбоқ.

Меҳмоннинг назарида яхши таассурот қолдириш, қолаверса, илм-фанга ҳам бегона эмаслигини кўрсатиш илинжида Мирпўлат мулоқотни давом эттиришга ҳаркат қилаётганди.

– Ҳақиқатдан ҳам бизнинг олим топган формула асосида дори яратилса, одамни ёшартириш мумкинми?

Жаноб Дунг «Шу ҳам саволми?» дегандек Мирпўлатга гинахонлик қилгандай, астойдил тикилиб қолди.

– Бу олим инсон организмидаги ўлмас хужайрани кашф этиб, турли гиёҳлар, кимёвий дорилар бирикмаси воситасида ана шу хужайрани кўпайтириш, шу йўл билан организмни ёшартириш формуласини илмий жиҳатдан асослаб бера олган, деб ўйлайман. Дафтаридаги ёзувлар шундан далолат бериб турибди. Айнан бизнинг Тибетда ҳам шунга ўхшаш кашфиётлар бор. Лекин бу даражада мукамал, қулай ва оддий эмас. Уларни оддий турмуш шароитида қўллаш ва фойдаланиш жуда қийин. Профессорнинг илмий кашфиёти эса жуда оддий ва содда – қойил қолиш керак!

Бу гапни эшитиб, худди улкан дунёвий ишга бош-қош бўлаётгандек, мағрур жилмайган ҳолда Мирпўлат ҳамроҳига қаради.

– Ҳазил гап эмас экан-да!

– Ҳазил эмас, албатта. Бундай тажрибалар бизда кўп йиллардан буён амалга ошириб келинмоқ-

да. Лекин самараси биз кутганчалик эмас. Бўлмаса, Тибет табобати дунёга машҳур. Қаранг, битта профессор бизда ўнлаб олимлар амалга ошира олмаётган ишни амалга оширганга ўхшайди.

– Хўш-хўш? – Мирпўлат энди тамомаб хитойлик меҳмоннинг таъсирига тушиб қолган, унинг ҳар бир гапи унга мўмиёдек ёқаётганди.

– Гапнинг қисқаси шуки,– у ўз фикрини тушунтириш учун тушунарли биронта восита излаётганди,– мана масалан, оддий тишларимиз. Ҳамманики ҳам қариганда емирилади, тушиб кетади. Мабо-до ўша олимингиз топган гиёҳлар ва кимёвий бирикма қўлланилиб, ўша ўлмас хужайра организмга киритилса, қарабсизки, қариганингизда ҳам сизда янгидан тишлар ўсиб чиқаверади. Организмдаги бошқа аъзолар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Мисол учун, юрак касал бўлса, муолажадан сўнг юрак янада ёшариб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб юраверасиз. Жигар, ўпка, ҳатто мия раки ҳақида ҳам шундай гапни айтиш мумкин. Бу биринчидан, оғриқсиз амалга оширилади, иккинчидан, ҳеч қандай жарроҳ аралашувининг кераги йўқ...

Меҳмоннинг икки карра икки тўрт дегандек, содда ва равон усулда тушунтириб бераётгани Мирпўлатнинг оғзини ланг очиб қўйган эди.

– Бу гапларнинг ҳаммаси ростми?

Гапнинг очиғи, Мирпўлат бу ишга розилик беришдан олдин фақат пул ҳақида ўйлаган холос. Унинг бу каби оламшумул кашфиёт эканлиги ҳатто етти ухлаб, тушига ҳам кирмаганди. Ҳозир бутун вужуди билан унга қулоқ солиб бораркан, унинг фикрлари мутлақо бошқа томонга ўзгариб кетаётганди.

– Агар рост бўлмаса, мен Хитойдек юртдан бу жойга атайлаб келармидим. Бироз хабаримиз бор, бир пайтлар бу ихтиронинг баъзи узун-қулоқ гаплари бизгача етиб борганди. Лекин шунча сўраб-суриштиришларимиз бесамар кетди...

Шубҳасиз, Мирпўлат бирдан қандай улкан, шу билан бирга оламшумул воқеага аралашиб қолганини яна бир бор ҳис этди. У ўзгача иштиёқ билан тик қояларга қараркан, кутилмаганда юрагида қўрқув кўтарилади – бирдан тоғ қоялари ағдарилиб, уни босиб, мажақлаб ташлайдигандек туюлади. Пешонасидан билинар-билинемас терлар чиқиб кетади...

Хўш, профессорни руҳий касаллар шифохонасидан ўғирлаш пайтида ҳам санитар йигит, ҳам қоровул чол ўлдирилди. Бу камми? Керакли идоралар аллақачон олимнинг асли ким эканлигини, нима ишлар қилиб юрганини билмайди, дейсизми?! Балки, шу кунгача воқеанинг ривожини кутиб, Мирпўлатни нишонга олиб туришган бўлса-чи? Ўзини оқлаши учун бирон бир баҳонаси борми? Ҳадемай, унинг учун сичқоннинг ини минг танга бўлиб қолмасмикан? Шунча йиллик мол-дунёси, обрў-эътибори бир зумда йўқлик қаърига сингиб кетса, унинг ўзи ўша профессорнинг аҳволига тушмайди-ми? Ахир, шунча мол-дунёни йиғиш учун бутун умри ва фароғатини бахш этиб келмоқда-ку!

Бўғзига бир нарса тиқилиб келаётган Мирпўлат «Ҳой, тўхта! Машинани ортга бур!» деб бақариб юборишига бир баҳя қолди. Аранг ўзини босиб қолди. Назарида, бўй етмас бу пурвиқор тоғлар уларнинг ортидан тинимсиз чопиб келаётгандек эди. Етиб ке-

либ, уларнинг устига таппа ағдарилиб тушадиган-дек бўлаётганди. Шундай босиб тушадики, улардан на ном, на нишон қолади! Баайни гард бўлиб, мусаффо ҳаво бағрига совурилиб кетадилар...

Кутилмаганда хаёлини асир қилиб олган ваҳимали ўйлар ҳозир ўнлаб қўллари билан унинг томоғидан бўға бошлаганди. Бутун вужуди жимирлаб кетди. Қулоқлари шангиллай бошлади. Шу кетишида тўппа-тўғри жаҳаннамга кетаётганга ўхшайверди. Оёғи тортмай қўйди, олдинга – оромгоҳга!

Бу пайтда Соҳибнинг ташвишиши ҳам хўжайиникидан кам эмасди. У йигитларни атрофни кузатишга жўнатар экан, ўзи нимадандир қаттиқ безовталигини ҳис этаётганди.

– Атрофни яхшилаб кузатинглар. Бирон шубҳали нарса ёки бегона одам учраса дарров билишим керак,– деди у йигитларга.

Аммо у ҳозир мабодо бирон гап бўладиган бўлса, хўжайини тугул ўзини-ўзи ҳимоя қила оладиган аҳволда эмасди. Бунга чин дилдан иқрор бўларкан, янада бўшашиб қолди. Гўё уни ичидагини сезгандек, йигитларни ўзига қараб туриб қолишганини кўрган Соҳиб хушёр тортди.

– Ён-атрофда одатдагидан бошқача биронта воқеа-ҳодиса рўй бермаганига эътибор қаратинглар,– у бир пайтлар қандай идорада ишлагани яна бир бор уларга эслатиб қўйиш мақсадида, ўзича уларнинг ақли етмайдиган нарсалар ҳақида гапирётганди. – Хуллас, хушёр турунлар. Биронта ножоиз хатти-ҳаракатни пайқаб қолсангиз, зудлик билан менга хабар берасизлар.

Аста-секин Мирпўлатдаги ғалати ўзгаришларни

сезиб бораётган, хитойлик меҳмон ҳам безовталана бошлади. Чунки у бошида раҳбар сифатида тан олган ва ҳар нарсага қодирдек кўринган одам энди рўпасида оёғи куйган товукдек питирчилаётганди...

Келишув аввалида ҳаммаси осонликча битиши ва қонуний асосда бўлишига уни ишонтира олган «босс»нинг ҳозирги аҳволи жаноб Дунгни ўйлантириб қўяётганди.

– Нима гап, тинчликми? – сўради меҳмон Мирпўлатнинг афт-ангорига синчиклаб назар ташларкан.

– Ҳеч нарса! – дея жавоб берди тобора тумшайиб бораётган «босс» ва вазиятдан чиқиш учун ҳайдовчига ўшқириб берди: Тезроқ юр! Машинанг тошбақага ўхшаб мунча имиллайди.

Бунга жавобан машина бирданига тезлигини оширди. Тош-шағалли йўлда авайлаб олиб келинаётган йўловчилар кутилмаганда йўлнинг нобоп, носозлигини дарҳол англаб етишди.

Меҳмон ҳам лом-лим дейолмай қолди. Устига-устак унинг ҳам кўрқуви ошиб борарди. У ҳозир ҳаёлини бир жойга жамлашга уринар, «Нима бўляпти ўзи?» деган маънода пастдаги чуқур дарага безовта ҳолда қараб-қараб қўяётганди.

Аммо меҳмон машина ичидаги вазият нега бундай тез ўзгариб қолганини ҳеч тушунолмай, минг бир савол ичида қийналаётганди.

* * *

Баайни уй қамоғида сақланаётгандек, ташқарига бир қадам ҳам чиқишга рухсат этилмаслиги боис, ҳув нарида ястаниб, офтоб нурида ялтираётган, шундоққина қўл узатса етгулик қоялардаги

оппоқ қорларга фақат дераза орқали қараш, завқланиш имкониятига эга бўлган бу икки бечора мақкум бир неча соатлар ичида уларни яна нималар кутаётганидан мутлақо беҳабар эдилар. Профессорнинг назарида Назокат ана шу тош қояларда яшаётган кабутардек эди... Баъзан унинг нозик елкаларига индамай қўлини қўйгиси келар, у билан одам қадами етмас узоқ манзилларга бош олиб кетиб, бахтли-бахтли яшагиси келарди... Аммо бу дунёда ана шундай беҳавотир манзил бормикан? Қаерга борса, худди дарахтлар сингари ёнидан одамлар ўсиб чиқмайдими? Борми олам этаги – унга ҳеч кимни эслатмайдиган, унинг ўтмишини эслатиб, устидан масхаралаб кулмайдиган... У ана шундай манзилга бош олиб кетишга тайёр. Фақат уни тинч қўйишса, ёнида гулдай покиза Назокати бўлса бас! Майли, унвонлари ҳам, кашфиёти ҳам ўшаларга ҳадя! Унинг учун ҳамма нарса чикора. Фақат ўз ҳолига, ўз билганича яшашга қўйишсин!!!

Профессорнинг қалбини ўртаётган ўй-хаёллардан беҳабар Назокат деразадан ташқарига қараб, ўйчан ҳолда тик тураркан, ўзи учун нотаниш, аммо келганидан буён шу ернинг кунда-шундаси бўлиб юрадиган икки йигитнинг ҳовлида тез-тез у ёқдан – бу ёққа бориб келиши ғайритабиийдек туюлаётганди. Умуман оромгоҳдаги одамлар юзидаги бесаранжомлик уни ҳам безовта қила бошлади. Одатда, бу йигитлар ҳовлида камдан-кам кўринишар, аксарият ҳолларда ҳовли четидаги ошхонадан бери келмасдилар. Бундай пайтларда ошхона мўрисидан буралиб кўм-кўк тутун чиқар, бу пайтда улар ошхонада егулик тайёрлашаётган бўлишарди. Айни

дамда эса бундан нишона ҳам кўринмайди.

Ташқаридаги гаплардан беҳабар бўлган профессор хомуш бўлиб ўтираркан, тез-тез Назокатга суқланиб қараб қўярди. Афтидан Назокат ҳам Эргаш Ҳайдаровични безовта бўлишини хоҳламас, бу унинг учун яна ортиқча ташвиш бўлишидан чўчирди. Шу боис ташқаридаги ўзгаришларни ўзича сарҳисоб қилишга уринаётган Назокат ҳеч нарсага тушунмай, азобланаётганди.

Кутилмаганда профессор унга тикилди.

– Назокатхон, ўтиринг,– ҳамон хомуш ўтирган ҳолда диваннинг бир четига сурилди у.

Назокат индамай унинг ёнига ўтирди.

– Худо хоҳласа, шу ердан эсон-омон чиқиб олсак, узоқ-узоқларга бош олиб кетмамиз,– деди профессор ўзига мўлтираб қараб турган аёлга қараб.

Назокат ерга қаради.

– Шундай бўлармикан...

Унинг сўз оҳангидан ишонч ва умиддан кўра, умидсизлик кайфияти барқ уриб турарди.

– Сиз сира тушқунликка тушманг,– айни дамда ўзи ҳам мадатга жуда муҳтож бўлиб турган олим атайлаб аёлнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилаётганди. – Биламан, ҳаммаси менга, менинг хатти-ҳаракатларимга боғлиқ. Майли, нима хоҳласалар шуни олишлари мумкин. Аммо сизни менда қолдиришса бўлди. Сиз билан бўлсам, ўзимни анча хотиржам сезаман, бир пайтлардаги куч-қувватим, файрат-шижоатим ўзимга қайтгандек бўлади. Ишонинг, сиз ёнимда бўлсангиз ҳали кўп эзгу ишларни амалга ошира оламан. Шу кунларда ўйлаб юрган ғояларим кўп...

Аслида профессор аёлга кейинги кунларда кўнглида туғилаётган ширин туйғуларидан гапирмоқчи эди. Лекин ҳозир буни уддалай олмай қийналди. Чамаси, шу кунларда у ҳаётидаги энг яқин одамига айланиб қолаётган Назокатга нисбатан ғалати ҳиссиётларни ҳис эта бошлаганди. У ҳарқалай ўзидаги ўзгаришларни мусаффо туйғу – муҳаббат билан боғлаётганди. Шулар ҳақида ўйлар экан, бир пайтлар хотирасида ўрнашиб қолган қуйндаги сўзларни эслай бошлади.

«Муҳаббат баланд деворлар билан ўралган улкан боғ эди. Деворлар ортидан фақат осмонни суюб турган азим чинорларгина кўринар, унинг шамолда ўйнаган хуш ифорларигина бизга насиб этарди. Бугун ўша боғнинг деворлари нураб боряпти. Гўзаллик ҳаёсизлик бағрига сингиб кетаяпти». У бу сўзларни қачонлардир ён дафтарига ёзиб қўйганини эслади.

Муҳаббат борасида панд еган одам ўз ҳиссиётлари қурбонига айланиб борар экан, ишонч, садоқат, меҳр-оқибат каби туйғулар уни изтиробга сола бошлайди. Унга чин муҳаббат изҳор қилаётган одам ҳам гўё ёлғончилар қаторидан жой олади. Ана шундай лаҳзаларда бечора муҳаббат тиконлар орасида қисилган гул каби жон талвасасига тушиб қолади. Ҳозир профессор ана шу каби ҳис-туйғулар оғушида ўйга толганди.

«Эй, менинг мунис ҳамроҳим! – дерди у ўз-ўзинча шивирлаб, ич-ичидан оқиб келаётган қайғу селини тўхтатишга уриниб, – бизни ҳақикий севитдан узоқлаштириб бораётган ўткинчи ҳиссиётларимизни жиловлай олишимиз даркор. Зеро, биз қурмоқчи

бўлаётган ҳаёт сохта муҳаббат эвазига қурбон бўлмаслиги лозим. Бир-биримизни севиб, ардоқлаб яшашга не етсин!»

У бу туйғуларини ҳеч қачон Назокатга ошкор қила олмаса керак. Бу иқрор гўёки жўнатилмайдиган мактуб. Ўзи ёзиб, ўзи ўқийди, холос. Кейин бу хатни ёқиб, унинг тафтида ўзи исинади... Мактублари ҳеч қачон дилбарига етиб бормаслигидан ўкинади. Лаблари ҳамюрт шоирнинг шеърини пичирлайди:

*Нечун сени кўрсам, гамларим кетар,
Кўзлари гуссага тўлган гулойим.
Гам недир, ортиғу камларим кетар,
Бор-йўғим зер-забар қилган гулойим...*

Бехосдан хонага нотаниш шотир йигитнинг бири бетакаллуф кириб келиб, уларнинг суҳбати бўлинди. Назокат билан Эргаш Ҳайдарович бирданига «Хўш?» дегандек унга қараб қолишганди. Йигит ўзига ярашмаган ҳолда илжайди.

– Дастурхонни бошқа соларканмиз. Пиёладаги чойни ичиб олинглар.

Йигит биров дағаллик билан дастурхонни бир зумда юмалоқлаб ташлади, пиёлаларни тахлади. Сўнг ҳеч нарса эсмидан чиқмадими дегандек, бир муддат атрофга синчков назар ташлади. Меҳмонхона бинойидек, шинам, устига-устак озодагина эди. Бунга сабаб – Назокат ҳар куни эрта тонгда эринмай, хонани тартибга келтириб қўяётганди.

– Энди меҳмонлар келса ҳам бўлаверади,– деди йигит. Бу гапни ўтирганларга қарата айтдим, ё ўзига-ўзи гапирдим, номаълум эди. Шотир йигит

ичкарида қандай пайдо бўлган бўлса, шундай ғойиб бўлди.

– Ҳақиқатдан ҳам биров келади, шекилли? – Назокат саволомуз оҳангда Эргаш Ҳайдаровичга қаради.

– Ҳа, келиши керак,– деди қатъий тарзда профессор. – Бу ердагилар мен билан сизни беҳудага келтиришмаган. Менинг кашфиётимни кимгадир пуллашни режалаштиришаётган бўлса ҳам ажаб эмас. Овлоқдаги бу макон, сизу менга хизмат қилаётган йигитлар, анови сўхтаси совуқ, ҳаммаси бежизга эмас...

Профессорнинг ўзини тутиши фавқулодда жиддий бўлиб қолган. Афтидан, у анчадан буён худди шундай кун келишини интиқ кутаётгандек эди. Сабоби профессор улар ўзидан нима исташларини аллақачон тушуниб етган, улар ниятларига етмагунча Назокат икковига омонлик йўқ эканлигини чин дилдан ҳис этаётганди.

– Сизнинг қайси кашфиётингизни пуллашмоқчи? – ажабланди Назокат.

– Сизнинг тўлиқ хабарингиз йўқ. Бир пайтлар жиддий бир кашфиётга қўл урганман. Аниқроғи, бу ишга қизиқиш талабалик йилларимдан бошланган. Хабарингиз бор, одатда инсон организмдаги хужайралар маълум ёшгача кўпайиб боради, сўнг уларнинг кўпайиш жараёни секинлашиб, одам қарий бошлайди. Бир сўз билан айтганда, вақти-соати билан организмдаги барча хужайралар ўлимга маҳкум. Аммо бир хужайралар тури борки, улар ўлмайди. Инсон то ҳаёт экан, улар ҳам яшайверади. Қолаверса, бу хужайра-мўъжизалар бошқа ху-

жайраларга ҳам ҳаёт бахш этади. Мазкур хужайралар фан тилида «стволовие клетки» дейилади. Улар ўта кучли ва ўлмасдир!

Назокатни ўзига ҳайрат билан тикилиб турганини зимдан кузатар экан, профессор яна эҳтирос ва жўшқинлик билан сўзлашда давом этади.

– Янаям соддароқ қилиб тушунтирсам, инсон йиғирма ёшга кирганида унинг организмидаги ўн минглаб шундай хужайрадан нари борса битгаси нобуд бўлиши мумкин. Бу ҳам аслида фавқулодда ҳодиса ҳисобланади. Хуллас, мен кашф этган гиёҳлар ва кимёвий бирикмаларга тўйинтирилган ўша ўлмас хужайралар инсон танасидаги носоз органларга юборилса, тезликда ўша жойдаги кемтикликни тўлдиради. Натижада организм бутунлай соғлом ўпка, юрак, жигарга эга бўлиб қолади. Умуман, бу ўлмас хужайралар инсон организмнинг ҳамма ерига етиб бора олади. Ўз-ўзидан жарроҳлик йўли билан муолажа қилиш кун тартибидан олиб ташланади. Инсон шундан кейин ўзини бирон ўққа-чўққа уриб олмаса, жуда узоқ умр кўриши мумкин бўлади.

– Ие,– деб юборди Назокатнинг ҳайрати ошиб, – Ибн Сино айтганидек, бу кашфиётингиз сабаб инсон минг йил умр кўриши ҳам мумкин экан-да!

– Шундай деса ҳам бўлаверади,– деди Эргаш Ҳайдарович оғир уф тортаркан. Кутилмаганда Назокатнинг меҳри товланиб кетиб, шартта ўрнидан турди ва энгашиб профессорнинг кенг пешонасига лаб босди.

– Бу бош эмас, тилла! – деди Назокат икки юзи ял-ял товланиб, қора кўзлари чақнаркан. – Бундай ноёб бошларни авайлаб-асраш лозим.

Профессор оғир-оғир хўрсиниб қўйди.

– Бироқ, бир неча соатдан сўнг ўша кашфиёт меники бўлмай қолиши мумкин. Шуни биласизми? – аёлга юзланди у.

Бу гапни эшитиб, Назокатнинг юзлари оқариб кетди, лаблари гезарди. Унинг бироз олдинги аёло кайфиятидан асар ҳам қолмади. Лекин унинг бўш келгиси келмади.

– Осонлик билан таслим бўлмаймиз,– дея профессорнинг қўлларини майин сиқиб қўйди. – Биз улар ўйлаганчалик анойи эмасмиз.

Аммо бу гап Эргаш Ҳайдаровичнинг кўнглини кўтара олмади. У бир нуқтага тикилиб олганича, худди ўзига-ўзи гапираётгандек, бўғиқ овозда гапира бошлади.

– Бу сиз ўйлаганчалик осон иш эмас. Менга шундай одамни рўпара қилишадикки, мен озгина уларни чалғитмоқчи бўлсам ҳам сезиб қолади. Ёлғон қўшишнинг иложи топилмайди, деб қўрқаман. Мана шуниси ёмон. Шу тариқа неча йиллик изланишлар самараси кўз очиб юмгунча бегоналарнинг қўлига ўтиб кетади. Энг муҳими, менинг дафтарим. Ундаги ёзувлар, ҳисоб-китобларни қайтадан амалга оширишим учун билмадим, яна қанча умрим керак?! Дафтар қўлдан кетса, ҳаммаси тамом. Лекин...

Эргаш Ҳайдарович шундай деб тутулиб қолди ва кўз олдига Дилоромни келтиришга ҳаракат қилиб кўрди. Бироқ, унинг юз тузилишини аниқ-тиниқ кўз олдига келтира олмади, нуқул ҳанузгача тушларида тез-тез кўриб турадиган манзара – ялағоч танасига енгил ётоқ кийимини кийиб олган аёл гавдаланади...

Назокат профессордаги кутилмаган ўзгаришлардан ташвишга тушаркан, бир қарашда Эргаш Ҳайдаровичнинг юзида нафрат туйғуси акс этиб турарди. Бирдан профессорнинг юзлари ёришиб кетди, лабларига табассум инди. Худди ёш боладек қарсак чалиб юборди.

– Мени бошқа бир кашфиётим ҳам бор, ҳали ҳеч ким билмайдиган...

Назокат камон ўқидек юпқа қошларини кериб, ўта ҳайрат ва ҳаяжон билан Эргаш Ҳайдаровичнинг юз-кўзларига тикилди. Унинг бу қарашларидан «Яна қанақа кашфиёт?» деган саволни ўқиб олиш мумкин эди.

– Ҳалигача сезмадингизми, Назокатхон! Менинг янги кашфиётим – Сиз! Сизни янгитдан кашф қилдим. Энди менинг мунаввар кунларимни бахт ва фароғатга тўлдиргувчи насим бор. Бу сизнинг исмингиз, овозингиз, кулгуларингиз...

Назокат ўрnidан тура олмади. Эркаланиб, хумор кўзларини сузиб, «Ростданми? Шу чинингизми? Мени алдаётганингиз йўқми?» дегандек Эргаш Ҳайдаровичнинг кўксига аста бош қўйди. Ахир, айна шу дақиқаларни бу жувон неча йиллар давомида интиқ кутаётган эди-ку! Не бахтки, бугун кутилган бахти оёқларининг остидан чиқиб қолди. Ҳозир севиш-севилиш дардига ошно бўлган бу дилдор аёл кутилмаган бахтидан ниҳоятда сармаст эди.

Айна шу дақиқаларда эса тоғ ёнбағридаги сўлим оромгоҳга учта машина бирин-кетин келиб тўхтади. Иккинчи машинадан аввал бадқовоқ, тунд кайфиятдаги «Босс» тушди. Унинг кетидан қисик кўзлари устидан ингичка кўзойнак тақиб олган

миқти гавдали хитойлик меҳмон кўринди. Шу пайт меҳмон худди машина ичида димиқиб кетган одамдек, тоғнинг муздек, тоза ва мусаффо, оромбахш ҳавосидан ўпкасини тўлдириб нафас олди ва ўзига ярашмаган ҳолда икки қўлини ёнбошига узатиб, керишди.

Кейин кўзойнагини қўлига олиб, бир қўлида дастрўмоли билан кўзларини артди. Узоқ-узоқларда ястаниб ётган қорли чўққиларга тикилиб қолди. У ҳозир ўзини бутунлай бошқа дунёга тушиб қолганини, олдинда уни сирли-синоатли кунлар кутаётганини тушунмоққа уринар, бунга сайин кўнглидаги ғашлиги баттар ортиб борарди.

Кутилмаганда кўзи оромгоҳнинг нариги бурчагида йиғилиб турган йигирма-ўттиз чоғли норғул йигитларга тушиб меҳмоннинг ҳайрати ва ҳавотири баттардан ошиб кетди. Сабаби уларнинг аксарияти соқол-мўйлови ўсган, баъзилари ҳарбий аскарлар киядиган махсус кийим-бош кийган, кўринишидан ҳеч нарсадан қайтмайдиган жангариларни эслатишарди. «Мен қаерга келиб қолдим ўзи, — хаёлга толди хитойлик меҳмон. — Бундай манзараларни одатда Афғонистон каби нотинч мамлакатларда учратиш мумкин бўларди. Шундай тинч юртда бу каби нохуш ҳолатга асло чидаб бўлмайди. Наҳотки, у бир тўда каллакесарларнинг ичига тушиб қолган бўлса? Ахир, у мутлақо бошқача тасаввурда келганди. Демак, йўлдаги «Босс»нинг баъзи асаббузарликлари, мана бу йигитларни бу ерда тўпланиб туриши бежиз эмас экан-да! Агар «Босс» кўзлаган ниятига осонликча эришиши мумкинлигига кўзи етса, ўзи бу қадар ҳавотир ва таҳликага

тушмас, эҳтимол, анави жангариларни бу ерга тўплашга ҳам эҳтиёж қолмасди...»

Бир зумда «Босс»нинг ва меҳмоннинг атрофини мезбонлар ўраб олишди. Тавозе билан хўжайинга қўл узатишгач, ўзларига ғалати қараб турган меҳмон билан ҳам қўл учида кўришиб чиқишди. Ўзбекча манзират маросими жойига қўйилди ва келгувчилар ичкарига таклиф этилди. Айниқса, Соҳиб хўжайиннинг тунд нигоҳидан хафсаласи пир бўлиб, индамайгина олдинда йўл бошларкан, келганлар орасидаги қўҳликкина жувонга яширинча қараб-қараб қўярди.

«Бу – Дилором! Худди ўзи! Ҳали ҳам ўша-ўша офатижон! Бу аёл сира қаримайдиган хилидан, шекилли?!», ўйларди ичида. Шу дақиқаларгача ҳам у ўзини бу ерда мутлоқ ҳоким сифатида тасаввур этар, югурдақларининг олдида ёш боладек ялтоқланишга мажбур бўлаётгани ўзига алам қилаётганди. Аммо иложи қанча? Пулни қўлга киритгунча ювош бўлиб тургани маъқул. Кейин бу жойларни елкасининг чуқури кўрсин, Мирпўлатни югурдаги бўлиш ҳам ўз-ўзидан ниҳоясига етади. Эҳ-ҳе, бир миллион «кўки»га у шохона ҳаёт қуриши, ўшанда ўзининг мустақил ўнлаб югурдақларига эга бўлиши мумкин. Яна озгина чидаш керак. Озгина...

Кейин ҳаммаси тамом! Унинг қора кунларига нуқта қўйилади!!!

* * *

– Ҳаммаси тайёрми? – сўради Мирпўлат негадир туллак Соҳибнинг башарасига ҳам қарагиси келмай, йўлида давом этди. Ундан «Ҳа» деган жа-

вобни эшитгач, сал енгил тортгандек бўлди. Бироқ, қўрқинчли ва ҳайбатли тоғлар ҳамон уни икки елкасидан босиб тургандек, ҳали замон устига қулаб тушадигандек ҳиссиётлар туйғусидан қутулиб кетолмаганди. Негадир, у яна ҳам қўрқув, ҳам ҳадик аралаш оппоқ қорлар остида ястаниб ётган баланд қояларга қаради.

Ўзини чалғитиш мақсадида ортига ўгирилиб, Соҳибнинг айёр кўзларига тикилиб қолди.

– Анови, олим бинойидекми? – таҳдид ва нафрат аралаш сўради у.

– Отдек! – дея жавоб бераркан, «Босс»нинг кайфияти йўқлиги ўзига ёқмаётганини сездириш учун, ўзгача қочирим билан айтди, бу сўзни.

Барибир, вазиятни юмшатиш мақсадида ҳазил қилмоқчи ва шу орқали хўжайиннинг кайфиятини кўтармоқчи бўлди.

– Ўтирибди хонасида, кейин келтирилган хони-ми билан шакаргуфторлик қилиб...

Кетаётган жойида тақа-тақ тўхтаб, хўжайин унга ўқрайиб қараганди, унинг дами ичига тушиб, гапи узилиб қолди.

– Тезроқ ичкарига кирайлик, – Мирпўлат ўзидаги безовталиқни ҳамроҳларига сездирмаслик учун катта-катта қадам ташлаб, юқорига одимлай бошлади.

Нимагадир жаноб Дунгнинг ҳам кайфияти йўқ, ўзини қафасга тушиб қолган қушдек ҳис этаётгани шундоққина юз-кўзидан кўриниб турарди. У қорли тоғларга ҳам ўзгача ҳадик билан қарар, кўйиб берса, ҳув наридаги қорларга томон югуриб қолишдан, шу тариқа довон ошишдан ҳам тоймасди. Нимага-

дир қоялардан кўтарилаётган муздек ҳовур уни жунжиктира бошлади. Ваҳоланки, бу пайтда пастликда – ям-яшил водийда кун анча иссиқ, бу ерда эса қорнинг муздек, совуқ ҳарорати сезилиб турар, аслида машинадан тушганларнинг барчаси дарҳол буни ҳис этган эдилар.

Аммо ҳозир хўжайиннинг умуман кайфияти йўқ. У бу ердаги маш-машалардан тезроқ қутулиб, уйига қайтиш илинжида эди. У бунақанги ишларда пишиб кетган, анча-мунча нарсадан ҳайиқмайдди. Лекин шу сафар қандайдир бир оғир юк унинг елкасини эзмоқда. Бугун асли бу томонга ҳеч ҳам оёғи тортмади...

Унинг назарида улар бу ерда қопқонга тушган қуёндек туюларди! Ахир, пастга фақат битта йўл бор, қорли тоғлардан эса фақат қушларгина учиб ўта олишлари мумкин. Агар кутилмаган хавф уларга таҳдид солса, қандай йўл тутади? Анови, меҳмондан ҳам, професордан ҳам осонгина кечиб юборади. Бироқ, ўзининг азиз бошини омон сақлаб қолишнинг имкони бўлармикан? Йўл-йўлакай у шу ҳақда ўйлаб келди. Айни дамда ҳам кўринган ҳар бир шарпа унга «ажал шарпаси»дек туюлмоқда...

Собиқ зобит вазиятни тўғри англаган ҳолда «Марҳамат, ичкарига» дея олдинга тушиб, шаҳдам қадамлар билан одимлаб кетди. Тор, аммо узун йўлак эллик қадамдан зиёд, у тўппа-тўғри бинонинг остонасида тугайди. Соҳибнинг ортидан «Босс» одимлади, сўнг хитойлик йўлга тушди. Дилоромни олиб келган йигитлар нима қилишларини билмай, ҳайрон бўлиб елка қисиб қолишди. Чунки ичкарига кириш учун уларга алоҳида буйруқ бўлмади.

Катта хона илиққина экан. Меҳмон кира солиб, бир жунжикиб олди.

– Улар қаерда,– Мирпўлат ҳамон қовоғини уйганича Соҳибга юзланди.

– Меҳмонхонада.

– Қани, бошланг!

Соҳиб ишнинг бунчалик тезлашиб кетишини кутмаганди. Ноилож, меҳмонларни Эргаш Ҳайдарович ва Назокат бир неча кундан буён яшаётган меҳмонхонага бошлади. У тез-тез одимлаганича улардан бироз илгарилаб кетиб, хона эшигини очди. Одатдагидек, профессор ва Назокат диванда деярли юзма-юз ўтиришиб, суҳбатлашишиб ўтиришарди.

– Меҳмонлар келяпти,– пўписа оҳангида огоҳлантирди Соҳиб. Ичкаридагилар ҳали ўзларини ўнглаб улгурмай, остонада Мирпўлат кўринди. Унинг ортидан жаноб Дунг пайдо бўлди. Қизиқ, Эргаш Ҳайдаровичнинг бир туки ҳам қимир этмади. Худди шундай бўлиши керакдек, уларга бақрайиб, индамай ўтираверди. Ўртадаги столнинг бу тарафига учта стул қўйилган, дастурхон оддийгина тузалганди. Мирпўлат такаллуфсизлик билан стулга чўкди. «Шу ерга ўтир» дегандек ҳайратдан қотиб қолган жаноб Дунгга имлади.

Хонага кирганлар бирин-кетин стулларга ўтиришди.

– Хўш, ўртоқ профессор, соғлиқлар жойидами?

– Мирпўлат пахта гулли ликопчага қўйилган бодомдан битта оларкан, гап бошлади. – Кўз тегмасин, анча тузуксиз!

Назокат Эргаш Ҳайдаровичнинг қўлини ҳамон

ушлаб ўтирар, кўрқув туфайлими деярли профессорнинг пинжига кириб олганди. Мирпўлат аввал профессорга, кейин Назокатга ғалати қараб қўйди. Табиатан ҳар қандай ҳолатда ўзини тута оладиган, вазиятга қараб юриш-гуришини ўзгартириш қудратига эга Мирпўлат дақиқалар ичида мулойим тортиб, қарашлари ҳам ҳалимдек бўлиб қолганди.

– Шукр,– деди қисқагина қилиб Эргаш Ҳайдарович, унинг бу жавобида «Нима ишинг бор?» деган маъно мужассам эди. Мирпўлат ҳозир бунақа кесатиқларга парво қиладиган кайфиятда эмас. Унинг учун иш ниҳоятда тез ва бош оғриқсиз битиши, тезроқ бу ердан жуфтакни ростлаб қолиши керак эди.

– Сизни руҳий касаллар шифохонасидаги азоблардан қутқариб, бу ерга олиб келганимиз бежиз эмас эди,– дея гапини давом эттирди Мирпўлат. – Сизга кичкинагина хизмат бор. Сизнинг ўша кўк дафтарингиз бизнинг қўлимизда,– у шундай деб кастюмининг ички чўнтагидан дафтарни олди. – Шу дафтардаги барча тафсилотларни бизга яхшилаб тунштириб беришингиз керак. Шундан сўнг тўрт томонингиз қибла! Зарур бўлса, паспорт қилдириб берамиз, пул, уй-жой, хуллас, хоҳлаган ерингизда, ўзингиз хоҳлагандек яшайверасиз...

Мирпўлат гапиряпти-ю, Эргаш Ҳайдаровичнинг икки кўзи тобора чарақлаб борарди. Чунки у неча йиллардан буён яна кадрдон кўк дафтарини кўриб турибди... Профессор тез-тез Мирпўлатнинг қўлидаги дафтарга қараркан, билинар-билинемас ютиниб қўярди.

Мирпўлат қўлидаги дафтарни юқори кўтарди.

– Розимисиз?

– Рози бўлмай иложим ҳам йўқ, шекилли, – очик писанда қилди профессор. – Керак экан, шарҳлаб бераман-да!

– Мана бу бошқа гап, – дея эркин нафас олди Мирпўлат. – Ҳақиқий ўғил боланинг иши ана шундай бўлади.

– Сизлар ҳам ўғил боланинг ишини қиласизларми? – профессор кўнглидаги гапини очикчасига айтиб қўйишга ўзида куч топа олди.

Мирпўлат кулиб юборди. Кейин тезда эски ҳолига қайтиб, «Шу ҳам гап бўлди-ю» деган маънода Соҳибга қаради.

Боядан бери фурсат кутиб, индамай турган Соҳиб тилга кирди.

– Биз сизни нақд дўзахдан олиб чиқдик, биласиз-а? Сизни деб уч киши қурбон бўлди. Бу машмашалар ҳам бизнинг елкамизда турибди. Бизнинг мақсад – бу ерда ишни тезроқ битириб, сиз билан анови меҳмонни олисроқ ҳудудга тинч-омон етказиб қўйиш. Кейин сиз бизни танимайсиз, биз эса сизни...

– Шу гапга сал ишониш қийинроқ бўляпти-да!.. Мирпўлат ўрнидан туриб кетаёзди.

– Нега ишонмайсиз? Сиздан фақат бир нарса талаб этилади, холос. Бу иш нари борса бир соатда билади. Бугунча шу ерда қоласизлар. Эртага...

Профессор заҳарханда кулимсиради ва кутилмаганда Мирпўлатнинг гапини оғзидан илиб кетди:

– ... Эртага сизлардан ном-нишон ҳам қолмайди, денг!

Мирпўлатнинг кўзлари совуқ йилтиллади. Ранги гезарди.

– Кафолат керак, бизга. Кафолат! – гапни қисқа қилди профессор.

Мирпўлат бир муддат жим бўлиб қолди.

– Қандай кафолат зарур, айтинг? Пулми, машинами, уйми?!

– Мен ундай кафолат тўғрисида гапираётганим йўқ,– алоҳида таъкидлади профессор. – Биз бу ерда ортиқ қололмаймиз. Иккимиз, сиз ва меҳмонингиз бирга кетамиз. Иложи бўлса, ҳозироқ!

– Шарҳ нима бўлади?

– Шарҳлаш қочмайди. Биз сизнинг қўлингиздамыз, ахир.

Мирпўлат енгил томоқ қириб олди. Шу тобда у профессор нимани кўзлаётганини жуда яхши тушуниб етганди. «Ўзига етганича айёр экан-ку, бу олим» деган хаёл кечди унда. «Ҳа» деса, нима бўлади-ю, «Йўқ» деса қандай воқеа юз беришини тарозига солиб кўраркан, у нима қиларини билмай, тараддуланиб ўтирарди. Ниҳоят, оралик йўлни топгандек бўлди.

– Яхши, келишдик,– деди у,– шарҳлашни ҳозир шу ерда бошлайсиз. – Токи биз сизга ишонч ҳосил қилишимиз керак. Қолгани йўлда давом этади. Шаҳарга етиб боргач...

– Бу кеча сизникида қоламиз,– яна Мирпўлатнинг гапини давом эттирди Эргаш Ҳайдарович. – Иш битгач, бизга катта миқдорда пул берасиз!

Мирпўлат кулиб юборди.

– Бу ерда бекор ўтирмагансиз, чоғи. Ҳаммасини пухта режалаштириб олиб, шунга асосан ҳаракат қилаётган экансиз-да!

Профессор ҳам мийиғида кулди.

– Ташвиш қилманг, ақлим жойида. Керакли идораларнинг қўлига тушсам, мени қандай тақдир кутаётганини жуда яхши биламан. Аслида сиз ҳаммасини олдиндан режалаштириб қўйгансиз.

– Хўп, ишни бошладик бўлмаса...

Жаноб Дунг эса бу ўзбеклар ўз тилларида нималарни сўзлашаётганларига тушунолмади, хунибийрон бўлиб, ноиложликдан жим ўтирарди.

Мирпўлат қўлида ўйнаб турган кўк, қалин муқовали дафтарни у ёқ – бу ёғига қараб олиб, Эргаш Ҳайдаровичга узатди.

– Мана, олинг! Бу жанобга рус тилида донадона қилиб тушунтириб берасиз.

Ҳозир ҳаммасидан ҳам Мирпўлатга шунча ишлар бошидан ўтганидан кейин ҳам ўзлигини йўқотмай, профессорни унга менсимай муомала қилиши жуда гашини келтираётганди.

«Хўш, бу олимнинг ўйнаши мана бу аёл, собиқ хотинини шаҳарга олиб тушиб эсини ебдими? Нега олиб келди уларни бу ерга? Нима учун ҳаммасини бир жойга тўплади? Қани, айтмасин-чи, керакли гапларни, жонини ўз қўллари билан суғириб олар?!» У шундай даҳшатли фикрларни хаёлидан ўтказиб, ҳозирча тезроқ иш битаверсин қабалида индамай ўтираверди. Эргаш Ҳайдарович эса неча йиллик қадрдон дўсти – дафтарини қўллари-нинг кафти билан оҳиста силаб ўтирарди. Мижжаларига ёш қалқиб чиқаркан, биринчи бетини авайлабгина очди. Мана, илк сатрлари... «Чанг-тўзон бўлмаганида эди, инсон минг йил яшаши мумкин эди. Ибн Сино», деб ёзилган экан. Қачон ёзганди-

я, бу маълум ва машҳур гапни. Ҳа, ёдига тушди – иш кабинетида ўтириб ёзганди. Ақли, ғайрат-шижоати қайнаб-тошиб, ўйлаган ўйларини қувиб етолмайдиган кезлар эди, ўшанда. Ўзига берилган ваколатидан фойдаланиб, ўша эликсирнинг тахминий формуласини ишлаб чиққан маҳаллари.

Бироқ, формулани тўлиқ қоғозга туширишга юраги бетламай юрарди. Гоҳо эликсирнинг формуласи тушларига кириб қолар, ўтказажак тажрибалари тушида ҳам аён бўлиб қоларди. Ҳа, баъзи бир муҳим тажрибаларининг ечимини тушларида кўрган ва амалда ўз қўли билан бажарганидан сўнг, айнан ўша ечимга етиб борган... Бир табиб бўларди.

Профессор яширинча у билан алоқа боғлаганди. Азалдан тоғ гиёҳлари билан одамларни даволоччи табиб профессорга кўплаб тоғ гиёҳларининг фазилатларини очиб берган, шу тариқа у бўлажак эликсирининг таъсир доирасини жуда мукамал тушуниб олганди. Тоғ гиёҳларидан фойдалангани бор гап. Бироқ, у маҳалда зиёли одамнинг, боз яна профессорнинг қандайдир бир табиб билан борди-келди қилиши яхши оқибатларга олиб келмас эди. Шундай бўлишига қарамай, яратилажак эликсирини ҳаракатга келтиришда, фойдали жиҳатлари ва қувватини оширишда белгиланган тартибдаги тоғ гиёҳларининг аҳамияти катта. Инсон организмидаги ўлмас хужайраларни бутун вужудга таъсири айнан тоғ гиёҳлари орқали амалга оширилади. Тоғ гиёҳларисиз қилинган ҳамма ишлар самарасиз кетаверади...

Ниҳоят профессорни ўз хаёллари гирдобиди

Ўтирганидан жаҳли чиққанини яшира олмаган, Мирпўлат захрини сочди.

– Тезроқ бошланг, вақтимиз зиқ,– бу ерга хаёл сургани йиғилганимиз йўқ.

Профессор бироз ўзига келди.

– Яхшиси, меҳмон тушунмаган жойларини сўрасин, ахир дафтарни варақлаб чиққан бўлса керак? – деди профессор ўрисчада бироз қийналиб гапираркан, кўзларини меҳмонга лўқ қилиб. Эргаш Ҳайдарович аслида рус тилини худди она тилидек қойиллатиб гапирарди. Лекин йиллар ўз салбий таъсирини ўтказганди, чоғи.

Жаноб Дунгга жон киргандек бўлди ва ўтирган жойида бир-икки қимирлаб қўйди.

– Яхши,– деди жим ўтираверганидан зерикиб кетган меҳмон. – Саволларим жуда кўп. Биринчиси шуки, сиз кашф қилдим деяётган эликсирнинг таркиби асосан нималардан иборат ва у инсон организидаги ўлмас хужайралар билан қандай бирикади?

– Дафтарни тўлиқ ўқиб чиққанмисиз? – саволга савол оқали жавоб берди профессор.

Эргаш Ҳайдаровичнинг русчага тили келиша бошлади. Аммо ҳозир бу нарса муҳим эмасди. Чунки хитойликнинг ўзи ҳам русчада қийналиб, дудуқланиб-дудуқланиб гапираётганди.

– Йўқ, йўл-йўлакай варақлаб чиқдим,– меҳмон бирров хонадагиларга кўз югуртириб олди. – Лекин айнан ўзимда сиз айтган тажрибаларни жуда кўп марта такрорлаганман. Аммо ҳеч ҳам кўзланган мақсадга эриша олмагандим. Ўша ўлмас хужайраларни ҳаракатга келтирувчи, бир жойдан иккинчи жойга сунъий йўл билан кўчирилганда одам орга-

низмининг касал органларига жон бахш этиш хусусиятини ривожлантиришнинг имкони топилмаганди...

– Бунинг ечими мана шу дафтарда ёзилган, – дея мийғида ва сирли жилмайди профессор.

– Бор бўлса, айтинг! – ҳаяжондан меҳмоннинг бақириб юборишига оз қолди. – Ахир, у шифрланган. Фақат ўзингиз ўқисангизгина тушунадиган усулда ёзгансиз!

– Тўғри, ана шундай қилганман...

Мирпўлат портлаб кетаёзди. У ўрnidан даст туриб, ташқарига йўналди. Унинг ортидан туллак Соҳиб физиллади.

– Бу ярамасни анови мегажин билан қўшиб, шу ернинг ўзида гумдон қиласиз. Гўштини нимта-нимта қилиб, итларга ташланг. Ярамас! – дея фикинарди ҳамон ўзини боса олмаётган Мирпўлат. – Аслида шу кунгача уни мулла минган эшакдек ювош қилиб қўйиш керак экан! Ақли жойига келсин дебман-а, эссиз...

– Хитойлик билан суҳбати узоқ давом этармикан? – ўсмоқчилаб сўради Соҳиб.

Мирпўлат ялт этиб унга қаради. Унинг юзига бор ғазаби тепчиб чиққан эди.

– Шу бугун ундан бор гапни суғуриб оласиз. Эски ҳунарларингизни ишга солинг, тушундингизми? Қани, айтмай кўрсин-чи?! Мен ўн миллион долларни шунчаки шамолга совуриб юборадиган аҳмоқ эмасман... Ҳали менинг совунимга кир ювмабди, у, – Мирпўлат нафрат билан оёқ остидаги гулли гиламга чирт этказиб тупуриб қўйди. – Сиз ичкарига кириб, уларнинг суҳбатига қулоқ солиб туринг. Бир

иш чиқмаса, ўша ернинг ўзида ишга киришавера-
сиз!

Соҳиб «хўп» деб, яна ичкарига йўналди. Унинг ортидан кузатиб қолгач, бироз ҳовури босилган Мирпўлат дераза ёнига юриб борди. Нигоҳи кўм-кўк майсалар қоплаган майдоннинг адоғидан бошлаб, оппоқ қорлар поёндоз бўлиб тўшалган баланд қояларгача етиб борди. Қаранг, шундай кичкина ҳудудда табиатнинг икки хил мўъжизаси: барқ уриб яшнаб ётган майсалар-у, сал нарида пурвиқор чўққиларни ватан тутган абадий қорлар макони! У ернинг қорлари мангуга эримайди... Бир кун келиб, ҳатто мутлақо шахсий сочларимиз ҳам бизни ташлаб кетиши мумкин, аммо қорлар ўз чўққиларини ҳеч қачон ташлаб кетмайди...

Бу пайтда ичкарида ҳамон сичқон-мушук ўйини давом этаётганди. Суҳбат жиловини аллақачон ўз қўлига олган профессор хитойликни турли саволларга кўмиб ташлаётганди.

– ... Хўп, – дерди Эргаш Ҳайдарович, – сиз ўзингизда амалга оширган тажрибаларингизни қисқача шарҳлаб беринг, мен камчиликларини айтиб, тўлдирай. Яхшими?

Меҳмон терга ботиб кетганди. У йўлда Мирпўлатга тушунтиргандек қилиб, равон ва қизиқарли усулда ҳикоя қила бошлади:

– Одам организмида икки хил хужайралар мавжуд. Ҳаммаси ҳам тирик бўлиши сизга маълум, албатта. Лекин улардан бири ўлмас хужайралар ҳисобланади. Агар ана шу хужайралар инсон организмнинг бирон бир ишдан чиқаёзган органига сунъий йўл билан юборилса, ўша орган қайта яша-

риб, соғломлашади. Бу фанда исботланган...

Соҳиб гўё ўзини икки ўртадаги ҳакамдек сезиб, дам меҳмонга, дам профессорга разм солиб қўяётганди. Бироқ, унинг фикрича, профессорнинг юзида акс этиб турган истеҳзо хитойликни масхара қилаётганидан далолат берарди. Буни англаб етмаётган жаноб Дунг эса куйиб-пишиб тушунтиришда давом этарди.

– Тўхтанг! – деб қолди бирдан Соҳиб, – бўладиган гапдан гаплашайлик. – Ҳатто мен ҳам гапнинг маъзини тушунгандек бўлдим. Хўш, ўша дорини мукамал кўринишга келтириш учун нима камлик қияпти?

– Мен ҳам шу саволга жавоб топишни истайман-да! – деб юборди «Бормисиз» дегандек хитойлик унга тикиларкан. Эргаш Ҳайдарович эса ўзини фолиблардек диван суянчиғига ташлади.

– Булар ҳам айнан менинг кашфиётимни эгизини яратишган. Билмадим, нима етишмаяпти экан?– деди профессор елкасини қисиб.

– Сен бизни аҳмоқ қилолмайсан! – очиқ пўписага ўтди туллак Соҳиб ўзбекчалаб, Эргаш Ҳайдаровичга гапираркан. – Ҳозир ҳамма гапни ё айтасан, ё мен ўзим сени булбулигўё қилиб сайратиб юбораман!..

Ҳазабдан қалтираб, ранги совуқ тус олган Соҳиб нигоҳини наштардек Эргаш Ҳайдаровичга қадаб олди. Шу пайтгача диваннинг бир четида мунғайиб, қунишиб ўтирган Назокат кўрқувдан титраб кетди. Уларга бир-бир қараб олган меҳмон икки орага беўхшов, қалтис бир гап оралаганини сезаётган эди.

Бу пайтда сўнгги тезкор йиғилишини тугатиб, хатто халқаро миқёсда тушунмовчилик келиб чиқмаслиги учун қонуний асосда барча расмиятчиликларни адо этган гуруҳ жиноий тўдага охириги зарбани бериш – қўлга олиш операциясини амалга ошириш мақсадида оромгоҳга йўл олган эди.

Миллий хавфсизлик хизмати бўлим бошлиғи, подполковник Отабек Мўсаев раҳбарлигида иккита йўналишда жиноий гуруҳ жойлашган ҳудудни қамал қиладиган бўлди.

Биринчи гуруҳ – миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ҳузуридаги юқори ҳарбий жанговар тайёргарликка эга бўлган йигирма нафар қуролланган сара йигитлар тўртта ўргатилган хизмат итлари ҳамроҳилигида ҳарбий вертолётда йўлга чиқди.

Иккинчи гуруҳ – яна йигирма чоғли хавфсизлик хизмати ҳузуридаги махсус бўлинма йигитлари ҳарбий машинада довол йўли орқали чиқиб боришадиган бўлишди. Дастлабки маълумотларга кўра, жиноий гуруҳда ҳам тахминан йигирма-ўттиз чоғли жисмоний жиҳатдан чиниққан йигитлар бор, уларнинг қўлида қурол-яроғлари борлиги ҳам аниқ. Шу боис вазият ўта эҳтиёткорликни ва ҳар қандай вазиятда ҳам мукамал режа асосида иш тутишни тақазо этади. Йўл қўйилган биргина хато, жиддий ва муҳим аҳамиятга эга бўлган операцияни бутунлай барбод қилиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Шунинг назарда тутган ҳолда йигитлар уч кун давомида оромгоҳ харитаси туширилган чизмалар асосида назарий ва амалий синовлардан ўтишди. «Қамал» операцияси давомида эҳтимоли туғилиши

мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат ва вазият атроф-лича муҳокама этилди.

– Жиноий тўда ҳар жиҳатдан керакли тажриба ва малакага эга. Керак бўлса, жанговар тайёргарлиги бор, вазиятга қараб турли усулларни ишга солиши мумкин,– деди сафарга чиқиш олдидан сўнгги йиғинда подполковник Отабек Мўсаев. – Шунинг учун бўлажак операция давомида ҳар биримиздан ўта эҳтиёткорлик, катта масъулият талаб этилади. Имкон қадар оромгоҳдаги жабрдийдаларга бирон-бир азият етказилмаслигига эришмоғимиз лозим. Шунингдек, у ерда бир нафар хориж фуқароси борлиги ҳам барчаларингга маълум. Халқаро миқёсда келишмовчилик келиб чиқмаслиги учун хитойлик жаноб масаласида ҳам хушёр бўлмоғимиз зарур. Кейин у билан боғлиқ иш қонуний асосда ҳал этилади.

Биринчи гуруҳ аъзолари вертолётда ажиб тоғ манзараларини индамай кузатиб келаркан, ҳаммалари ўз хаёллари билан банд эди.

Эҳтимол, улар айни дамда энг яқин инсонлари хаёли билан банд бўлса, не ажаб! Чунки ҳар гал бундай мураккаб операцияга киришиллар экан, ҳар қандай одамнинг юрагига озгина ҳадик аралаши бор гап. Сабаби сен муқаррар ўлим билан юзма-юз бўласан, ҳар қандай оний лаҳзада биргина дайди ўқ ҳам ҳаётингга нуқта қўйиши ҳеч гап эмас. Ахир, биргина подполковник Отабек Мўсаевни ҳисобга олмганда вертолётдагиларнинг аксарияти ўтгиз ёшнинг нари-берисидаги йигитлар.

Уларнинг ҳали ўн гулидан бири очилмаган, ҳали улар ҳаётга ташна, ушалмаган орзу-умидла-

ри бир олам. Уйларида мўнчоқ кўзли қизалоқлари, тез-тез кийим-бошларига ҳавас билан тикилиб турадиган шўх ўғлилари, «тиқ» этса, «ана, дадамиз келди!», дея эшикка югурувчи оила бекалари бор. Мана бунақанги разилларнинг юзтасини умри уларнинг бир томчи кўз ёшига арзирмикан? Йўқ, асло!

Аввалдан келишилганидек, вертолёт оромгоҳдан анча пастдаги сайҳонликда қўнди. Йигитлар бу ёғига бепоён арчазор ёқалаб кўтарилиб боришгани маъқул. Бир-бир вертолёт парраклари шовқинидан зада бўлган йигитлар пастга сакрай бошлашди.

Ҳаммалари бир сафга тизилишганда вертолётнинг овози ҳам ўчганди. Бир лаҳза йигитлар чиройли ва фусункор арчазорлар, ўнқир-чўнқир сой йўли, баланд қояларга тикилиб қолишди.

Қани энди, ҳозир уларда озгина ҳордиқ чиқариш, оёқларнинг чигалини ёзиш, бундай гўзал манзаралардан тўйиб-тўйиб роҳатланиш имкони бўлса, аммо, айна дамда бунинг сира ҳам иложи йўқ.

– Ҳар бир гиёҳ, ҳар бир дарахтдаги ўзгариш ёки бошқача бир ҳолатни эътибордан қочирманг! Ўта синчковлик ва эҳтиёткорлик билан юқорига кўтарилиб боришимиз зарур,– деди подполковник донадона қилиб,– режага кўра, иккинчи гуруҳ ҳам довон йўлидан келиб, оромгоҳгача тўрт-беш чақирим йўлни пиёда босиб ўтади. Сўнг вазиятга қараб, ишга киришамиз. Иложи борича қурбонлар бўлмаслиги керак!

– Қани кетдик, Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!!!

* * *

Айни дақиқаларда Эргаш Ҳайдаровичнинг бўйнига кўринмас сиртмоқ ташланган бўлса-да, ундаги ички хотиржамлик туйғуси устунлик қилаётганди. Титраб-қақшаб ўзига яқинроқ сурилиб олган Назокатнинг кафтини қарамасдан бир қўли билан топиб олди ва аста маъноли сиқиб қўйди.

Сўнг ғазаб билан ўзига тикилиб турган Соҳибга ўгирилди.

– Ақлли одамлар бундай қилмайди, одатда.

– Хўш, ақлли одамлар нима қиларкан? – кўзларининг пахсаси чиқиб кетгудек бўлиб, кучанди у.

Профессор яна нишонга уришга чоғланди.

– Бошлиғингизга айтган гапимни эшитмасиз, чоғи.

– Йўқ, – деди у кескин. – Ҳеч қандай шаҳар-пахар бўлмайди. Ҳамма гапни шу ерда гаплашамиз, тамом. Шунгача сичқон-мушук ўйнаганимиз етар.

Профессор елка қисди.

– Ўзингиз биласиз.

Соҳибнинг фиғони кўкка ўрлади.

– Тур ўрнингдан!

Эргаш Ҳайдарович ўтирган жойидан қимирлаб ҳам қўймади. Фақат Назокат чўчиб, ўтирган жойида бир ирғиб тушди. Хитойликнинг кўзлари олайиб кетди. У даҳшат билан Соҳибга «Бу яна нима қилиқ?» дегандек бақрайиб қолганди. Дақиқа сайин ўзини йўқотиб бораётган Соҳиб меҳмоннинг борлигини ҳам унутиб, тобора ваҳшийлашиб бораётган эди.

Бу вазиятга ортиқ чидай олмай, меҳмон шартта ўрнидан туриб кетди. У ўз тилида нималарнидир норози оҳангда гапириб, эшик томонга юрди. Туллак Соҳиб воқеанинг бундай тус олишини сира кутмаганди. У икки ўт орасида қолди. Профессорни ташлаб хитойликнинг орқасидан юрсинми ё меҳмонга эътибор қилмай, шу ерда қолиб, ўйлаган ишини амалга оширсинми? У ҳайрон бўлиб, боши қотиб қолди. Санокли сониялар ичида бир қарорга келди, чоғи, у ҳам чаққонлик билан бурилиб, эшикка етиб қолган хитойликнинг билагидан маҳкам тутди.

– Жойингга ўтир! – судрагудек қилиб ўтирган стулига қайтадан ниқтаб ўтқазаркан, ҳамон эшик тагида қоққан қозикдек бўлиб, мум тишлаб турган шотирга ўқрайиб қараганича, бақириб берди: Дилоромни олиб кир!

Эргаш Ҳайдаровичнинг устидан кимдир бир пақир совуқ сувни қуйиб юборгандек бўлди. Шу қулоқларим эшитдимми ё шунга ўхшаш эшитилдимми, деган ўйда, у бақрайиб Соҳибга қараб қолди. Назокат эса аввалига гапнинг мағзини тушуниб етмади, хотиржам ўтирган профессорнинг кутилмаганда титраб-қақшай бошлаши гап нима ҳақда эканини англадиб қўйди.

– Ана шунақа! – деди Соҳиб писанда қилиб, тиржаяркан. – Мен ҳали сени шунақанги алининг ўйинига солайки, оёқларим остига ўзингни ташлаб, ҳўнг-ҳўнг йиғлайсан. Ўзинг менга ялиниб-ёлворасан. Сен мени ким деб ўйловдинг?!

Гап тамом бўлмай билагидан маҳкам ғижимланган Дилором шитоб эшик очилиб, ичкарига

итқитиб юборилгандек бўлди. Кўзларига ҳамон ишонмаётган профессор ва Назокатнинг ҳузурида... Дилором турарди! Хитойлик жаноб эса қўрқувдан ҳам ажабсиниб, ҳам ҳайрат ила бу манзарага қараб қотиб ўтирарди.

– Танидингми? – бу савол кимга берилгани номаълум эди.

Аммо Эргаш Ҳайдарович ҳам, Дилором ҳам бу савол ўзига берилгандек, бир-бирларига қараб қолишди. Ҳа, бу ўша – Дилором, бу ўша – Эргаш Ҳайдарович эдилар! Дилором аёллик нуқси уриб анчагина тўлишган, чиройи ортган, ўтган йиллар унга кўп ҳам таъсир қилмагандек эди. Аммо профессор қартайиб кетган, сочлари опшоқ, бироқ кейинги кунлардаги қаров туфайлигина ўзини олдирмаганлар қаторига кириб қолаётганди.

Кутилмаганда Дилором Эргаш Ҳайдаровичга қараб жилмайишга ҳаракат қилди. Назокат профессорнинг ўнг тирсагига осилган куйи бақадек қотиб қолган, ҳамон ўзига келмаётганди.

– Ниҳоят, учрашдик! – деди Дилором худди шундай бўлишини кўпдан буён интиқ бўлиб кутаётган одамдек.

У ҳозир собиқ эрига нима деб мурожаат этишни билмай қийналарди. Бирга яшаган кезлари ишхонада Эргаш Ҳайдарович деса, уйда «профессор» деб эркалатарди. Ҳозир эса нима дейишни билмай, каловланиб қолди.

– Сал қарибсиз демаса, бинойидексиз! Ие, Назокат нима қилиб юрибди, бу ерда?

Дилором учун собиқ ҳамкасбини шу ерда кўриш тамомила янгилик бўлганди. Бугунги уч-

рашувдан ҳар нарсани кутган бўлса ҳам Назокатни эри билан бирга бўлишини кутмаган, ҳатто олдиндан огоҳлантиришганида ҳам бунга ишонмасди. «Ҳа, деб қўйди ўзича. – Бекорга Назокатнинг йўқолишини профессор билан боғлашмаган экан. Лекин нега шундай бўлди?» Дилором Сирдарёда келишилганидек, бугун бор артистлик маҳоратини ишга солиши, сийнабандига чатиб жойланган тугмадек алоқа воситаси орқали бу ердаги бор гапни уларга етказиши лозим эди.

– Эргаш ака, – илтижоли оҳангда мўлтираб боқди Дилором, – бу борада бор биланларингизни уларга айтиб беринг, илтимос. – Ўғлимиз ҳаққи, илтимос!!!

Эргаш Ҳайдарович ҳозир ўзи учун қадрдон бўлиб қолган хонада нима воқеалар юз бера бошлаганини англаб улгура олмайдиган бир ҳолатда ўтирганди. Собиқ хотинининг «Ўғлимиз ҳаққи, илтимос!» деган гапи куппа-кундуз куни чақин чақиб, яшин урган дарахтдек мунғайтириб қўйди. Назокат ҳам шошиб қолди.

– Нима!!!

Дилором Эргаш Ҳайдаровичга юзланди.

– У сизнинг ўғлингиз – Алишер! Кап-катта йигит бўлиб қолди, мактабга боради, – негадир дона-дона қилиб гапирарди у.

Профессорнинг аҳволини кузатиб турган Соҳиб ғалаба наъшидасини суриб, беҳад тантана қила бошлади. Тил билмаганидан ғоятда бўғилган, афтодаҳол хитойлик ҳам дам унга, дам бунга қараб, ишқилиб, шу гадой топмас ердан эсон-омон чиқиб кетайин деган маънода ўтирибди. Аф-

тидан, айна пайтда у ҳеч кимни қизиқтирмай қўй-
ганди.

Профессор ўша маҳзунлик билан Дилоромга
қаради.

– Рост айтяпсанми?!

– Ёлғони йўқ! – менга ишонинг. У худди қуй-
иб қўйгандек ўзингизга ўхшайди. Бир туки ҳам
ўзга эмас. Донолиги ва қизиқувчанлиги ҳам ўзин-
гиз...

«Бўлди» деган оҳангда Соҳиб Дилоромнинг
енгидан тортди.

– Ортиқча гаплар керак эмас. Тамом, вақт
етишмайди. Ҳамма гапни эшитдингиз-а? Бугун
мана бу ажнабийга дафтарни бошдан-оёқ шарҳ-
лаб берсангиз, хўп-хўп, акс ҳолда, бу икки аёл-
нинг ҳам, Сирдараёдаги ўзингиз кўрмаган болан-
гизнинг ҳам уволига қоласиз. Тамом!

Эргаш Ҳайдарович тамомила бўшашиб кет-
ди. Бироз аввалги ички хотиржамлиги Дилором-
нинг номини эшитиши билан уни тарк этган, шу
куйи у боши берк кўчага киритиб қўйилганди...
«Нималар бўлаяпти, ўзи? Қанақанги бола? Ахир,
уни Дилоромдан боласи йўқ эди-ку! Бу ҳам ано-
виларнинг навбатдаги найрангларидан бири
бўлса, эҳтимол. Ҳа, айнан шундай. Ўшанда аспи-
рантга пичоқ уриб, ичак-чавоғини қорнига осил-
тириб қўйганида бола ҳақида гап бўлмаганди-ку!
Бўлмаган гап! Дилором ҳам уларга сотилган. Ҳа,
манжалақи!»

Дилором профессорнинг хаёлидан нелар ўта-
ётганини билган ҳолда бироз кулимсирабми-ей,
унга зимдан тикилиб турарди. Эргаш Ҳайдаро-

вич бехосдан бошини кўтариб, Дилоромнинг мана шу ҳолатига кўзи тушди.

– Алдаяпсан!

– Алдасам, Худо урсин... Нон урсин...

Аниқ-тиниқ қилиб айтилган бу гап профессорнинг юрагига ўқ бўлиб санчилди ва у кутилмаганда, ёнбошига ағанаб – ҳушидан кетди!!!

* * *

Эргаш Ҳайдаровичнинг бехос ҳушидан айрилиши ҳаммани саросимага солиб қўйди. Айниқса, Соҳиб деганлари тамоман эсдан оғиб қолаёзди. У сал бўлмаса, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйдим-ми дея, роса қўрқиб кетган эди. Йўқ, ҳайриятки, стол устидаги совуқ чой Назокатнинг чапдастлиги билан профессорнинг юзига урилганди, у дарҳол ўзига келди. Шошиб қолган Назокатнинг шу тобда осмондан тушгандек пайдо бўлган Дилоромга нисбатан кин-адовати адоғсиз. У ҳамон ўзини ўнглай олмай турган бу жувонга дарғазаб бўлиб, қовоғини уйиб қарашга мажбур эди.

– Энди буни олиб чиқинг, – деб буюрди Соҳиб ҳар қандай ишга ҳозир бўлиб турган шотир йигитга қарата Дилоромни имлаб. – Мана, энди ўзимиз юзма-юз гаплашамиз. Хўш, бу ёғига нима дейсиз, ўртоқ профессор!

Эргаш Ҳайдаровичнинг қўл-оёғида дармон қолмаган эди. Унинг юзлари оппоқ бўлиб оқариб кетган, пешонасига билинар-билинемас тер тепчиганди. Лаблари қуруқшаб, бирданига арининг уясидек ғувиллаётган миясида бир савол ғужғон

ўйнарди: «Менинг ўғлим борми? Наҳотки, бўлиши мумкин эмас?!»

Худди унинг кўнглидаги гапларни ўқиб тургандек, туллак Соҳиб ҳар бир гапини дона-дона қилиб таъкидлади:

– Сизнинг ўғлингиз бор. Қуйиб қўйгандек айнан ўзингиз. Шу кунгача собиқ хотинингизни оғзидан ўзингиз эштинг деб, индамай келаётгандим. Хуллас, менинг йўриғимга юрсангиз юринг, бўлмаса, яна қайтараман, ўша ўғлингизни тушингизда ҳам кўра олмаслигингиз аниқ.

Эргаш Ҳайдарович икки ўт орасида қолганди. «Нима бўляпти ўзи бу ерда? Булар қандай ваҳший маҳлуқларки, ҳали ўзи кўриб улгура олмаган, ҳатто бу дунёда борлигига шубҳа билан қараётган норасида боласини ҳам ўртага қўйишмоқчи-а?! Шундай бедодлик, адолатсизлик ҳам бўладими?»

– Беринг, ўша дафтарни,– деб бақриб юборди профессор шаҳд ўрнидан турар экан. – Бўпти, ҳаммасини шарҳлаб берганим бўлсин!

Жаноб Дунг бу ердаги воқеа-ҳодисалар қай йўсинда авж олмасин, мана шу дақиқада яхшилик билан тугаётганини Эргаш Ҳайдаровичнинг ўнг қўлини олдинга чўзиб туришидан сизди. Хитойлик чаққонлик билан ҳалитдан буён ўзи билмаган ҳолда бағрига маҳкам босиб турган дафтарни профессор томон узатди.

– Марҳамат,– ялинчоқ оҳангда қўл узатди жаноб Дунг. Эргаш Ҳайдарович хитойлик меҳмонга нафрат билан қаради.

– Ана бу меҳмонга айтинг, менга яқинроқ ке-

либ ўтирсин,– Эргаш Ҳайдаровичнинг аччиқ билан айтган гапидан сўнг Назокат ноилож ўрнидан турди. Вазиятни изга тушаётганидан хурсанд Соҳиб дарҳол хитойликни профессор томон имлади.

– Сиз энди бу томонга ўтиб ўтирасиз,– профессор қўли билан имлаб, русчада сўзлаб, унга жой кўрсатди. – Қолганлар хонани бўшатиб қўйишсин!

Хонада зум ўтмай Эргаш Ҳайдарович билан битта диванда ёнма-ён ўтирган хитойлик меҳмону туллак Соҳиб қолди.

– Тезроқ бошланглар энди,– қисталанг қилди Соҳиб. Профессор ҳам унга хўмрайиб қаради. Шу пайт кутилмаган ҳодиса юз берди. Ташқарида кетма-кет узилган ўқ товушларига ҳамоҳанг тарзда аёл кишининг «Дод!» деб бақиргани тоғлар орасида гумбурлаб, акс садо берди. Дафтарни тиззалари устига қўйиб, аста варақлай бошлаган Эргаш Ҳайдарович ўтирган жойида ҳайкалдек қотиб қолди. Соҳиб турган жойида бир зум қулоғини динг қилиб турди-да, хонадан ўқдек отилиб чиқиб кетди. Кўзлари косасидан чиққудек бўлган хитойлик эса ўз тилида нималарнидир шивирлаб, туриб кетишни ҳам, ўтиришни ҳам билолмаётганди. Бу овоз кўпроқ Назокатникидан кўра, Дилоромникига ўхшаб кетганди. Дам ўтмай ташқарида қандайдир одамларнинг у ёқдан – бу ёққа шошиб, чопиб ўтишлари қулоққа чалинди.

Кутилмаганда Мирпўлатни кўнглини ғаш қилаётган туйғу ўзини кўрсатди. У иккинчи қаватдаги олди очиқ айвонда фаромуш бўлиб,

бошини икки қўли орасига олиб ўтирганди, тезкор ҳаракатлар билан унинг йигитларини юзтубан йиқитаётган комфуляж кийган зобитларнинг чаққон ҳаракатларидан у ўзини йўқотиб қўя ёзди. Шошиб ўрнидан туриб кетаркан, бир муддат каловланиб қолди. Чунки ҳозир ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Бир қарашда ўзининг йигитлари кимлар, кимлар бегона эканлигини англаш қийин бўлаётганди. Мирпўлат тезроқ панага ўтмаса, душман учун очиқ нишонга айланишини ҳис этиб, юраги така-пука бўлганича пастга қараб югурди. У айна дамда нима гап бўлаётганини тушуниб етиш учун кекса зобит, туллак Соҳибни қидираётганди. Аксига олиб у қорасини ҳам кўрсамаётганди.

Ҳарқалай, оромгоҳни яхши билгани Мирпўлатга қўл келиб, у торгина йўлакча бўйлаб орқага чопганича, тик қояликка олиб чиқувчи сўқмоққа қараб қоча бошлади. Аммо анчайин хомсемизлиги унга панд бериб, ҳеч қанча югурмай, нафаси томоғига тиқилиб қолди. Лекин жон ширин экан, туртина-туртина у югуришдан тўхтамас, шу кўйи у сал юқоридаги катта арча тагида турган «пистирма»га яқинлашмоқда эди.

Ниҳоят, у катта арча дарахти панасида бироз нафас ростлаш ниятида ҳансираб нафас олганича юраги така-пука бўлиб, ортига ўтирилди. Ҳеч ким уни кўрмай қолгани ростмикан? Агар шу сафар омади чопиб, омон қолса, қайтиб бундай мужмал ишга бош қўшгани бўлсин? Ўзи бошидан шу ишга оёғи тортмагани бежиз эмас экан-да! Қаерданам, шу туллак Соҳибнинг гапига кира қолди?

Кутилмаганда Мирпўлатнинг икки елкасини ботмондай оғир бир нарса босиб, уни ерга қўлатди. Ҳали нима гаплигини англаб етмаган Мирпўлатнинг қўллариغا форма кийган икки кишан чапдастлик билан кишан уришди.

– Қани, ўрнингиздан туринг, манзилга етиб келдик! – улардан бири қўрқувдан қалт-қалт титрай бошлаган Мирпўлатни секин туртиб, ўрнидан турғизди. Мирпўлат ер остидан уларга қараб оларкан, истамайгина уларнинг олдиган тушиб, оромгоҳга қайта бошлади.

Мирпўлатнинг совуқ ва ёқимсиз башарасига қараб туришдан зериккан Соҳиб пастда – ошхона атрофида куймаланаётган пайт ошхона орқасидан эшитилган кетма-кет автоматдан узилган ўқ товушидан гангиб, ошхонанинг очиқ деразасидан ўзини ичкарига ташлади. Қулоқлари динг бўлиб, атрофни кузата бошлади. Афтидан унинг йигитлари ва бу ерга ҳужум уюштирган нотаниш кучлар ўртасида аёвсиз олишув бошланганди. «Мирпўлати ҳам, хитойлик жаноби ҳам, тентак профессори ҳам, бир миллион доллари ҳам керакмас... Қандай қилиб бўлса ҳам тирик қолишнинг йўлини топишим зарур...», дея ўйларди кекса зобит. Ҳар эҳтимолга қарши чўнтагига солиб олган тўппончасини қўлига олиб, атрофни олазарақ кузата бошлади.

Шу пайт ошхона деразаси ёнидан уч-тўрт чоғли йигитлар ўта бошлаганди, у қўрқиб кетганидан шошиб ўрнидан туриб уларга қарата ўқ узди. Афсус, пала-партиш отилган ўқлардан бири оромгоҳ ичидаги вазиятни қўлга олиш мақсадида тўрт-

беш нафар йигитлар билан ичкарига кириб бораётган подполковник Отабек Мўсаевнинг ўнг қўлини тилиб ўтганди...

Подполковникнинг кўрсатмасига асосан сал олдин бу томондаги вазиятни назорат қилиши зарур бўлган капитан Суюнов бироз кечикиб бўлса ҳам, кутилмаганда ошхонанинг очиқ эшигидан ичкарига сакраб, унга орқа томони билан турган Соҳибнинг қўлидаги тўппончасига тепиб, уни учириб юборди. Шундай тезлик билан унинг юзига берилган такрорий зарбадан Соҳибнинг кўзидан ўт чақнаб, ерга ағанади. Ичкарида пайдо бўлган сержант Омонов зудлик билан унинг қўлларига кишан уриб, нарироқда ётган тўппончани қўлига олди.

Жароҳат унчалик оғир бўлмаса ҳам икки сержант подполковникни суяб, ошхона ёнбошидаги кичкина даҳлизи бор уйга олиб кириб ётқизишди. Тезда оғриқни қолдирувчи малҳам суртилиб, Отабек Мўсаевга биринчи тиббий ёрдам кўрсатилди.

– Капитан Суюнов! – оғриқдан юзлари буришиб кетган подполковникнинг овози бироз бўғилиб чиқди.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ! – капитан подполковникнинг юзига юзини босар даражада унга энгашди.

– Ҳозир ҳар бир сония ғанимат, зудлик билан жиной гуруҳнинг бу ердаги қолган аъзоларини ушлашимиз, айниқса, Мирпўлатни, хитойлик жанобни қўлдан чиқармаслигимиз лозим. Қани турдик, мен яхшиман!

– Ўртоқ бошлиқ! – Суюновнинг гапи бўғзида қолди. Сакраб ўрnidан туриб кетган Отабек Мўсаев ташқарига отилди. Капитан унинг кўп қон йўқотиб ҳолдан тойишидан чўчиётган бўлса ҳам иложсиз унинг ортидан эргашди. Улар олдин-ма-кетин югуриб боришар экан, иккинчи қаватга кўтариладиган зина тагида икки сержант деворга қараб тик қилиб қўйилган одамдан маълумот сўрашарди.

– Ўзингизни таништиринг?

– Сизлар кимсизлар? Бу қилиқларинг учун оёғимга тиз чўктираман ҳали?

Подполковник бир муддат унга синчков назарини ташлар экан, дарров таниди: бу – жиний тўда бошлиғи Мирпўлат деганларининг ўзгинаси эди.

«Нималар бўляпти ўзи? Ҳовлида бесаранжом чопганлар кимлар?» Эргаш Ҳайдарович шу саволларига жавоб топиб улгурмай, ташқарида қарсиллаган ўқ овозлари эшитилган, шундоққина уй деразалари ортидан кимлардир югургилаб ўтиб кетишарди. Ноилож қолган профессор ўтирган жойида қалтирай бошлаган хитойликка савол назари билан қаради. Ва ундан бирон садо чиқмаслигини билиб, ўрnidан турди ва эшик томонга юрди. Юрагини ҳовучлаб ўтирган меҳмоннинг кўзи кутилмаганда стол устида ётган кўк дафтарга тушди.

Эргаш Ҳайдаровичнинг ҳам шитоб хонадан чиқиб, ғойиб бўлиши унга бошқача таъсир қилдими, қалтираган қўллари билан дафтарни олди ва чор-атрофга аланглай бошлади. У шу тобда

иложини топса бирон тешикками, кавак-кандикками, кириб кетишдан ҳам тоймайдиган аҳволда эди.

Жаноб Дунг яна ўз тилида нималарнидир пи-чирлар экан, туйқус кўзи ичкарисидан занжирланмаган деразага тушиб қолди ва югуриб бориб бир итарганди, дераза ланг очилиб кетди. Ташқаридан юзига совуқ ҳаво урилди. Аммо у ҳозир ҳеч нарсани ҳис этмасди. Таваккалига у ўзини ташқарига отди...

Ташқарида ҳамма чироқлар ўчирилган, умуман нотаниш одамлар қаёққадир шошиб ўтаётганди. Эргаш Ҳайдарович ёруғ хонадан чиққани боис, ташқаридаги қоронғуликда нима воқеалар бўлаётганини кўролмас, олдинга яна қадам босгани эса юраги дов бермасди.

– Ҳой, ким бор? Нималар бўляпти, бу ерда?! – деб бақирди у қоронғулик томон. Эргаш Ҳайдарович шундоққина тахта зинапояннинг устида турганди. Кутилмаганда ёнидан комуфляж кийган, елкасига автомат осган нотаниш бир йигит ўтди ва бир дам тўхталиб, «Ичкарига кириб олинг» деди ва яна бир маромда олдинга чопиб кетаверди. Эргаш Ҳайдарович ҳангу манг бўлиб қолди.

Ногоҳ кўзи анчагина нарида турган иккита ҳарбий машинага тушди. Катта сой бўйидаги дара тепасида ҳарбий кийимдаги зобитларнинг қўлида батарея чироқлари лип-лип ўйнапти. «Демак, бу ерда ҳаммага сичқонни инини минг танга қилиб қўйган жиддийроқ бир иш бўлган» деб ўйлади у ва енгил тортиб, муздек ҳаводан ўпкасини тўлдириб нафас олди. У ярим соат ча-

маси олдин ҳис этган ички хотиржамликка қайт-
гандек эди.

– Эргаш ака,– бу овоздан Эргаш Ҳайдарович
бир чўчиб тушди ва қоронғулик қаъридан Дило-
ром чиқиб келаётганини кўрди. – Ичкарига ки-
риб туринг! Унинг овозида майин бир эркалик
бордек туюлди. Профессорнинг юрак уриши бир-
данига тезлашгандек бўлди.

– Дилором?!

– Ҳа, мен. Ҳозирча бироз ичкарида кутиб ту-
ришимиз лозим. Юринг ичкарига,– синиқ кулим-
сираб унга яқинлашган Дилором чаққонлик ила
бир ирғиб зинапоя тепасига чиқиб олди. – Ҳаде-
май ҳаммаси тугайди!

– Нималар бўляпти, мен тушуна олмаяпман?
– сўради у деярли Дилором билан юзма-юз туриб,
бутун вужуди титроққа айланиб.

– Ёмонлар ўз жазосини оляпти!

Дилором бу гапни жуда хотиржамлик билан
айтди. Бунга сари эса профессорнинг ҳайронли-
ги ортиб борарди.

– Ҳалиги...

– Уларми? – кулди Дилором. – Улар аллақа-
чон пастга қараб қочишди. Ҳозир уларни битта-
ма-битта ушлаб келишади. – Қани, юрақолинг!

– Йўқ, яхшироқ тушунтир...инг,– сенсираш-
га тили бормай, сизлади Эргаш Ҳайдарович. Ди-
лором жиддий тортди.

– Ҳаммасини ичкарида яхшилаб тушунтириб
бераман. Юринг,– профессорнинг енгидан аста
тортди Дилором.

Эргаш Ҳайдарович ҳамон қоқилган қоziқдек

бир жойда турганди. У нигоҳлари билан яна кимнидир қидираётганди. Дилором собиқ эридаги бу ҳолатнинг асл сабабини дарҳол илғаб олган бўлса ҳам билдирмасликка тиришди. Унинг енгидан қаттиқроқ тортди. – Юринг!

Профессор ноилож Дилоромнинг ортидан эргашди. Хоналарнинг эшиклари ланг очиқ, ҳатто очиқ деразадан кираётган қорнинг муздек шабадаси ҳавони совутиб, пардаларни енгил ўйнаётганди.

– Ие,– деб юборди Эргаш Ҳайдарович столга кўзи тушган заҳоти,– дафтар қани?

Дилором ялт этиб унинг кўзларига қаради.

– Ўзингизда эмасми?

– Йўқ, стол устида қолдиргандим. Анов меҳмонам шу ердайди...

Дилором ишонмагандек дам деразага, дам собиқ эрининг юзига қаради.

– Эшикдан чиқмади, чамаси. Балки... – Эргаш Ҳайдарович шундай деб дераза томонга югурди. Ҳовли ҳувиллаб ётганди...

* * *

Профессор кутилмаганда бўшашиб қолди:

– Менинг топган-тутганим ўша дафтарда эди. Тезда ановини топиб, дафтарни қўлидан тортиб олмасак бўлмайди.

Дилором бироз иккиланиб қолди:

– Қочганлар тезда ушланиб, шу ерга олиб келинади. – Дилором муҳим бир гапни айтмоқчи бўлаётгандек, бир муддат тараддудланиб турди. Кейин профессорнинг кўзларига қараб, сўзини

давом этгирди: – Сиз ҳали беҳабарсиз, мени Сирдарёдаёқ Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари топиб, вазиятни обдон тушунтиришди ва бу муаммони ҳал этишда ҳамкорликка чақиришди. Бу ердагиларнинг эътиборида бошиданоқ мен бўлганман. Ниҳоят мени қидиришди. Дафтар менда эди. Мирпўлат деганлари анови хитойликни топиб, дафтарни сиз орқали шарҳлатиб олмоқчи эканлигидан хабардор қилинганман. Ўртада жуда катта пул рол ўйнапти.

– Буёғи нима бўлади? – ҳали кўп нарсага тушуна олмаётган Эргаш Ҳайдарович Дилоромга қаради. – Наҳотки, шундай бўлган бўлса?

Дилором маъюс жилмайди:

– Замонлар ўзгариб кетган, Эргаш ака. Ҳозир кўп нарса пул билан ўлчанади. Энди буни яхшилаб тушуниб олишингиз керак.

Шу пайтда эшик ортидан кимларнидир гангур-гунгир овозлари эшитилиб, уларнинг суҳбатни узилиб қолди. Дилором гапни тўхтатиб, ортига қаради. Эшик очилиб, Отабек Мўсаев бошчилигида комуфляж кийган икки йигит Мирпўлатни қўлидан тутганича ичкарига олиб киришди.

Подполковнинг бинт билан боғланган қўлини кўриб, Дилоромнинг капалаги учиб кетди.

– Нима бўлди сизга, Шуҳратжон?

Подполковник майин жилмайди.

– Ҳеч қандай ҳавотирга ўрин йўқ, опажон. Енгил жароҳат олдим холос. Тезда ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Кейин подполковник бирдан жиддий тортиб, йигитларга кўрсатма берди.

– Бурчакка турсин! Қолганларини ҳам олиб киришлар!

Айни дамда худди хонада ҳеч ким йўқдек, Отабек Мўсаев ўз юмуши билан машғул эди.

Мирпўлатнинг қўлларига кишан урилибди. Орадан ҳеч қанча ўтмай икки кўзи қизарган Соҳиб ҳам ўша йигитлар еговида ичкарига киритилди.

Дилором подполковникка юзланди.

– Хитойлик йўқ,– ўзини деразадан ташлаб, қочиб кетибди.

Отабек Мўсаев ғамгин бош чайқади:

– У аллақачон ушланган. Қоронғуда турти-ниб, сой қирғоғига бориб қолган экан. Афсус, яқинда биринчи фарзандини бағрига босган, оталик бахтидан шодумон бўлган сержант Музаффар Фаниевни отиб қўйди...

Профессор ва Дилором турган жойларида қотиб қолишди. Икковлари ҳам ҳозир ҳали бирон марта ҳам юзини кўрмаган, аммо улар учун йигитлик умрини қурбон қилган айни навқирон ёшдаги йигитни ўйлаб, эзилишаётганди.

– Тезроқ марказга қайтишимиз керак,– Отабек Мўсаев бурчакда мунғайиб турган жиноятчиларга нафрат билан тикиларкан, худди ўзига-ўзи гапираётгандек, сўзида давом этди,– яна уч нафар йигитларимиз жароҳат олишган. Улар шифохонага ётқизилади. Музаффаржон вилоятимизнинг энг чекка туманидан эди. Унинг таъзия маросимига ҳам тайёрланишимиз зарур.

Дарҳақиқат, ўша лаҳзаларда ҳаммаёғи шалаббо, совуқдан ва қўрқувдан дир-дир титраётган

жаноб Дунг ҳам олиб келинди. Лекин ҳозирча унинг қўлларига кишан урилмаганди.

– Мен арз қиламан... Мен юртингиздаги махсус ваколатхона вакилиман,– дерди у ҳолдан тойгани учун ўтиришга жой излаб.

Подполковник қўйиб берса, уни дўппослашдан ҳам тоймайдиган бир алфозда унга яқинлашди.

– Музаффаржоннинг хунини ким тўлайди?!

Хитойлик русчалаб, дудилиб-дудилиб, ялинишга тушди:

– Отмоқчи эмасдим...

Отабек Мўсаев ўткир нигоҳлари билан унга тикилди.

– У энди орамизда йўқ!

Кутилмаганда хона бўйлаб, профессорнинг овози учиб ўтгандек бўлди.

– Дафтарни шу олиб қочган! – деб юборди Эргаш Ҳайдарович қўллари билан уни кўрсатаркан. Подполковникнинг имоси билан дарҳол хорижлик жанобнинг чўнтаклари кавлаштирилди. Унинг кастюми ички чўнтагидан кўк дафтар топилди. Чамаси, у сувга йиқилганида сувга бўккани учун дафтар ҳўл эди.

– Менга берасизми? – деди профессор Мўсаевга қараб.

– Йўқ,– дея рад этди подполковник дафтарни қўлига оларкан. – Керакли далилий ашёлардан бири ана шу дафтар. Буни сира йўқотиб бўлмайди. Шу боис ҳозирча уни ўзимда сақлайман.

Дилором профессорга қаради. Эргаш Ҳайдарович эса Соҳибдан кўз узмай, нафрат билан унга қараб турганди.

– Яна озгина кеч қолганимизда сизларни битта-битта тинчитиб, бирон овлоққа кўмиб юборишдан ҳам тойишмасди,– дея Отабек Мўсаев бир-бир бурчакда шумшайиб турганларга кўз ташлади. – Хўп, ажойиб бизнесни бошлаган экансиз-а, «Босс!»

Мирпўлат ёнбошига ўгирилди.

– Ҳаммаси бўхтон. Ҳали исботлаш керак...

– Исботларимиз етарли. Мана, қаршингиздаги одам – Соҳиб Назаров деганлари сиз режалаштирган театрда бош рол ижрочиларидан бири эди. Хўш, шундайми?

Соҳиб тақдирга тан бергандек, бор-будини қиморга ютқазиб, хонавайрон бўлган одамдек жим тураверди.

Шу пайт хонага яна бир барваста одам кириб келди. Ўзига яраша салобати босадиган ўша кишини кўриб, подполковник қаддини ғоз тутди.

– Ўтирганларнинг эътиборига бир гапни айтиб қўйишим зарур,– деб бурчакдагиларнинг ёнига бориб, гап бошлади нотаниш киши. – Соининг этак қисмидан бир аёлнинг жасади топилганди. Маълум бўлишича, у аёл аввал отиб ўлдирилиб, сўнг сувга ташлаб юборилган. Унда сал юқорида эса икки эркакнинг жасади топилган, ҳозир уларнинг шахси аниқланмоқда. Умуман соининг юқори қисмида жиддий текширув ишлари олиб борилади. Бошқа гумонларимизнинг ҳам тасдиқланиш эҳтимоли бор.

Турган жойида Соҳиб безовта қимирлаб қўйди. Мирпўлат эса зимдан, ўғринча унга кўз ташлади.

– Ҳа, ўша аёлнинг шахси аниқланганини, у аслида қандай ишлар билан шуғулланиб юрганини ҳам айттайми? – деди яна ўктамлик билан ҳалиги барваста киши. – Мастура Нурматова! Бошқача айтганда, Мастура далли, вилоят марказидаги шаҳарнинг олди қўшмачиларидан бири бўлган. Бир ой аввал шу жойга келтирилган. Хўш, у нега ўлдирилди.

У кутилмаганда картани очиб ташлаганди.

– Ифлос! – деб бақариб юборди Мирпўлат Соҳибга қарата.

– Мана, исботи, – деди икки қўлини ён томонга ёзганича Отабек Мўсаев. – Бундан ортиқ исботнинг кераги йўқ.

Нотаниш киши ташқарига имлади.

– Хўп, анови йигитни олиб киринглар...

Мирпўлат ҳам, Соҳибу профессор ҳам «Ким экан у?» деган маънода эшикка кўз тикишди. Зум ўтмай ҳеч ҳам ошхонадан чиқмайдиган, чақирилганида бошини чиқариб «Ҳа» дейдиган йигитнинг ўзи кириб келди.

Йигит кулимсиради.

– Танишиб қўйинглар, миллий хавфсизлик хизмат ходими, капитан Мардонов. Бу ерда «ошпаз» лақаби билан танилган. Бир йилдан бери хизматда.

Мирпўлатнинг оғзидан илон вишиллаганидек овоз чиқди. У кутилмаганда Соҳибнинг устига ташланди.

– Ўлдираман, ярамас!

Уларни махсус хизмат ходимлари зудлик билан ажратиб олишди. Мирпўлат Соҳибнинг

бўғзига чанг солган, у эса бармоқ излари билиниб, қизариб кетган томоғини зўр бериб силарди.

– Сенинг тавсиянг билан олинганди. Ҳамма сиримни ошкор қилиб бўлибсан-ку! – бўкириб юборди Мирпўлат.

– Хўп, мана қисқа танишувимиз мароқли ўтди, чамаси. Энди ҳаммамиз машиналарга ўтириб, пастга – шаҳарга тушамиз. Қолган гаплар ўша ерда гаплашилади,– ҳалиги барваста одам Отабекка ва йигитларга «буларни олиб чиқинглар» деган маънода имо қилди. Фуқаро кийимидаги бу барваста одам Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси бошлиғи, генерал-подполковник Хўжаусмон Хўжамбердиев эди.

Отабек Мўсаев дастлаб профессорнинг ёнига келди.

– Ҳа, хижолат бўлманг, Назокат опа ташқарида, машинада ўтирибди. Сиз ўртоқ профессор маълум муддат бизнинг назоратимизда бўлишингиз керак. Ҳамма ишлар поёнига етгач, сизга руҳсат берилади. Ишонамизки, сизда айб йўқ...

Кейин бир қадам ташлаб, Дилоромга яқинлашди. Мулойимлик билан унга миннатдорчилик билдирди.

– Дилором опа, эртага сизни Сирдарёга элтиб қўйишади. Алишербек ўғлингиз сизни соғиниб қолган бўлса керак.

Эргаш Ҳайдарович ҳали бирон марта кўрмаган, ҳатто қиёфасини ҳам тасаввур эта олмайдиган ўғлининг дарагини эшитиб, тез-тез ютиниб олди.

– Дилором... хон! Сиз, демак, Сирдарёга...

Хўп, мен Назокатхоннинг олдига чиқай, – Эргаш Ҳайдарович илдам қадамлар билан ташқарига йўналди. Дилоромнинг ичида қандайдир бир нарса чирт этиб узилгандек бўлди. Чунки, у энди ўғли туфайли эри билан узилган ришталарни боғлашга умид қилаётганда, уни яна йўқотиб қўйишини англаб турганди.

Профессорнинг хотиралари азоб берса-да, унинг учун Дилором томонга бошқа йўл йўқ эканини тушуниб, аммо тезроқ ўғлини бир кўриш илинжида ажин тушиб улгурган мижжаларига кўз ёшлари қалқиб чиқди...

– Юринг, Дилором опа, – деди подполковник хонада икковидан бошқа ҳеч ким қолмагач, бу сафарги иш ҳам ниҳоясига етганидан енгил тин олиб. – Ҳаммаси режалаштирилганидек ниҳоясига етганидан хурсандман, албатта, баъзи кўнгилсизликларни ҳисобга олмаганда...

Дилором меҳр билан подполковникка тикилди.

– Жиноятчиларга қандай чора кўрилади?

– Ҳозир уларни бошқармамининг вақтинча сақлаш ҳибсхонаси – махсус ертўласига олиб борамиз. Ҳаммалари алоҳида-алоҳида хоналарга жойлаштирилади. Аввало, хитойлик масаласида мамлакатимиздаги Хитой элчихонаси вакиллари билан музокаралар олиб борилади. Ахир, у олдинги ишларининг жиноятга нечоғли алоқадорлигидан ташқари қонунга хилоф равишда одам ўлдирди! Кейин барча масалага батафсил суриштирув ва тергов ишлари аниқлик киритади.

Подполковник гурур билан гапирар экан, Ди-

лором ич-ичидан бу соҳанинг фидойи ходимларига раҳматлар айтаётганди. Чунки улар туфайли Дилором дунёга бошқача меҳр кўзи билан қарай бошлади. Майли, профессор у билан бирга қолмаса ҳам унинг шу дунёда тирик ва хотиржам юрганини ҳис этиб турса бўлгани... Насиб қилса, меҳр ва қондошлик ришталари Алишерни бир кун келиб, дадаси билан учраштира, ажаб эмас...

Отабек Мўсаев бироз оғриқ бераётган қўлига қараб олгач, Дилоромга «кетдик» дегандек имо қилиб, ташқарига юра бошлади. Бироз юргач, муҳим бир гап эсига тушгандек ортига ўгирилди.

– Ахир, ўғлингиз Алишерга сизни эсон-омон қайтишингиз учун ваъда берганман!!!

* * *

Орадан узоқ йиллар ўтган, анча сувлар оқиб кетган эди...

Шу боис профессор умрининг маълум бир йиллари ўтган, гоҳ қувонган, гоҳ эзилган кунларини ёдга солувчи кадрдон гўшаси сари Назокатнинг ҳамроҳлигида қадам ранжида қилар экан, қувонч ва аламдан кўзлари жиққа ёшга тўлди. Унинг ҳозирги аҳволини жуда яхши тушуниб турган Назокат ҳам таскин-тасалли учун сўз тополмас, ўзи ҳам овозини чиқара олмай, энтикиб-энтикиб йиғларди, холос.

Бир қарашдаёқ уй кўп вақт мобайнида қаровсиз қолиб кетгани кўриниб турибди: уй деворлари нураб, тулаб кетган... ҳамма нарса тартибсиз

сочишиб ётган... Бу ерда моҳир бир устанинг қаттиқ меҳнатига катта эҳтиёж сезилиб турарди. Шундай бўлса ҳам профессор уйнинг деярли ҳар бир жиҳозини кўзига суртиб, искаб, юзларига босиб чиқди... Уларнинг ҳар бири унинг учун худди бир пайтлар ташлаб кетган фарзандлари – дилбандларидек суюкли, қадрли туюларди.

Назокатнинг укаси ва келини аввал у ерни тартибга келтирайлик, бир муддат бизникида тура турунлар, дейишига ҳам қарамай, профессор эски уйимга кетаман деб туриб олди. Ноилож қолган ёшлар бир сидра кўрпа-тўшак, бозор-ўчар қилишиб, уларни бу ерга ташлаб кетишди.

Аммо пайт пойлаб, Олимжон опасининг олдидан ўтиб қўйишни унутмади.

– Опа, буёғи ўзбекчилик, боши очиқ бир аёлни оиласиз эркак билан бирга туриши турли гап-сўзларга сабаб бўлиши мумкин.

Назокатнинг ўзи ҳам аслида бу борада укаси ва келинидан хижолат бўлаётган, анчадан бери профессорда кўнгли бўлган бўлса-да, оғир кунларда Яратганнинг ўзи уларни бирга қилгани унинг қатъий бир қарорга келишига сабаб бўлганини айтишга ийманаётган эди. Аммо улар умри ўтиб бораётган опаларининг кўнглига қарашди, чоғи, ортиқча эзмаланиб ўтиришмади. Қолаверса, айни пайтда ҳаётнинг турфа синовларидан зада бўлган профессор учун ёнида Назокатдай меҳрибон бир аёл бўлиши жуда керакдай туюлаётганди.

Хуллас, шу тариқа Эргаш Ҳайдарович ва Назокат профессорнинг тўлаб кетган эски ҳовлисидан кўним топишди. Уларни бу ерга кўчириб ке-

лар экан, Олимжон бугун-эрта усталар иш бошлаши, уй бир қатор таъмирдан чиқарилишига кўмаклашини айтиб, эртагача хайрлашиб кетди.

Аслида профессор билан Олимжон кеча Назокатдан яширинча ўзаро келишиб олишган. Бугун-эрта ҳовли бироз тартибга келтирилгач, беш-ўн чоғли оқсоқолларни йиғиб, шаърий никоҳ ўқитилади, хатми қуръон қилинади. Бу ҳақда Эргаш Ҳайдаровичнинг ўзи ҳоли қолишгач, Назокатга яхшилаб тушунтирадиган бўлди.

Улар яна ёлғиз қолишди... Аммо ҳозир профессор бор дунёни унутган, ёнида Назокат борлигини ҳам эсидан чиқариб, келганидан буён худди ёш болалардек ҳовлидаги ҳар бир нарсага қайта-қайта ҳайрат билан тикилишини қўймасди. Шу лаҳзаларда профессорнинг ич-этини кемираётган бир туйғу ҳам унинг юз-кўзларида акс этар, бу ҳақда юрак-юракдан ҳис қилиб турган бўлса ҳам Назокат бир нарса дейишга ботина олмай, қийналарди.

Ниҳоят, профессорнинг ўзи тилга кирди.

– Назокатхон, хўп десангиз, сизни шу кўримсиз уйнинг чиройли бекаси бўлиб қолишингизни жуда-жуда иштайман. Бундан буён менга сизнинг самимий меҳрингиз, парваришингиздан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Сиз ёнимда бўлсангиз бу дунёда мендан бахтли одам бўлмайди. Чунки энди мен учун ортга йўл йўқ. Агар сиз лозим топсангиз, вақти-вақти билан...

Профессор афтидан нима дейишни билмай, бир муддат дудуқланиб қолди.

Кейин ўзига болаларча беғуборлик билан тер-

мулиб турган Назокатга кўзи тушиб, бу аёлдан бирон норозилик бўлмаслигига кўзи етди шекилли, дилидагини тилига чиқарди.

– Ўғлим Алишерни баъзи-баъзида кўриб туришим мумкин!

Назокат индамай, профессорга яқинлашди. Оромгоҳда одатга айланиб қолганидек, қўлларини юмшоқ ва иссиқ кафтлари орасига олди, худди анчадан буён кўришмаган одамдай, қаршисида ўзига мўлтираб турган кўзларга узоқ тикилиб қолди.

– У сизнинг ўғлингиз, мен ҳам ўз фарзандимдек қабул қиламан, ташлаб қўймаймиз, албатта. Алишербекка оталик меҳри, эркаклик тарбияси жуда-жуда зарур.

Профессор майин жилмайди.

– Майли, сиз нима десангиз шу бўлади.

Орага яна ноқулай жимлик чўкди.

Аммо шу тобда кўзларини маҳкам юмиб олганича энтикиб-энтикиб нафас олаётган, ширин хаёллар оғушида ўзини жуда ҳам хотиржам ҳис этаётган Эргаш Ҳайдарович қўйиб берса, қанот чиқариб кўкка парвоз қиладигандек енгил эди... Ҳа-ҳа, ишонаверинг, айна шу дақиқаларда у осмону фалакка кўтарилади, ёнида эса ғаму ғуссалардан озод гулойими – Назокати бўлади!!!

Т а м о м.

Адабий-бадиий нашр

Хусанбой КАРИМОВ

ЧЎҚҚИДАН ОҚҚАН КЎЗ ЁШЛАР

Детектив қисса

| | |
|------------------|---------------|
| Муҳаррир: | М. Иброҳимова |
| Техник муҳаррир: | С. Жўраев |
| Саҳифаловчи: | У. Жабборов |
| Мусахҳиҳ: | Т. Акбарова |

Теришга берилди 2008 йил 18.04. Босишга рухсат этилди:

2008 йил 27.05. Нашриёт босма табағи 19,0.

Шартли босма табағи 17,75. Бичими 54 x 84 ¹/₁₆.

Адади 3000 дона. Буюртма № 282.

Баҳоси келишилган нархда.

«ФАРФОНА» нашриёти.

150114, Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 28.

«Toshkent tezkor bosmaxonasi» МЧЖ да чоп этилди.

100200. Тошкент. Радиал тор кўчаси 10 уй.

